

- NASR
- NAZM
- DRAMATURGIYA
- MUMTOZ ADABIYOT
- YOSHLAR DAFTARI
- JAHON ADABIYOTI
- ESTETIKA
- SAN'AT FALSAFASI
- ADABIYOTSHUNOSLIK
- SAN'ATSHUNOSLIK

# Шарқ Юлдузу



# Sharq yulduzi

## Унутилмас лаҳзалар



**Матназар АБДУЛҲАКИМ**  
(1948 – 2010)

**J**Alisher Navoiy  
nomidagi  
O'zbekiston MiK

# Шарқ юлдузи

Адабий-бадний, илмий, ижтимоий-сиёсий журнал

1931 йилдан чиқа бошлаган

## ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ

Муҳаммад Али  
Кенгесбой Каримов  
Энахон Сиддикова  
Иқбол Мирзо  
Қаҳрамон Қуронбоев  
Жумакул Қурбонов  
Фармон Тошев  
Ислом Ёқубов  
Умарали Норматов

Хайриддин Султонов  
Сирожиддин Саййид  
Меҳрибон Абдурахмонова  
Йўлдош Солижонов  
Тоштемир Турдиев  
Шухрат Маткаримов  
Адхамбек Алимбеков  
Жамолиддин Муслим



Бош муҳаррир в.б. — Сирожиддин Рауф

Масъул котиб — Бахтиёр Олломурод

Наср бўлими мудири — Рисолат Ҳайдарова

Назм бўлими мудири — Иқром Отамурод

Адабиётшунослик бўлими мудири — **Аъзамхон Қозихўжа**

MAJBURIY NUSXA

"12" 10 2017 й.

## УШБУ СОНДА:

НАЗМ

Гавҳар ИБОДУЛЛАЕВА



ҚУЁШ ЭРУР  
СИЗНИНГ СЕВҒИНҒИЗ

Орамизда масофалармас –  
Мен кутиб, сиз келмаган йиллар.  
Биз дунёдан сир тутган туйғу,  
Дунё бизга очмаган сирлар.

НАСР

Шухрат МАТКАРИМ



ОҒРИҚ

Хикоя

Оғрик бадани, руҳини лиммо-лим тўлдириб қўйган.  
Ҳаётида бошқа нарса колмади. У ва шу дард. Бир-  
бирининг белидан олиб туришибди. Бошқа ҳамма  
кувончу ташвиш, муаммою масалалар бир четга сурил-  
ган. Оғрик унинг ёлғиз хўжайинига айланишга урина-  
ди. У эса бақадр хол қаршилик кўрсатишга уринади.

ИЖОДИЙ КЕНГАШЛАР

Собир ЎНАР



"АДАБИЁТИ ЖСИМ ШУРҒАНИ ИҶҚ..."

Мажоз деймиз, хайвонлар, нарсалар, қушлар тилидан  
гапириш бор, лекин уларни ўқувчи онгига етказиб бе-  
рувчи ёзувчи сўзи қандай бўлиши зарур? Шундай тушу-  
нарсиз ифодалар, зўраки жумлалар, ғализ бирикмаларни  
шу ҳолича китобхонга ҳавола этсак, сўнг у тушунмаса,  
маъносини чақолмаяпти деб айблашимиз керакми?

Муҳаммад АЛИ

ДРАМАТУРГИЯ

ҲИНДИСТОН МАЛИКАСИ  
тарихий драма  
("Рамаяна" эпоси мотивлари асосида)

Эгатдан чиқди бир ҳурлиқо қиз!  
Ҳайратдан кўзимга ишонмай қолдим,  
Наҳотки, фарзандлик бўлдим мен, наҳот?  
Унинг сўнг ўзимга қиз қилиб олдим,  
"Сита", яъни "Эгат" дея қўйдим от...



Эркин САМАНДАР

НАЪМ

МЕНИНГ ЮРАТИМДА  
БОРДИР СУВРАТЛАР

Рўпарамда улкан бир ҳаёт,  
Бахтим турар шундоқ қошимда.  
Бир қуш каби халёллар бот-бот,  
Чарх уради бугун бошимда.



Муҳаббат САФОЕВА

УНВАТМАС МЕНИ БОҒИМ

БИР ҲУСҒУҶИ БЕҲИ  
Эссе

Уч-тўрт йил ҳеч нарса ёзолмадим. Бир куни бо-  
риб, бошимни ердан кўтармай устознинг каршисида  
ўтиравердим. Улар ҳам бир оғиз сўз демасдилар. Мун-  
киллаб, қариб қолган катта қоп-қора диван ўтири-  
шимиздан норозидай ғижир-ғижир товуш чиқариб  
кўярди ҳар замонда.



Муҳаммад Раҳимхон ФЕРУЗ  
(1845–1910)

## **Мунаввар оразинг чун моҳи анвар**

\* \* \*

Тараххум айлагил, эй шўхким, ишқ ичра зорингман,  
Гирифтори каманди тору зулфи мушкборингман.

Кўнгулда қолмайин бир зарра чоқлиғ тоб ила токат,  
Юзунг хуршиди хижронида тун-кун бекарорингман.

Кел, эй лайли вашимким, базми васлинг орзу айлаб,  
Бало даштида кезган ошиқи мажнуншиорингман.

Кўзумни айла равшан меҳр янглиғ оразингдинким,  
Бўлубтур тийра, асру торта-торта интизорингман.

Мурувватдур муқарраб даргахингдин айламак маҳрум,  
Маниким, маҳрами рози ниҳону ошкорингман.

Жафо тошин уриб кўб, қилмоғил мажруҳ бошимким,  
Вафо боғида бутган бир ниҳоли мевадорингман.

Нигоро, ижтиноб этмак недур ман зори хайрондин –  
Ки, сансан бир гули хандон, мани бечора хорингман.

Манга айлаб лаболаб дамбадам соғар тут, эй соқий,  
Кўлингдин бода ичмай, муддатедурким, хуморингман.

Агарчи бахти Феруз ила даврон шохиман, лекин  
Сенинг, эй ҳусн амири, бандаи безътиборингман.

\* \* \*

Қилурман ютуб шавқи лаълингда қон  
Фигону, фиғону, фиғону фиғон.

Юзинг то мани зордин айладинг  
Ниҳону, ниҳону, ниҳону ниҳон.

Кўзумга коронғудур ондин бери  
Жахону, жахону, жахону жаҳон.

Тиларман кўзунг фитнасиндин мудом  
Омону, омону, омону омон.

Эрур кошларинг ишк эли қатлиға  
Камону, камону, камону камон.

Гули хуснунгга етмасун даҳрдин  
Хазону, хазону, хазону хазон.

Кел, эй шўх Феруз кўксини қил  
Макону, макону, макону макон.

\* \* \*

Юзунгдур, эй париваш, ҳусн буржининг тўлин мохи,  
Ики кошнинг хилоли ийд янглиғ борча дилҳохи.

Санга монанд эмастур ҳеч ким хайли башар ичра,  
Малаксан ё парилар сарвари, эй хўблар шохи.

Куёшдек ораз ичра сирри оғзинг уйла мубхамдур –  
Ким, онинг хурдабинлар зарра янглиғ эрмас огохи.

Фирокинг ичра холим шиддатин, жоно, билай десанг,  
Анга икки гувоҳ – кўзёши бирла чехраи қохи.

Жамолинг шамъи бирла тийра кулбам қилғоли равшан,  
Не бўлғай, юз очиб ёнимға келсанг раҳм этиб гохи.

Эрур Яъқубдек икки кўзум йўлинг уза гирён,  
Кўнгулга бўлди бир ой Юсуфим то бағбағанг чохи.

Не бўлғай, эй суманбар, раҳм этиб Феруз ҳолиға,  
Мудом ўлсанг онинг икболидек ёнида ҳамроҳи.

\* \* \*

Аё, берахми, хўбони замона,  
Мани хижронда қўйма жовидона.

Санга арз айларам рози дилимни,  
Эшит арзимни кўргузмай баҳона.

Висолингда бўлуб агёр хушхол,  
Мани ҳажринг ғами еткурди жона.

Ҳаданги ғамзанга жисми низорим,  
Тараҳҳум қилмай, айларсан нишона.

Не бўлғайким, сўруб Феруз холин,  
Агар бўлсанг анга ёри ягона.

\* \* \*

Оҳким, бир дилрабо ишкиға дучор ўлмушам,  
Холин истаб, доми зулфиға гирифтор ўлмушам.

Лаълидин ўпмак тилаб, топмай муроду максадим,  
Новаки мужғони бирла сийна афгор ўлмушам.

Ҳар неча васлин тилаб, жон жавҳарин килсам фидо,  
Топмай онинг илтифотин дийда хунбор ўлмушам.

Бир тараххум айламас холим кўруб ул сангидил,  
Оллох-оллох, мубталойи бўйла дилдор ўлмушам.

Равшан этмак истабон хоки кудумидин кўзум,  
Ёстонибон йўли узра туфроқосор ўлмушам.

Оҳким, айлар манга ҳар кун итоб узра итоб,  
Билмай онинг боисин кўб холи душвор ўлмушам.

Зарра янглиғ изтироб этсам нетонг Феруздек,  
Гар куёш рухсори дилбар ишкида зор ўлмушам.

\* \* \*

Сайри боғ этсанг агар, эй сарви қадду гулбадан,  
Сарв аёкинға қўяр бош, чок этар гул пираҳан.

Айламассан раҳм олтундек руҳи зардим кўруб,  
Дилраболик расми бу навъ ўлғаму, эй сиймтан?

Кўрса рафторингни гар боғ ичра қабки хушхиром,  
Банда бўлғай жилваи қаддингға ул, андоқки ман.

Шона олиб, юз уза зулфинг паришон айлагач,  
Ер юзин килди муаттар бўйи райҳону суман.

Бўлмағай озурда ниши кирпичимдин деб танинг,  
Кўрқарам, гар кўз уйин мардум киби қилсанг Ватан!

Оразинг боғида икки наргисинг кўрган киши  
Дерки, Чин гулзори ичра кирмиш охуйи Хўтан!

Базми васлинг ичра маҳрам айлагил Ферузни,  
Чунки хижронингда ул бечора чекмиш кўп миҳан.

\* \* \*

Солди олам ичра ғавғо, эй малаксиймо кўзунг,  
Дину иймонимни торож айлади тарсо кўзунг.

Мен нечук жон асрағайман кўзу кошнинг оллида,  
Ё кошнинг олғусидур жонимни бир кун ё кўзунг.

Жон фидо килсам агар, лутф айлаб, этмас бир нигоҳ,  
Ваҳ, нечук бераҳм эрур, эй орази хумро, кўзинг.

Жон берурда лабларинг килса табассум ногаҳон,  
Қатлима мужгонинг ўқ айлар қошингни ё кўзунг.

Жаврини ортукрок айлар дам-бадам ушшоқға,  
Турфа золим халк қилмиш холиқи ашё кўзунг.

Бўйнунга солиб кўлумни, қошингга қурбон ўлуб,  
Гул юзунг, майгун лабинг ўпсам, гоҳи шаҳло кўзунг.

Ҳар неча изхори ажз этсам агар Феруздек,  
Ортук айлар зулмини, кам айламас асло кўзунг.

\* \* \*

Қадинг хажрида, эй хури паризод,  
Қилурман қумри янглиғ нола бунёд.

Даме бу ҳолима айлаб тараҳҳум,  
Висолинг базмида қилгил мани шод.

Мунаввар оразинг чун моҳи анвар,  
Эрур зебо қадинг чун сарви шамшод.

Жафо таркин тутуб ман нотавонға,  
Ҳазин кўнглумни ғамдин айла озод.

Эрур ҳар кирпикинг бир новаки ханжар,  
Кўзинг жон олгучи барҳам жаллод.

Не бўлғай бир кеча элдин ниҳоне  
Хиром этсанг қилиб Ферузни ёд.





**Пўлат БОБОЖОНОВ**

## **СЎЗ ҚАДРИНИ БАЛАНД ТУТГАН ЭЛ**

Хоразм аҳли азалдан ўз қадрини ва сўз қадрини юксак тутиб келади. Бетакрор шоир Муҳаммад Ризо Огаҳий ҳам “Билмаган сўз қадрини, не билгуси ўз қадрини”, деган сатрини бежиз битмаган. Назаримда, бу сатрни “берилган сўз – ваъдани қадрламаган ўз қадрини билмайди”, деб талкин қилиш ҳам мумкин. Бугун вилоятимизда амалга оширилаётган ишлар, режалаштирилаётган дастурлар мамлакатимизда амалга ошаётган хайрли тadbирларнинг, ижтимоий-иқтисодий соҳадаги ислохотларнинг бир қанотидир. Ким бўлишидан қатъи назар, ҳар бир юртдошимизнинг ўз ўйи, ўз режаси бор. Уларнинг ҳар бири бугунги ижтимоий-сиёсий жараёнлардан четда қолмай, юртимиз равнакига ўз улушини қўшмоқда. Ҳеч иккиланмай айтиш мумкинки, бу оммавийлик янги Ўзбекистон тарихидаги алоҳида аҳамиятга молик ҳодисадир.

“Қарс икки қўлдан”, – дейди доно халқимиз. Юртимизни юксак ривожланган мамлакатга айлантириш йўлида меҳнат қилаётган эkanмиз, аввало халқимиз, жумладан, деҳқонлар, зиёлилар ва тadbиркорларнинг сўзини тинглашимиз зарур. Уларни қандай муаммолар безовта қилаяпти, олдинга юришга нималар тўсиқ бўлаяпти, ҳаётимизни янада фаровонлаштириш учун яна нималар қилишимиз лозим, деган масалалар айни пайтда изчиллик билан ўрганилиб, жойларнинг ўзида, тез ва соз ҳал этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 27-28 январь кунлари Хоразм вилоятига қилган ташрифи давомида ташкил этилган халқ қабулхоналарини бориб кўрди, деҳқонлар ва тadbиркорлар, зиёлилар, вилоят фаоллари билан учрашди, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича тасдиқланган Ҳаракатлар стратегияси доирасида Хоразм вилоятида амалга оширилиши мўлжалланган қатор лойиҳалар билан танишди.

Ушбу муҳим ҳужжатлар қабул қилинганидан кейин ўтган қисқа вақтда вилоятнинг sanoat соҳасига 300 миллион АҚШ долларидан зиёд инвестиция маблағлари жалб қилинди. Янгидан тўрт юз ўттиздан ортиқ энг замонавий ишлаб чиқариш қувватлари барпо этилди. Бу лойиҳалар шу пайтгача ишга солинмаган имкониятлардан фойдаланиб воҳада етиштирилаётган маҳсулотларни замонавий асосларда қайта ишлаш, экспортга йўналтириш учун зарур инфратузилмаларни яратиши

---

*Пўлат БОБОЖОНОВ – “Дўстлик” ордени соҳибى. Ўзбекистон Олий Мажлиси Сенати аъзоси. Хоразм вилояти ҳокими. 1961 йилда туғилган. Тошкент давлат университетини тaмомлаган. Қўллаб ижтимоий-иқтисодий мавзудаги публицистик мақолалари матбуотда эълон қилинган.*

бўйича маҳаллий тадбиркорларнинг ташаббусларини қўллаб-қуватлаш, туризми, маҳаллий саноатни, маиший хизмат кўрсатиш ва ижтимоий соҳани янада ривожлантириш натижасида қўллаб янги ишчи ўринлари очилиши билан ҳам аҳамиятлидир.

“Ҳазорасп” эркин иктисодий зонаси, Урганч-Хива йўналишидаги темир йўл қурилиши, туризми ривожлантириш бўйича Хива шаҳрида амалга оширилаётган лойиҳалар шуларнинг энг йирикларидандир.

Бугун Хоразмда енгил автомашиналар, замонавий экскаваторлар, йўл қурилиши бульдозерлари, автомобиль эҳтиёт қисмлари, мотоцикл ва мопедлар, саноат совутичлари, маиший музлаткичлар каби вилоятимиз учун янги бўлган ўнлаб турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши ўзлаштирилди.

Булардан ташқари Ҳазорасп туманида 5 минг тонна ип-калага ишлаб чиқаришга ихтисослашган енгил саноат мажмуаси, Қўшқўпир, Хива, Урганч туманларидаги фармацевтика, Янгиарик ва Шовот туманларида терини қайта ишлаш корхоналарини бунёд этиш жадаллик билан олиб борилмоқда.

“Mem gilan” хорижий корхонасида инфузион қоришмалар, ампулалар, таблетка ва капсулалар ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда. Ушбу лойиҳанинг умумий қиймати 29 миллиард сўмни ташкил қилади. Худудда бундай фармацевтика корхонаси йўқлиги боис янги қувват дори воситалари нархини арзонлаштиришга хизмат қилади. Бундан ташқари, йилига 3,8 миллион долларлик маҳсулотни экспорт қилиш режалаштирилган.

Шунингдек, Урганч шаҳрида фаолият олиб бораётган “Darital shoes” масъулияти чекланган жамияти шаклидаги корхонада ишлаб чиқарилаётган пойабзаллар дизайни ва сифати билан харидорларга манзур бўлмоқда. Ўтган йили эркаклар, ўсмирлар ва болалар учун 28 минг жуфт оёқ кийим ишлаб чиқарилди. Олтмишдан зиёд ишчи меҳнат қилаётган корхона маҳсулотлари гигиеник ва мувофиқлик сертификатига эга.

“Хива Карпет” кўшма корхонаси негизда Ташки иктисодий фаолият Миллий банки молиявий кўмагида ташкил этилган “Хоразм гиламлари” масъулияти чекланган жамияти эса йилига бир миллион квадрат метр гилам тайёрлаш қувватига эга. Бу ерда гиламчилик бўйича жаҳоннинг етакчи давлатлари иш тажрибалари чуқур ўрганиляпти. Ташки бозорда гилам маҳсулотларига бўлган талаб таҳлил этиб борилади. Бу юқори сифатли, бежирим маҳсулотлар рақобатбардошлиги ва экспортбоплигини оширишга хизмат қилмоқда. Корхонада меҳнат қилаётган 200 ишчининг маълум қисми касб-хунара коллежларини битирган ёш мутахассислардир.

Қурилиш ва ободонлаштириш борасида ҳам диққатга сазовор ишлар бажарилмоқда. Урганч шаҳар Бош режасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарор доирасида 1 трлн. 300 млрд. сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди. Янги кўпқаватли турар жой бинолари, коттежлар, юзлаб ишлаб чиқариш, маданий ва маиший объектлар, боғлар, ўқув муассасалари қад ростлади, кўча ва маҳаллалар гулзорларга айлантилди.

Шу ўринда вилоятимизда аграр соҳани ривожлантиришга қаратилган қатор ишлар назарда тутилганини айтиш даркор. 2017 йил 3 апрелда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Хоразм вилоятида паррандачиликни янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинган эди. Қарорда Хоразм вилоятида паррандачиликни замонавий технологиялар асосида янада ривожлантириш, ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва аҳоли эҳтиёжларини таъминлаш, паррандачилик ташкилотлари ҳамда наслчилик хўжалиklarининг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар ўз ифодасини топди, жумладан, “Хоразм наслли парранда”

паррандачилик мажмуини ташкил этиш режалаштирилди. Паррандачилик мажмуининг асосий вазифалари вилоятда инкубацияларда жўжа етиштириш (йилига камида 1 миллион бош) ва тухум олиш учун бокиладиган камида 200 минг бош товуқни парваришлайдиган паррандачилик мажмуасини ташкил этишдан иборат бўлиб, бошлангич босқичда – 2017 йилда Хива туманида дехкон хўжаликлари ва аҳолини ёш паррандалар (ўрточа 100 бошдан), кафас ва омукта ем билан таъминлаш механизмини жорий этиш, кейинчалик – 2018-2019 йилларда ушбу тажрибани вилоятнинг бошқа туманларида ҳам йўлга қўйишни назарда тутати.

Қадимий Хоразм дехкончилик мактабини илмий асосда ўрганиш, қовунчилик ва боғдорчиликни ривожлантириш борасида ҳам тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Яқин йиллар ичида вилоятдаги олти ярим минг гектар, самара бермаётган эски боғлар ўрнида бир ярим минг гектар тоқзор ва тўрт ярим минг гектар интенсив боғлар ташкил этилади. Урганч ва Янгибозор туманларида икки минг гектардан, жами тўрт минг гектар пахта майдонлари қискартирилиб, уларнинг ўрнида қовунчилик ва сабзавотчилик фермер хўжаликлари ташкил этилади.

Янгидан ташкил этилган фермер хўжалиklarининг ички бозордан ортган маҳсулотларини қайта ишлаш, экспортга йўналтириш учун Богот туманида йилига икки минг тонна узумни қайта ишлаш қувватига эга “Хоразм узум савдо”, Хива туманида йилига минг тонна мева ва сабзавот қуритиш қувватига эга “Жамол юлдуз савдо сервис” каби бир неча корхоналар ташкил этилади.

Ҳозирда Урганч туманидаги “Хоразм қовунлари” масъулияти чекланган жамиятида қовуннинг бир неча нави етиштирилиб, маҳсулотни Жанубий Корея давлатига экспорт қилиш йўлга қўйилган. Замонавий музлатиш жихозлари қовуннинг кўриниши ва мазасига зарар етказмаган ҳолда узок муддат сақлаш имкониятини беради.

Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий соҳада ҳам бир талай ишлар амалга оширилмоқда. Президентимиз вилоятимизга келганда Республика ихтисослаштирилган кардиология марказининг Хоразм филиали фаолияти билан ҳам танишди. Филиал фаолиятини янада яхшилаш бўйича фикр ва тавсияларини билдириб, шифохона негизда Россиянинг А.Бакулев номидаги юрак-кон томир жарроҳлиги илмий-амалий маркази филиалини ташкил этиш юзасидан топшириқлар берди. Мазкур шифохона келажакда Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм ва Бухоро вилоятлари аҳолиси учун минтақавий марказ бўлиши кўзда тутилган. Марказ чакалоқларда учрайдиган юрак нуқсонларини аниқлаш ва даволаш, йилига 3 мингдан зиёд беморга ихтисослашган тиббий ёрдам кўрсатиш имконига эга бўлади. Тошкент тиббиёт академиясининг Урганч филиали негизда И.Павлов номидаги Биринчи Санкт-Петербург давлат тиббиёт университети билан ҳамкорликда клиника ташкил этилмоқда. Унда эндокринология, отолорингология, гематология, аллергология, терапия бўлимлари очилади. Санкт-Петербург олим ва шифокорлари бу ерда дарс берадилар, диагностика ишларини олиб борадилар ва даволайдилар. Талабалар клиникада замонавий даволаш усулларини чуқурроқ ўрганадилар.

Республика ихтисослаштирилган кардиология марказининг Хоразм филиали ва Тошкент тиббиёт академиясининг Урганч филиалида ташкил этиладиган бу икки муассаса Оролбўйи аҳолиси орасида кўп учрайдиган касалликларни самарали даволаш, тиббиёт ходимлари ва ўқитувчиларнинг билим ва малакасини оширишда муҳим ўрин тутуши аниқ.

Ижтимоий соҳа объектларини бунёд этиш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш ишлари ҳам диққатимиз марказида.

Хоразм Маъмур академиясининг фаолиятини янада такомиллаштириш, унинг мод-

дий-техник базасини мустахкамлаш, илмий кадрлар салоҳиятини ошириш, илмий изланишларнинг мавзу доираси ва самарадорлигини, илмий ишланмаларни ишлаб чиқаришга таъбиқ этишни янада кучайтириш устидаги ишларни давом эттирамиз.

2017 йилда 3 та мусика ва санъат мактаби янгидан қурилади. 103 та мактабгача таълим муассасалари реконструкция қилинади ва капитал таъмирланади.

Ижодкорларнинг кўп йиллик орзулари бўлган вилоят телерадиокомпанияси ва вилоят матбуот ва ахборот бошқармасининг янги биноларини қуриш ишларини бошлаймиз.

Шулар каторида азалий кадрятларимиздан бўлган китоб ва китобхонликка, маънавий ва маърифат соҳасига қаратилаётган давлат сиёсатида даражасидаги эътибор юрдошларимизнинг кўп йиллардан бери юрагининг туб-тубида асраб келаётган орзуси эканлигини алоҳида таъкидлаган бўлар эдим. Чунки халқнинг сўзга, ўз тилига бераётган эътибори унинг маънавий даражасини, ўзини қанчалик кадрлаши ва эртанги кунга қанчалик масъулият билан қаршидан дарак беради. Ўзбекистон халқ шоири Омон Матжон айтганидай, “Тили омон бўлса, ўлмайди миллат”.

Шу маънода Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йилнинг 12 январидан қабул қилинган “Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида”ги фармойиши қатъият билан аҳамият касб этади. Бу муҳим ҳужжат жамиятимизда ижодкорларнинг нуфузини янада юксалтириш, китоб ва китобхонликка меҳр уйғотиш, аҳоли, айниқса ёшлар ўртасида китобхонлик маданиятини ошириш ишида ҳуқуқий пойдевор бўлиб хизмат қилади. Китобхонлик даражасини оширишнинг энг зарур шарты – китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизими такомиллаштирилади.

Биз бугун ижодкорларни моддий ва маънавий рағбатлантириш, китобхонлик тарғиботи ва китоб савдосини тараккий эттиришга тизимли равишда ёндашмоқдамиз.

Вилоятимизда юздан ортиқ китоб дўконлари фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг етмишдан ортиғи чекка қишлоқ ва маҳаллаларда жойлашган.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг вилоят бўлими “Хоразм зарқалами” мукофотини таъсис этган. Бу мукофот ҳар йили Конституциямиз қабул қилинган кун арафасида йил давомида энг сара асарлар яратган вилоят ижодкорларига тақдим этилади.

Вилоятимизда адабиёт тарғиботи ўрта умумтаълим мактаблари, коллеж ва лицейлар ўқувчилари, олий таълим муассасалари талабалари ўртасида анъанавий равишда ўтказиб келинаётган “Мангулик жамоли” кўрик-танлови муҳим омил бўлмоқда. Танловда қатнашадиган ёшларимиз “Мумтоз адабиёт билимдони”, “Ҳозирги замон ўзбек адабиёти билимдони”, “Мен севган адиб” каби ўндан ортиқ номинациялар бўйича беллашадилар. Бу тадбир ёшларимиз орасида қадим маданиятимиз, мумтоз ва ҳозирги замон адабиётимиз борасида билимларини кенгайтириш, бой меросимизга муҳаббат ва мутолаа маданиятини тарғиб қилишда ўзига хос тажриба мактаби бўлиб қолди. Танловни тайёрлаш ва ўтказишда “Мангулик жамоли” жамоат бирлашмасининг фаол иштирок этаётгани бу масалада вилоятда йўлга қўйилган ижтимоий шерикликнинг яхши намунаси.

Вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан ушбу кўрик-танлов бу йил адабиёт фестивалига айлантирилди ва у шу йилнинг 17 июнь кунини Ҳазорасп туманида ўтказилди. Анжуман доирасида вилоят ижодкорлари томонидан кейинги даврда яратилган салмоқли асарлар тақдиротлари ўтказилди. Кўзи Давлатнинг “Мозийдан садо” трилогияси, Жуманазар Юсуповнинг “Нажот маъбуды”, Ширин Собурованин “Сабр дарахти” китоблари шулар жумласидандир.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бугун вилоятда Ошиқ Эркин, Қурбон

Мухаммадризо, Сотим Аваз каби отахон адиблар билан бир каторда Шокир Бек, Йўлдош Эшмурод, Шухрат Маткарим, Махмуд Ражаб, Содикжон Иноятов, Болтабой Бекматов, Гавхар Ибодуллаева, Мухаббат Сафоева, Сайёра Самандарова, Эрпўлат Бахт, Исмоил Оллоберганов, Шоира Шамс, Маъруф Менгли каби шоиру ёзувчилар самарали ижод қилмоқдалар. Адабиёт ахлининг “Эзгу сўз” газетаси чоп этилмоқда.

Бу йил таваллудига 100 йил тўлган Ўзбекистон халқ артисти Комилжон Отаниёзовнинг хотира юбилейини санъат байрами сифатида бутун мамлакатимиз микёсида кенг нишонладик. “Комилжон Отаниёзов ўз шеърларидан бирида: “Ўйласанг ўз бахтингни, эл бахти бирлан ёр эт, Эй, Комил, номингни сен яхшилар ичра бор эт”, деб ёзган ва бу хикматни ўзининг ҳаётий эътиқодига айлантирган шахс эди”, – дея таъкидлади Президентимиз Шавкат Мирзиёев Комилжон Отаниёзов таваллудининг 100 йиллик байрами қатнашчиларига йўллаган табрик хатида. Дарҳақиқат, 2000 йилда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислоҳ Абдуғаниевич Каримовнинг фармонида кўра “Буюк хизматлари учун” ордени билан мукофотлангани эл севган хонанданинг номи яхшилар орасида яшаб қолганини билдиради. Устоз санъаткор туғилиб вояга етган заминда унинг уй-музейи ташкил этилди. Шовот туманида Комилжон Отаниёзов номидаги маданият ва истироҳат боғи реконструкция қилиниб, ҳар томонлама обод қилинди, Урганч туманида хофиз хотирасига аталган боғ ва ижод маркази барпо этилиб, у зотнинг табаррук сиймоси акс эттирилган ёдгорлик ўрнатилди. Огаҳий номидаги Вилоят мусикали драма театрида бўлиб ўтган хотира кечасида бадиий жамоалар, хонандалар Комилжон Отаниёзов ижодий меросидан намуналар ижро этишди, шу куни “Уч бўстон булбули” номли спектакль, хофиз ҳаёти ва ижодига бағишланган видеофильм намойиш этилди.

Санъаткорнинг 100 йиллиги тантаналарини ўтказиш асносида Бобоҳон Мухаммад Шариф, Комил Аваз, Қурбон Мухаммадризо, Абдулла Сафаев, Ботир Рахимов, Дилшод Ғойипов, Самандар Худойберганов, Комил Нуржон, Раҳматжон Қурбонов каби ижодкорлар Комилжон Отаниёзовнинг ҳаёти ва ижодини атрофлича тадқиқ қилишга қаратилган ўндан ортик илмий, бадиий, ўқув қўлланма ва хотира китобларини яратдилар.

Хуллас, бугун биз Хоразмни Ўзбекистонда олиб борилаётган ислохотларнинг ҳар бир одими билан ҳамқадам вилоятга айлантиришга интилоқдамиз. Бу йўлда бажарадиган ишларимиз талайгина, режаларимиз анча, биз уларни амалга оширишга бел боғлаганмиз. Берилган сўзни эса хоразмликлар хамиша қадрлайдилар ва чин дилдан адо этадилар.



## Менинг юрагимда бордир сувратлар



Эркин САМАНДАР

### Сифиниш истаги

Мен сенга сиғинмоқ истайман одам,  
Бош эгмоқ истайман заковатингга.  
Сен бўлсанг қайларга шошиб дамодам,  
Қамчи урмоқдасан хорғин отингга.

Мен сенга сиғинмоқ истайман само,  
Бош эгмоқ истайман иноятингга.  
Қўлимни кўтариб талпинган асно,  
Самода нима бор дейдилар менга.

Мен сенга сиғинмоқ истайман дарё,  
Бош эгмоқ истайман саховатингга.  
Бокиб ақлим ҳайрон қолади аммо  
Бузилган фароғат, халоватингга.

Мен сенга сиғинмоқ истайман очун,  
Бош эгмоқ истайман тароватингга.  
Маҳзун термиласан менга не учун,  
Даво истайсанми жароҳатингга.

Мен сенга сиғинмоқ истайман Хива,  
Бош эгмоқ истайман кароматингга.  
У дейди, сиғингил Яратганга ва  
Пешона терингни ҳар кун бер менга.

*Эркин САМАНДАР – 1935 йилда туғилган. Хоразм давлат педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти факультетини тугатган. Ижодкорнинг “Дарёсини йўқотган қирғоқ”, “Тангри қудуги”, “Жалолиддин Мангуберди”, “Султон Жалолиддин” романлари нашр этилган. “Жавоҳир”, “Башорат”, “Арабмуҳаммад Баҳодирхон” саҳна асарлари муаллифи.*

## Ҳаёт

Бир дамгина ором олдим йўл бошида,  
Шода-шода тер оқарди юзларимдан.  
Кўриб мени катта йўлнинг оғушида,  
Қараб қолди она кишлок изларимдан.

Сен халитдан чарчадингми деган каби  
Элат менга йироклардан боқар эди.  
Менга бехос учрадингми деган каби  
Ёнгинамда катта ҳаёт оқар эди.

Нури дийдам – она кишлок, хотиржам бўл,  
Сўқмоқлардан ўтсам ҳамки чарчамадим.  
Дарё каби шовуллаган, эй катта йўл,  
Хотиржам бўл, сенга бехос учрамадим.

Майсаларга ястандим мен йўл бошида,  
Бир дамгина ҳаёлимни танитай деб.  
Кўнглим эриб табиатнинг кучоғида,  
Бирдам сафар ташвишини унутаи деб.

Кўзларимни камаштирган нурли маскан,  
Қанотланган ўйларимга бўлар ҳамдам.  
Парвоз олди бирдам тўхтаб турар экан,  
Қанотига йиғиб кучин бургутлар ҳам.

Йўл бошида мен бир ўзим турганим йўқ,  
Битта ўзим бу манзилга етолмасдим.  
Сўқмоқларда якка ўзим юрганимда,  
Чангалзору халқоблардан ўтолмасдим.

Сўқмоқларда саховатли одамлар кўп,  
Бегоналар чин ошино бўлиб чиқди.  
Қайнаб кўрсин катта ҳаёт қўйнида деб,  
Улар мени катта йўлга олиб чиқди.

Мен бу йўлда улар меҳрин куйлагайман,  
Улар меҳри вужудимга мадор бўлгай.  
Кеча-кундуз ёниб юртим ишки билан,  
Кўзларим ҳам юрагимдек бедор бўлгай.

Қани, хей йўл, гирдобингга олгил мени,  
Талпингандим парвонадай чироғингга.  
Сўқмоқларда колган ўша одамларнинг  
Шони бўлиб кирдим бугун кучоғингга.

## Ширин дамлар

Сув сепгандай сокиндир борлик,  
Ойна каби тиникдир осмон.  
Тонгнинг пинҳон сирлари янглиғ,  
Элга ҳали ишкимиз пинҳон.

Сиринг бўлса, hozир айт менга,  
Ҳозир эшит менинг сирим ҳам.  
Биз висолда ўтказган тунга  
Кўлин силкиб турар субҳидам.

Навбат бериб аста тун кунга,  
Ёшлик ўтар эртами ё кеч.  
Лекин на сен, на мен ул тунга  
Кўлимизни силкмагаймиз ҳеч.

## Жалолиддин Мангубердининг ёғийга жавоби

Жалолиддин исмим маним,  
Ўтда ёнмас жисмим маним.

Шерга менгзар шунқорларим,  
Сувда оқмас тулпорларим.

Мен сенларга ён бермасман,  
Ён бермасман, жон бермасман.

Эрксиз Ватан – кўрксиз маъво,  
Жонни ширин дерлар, аммо.

Битта эмас, мингта жоним  
Бўлса иккиланмай борин.

Хоразмга бергай эрдим,  
Кўксига бош кўйгай эрдим.

Ватаннинг боғлари сўлмас,  
Ватанни ўлдириб бўлмас.

Ватанки тоабад ўлмас,  
Мени ҳам ўлдириб бўлмас.

## Ўша сувратдан

Менинг юрагимда бордир сувратлар,  
Аксари чизилган шуълалар билан.  
Балки илк сувратни тунми ё сахар  
Онам чизгандирлар аллалар билан.

Тонг қадар бегубор алла суврати,  
Бешик бўёқлари бермиш унга ранг.  
Ўша сувратдан деб билинг, башарти  
Отилса қалбимдан андуҳий оҳанг.

Менинг юрагимда бордир сувратлар,  
Чизилган чақмоқнинг ёлкини билан.  
Болалик чоғимда тунми ё сахар  
Чизилган ўқларнинг чақини билан.

Қуядай қоп-қора уруш суврати,  
Заминнинг дудлари бермиш унга ранг.  
Ўша сувратдан деб билинг, башарти  
Отилса қалбимдан андуҳий оҳанг.

Менинг юрагимда бордир сувратлар,  
Чизилган висолнинг титроғи билан.  
Унда жам нозли тун, юлдузли сахар  
Ва оқ гул шабнамли япроғи билан.

Муҳаббат суврати ўхшар юракка,  
Юрак ўз қонидан бермиш унга ранг.  
Ўша сувратдан деб билинг, фалакка  
Отилса қалбимдан бир боқий оҳанг.

## Оғаҳий тути

Ширин бўлгай дея аччиқ ҳаётда,  
Оғаҳий тут экди боғи Қиётда.

Тут топмиш кунба-кун, ойма-ой ривож,  
Белига шу тахлит етмабдур қулоч.

Оғаҳий оламдан ўтар чоғида,  
Тутдан тотиб кетмиш сўнг бор боғида.

Тинмай эса бермиш йиллар шамоли,  
Улғайтмоқ, қаритмоқ тақдир аъмоли.

Оғаҳийнинг тути пўлатмас, дарахт,  
Шамолда дийдираб турадур қарахт.

Кумрилар йўлини тутга бурибдур,  
Шип-шийдам шохига уя курибдур.

Сира бир-бирига бермайин навбат,  
Нималар ҳақдадир куришар суҳбат.

Ширин каломларин тинглаб толмайман,  
Аммо куш тилини англай олмайман.

Кулай ошён экан дейишар балким,  
Жихоз қўйсақмикан дейишар балким.

Бошқа кумриларни чорлашмоқчидир,  
Қўни-қўшни бўлиб яшашмоқчидир.

Нималар бўлмайди дейсиз ҳаётда,  
Кумрилар кўпайди, хуллас, Қиётда.

Аммо мен яшартмоқ истаيمان тутни,  
Дардан халос этмоқ истаيمان тутни.

Балки шу ҳақдадур кумри навоси,  
Кумрилар навоси дарднинг давоси.

Шундан сўнг Қиётда ошиб ишк майи,  
Кумрихон исмли қизлар кўпайди...

...Бугун тут қошида куришиб базм,  
Булбуллар шўх-шодон тизишар назм.

Уларга оҳиста кулоғин тутиб,  
Кулимсираб турар Огахий тути.

## Хаёлларни чорлаш

Мен ўзимнинг таркок, дайди хаёлларимни  
Чорлаб бугун бир нуқтага йиғмоқ истаيمان.  
Излаб ҳар ён-ҳар ёндаги ошёнларини,  
Дил уйига қайтиб келинг дея қистайман.

Менинг дуркун, ёш хаёлим ёрнинг зулфига  
Илашганча кетган эди йирок-йирокка.  
Зулф исини келтиргани кўнгил мулкига,  
Ваъда айлаб қочган эди ташлаб фирокка.

Менинг тошқин, шошқин ўйим севиб денгизни,  
Тўлкинларнинг ўрқачига миниб кетганди.  
Менинг учқур, гўр хаёлим олис юлдузни  
Қучмоқ бўлиб кўк сахнига кириб кетганди.

Ок кайинга ошиқ бўлиб оппок хаёлим,  
Адашганди чет ўлканинг ўрмонларида.  
Жанг изидан кетган эди яйдоқ хаёлим,  
Аждодларнинг эрк деб солган суронларига.

Менинг хушнуд, шўх хаёлим баҳор чечагин  
Ёноғида колган эди сармаст ва сархуш.  
Менинг танти ўйим кўзлаб уфқ этагин,  
Қанот қоқиб кетган эди мисли эркин куш.

Истайманки, хаёлларим эниб тўрт ёқдан,  
Менга олам оҳангларин олиб қайтсалар.  
Ташриф айлаб бирин-кетин яқин-йироқдан,  
Кучоқ-кучоқ гул рангларин олиб қайтсалар.

Истайманки, хаёлларим юлдуз жилосин  
Кафтларимга кўйсаларда, чалсалар шўх соз.  
Оқ хаёллар олиб келган само зиёсин  
Кўриб ҳатто зулмат кийиб олса оқ либос.

## Остона

Остонада турибман бугун,  
Узоқ йўлни босиб келганман.  
Ўқинмайман ўтган кун учун,  
Ахир, униб, ўсиб келганман.

Остонага етмаганлар кўп,  
Кўпдир уни йўқотганлар ҳам.  
Яшадим шу остонани деб,  
Қутар мени шунда насибам.

Рўпарамда улкан бир ҳаёт,  
Бахтим турар шундоқ қошимда.  
Бир куш каби хаёллар бот-бот,  
Чарх уради бугун бошимда.

Ташланмаган кадам ўйлатар,  
Ўйлатади босилмаган йўл.  
Мўлдир йўлда севинч, ишқ, хатар,  
Барисидан орзуларим мўл.

Куйламоққа жуфтланган лабим,  
Жикқа терга ботар пешона.  
Синов олди бир ҳамдард каби  
Далда эрур қалбга остона.

Икки ҳикоя



Шухрат МАТКАРИМ

## ОҒРИҚ

Бугун ҳам нақ ярим тунда уйғониб кетди. Яна оғриқдан. Бу оғриқ уни кўпдан безовта қилади. Кўринмаган доктори, бормаган табиби оз қолди. Бирови у дейди, бирови бу. Маълум гап йўқ. Уни эса бу оғриқ ҳар кеча нақ гирибонидан олади. Оғриқ уни шундай исқанжага оладики, ҳатто нафас олишга ҳам қурби етмай қолади. Бир замонда тер босиб бутун бадани таранглашиб қолади. Танг қоладиган жойи оғриқ баданининг бир жойида эмас, кўчиб юради. Бир кун кўкрак кафасининг чап томонидан тутса, иккинчи куни ўнгига сезилади. Гоҳида қўл ёки оёқ суяклари ўн, юз тонналик пресс остида қолиб, чарсиллаб синаётгандай туюлади. Кейинги кун кимдир кабзаларининг остига бигиз тикиб аёвсиз товлаётгандай бўлса, баъзан бел оғриғига чидолмай уйғонади. Энг ёмони – бу оғриқ бир жойдан бошланиб бутун баданига, танасининг ҳар бир хужайрасигача томир отади-да, роҳат-фароғат деб аталмиш жон сўлини сўлқиллатиб сўра бошлайди. Бундай оғриққа чидашнинг ҳеч иложи йўқ. Тунги шоколдай чўзиб-чўзиб увлаган кезлари ҳам бўлган.

Дард уйқуда қаттиқ сезилади. Кўзларини очса оғриқ аста-секин чекингандай бўлади. Аммо баданидан бутунлай аримайди. Баданининг гоҳ у, гоҳ бу ерида оч кўтир итдай изғиб юради. Шу ит дуч келган жойини тишлайди, дуч келган мичани титқилайди. Оғриқ билан муросою мадора қилиш учун иложсиз ўрндан туради, ўтиради, юради. Минг уринса-да, оғриқ билан келиша олмайди. Қайсидир таниши ўргатган психотерапевтик усуллардан ҳам фойдаланишга уринади. Аммо бенаф. Ноилож тўшакка чўзилади. Ухлашга уринади. У ёққа ағанайди, бу ёққа ағанайди. Икки киприкни бир ерга олиб келишнинг ҳеч иложини топмайди.

Оғриқ бадани, руҳини лиммо-лим тўлдириб қўйган. Ҳаётида бошқа нарса қолмади. У ва шу дард. Бир-бирининг белидан олиб туришибди. Бошқа ҳамма қувончу ташвиш, муаммою масалалар бир четга сурилган. Оғриқ унинг ёлғиз хўжайинига айланишга уринади. У эса бақадри хол қаршилиқ кўрсатишга уринади.

Аввал унинг кунларида қувончга ҳам, ташвишга, ҳасрат ва аламларга ҳам жой

*Шухрат МАТКАРИМ – 1960 йилда туғилган. Хоразм давлат педагогика институтининг филология факультетида таҳсил олган. Хоразм вилоят ҳокимлиги матбуот хизмати раҳбари. Бир қанча ҳикоя, пьеса ва таржималари чоп қилинган.*

бор эди. У ёлғиз эмас эди. Ҳамроҳ, ҳаммаслак, ҳамфикрлари – қувонч, севинч, тотли дамларни ёнига олиб ғанимлари – ташвишлар, кайғу ҳасратлар билан курашар, уларни бахт уммонига ғарқ қилишга уринар, кўп ҳолларда бунинг уҳдасидан ҳам чиқар эди. Ўша пайтлари ҳам бу оғрикнинг борлиги аён эди. Аммо у ниҳоятда кичик, жимжилокдеккина, балки ундан ҳам майдарок эди. Шунинг учун унга эътибор бермаган. Оғрикнинг ўзи ҳам иззатгалаб эмасди-да у вақтлар. Шунинг учун у оғрикни гоҳ сезар, гоҳ сезмас эди. Бирок вақт ўтиб у кучдан қола бошладими ёки у курашган ғанимлари кучга тўлдими, бора-бора руҳи, баданидаги оғрик каттайиб эътибор талаб бўлиб қолди. Аввалига камғоқдай енгил ва салгина ҳаракат билан даф бўладиган оғрик энди унинг ҳаётида ўз ўрнига даъво қила бошлади. Қунлар ўтган сайин дард думаланган қорғўпдай улканлашиб салмоқ ҳам, кўриниш ҳам касб этди. Энди у шунчаки, йўл-йўлакай маҳв этиш қийин бўлган воқеликка айланди.

Бугун у тани ва руҳини тобора тўлдираётган оғрик, ички дард қандай қилиб енгилмас девга айланганини аниқлашга уринади. Қачон бошланди ўзи дарднинг устунлиги, қачон қувончу севинчлари ғамга таслим бўла бошлади? Наҳот кўпи кетиб ози қолган умрининг қолгани шундай, дард остида кечса? Ё қувончу севинчлар уни икки қўлтиғидан ушлаб кўк тоқига қараб учадиган пайтлар яна келармикан?

Энди унга ким ёки нима далда, суянч ва куч-қудрат манбаи бўла олади? Ҳаётида яна қатта қувонч, ғалабалар бўлармикан?

У кейинги қунларда умридаги энг тоза туйғу – биринчи муҳаббатини тез-тез эслайдиган бўлиб қолган. Ҳаёти соб бўлаёпти-ку, болалигида қўшни кизга нисбатан ҳис қилган биринчи муҳаббатидай тоза туйғуни бошқа ҳеч қачон ҳис қилмаганига ўқинади. Ўспиринлик қунлари бўлди, йигит етди, бироқ ўшандай тоза туйғу қайтиб унга насиб қилмади. Бундан жуда азоб тортди. Айни севадиган, севиладиган пайтлари ўзининг ҳиссий тўмтоқлигидан жуда ташвишга тушган. У атрофига қараб ўттиз ёшда, қирк ёшда, баъзан ҳатто элликка қирганлар ҳам қимнидир ёктириб, қимгадир ошиқ бўлиб юрганларини кўриб ҳайратланган, ҳавас қилган, баъзан ҳасад ҳам қилган.

## МАКТАБ КЎРГАН ИЖОДКОР

*Юртимизнинг кўп гўшаларида адабий мактаб ва гурунлар бўлган. Қўқон, Самарқанд, Қарши, Марғилон, Андижон адабий муҳитлари ҳақида эшитганмиз, ўқиганмиз. Худди шунингдек, Хоразм адабий мактабига ҳассос шоир Матназар Абдулҳаким яқинларгача, яъни ҳаётининг сўнгигига қадар бош бўлиб келди. Не тонгким, бу адабий давра шоғирдлари овози, насири, назми шаклида давом этапти.*

*Шухрат Матқарим ана шу адабий муҳитнинг илгор вакилларида. Унинг илк ҳикоялари матбуотда кўрина бошлаганига қарийб ўттиз йил бўлди. Бу йиллар орасида у тележурналистика соҳасида тер тўкди. Ҳокимият идораларида ишлади. Аммо ёзувчилик қаламини бир чеккага йиғиштириб қўйгани йўқ. Сермаҳсул ижодкор. Қатор китоблари чоп этиляпти деймасак ҳам, матбуотда бот-бот кўриниши бериб туради.*

*Эътиборингизга ҳавола этилаётган “Оғрик”, “Ғапиршига кўрқадиган одам” ҳикояларида ёзувчининг ўзига хос ёзиш йўсини намоён бўлган.*

*“Оғрик” да ёши бир жойга келаётган ҳикоя қаҳрамонининг ҳаётидаги уч оғрик нуқтага эътибор қаратилади. Даставвал у 5-6-синфдалигида қўшни қиз билан аслида дўстона муносабатида, кўққисдан унга эмас, синфдош қизга нон узатгандаги “хиёнат” устида қўлга тушишида, иккинчи сафар негадир қизнинг бу йигитга таниши йигит билан юриб кетганида эмас, йиллар ўтиб болали эрга хотин бўлиб тушиганида акс этади. Бу ўқувчида қандай таассурот уйғотишини аввалдан билмаймиз. Ҳар қалай учинчи сафар “юмurtаси гурра*

Изтироб чеккан дамлари у одатича биринчи мухаббатнинг оловли тилини хис килган болалигига қайтади. Бу унинг ховурини бироз сусайтиради. “Мен ҳам одам, хиссиз эшак эмас эканман-ку”, дейди ўзига ўзи.

У киз кўшни эди. Бу гаплар улар ўн уч-ўн тўрт яшар вақтларида бўлиб ўтган. Икки ўрим сочини жамалак килиб оркасига ташлаб юргувчи, кўрниниши, юриш-туриши, бўй-басти билан тенгқурларидан ҳеч айирмаси йўқ, ҳатто ўнги болаларникига ўхшаган катта бурни юзига унча ярашмаган бу кизни нега шунчалик ёктириб колганлигини ҳозиргача билмайди. Яқин атрофдаги хонадонларда тенгдош киз бола йўқлиги, кўчага чикканида ҳам, кирганида ҳам кўзи ўша кизга тушаверганидан шундай бўлгандир эҳтимол.

Бугун ОФРИҚ унинг борлигини қандай тўлдириб турган бўлса, у вақтларда кизни кўриш истаги унинг жону жаҳонини шундай эгаллаб олган эди. Бола калби нега бундай бўлаётганлигини тушунмас, бу туйғу нималигини ҳам, аниқ қийматини ҳам билмас, билгани ҳар куни, ҳар соат, ҳар сонияда кизни беадад, еру осмонга сиғмай соғиниши эди. Кизни кўрса севинар, кўздан йитди дегунча яна соғиниб қолар эди. Буни киз ҳам сезар эди, шекилли. Бўлмаса уни узоқдан кўрса қадамини секинлатмас, “Салом!” деса астагина алик олмас эди. Мактабга кетишда ёки келишда учрашиб қолишса бир неча ўн кадам бирга одимлашлари мумкин эди. Ундан ортик эмас. Ҳеч қачон мактабгача ёки мактабдан уйигача бирга келишмаган. У пайтлари бўй етиб қолаёзган ўғил-кизнинг етаклашиб юришини тасаввур ҳам этиб бўлмас эди. Аммо бирга ташланган ўша бир неча кадам ҳам уни самоларга олиб чиқар эди. Бирок киз унга нисбатан ҳеч қандай туйғуни хис килмаган кўринади. Бўлмаса унинг болалиги, ёшлигини, ҳаётини остин-устун килиб юборган ўша воқеа содир бўлмаган бўлар эди.

Олтинчими, еттинчи синфда ўқиб юрган кезларида бир куни киз унинг уйига кириб келган. Тавба, ўшанда уйда ҳеч ким бўлмаган эдими? Ё кўшни кизни ўз уйда кўриб ҳаддан ошиқ ҳаяжонланганидан, уйда кимдир борлигини бутунлай унутганмикан? Ҳозир аниқ эсида йўқ.

“Энди мен сен билан юрмайман!” деган киз ўшанда. У хайратдан қотиб қолган. У кўшни киз билан “юришини” шундагина билган. Ҳозир ўйлаб қараса, кўчада

*бўлгандай толтонглаб қолган” директорнинг ноинсоф сиёсати қурбонига айланиб, ноҳақ ишдан бўшаб қолгани ҳолати анча тушунарлига ўхшаб кўринади. Ўз ўрнида Чингизхон элчиси Маҳмуд ал-Хоразмий билан Хоразмиоҳ ўртасида бўлиб ўтган тарихий лавҳа ҳам келтирилади. Ундан нарёи... улуг авлиё Нажмиддин Кубронинг жанг майдонида шаҳид бўлиши, Жалолiddин Манғубердиннинг жасорат жангига кириб келиши ва фожияси билан барҳам топан тарих...*

*Эҳтимол, ҳикояда ҳам тарих ҳужми ўта шафқатсиз, бинобарин, директор ҳам шундай жазога мустаҳқиқ эканига ишора бордир.*

*Аммо кейинги ҳолат унинг юрагида катта оғриқ уйғотганига барибир ишонасиз. Бу оғриқ у то бир жойда муқим иш бошлагунга қадар давом этиши мумкин...*

*Иккинчи “Гапириниша кўрқадиган одам” ҳикояси ҳам яхши ўқилади. Мулоҳазага ундайди. Ҳикоя Дарвешбой деган бош қаҳрамоннинг гапирмаслиги, “гунг”лиги билан бошланади. Албатта, у умри давомида гапирди, бироқ ўқлогдек тўғри гапларни сўзлайди. Бу сўзлардан у азият чекиши лозим эди, ҳаёти мобайнида бир умр оёқларига тушов ҳам бўлиб тушиши мумкин эди. Буни қарангки, у гарчи даставвал таъна-дашномлар остида қолган бўлса ҳам, оқибат ҳақлиги исбот топади. Лекин барибир тагин гапирмасликка онт ичади.*

*Шухрат Матқарим насрда аллақачон ўз йўлини топан ижодкор.*

*Ғафур Ғуллом номидаги наширёт-матбаа ижодий уйи томонидан жорий йилда Шухрат Матқаримнинг “Кун шундай бошланади” китоби нашр этилиши арафасида.*

кўришиб “Салом – Салом”, “Бугун сизларда фалон дарс борми? Бизда бор ёки йўк”, дейиш уларнинг “юриши” экан. Икки тоза юракнинг бир-бирлари билан шу мулоқоти ҳам фавқулодда яқинликдан дарак экан-да ўша пайтлари!

“Не учун?” ҳайратдан котиб колган у. “Сен синфингдаги фалончи билан гаплашар экансан!”. “Ёлғон!” деган бутун вужуди ҳис-ҳаяжондан титраб. “Буни мен ўз кўзим билан кўрдим-ку!” деган киз. “Қачон?”. “Пахтадан қайтаётганда, мошинда!”

Ўша кунлар пахта терими мавсуми эди. Улар туман маркази – посёлкада туришарди. Мактаб ўқувчилари бешинчи синфдан бошлаб ўқувдан озод қилиниб, теримга жалб қилинарди. Уларнинг мактаби туман марказини ўраб олган “Коммунизм” колхозига чиқар эди. Ҳар синфга колхоз бир юк машинаси ажратар, ўша машина эрталаб ўқувчи – теримчиларни пахтага мактаб олдидаги майдондан олиб кетар, кечкурун яна шу ерга олиб келиб қўярди. Уларнинг “Б” синфи ҳам, киз ўқийдиган “Г” синфи ҳам Собир бодрок деган кишининг бригадасида пахта теришарди. Улар бодрок деган сўзнинг маъносини билишмас, шунинг учун бригадир уларга бутунлай бошқа оламнинг одамидай туюлар эди. Чунки Собир бодрок улар каби мактаб ўқувчиларини эмас, ҳатто катта-катта опалар, холалар, аммалар, дойилар, оғаларни ҳам тергар, бировларини мактаб, бошқаларини қора ер қилар эди. Фақат катталар кичикларни тергашларига ўрганиб колган болалар учун бу ғайриоддий ҳол эди.

Ўқувчилар орасида ҳам терим масаласида тартиб каттик эди. Норма бажарилиши шарт. Бажармаганларнинг қулоғи ортида шавла қайнаилади. Уларнинг синф раҳбари баланд бўйли, қошлари ўсик, чўзиқ юзли, арабларга ўхшаган киррабурун, ўзини “Чўлда ўсади саксовул, созок<sup>1</sup>, География ўқитувчиси Сейтаков Қозок”, деб таништиришни хуш кўрадиган қувнок киши эди. Аммо норма сўрашга келганда қахрли, каттикқўл муаллимга айланиб коларди. Болалар терган пахталарини кечкурун тарозидан ўтказгач нормани бажарганлар машинага чиқиб бошқаларнинг келишини кутар, бажармаганлар эса бир чеккада туриб муаллимнинг “қулоқ товлаши”га навбат тулар эди.

У ўртача теримчи эди. Одатда нормани кўпчилик катори уддалаб эски “Газ-51” автомашинаси бортида бошқаларни кутар эди. Кузак куни тез ботиб қоронғи туша бошларди. Намчил ҳавода ҳазон, хом пахта ва пишмаган кўрак<sup>2</sup> иси кезинар эди. Куни билан минг, миллион марталаб гўза чанокларига эгилиб турган болаларнинг қоринлари пиёзнинг пўсти бўлиб кетган бўларди бундай чоғда. Иссиқкина ўчок боши, тоза сузилган овқатнинг бодиялардан кўтарилиб турган ҳовури ҳамманинг кўз олдидан ўтиб турган пайтда баъзи тежамкор болалар фартуқларида “обеддан” ортган каттик-қурук нонни кемира бошлар эди. Шунда колган болалар унга қўлларини узатиб, “Хлли дай! Хлли дай!” деб ялинишар эди. Нони борлар сўровчиларга ҳиммат кўрсатиб нонларидан беришар, улар биргаликда дунёдаги энг лаззатли таом – қотган нонларни маза қилиб ейишар эди.

Ана шундай кунларнинг бирида аввал ҳеч бўлмаган воқеа, тушлиқдан унда ҳам бир бурда нон орғиб колган эди. У энди каттик нонни қарсиллатиб тишлашга тушганида синфдош қизларидан бири қўл чўзиб қолди: “Хлли дай!” Қиз боланинг, тагин синфидаги аълочи қизлардан бирининг қўл узатиб турганлигидан у ўшанда чексиз ғурур туйган ва нонининг ҳаммасини унга бериб юборган. Ёнма-ён турган иккинчи юк машинасида ўтирган қўшни қиз буни кўриб қолган ва буни ўзига нисбатан хиёнат деб билган. Қўшни қизнинг унга нисбатан қўзиган ғазаби шу даражада эканки, норозилигини нақ унинг уйига келиб изҳор қилган ва у ўзига келиб улғуриб-улғурмай ортига қайтиб кетган.

<sup>1</sup> Сазок – чўлда ўсадиган ўсимлик тури.

<sup>2</sup> Кўрак – кўсак.

– Энди мен сен билан юрмайман!

Ўшанда унинг кўз олди коронгилашиб, ўзини вазнсизлик ҳолатида тушиб қолгандай хис қилган. Қўшни кизга бўлган туйғу унинг қалби, руҳиятини шу қадар тўлдирган эканки, бу гапдан кейин олам хувиллаб қолгандай эди.

Довдираши шу қуни ҳам, эртаси ҳам, бир ҳафта, бир ойдан кейин ҳам ўтмади. Қўшни киз олдига боришга, “хиёнат”нинг сабабини тушунтириб беришга юраги дов бермади. Ахир бола эди ўшанда. Журъатсизлиги сабаб йўкотаётгани ҳаётидаги энг азиз нарсаси эканлигини у ҳали англаб етмаган эди. Уни сақлаб қолиш учун нафақат ёқтирган киши билан гаплашиш, муносабатларга ойдинлик киритиш, англашилмовчиликларни бартараф этиш, балки курашиш, керак бўлса жон олиб жон бериш кераклигини бола қайдан билсин! Аммо у қўшни кизга бўлган тоза туйғусидан воз кечмади. Кечолмасди ҳам. Чунки кечиш ёки кечмаслик унинг ихтиёрида эмас эди.

Бу гапларга ақли етганида аллақачон кеч бўлиб улгурган эди. Ўша вақтлари эса у қўшни қизни аввалгидан ҳам баттар кўргиси келар, узоқдан бўлса ҳам кўзи тушса ҳаяжонланиб кетар, мактабда, қўни-қўшниларникида бўладиган тўю маросимларда ҳам нигоҳи билан фақат уни ахтаргани-ахтарган эди. Кўрса шу қундаги муроди ҳосил бўларди. Унга бошқа нарса керак эмас эди. Гаплашиш йўқ, ҳол-аҳвол сўрашиш йўқ. Узоқдан кўрса ҳам бўлди эди. Аслини олганда қўшни қизнинг “Энди мен сен билан юрмайман!” деганида хис қилган оғриғи умрида сезган биринчи оғриғи, биринчи дил азоби эди. Аммо у оғрик шунчалик тотли, шунчалик жонбахш эдики, ҳозир ўша оғрикни яна бир бор хис қилиши учун қўп нарсадан кечишга тайёр.

Қатта шаҳарга кетиб ўқиди, мединститут талабаси бўлди. Бу ўқув даргоҳи кизлар денгизи, лобарлар уммони эди. Хушрўй-бадрўй, мулойим-чарс, орик-семиз, узун-қалта, хуллас, меъда қандайини тусаса, шундайини топиш мумкин эди. Аммо шундай шароитда ҳам қўшни киз унга ато этган туйғуни такрорлатиш қудрати бўлган дилбарни учратмади.

Институтни битказиб шаҳарда ишга қолди. Элбирларнинг гапларидан у қизнинг унга таниш бўлган йигит билан доп олишиб юрганини эшитди. Аммо тўйлар хабари келмади. У эса уйланди. Бола-чакали бўлди. Кейин қўшни қизнинг қари киз бўлиб ўтириб қолгани, сўнг хотини ўлган бировга иккими, учми боланинг устига турмушга чиққанидан хабар топди. Унинг юрагида тўмтоқ бир оғрик турди. Ёкимсиз оғрик эди у. Сувдан олиб ташланган илонбаликдай ҳамма ёғи шилимшиқ, биғир-биғири кўрган одамни иргантирадиган хосиятсиз оғрик эди у. Негадир қўшни қизни ўша болалик пайтидаги кизалок эмас, қуни учун бировнинг етим қолган болаларини боқишга мажбур бўлган бир қари кампир сифатида тасаввур этди. Бу умрида хис қилган иккинчи қатта оғрик эди. Қўп вақтгача шу икки оғрик билан юрди.

Аммо ҳаёт экан, турли вазиятлар билан боғлиқ қатта-кичик, сезилар-сезилмас оғрикларни кейин “қўп ва хўп” туйди. Уларнинг бирлари шу қуни, шу ондаёқ ўтиб кетар, бошқалари бир, икки, уч, беш, ўн кун, баъзан ойлаб ва йиллаб ҳам ўтмас эди. Бирок ҳар бир янги оғрик худди дард устига чиққан чипқондек чунонам азоб берар, фақат навбатдаги дардгина аввалгисининг захмини бироз пасайтирар эди.

Яқинда яна бир оғрик туйди. У ишлайдиган илмий муассасага марказдан вакил – комиссия келди.

Бир вакилдан эндигина қутулишган эди. Изи совимай навбатдагиси пайдо бўлди. “Шўрвангни қуюлтирмайди булар!” деди биров. “Шўрингга шўрва тўқади булар!” деди иккинчиси. Кейин мингинчи, эҳтимол, миллионинчи марта “Ёзнинг хазини<sup>3</sup> пашша билан вакил бузади”, деган доно гапни айтган инсонга тасаннолар айтиб, янги вакил, комиссияни кутиб олишга ҳозирлана бошлашди.

<sup>3</sup> Ҳаз – вақтихушлик, хузур.

Кун ўтиб уни директор ўз хузурига чорлади:

– Хўш-ш, – деди бошлик. – Анави боланинг бўлимига комиссия келди. Хабарингиз бўлса керак, а? Жуда яхши. Шу... обедда бирга бўлинг. Болага ишониб бўлмайди. Мошинингизда чикинг. Кейин туманга, уйига ташлаб қўйиш керак. – Директор унинг елкасига қокди. Худди ёш болаларни эркалагандай. – Тушунарлими? Бўпти, марш!

Директорнинг бундай муомаласидан юраги бир санчиб кетди. Яқин-яқинларгача директор билан муносабатлари яхши эди. Бошлик уни бошқалардан кўра кўпроқ ўзига яқин оладигандай туюлар эди унга. Ҳатто баъзан сирлашгандай ҳам бўлар эди. Аммо унинг синфдошими, мактабдошими, кишлоқдошими катта лавозимга ўтирди-ю, бир кунда ҳаммаси ўзгарди қолди. Энди директорнинг бурнига сирик етмай қолди. У талтанглаб юрадиган одат чиқарди. Атай. Худди юмуртаси<sup>4</sup> гўрра бўлгандай. “Тавба, – хайрон бўларди у. – Одам ҳам шунчалик тез ўзгарадими?”

Директор ишхонасидагилар учун ҳам Худо, ҳам Пайғамбарга айланди. Шунинг учун бошқалар каби у ҳам директорнинг бу ва бундан баттарроқ хурмача қилиқларини кўтаришга мажбур. Нолиш, шикоятбозлик ўринсиз.

Шуларни ҳаёлидан ўтказиб вақил билан кўчага чиқди. Бўлим мудири ҳамроҳ бўлди. Мудир ёш бўлса ҳам тиришқоқ, катта-кичик билан қандай гаплашишни билладиган суҳанак йигит эди. Вақилга ҳамроҳлик, бирга тушиқ қилиш, айтган манзилига етказиб қўйиш унинг учун бир “пуф” дегандай гап эди.

Аммо директор уни ўз ўрнига даъвогар деб ёқтирмасди. Албатта, таниши катта лавозимда ўтирар экан, бундан хавфланмаса ҳам бўлар эди. Бирок даҳри дунда нималар бўлмайди? Шунинг учун директор уни тинмай ғарқ қилишга уринар эди. Унга “бола” дейиши, устидан доим назоратга киши қўйиши, албатта, мудирни камситиш учун директор ўйлаб топган ўйин эди.

“Одам ҳам шунчалик жохил, такаббур бўладими? – жингибийрон бўлди у машинага ўтирар экан. – Такаббурлигинг бир кун бошинга етар”.

Хоразмшоҳ Аловуддин Муҳаммаднинг Чингиз элчилари билан бўлган учрашувдаги жохиллиги ва такаббурлиги нафақат уни, балки ўз даврининг энг қудратли муслмон давлатини ҳам хонавайрон этганлигини эслади.

“Кўп ўтмай Чингизхоннинг Маҳмуд ал-Хоразмий бошчилигида Али Хўжа ал-Бухорой, Юсуф Кўнка ал-Ўтрорийлардан иборат элчилари Хоразмга келди. Улар кимматбаҳо металл қуймалар, морж тиши, мушк тўлдирилган халталар, ёқут, ҳар бирининг қиймати 50 динар ёки ундан ҳам кимматроқ бўлган оқ туя жунидан бўлган кимматбаҳо кийимларни Чингизхондан Хоразмшоҳга совға сифатида олиб келдилар. Шунингдек, элчилар мўғил подшоҳидан “Хоразмшоҳ билан тинчлик, дўстлик ва яхши қўшничилик” муносабатларини ўрнатиш ҳақида ҳам топшириқ олган эдилар. Хоразмшоҳга шахсан Чингизхон номидан йўлланган нома ҳам топширилди. Унда шундай сўзлар бор эди: “Сенинг ишларинг қанчалик яхши эканлиги ва ҳукминг қувватини оширишда нималарга эришганинг менга аён. Сенинг қўл остингдаги худудларнинг бепоёнлиги ва очунинг жуда кўп мамлакатлари сенинг буйруғингга итоат этишларини билиб олдим. Сенинг билан тинч-тотувликда яшашни ўзимнинг бурчим деб биламан. Сен менга энг қадрли ўғлим қабисан. Менинг Хитойни ва унинг атрофидаги туркларнинг давлатларини босиб олганим сенга ҳам аён ва уларнинг қабилалари менга бўйинсундилар. Менинг мамлакатимда бойлик шунчалик кўпки, уни бошқа мамлакатлардан ахтаришга ҳеч хожат йўқлигини сен ҳаммадан кўра яхшироқ биласан. Агар ҳар икки томон савдогарларига йўл очиб беришнинг имкони бор, деб ҳисобласанг бу ҳамма ва умумий иш учун фойдали иш бўлган бўлур эди”.

<sup>4</sup> Юмурта – туҳум.

Хоразмшоҳ Чингизхоннинг номасини ўқигач, Чингизхон ва унинг салтанати ҳақида тўлароқ тасаввурга эга бўлишга қарор қилди. У элчиларнинг бошлиғи Маҳмуд ал-Хоразмийни тунда ўз олдига чақирди, унинг мусулмон, қолаверса, Хоразм фарзанди эканлигини эслатиб, кўп совға-саломлар берди ва Маҳмуддан мўғиллар ҳақида янада кўпроқ маълумот олишга интилди. Ҳатто Хоразмшоҳ Маҳмуд ал-Хоразмийга унинг Чингиз саройидаги ишончли вакили бўлишни ҳам таклиф қилди. Маҳмуд ал-Хоразмий кўрканидан рози бўлганида Хоразмшоҳ: “Чингизхоннинг Хитой ҳукмдориман, Тамғачни олдим дегани ростми? Ҳақиқатан ҳам шундайми?” деб сўради. “Ҳа, унинг гапи тўғри. Бундай улуғ воқеалар узоқ вақт сир бўлиб қола олмайди, тез орада султоннинг ўзи бунга ишонч ҳосил қилиши мумкин”, деди Маҳмуд ал-Хоразмий. Бу гап Хоразмшоҳга ёкмади: “Сен менинг ҳукмим остидаги ерларни, уларнинг қанчалик кенг эканлигини биласан, менинг қўшинларим сон-саноксизлигини ҳам биласан-ку. Бу ҳароми ким бўлибдики, менга ўғлим деса? Унинг қанча қўшини бор ўзи?”

Маҳмуд ал-Хоразмий шохнинг жаҳл отига минганини кўрганда ўз жони омонат бўлиб қолганлигини сизди ва “ҳақиқатдан юз ўтирди”. Хоразмшоҳнинг марҳаматига сазовор бўлиш учун Чингизхоннинг қўшини Хоразмшоҳ лашкари олдида отлик қўшин рўпарасидаги ёлғиз чавадозга ёки зимистон тунда милтиллаган шамга ўхшайди, деди. Шундан кейингина Аловиддин Муҳаммад Чингизхон билан тинчлик алоқаларини ўрнатиш ва янги савдо қарвонлари билан алмашишга розилик билдирди”.

Ёшуллуси ишонмаган ҳар қандай ходим каби бўлим мудирининг дили хира эди.

– Сиз Маҳмуд Яловочни Хоразмшоҳ қандай кутиб олганлигини биласизми? – сўради у мудирдан.

– Ўқиганман, – деди мудир “уф” тортиб. – Давлатини унинг жохиллиги, такаб-бурлиги хароб этган. Аслида у кўплар айтадигандек кўркак бўлган эмас. Агар ундай бўлганида шунчалик катта империяга бош бўлмаган бўлар эди... – Анча жим кетганларидан кейин қўшиб қўйди: – Ернинг қиндигиман, деб ўйлайди у.

Мудир у нима демокчи эканлигини англаган эди.

– Бу шифрланган суҳбатнинг маъносини англамадик, – деди вакил кошени чи-мириб. – Жохил ким, такаббур ким?

– Э-э, сиз аҳамият берманг бу гапларга, – деди у. – Эрталаб “Маданият ва маърифат” да бир кўрсатув берилган эди. Шунга...

Ўтиришда ҳам гап унча қовушмади. Вакил директорнинг “самимий қабул қилмаганидан”, мудир бошлиқнинг қилиғидан, у эса бу ўйинда ўзининг иштирок этишга мажбурлиғидан дили хуфтон эди. Бу ҳол айниқса вакилнинг ўзини туттиши, ўтириш-туриши, овқатланиши, ҳатто буларга кирғий қарашларида ҳам сезилиб турар эди. Бир вақт у дик этиб ўрнидан турди-да, эшик томон йўналди. Иккови бирдан ўрнидан кўзгалган эди у қўлини асабий силтади: “Ўтираверинглар!”

– Чекишга кетди, – деди у вакилнинг изидан қараб қолар экан.

– Чекимизга тушганини қаранг, – деди мудир қўлидаги санчқини столга эҳтиёткорлик билан қўйиб.

– Бунчалик қисинаверманг, – ҳазил қилишга уринди у. – Меҳмон билан юрсанг ҳеч бўлмаса қорнинг тўйиб юради-ку!

Энди мудир қўл силтади. У ҳазилни тушунадиган, ҳазиллашадиган аҳволда эмас эди. – Қорнинг тўйгани яхши, аммо ғуруринг йўқолиб беор бўлиб қолганинг ёмон. Бундай пайтларда ток урадио, бир неча қунлаб руҳингни тупроққа кўмиб қўйишга тўғри келади.

Вакил қайтиб келди. Икки қўли шимининг киссасида ўликнинг устида тургандай мудирнинг энсасига келиб қакқайди:

– Сиз чарчаган бўлсангиз, балки дамингизни оларсиз? – кесатди у.

Мудир учун бу охирги томчи бўлди.

– Тўғри айтасиз, менсиз ҳазм этаверинглар...

У мудирни тўхтатиб қолишга улгурмади.

– Қўпол бола экан, – деди вакил.

– У яхши мутахассис, – деди у.

Мудир ҳимоясига шундан ортик гап айта олмади. Бирок иззатталаб вакил тўнини аллақачон терс кийиб олган эди.

– Ўзи бу юртнинг одамлари анча қўпол экан, – деди вакил. – Бу боланики ҳаммасидан ошиб тушди! – вакил “бола” сўзига алоҳида ургу берди.

– У яхши мутахассис, – такрорлади у.

Эртаси кuni директор уни олдига чақирди:

– Не учун қўполлик килдингизлар вакилга?!

– Тушунмадим.

– Дарров тушунмайдиган бўлиб қолдингизми?!

– Тушунмасам, тушунмадим, дейман-да! – овози асабий титради. – Кўнглида анча вақтдан бери йиғилиб ётган дард ошкор бўлди: – Тушунтириброк гапиринг!

Директорнинг лаби гезарди:

– Ҳе, кўрсатган кароматингиздан ўргилдим!

У ҳеч нарса қила олмади. Ёш мутахассисга қўшилиб у ҳам ишдан кетди. Вакилнинг лақабини кейин эшитди: “Кислота!”

Бугун уни мана шу оғрик уйғотган эди тунда. “Не ерга, кимнинг ёнига ишга борсам экан?” У вариантларни бир-бир хаёлидан ўтказга бошлади. “Кизишмаслигим керакмиди балки? – деди ўзига ўзи. – Доно китобларни ўқиш ҳам ҳеч нарса экан-да, таксир! Нега фақат манглаймиз тақ этиб деворга урилганида кўзимиз лоп этиб очилади, аклимиз киргандай бўлади? Аклимиз кирадимиз ўзи? Қанака ақл эканки, у олтмишга кирганда ҳам кирмаса? Ё ҳали ақл киришга вақт бормикан?”

Бир соатми, икки соатми, шу тарзда ўтади. Кейин уйқу элита бошлайди уни беихтиёр. Бедорлик, оғрик, уйқу, хаёл ва туш – ҳамма-ҳаммаси айқаш-уйқаш бўлиб кетади.

...Кўкда хув узок уфқда кўшни кизнинг чеҳраси намоен бўлади. Жуда йироқда. Кейин аста-секин яқинлаша бошлайди. Қиз ўша-ўша олтинчими, еттинчи синфда ўқиб юрган кезларидаги кўринишида эди. Икки жамалак сочи елкасидан олдинган ташланган. Жиддий эмиш у. Жуда жиддий. Нимадандир хафа бўлгандай. Унинг нега хафалигини сира англай олмас эмиш у. Шунда бирдан юрагида қаттиқ оғрик туяр эмиш у. Шартта юрагини чангаллармиш. Шунда оғрик секин-секин ёздира бошлар эмиш. Бир вақт осмону фалақдан гулбарглар ёғила бошлаганига кўзи тушар эмиш. Лола гулбарглари. Сон-саноғи, ҳадди сони йўқ эмиш уларнинг. Гулбарглар осмонни аста-аста ол рангга бўяй бошлар эмиш. Ҳавода эса таърифлаб бўлмайдиган даражадаги гуллар ифори кўнглини маст қилар эмиш. Лаблари эса қандайдир шеърый сатларни пичирлай бошлар эмиш:

– Лола гулбаргидан қатланган кўнглим,

Ҳаёт еларидан тортади озор.

Умиди сокинлик, орзуси васл,

Сенинг хабарингни беради ифор.

Адабиётга ёт, мактаб дареликларидоги шеърларни демаса шеърыйат ҳақида умуман тасаввурни йўқ бўлганлиги сабаб бу сатрлар қандай туғилаётганлигига хайрон бўлар эмиш. Хайрон бўлиб турса ёмғир шитирлай бошлар эмиш. Ёмғир томчилари ҳам дим-дим майда, кўзга кўринар-кўринмас даражада эмиш. Ёмғир билан бирга

шеър ҳам қуйишда давом этармиш. Қўшни киз эса буларнинг барини маъюс ҳолда, жуда-жуда маъюс ҳолда кузатар эмиш:

– Ёмғир иштиридан тебранар сассиз,  
Баҳорий насимлар чайқатур уни.  
Гул бўлмоқ ишиқда ёнган гунчанинг  
Қийнайди кўксидан таралган уни.

Буларнинг ҳаммаси қўшилиб унинг юрагини хаприктирар, бўғзига олиб келиб тикар, кейин яна қўйворар эмиш. Кейин эътибор берса осмону фалакдан ёғилаётган гулбарглрларнинг ҳаммаси айланиб келиб унинг юраги устига қатма-қат тушаётган эмиш.

Ёмғир ёгаверар, насимлар эсар  
Озурда кўнглиминг тинчини бузиб.  
Юрагим қатиға қатланаберар  
Гурбарглар ажиб бир қурамиш бўлиб.

У ўз юрагини томоша қила бошлар эмиш. Юраги минг қуроқ эмиш. Миллион қуроқ эмиш. Аммо жуда-жуда мустаҳкам эмиш. Бир текис урар эмиш у. Ҳар зарбда юрагининг қувватини ҳис қилар эмиш у.

## ГАПИРИШГА ҚЎРҚАДИГАН ОДАМ

– Не бало бу боланг гунгми? – Халфа кампир Пошшо момонинг олдида ўтирган невараси, уч-тўрт ёшлардаги Дарвешбойни ҳассаси билан туртди.

Дарвеш тўла тўк, гўдолоккина<sup>5</sup> бола, таёк тегиб оғриган ерини сийпалади. Оқиб кетган бурнини тортди. Энасининг кўлтиғига кўпроқ сингди. Халфа кампирга акалли не айб қилибманки, мени туртасиз, деб қараб ҳам қўймади. Бу Халфа кампирга баттар нашға қилди.

– Пешиндан бери шу ерда ўтирибмиз, мик этиб оғиз очийди! Тили забони бор-ми мунинг?

Пошшо момо бир октиғига<sup>6</sup>, бир чиконига<sup>7</sup> қаради. Дарвешнинг бошини меҳр билан силади.

– Бор, – деди Пошшо момо. Октиғининг бошидан меҳр билан ўпиб қўйди. – Дим ақлли бу. Буvasи билан гаплашади. Бошқа билан гаплашмайди. Не мен билан, не ота-онаси билан. Куни бўйи мик этмайди. Бир нарса берсанг ейди. Бермасанг ўтиради-қўяди ўйнаб.

– Ҳай бола, галла! – Халфа момо Дарвешни яна туртди. – Тилинг томоғинга кетганма?

– Қўркман...

Пошшо момонинг юраги “шув” этди. Неварасининг чаккаларини<sup>8</sup> силади.

– Недан қўркасан, жоним болам?

Дарвеш индамади.

– Ҳа-а, бор экан-ку тили! – Халфа момо кассасидан бир сиким унаби жийда чиқарди. – Ма болам, муни есанг жонли-жонли гаплийдиган бўласан!

Дарвеш ўша вақтда момо берган чилонжийдани гарчи кўп эланишлардан кейин олган бўлса ҳам, кампирларнинг зўрлашларига қарамасдан емади.

<sup>5</sup> Гўдолок (шева) – дўмбок.

<sup>6</sup> Октик – невара.

<sup>7</sup> Чикон – дугона.

<sup>8</sup> Чакка – юз.

Халфа момо “Оқтиғинг мен берган жийдани емади, тилсиз колди”, деб ўла-ўлгунча чиконига таъна қилиб ўтди.

Ҳақиқатан ҳам Дарвеш камгап, одамови бўлиб ўсди. Бунда ўша қадим замонда ейилмаган жийданинг қанчалик зарари-ю фойдаси борлиги бизга қоронғи. Аммо у бугун эллигидан ошиб олтмишига яқинлашиб қолганида ҳам камгап.

– Эй, гап-сўзга бир аралашиб ўтирсанг-а! – дейишади жўра-ёронлари йиғилишиб қолганида.

– Қўрмаман, – дейди Дарвеш ва бошини ерга солиб ўтираверади.

– Бутун умр гаплашдан қўриқиб ўтдинг! – таъна қилади унга баъзилар.

– Ҳе, тўғри қилади, – дейди бошқа бировлари. – Гапламасин бу! Бу гапласа бир бало кўпади! Гапининг чуқи бор бунинг!

Ҳақиқатан ҳам Дарвеш умр бўйи гапиришдан қўркади. Чунки, юқорида таъкидланганидай, гапирса, албатта, охирида бир ишқал чиқади. Гапларини эшитганлар бу не дегани бўлди экан деб, ё беш-ўн кун бош қотириб юради, ё бўлмаса гапининг ўта жўнлигидан етти яшар бола ҳам кулади. Шунинг учун жону жаҳонини суғуриб оладиган зарурат бўлмаса Дарвеш гапирмайди. Қаерда, қай даврада бўлса ҳам ерга қараб ўтиргани ўтирган. Ахир гапирса бир бало топади.

Мана яқиндагина бўлиб ўтган бир воқеа.

Наврўз арафасида унинг уйига қишлоқ шўросида ишлайдиган Соли созчининг ули Мамат ҳокимликдан деб узун бўйли, ниҳоятда ориқ бир йигитни эргаштириб келди. Йигит оқ кўйлак, қора костюм-шимда эди. Галстук ҳам тақиб олган. Аммо ўзиники қолиб укасиникини қийиб олгандай костюми зўрға киндигини ёпар, энги ҳам панжа бўғинидан тўрт бармоқ юқори, шимининг балоғи тўпигага етар-етмас эди. Бу кўриниш Дарвешни танг қолдирди. “Нима бу, масҳарабозми?”

Хуллас, нон-туз, хол-аҳвол сўрашилганидан кейин халиги йигит гап бошлади.

– Энди-и, ёшулли, биласиз, яқинда Наврўз келади-и-и...

Йигитнинг овози ниҳоятда дўрилдоқ эди. Қилтирик бўлгани учун салобатли чиксин, деб йигит гулдуррак гапиряптими ё ўзи шунақами, Дарвеш билмади. У эса гапида давом этди.

– Шунинг учун биз ҳокимият, – у Маматни ияк қоқиб кўрсатди. – Мана маҳалла вақиллари билан бирга...

– Биламиз бу кишини, – деди Дарвеш. – Соли созчининг ули... Мамат. Шўро аъзомиз...

– Э-э-э... – бу гап негадир йигитга ёқмай тушди. – Шўро замонининг ўтиб кетгани қаччо-о-он! Сиз халиям шўро деб юрибсиз... Булар маҳалла, ҳокимият вақили!

– Хўп, хўп, узр! – деди Дарвеш бу котма билан айтишиб ўтирмай. Аммо ўз фикрида қолди. “Барибир шўро аъзо-да!”

– Наврўз жуда қадимий байрам, – гапида давом этди қилтирик. – Тушунчангиз борми Наврўз ҳақида ўзи?

– Энциклопедист Берунийнинг ёзишича, қадимда Наврўзни Хоразмда Навсаржи деганлар. Бу эски хоразмий тилида айнан “янги йил куни” деган маънони билдиради...

Қилтирик Дарвешдан бунақа гап қутмаган эди.

– Новви<sup>9</sup> жи?

– Навсаржи. Бунга Беруний “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” деган китобида ёзиб қолдирган, – такрорлади Дарвеш.

– Хў-ўп, – деди қилтирик. – Бўлмаса гапни эшитинг! Наврўз, меҳр-муҳаббат байрами. Шунинг учун яқинларнинг, қари-қартанг, бева-бечораларнинг ҳолидан хабар олиш керак.

<sup>9</sup> Новви – нима.

– Бечора, чорасиз дегани, – деди Дарвеш. – Хў-ўш...

– Шунинг учун оғзибиччилик қилиб ким кўмакка мухтож бўлса бориб кўриш керак...

– Кимникида кўмак экан? – гапга аралашди чой келтирган Дарвешнинг хотини. Қилтирик унга чакчайиб қаради.

– Хотин-халаж деган ўзини билса, гапга аралашмаса! – деди килтирикнинг қарашини тушунган Мамат.

Дарвеш Маматга чакчайди.

– Хотин деган ҳам ёмон жонивор эмас, сени туккан, мени туккан, сут эмизган.

– Яхши бўлса уларга хотин деб қўймас эди, – билганидан қолмади Мамат.

– Хотин сўғд тилида малика дегани бўлади, – деди Дарвеш. – Энди халажга келсак, халаж қабиласининг аёллари ниҳоятда чиройли бўлгани учун ўтганларимиз аёлларимизни “халаж хотин” яъни “гўзал малика” деб улуғлашган.

– Э, хотин дегани барибир қўйдаи ювош бўлиши керак, – деди Қилтирик.

– Қўй дегани ҳам ёмон гап эмас, – ўрлиги тутди Дарвешнинг. – Қўй дегани туркий қўйин деган сўздан. Яъни қўйнимдаги, ўзимники, кадрдоним дегани. Бекорга Эронда қўйни гўсфанд – “муқаддас мол” демайди. Шунинг учун хотин қўй бўлса ҳам ёмон эмас. Муқаддас нарса экан.

Қилтирик томоқ кириб бир-икки иягини чўзди-ю, аммо бирор сўз айта олмади. Хамроҳини туртди.

– А?! – чўчиб тушди Соли созчининг ули.

– Айтинг! – деди килтирик.

– Бўлмаса гап мундай-й-й, – оғзи бурнини кафтининг орқаси билан артди “шўро аъзо”. – Шу-у, Наврўзни ўтказиш учун одамлардан пул йиғнаб юрибмиз. Мана, ҳокимиятдан келган одамнинг гапларини эшитдингиз. Шунга кўлингиздан келганича...

Дарвеш бир Соли созчининг улига, бир килтирикка қаради.

– Тушунмадим, – деди кейин.

– Несини тушунмайсиз?! – Мамат овозини бир парда баландлатди. – Наврўз ўтказиш учун беш-олти танга пул беринг!

Дарвеш ерга боқиб бир зум жим қолди. Кейин бошини кўтариб “шўро аъзо”га қаради.

– Мен ҳали шу вақтгача ҳокимият бизга ёрдам беради-и, деб юрсам... ҳокимият биздан кўмак сўраб келдими?

Ўртага ноқулай жимлик чўқди. Қилтирик Маматга, Мамат килтирикка қаради. Дарвеш жавоб кутарди.

– Туринг! – деди бир пайт килтирик. – Кетдик бу ердан!

Икколови хонадан узун-қиска бўлиб кўчага чиқишди.

– Иштон бити экан-ку бу?! – фиғони фалакка чиқди килтирикнинг. – Ҳар гапга ёпишиб ётибди.

– Девона! – деди Мамат. – Дали! Шунинг учун ҳеч қаерда ишлатмай кетига тегиб қўйибдилар! Ҳеч қачон эл бўлмаган бу бизга!

Дарвеш эса ҳамон ўтирган жойида эди.

– Не гап? – сўради хонага кириб келган хотини. – Меҳмонлар сал норозига ўхшаб чиқиб кетдилар.

Дарвеш эгнини қисди.

Не гаплиги эртаси куни маълум бўлди. Аввалига Дарвешни участкавой сўроқлаб келди. Индамай-нетмай тўғри боғ томонга ўтди. Молхонадаги йирик-майда туёқнинг барини эринмай кўздан кечирди. Товуқхонага ҳам бош суқди. Товуқлар ҳурқиб қоқоғлашиб у ёқдан-бу ёққа, бу ёқдан-у ёққа учишди. Бадбўй чанг кўтарилди. Бирок милиса бола бунга парво қилмади. Қоронғи-қоронғи бурчакларга

ўтиб лой деворнинг катта-кичик тиркишларининг ҳаммасини бирин-бирин қўл фанори билан ёритди. Томоркага экилган экин челларини кистанмай элади. Айникса, пиёз, саримсоқ, гул экилган кулчаларни қаричма-қарич кўздан кечирди.

Дарвеш унинг ёнига ҳам бормади, не гап, деб ҳам сўрамади. У ҳам ҳеч гап айтмади. Отиздан чикиб уст-бошини хафсала билан қокди-да, қандай кириб келган бўлса шундай гап-сўзсиз чикиб кетди.

– Хотин, бир чой кўй, – деди Дарвеш. Кейин узумзор ўртасига ўрнатилган сўрига чикиб ўтирди.

Хотини дастурхон кўтариб келди.

– Бу-уу бизларнинг узумларни кўрмади, – деди Дарвеш хотинига. – Қара, ранги кўзни олади. Ҳали шу вақтгача бу йилгидай узум кила олмаган эдик. Килосини уч мингдан оламиз, деб турибди. Бу зангар бўлса узумга бир қайрилиб ҳам қарамди.

– Бу боланинг бошка дарди борга ўхшайди, – деди хотини дастурхон ёзар экан эрини хушёрроқ бўлишга чакириб.

– Ҳай, не дарди бўлса ҳам шундай узумларга бир қараши керак эди, – деди Дарвеш. – Бу Худонинг неъматини-ку ахир.

Хотини Дарвешга “гапимни укмадингиз”, деган маънода кўз ташлади, аммо индамай нари кетди.

Дарвеш катта чўзилиб осмонга қаради. Тубсиз осмон. Кўм-кўк. Мовий. Зангори.

– Ҳа-а, мана ётибди-ку минг кўйли бойдай чўзилиб...

Дарвеш бошини кўтариб тепасида кўшниси Болта ховликма билан Яхшим жингилани кўрди.

– Келинг, Болтабой ота! – ўрнидан кўзгалди Дарвеш. – Қани бу ёкка, тўрга ўтинг!

– Ҳа, ҳа, ўтинг тўрга, – Дарвешни қўллади Яхшим.

– Сени отанг би-ир уламо одам эди, – соқолини сийпалаб гурунг бошлади Болта ота. – Элга-юртга ақл берар эди.

– Ҳавво, ҳавво, – унинг гапини қўллади Яхшим. – Шундай эди!

– Сен бола билмадим, кимга ўхшадинг! – гапида давом этди Болтабой ота.

– Ҳавво<sup>10</sup>, кимга ўхшадинг! – гапга суқулишди яна Яхшим.

– Не гап эди? – узоқларга тикилаётгандай кўзини қисиб уларга тикилди Дарвеш.

– Ҳавво, ҳавво тушунтиринг! – энди Яхшим Дарвеш томонга ўтди.

– Несини тушунтираман! – асабийлашди Болтабой ота Яхшимнинг керак-ноке-рак жойда гапга аралашаверганидан асаби ўйнаб. – Не гаплигини ўзи яхши билади!

– Ҳавво, билади, – деди энди Яхшим.

– Билмайман, – деди босиклик билан Дарвеш. – Боягина анаву питта<sup>11</sup> милиса, питта хулиган бола келиб қўлтиғимизнинг тагигача қараб кетди. Не кидирди, топдими, топмадими, билмадик. Энди сизлар келиб... не гап ўзи?

– Ҳов бола! Отанг яхши одам эди...

– Буни биламан, – деди Дарвеш.

– Шуни билсанг, отангнинг юзини ерга қаратма!

– Ҳавво, ҳавво, қаратма!

– Ме-ен, – деди чўзиб Дарвеш. – Отамнинг юзини ҳеч қачон ерга қаратмаганман.

Қайтиш бўлганида ҳам, мен сендан мингдан-минг розиман, деган.

– Ҳавво, ҳавво шундай деган лекин. Мен ҳам эшитганман.

– Билмаган-да отаси бечора мунинг олтмишга чикқанида айниб қолишини! – кизишди Болтабой ота.

<sup>10</sup> Ҳавво – ҳа.

<sup>11</sup> Питта – озрок.

– Туври, туври, билмаган! – кистаниб гап кистирди Яхшим бир гапдан қолса уни бу ердан хайдаб юборадигандай.

– Аммо лекиги-ин одам экансан-да! – жеркди уни Болтабой ота. – Бир гапдан қол-да сенам!

– Э-э! – қўлини икки томонга ёйди Яхшим. – Бўлди, энди аралашмайман.

Дарвеш бу “ташриф”ларнинг маъносини тушунтириб беришларни кутиб Болтабой отага тикилиб ўтирарди.

– Соли созчининг ули келдими ҳокимиятдаги одам билан?

Дарвеш бошини ирғаб қўйди. “Келди”.

– У бола пакирни шаҳардаги ёшуллилари иш-пишини ташлатиб бу ёққа пул йиғнаб келишга юборидилар. Наврўзда ҳамма бева-бечораларнинг ҳолидан хабар олинсин, деб. Ҳар ким қўлидан келганини бериб турибди. Сен бўлса у болага ҳақорат берибсан!

– Туври! – жим ўтиролмади Яхшим.

Болтабой ота унга ўқрайиб қаради. Бирок сўз демади.

– Ана Пинни кўрнинг ули Бокки фалонча сўм берди. Яна бир халта бурунч ҳам ваъда этибди. Обедда уйда буларга зиёфат ҳам ташкил этибди. Ана муни ота боласи, деса бўлади.

– Пинни кўрнинг топгани етти пуштина етади. Бокки боласи ҳам юрган бир мошеник. Неча одамни куйдириб қўйибди. Зиёфат бергунча қарзини берсин.

– Бу сенинг ишинг эмас, – бироз бўшашди Болта ота. – Қарзи бўлса ўзи жавобини беради. Сен... садақа ҳисобида бўлса ҳам беришинг керак эди. Садақа радди бало, деганлар.

– Садақани яқинларингдан бошла-а, деган ҳадис бор, – деди Дарвеш. – Яқинларимдан ортадиган пулим йўқ. Кейин шу бола менга унчалик ёқмади.

– Аммо одам экансан, лекин! – Болтабой ота яна бирдан қизиди, шитоб билан ўрнидан турди. – Ёқди, ёқмади! Не сенга ёқаман деб қошини териб, лабини бўяб келсинми?

– Ҳавво, эркак одам лабини бўяйдими? – Болтабой отанинг гапини маъқуллади Яхшим ҳам шоша-пиша қовушини қияр экан. – Аммо-лекин одам экансиз!

Болтабой ота Яхшимнинг бикинига нуқди:

– Тўтиқушдай қайталайверма бир гапни!

– Невчун келибдилар? – Ҳалима эрининг олдидаги дастурхонни йиғиштирар экан хайрон бўлди. – Не Худой урди буларни бугун?

Аммо кейинги воқеалар ривожидан Дарвишни урганга ўхшаб турарди.

– Устингдан ариза тушибди, – деди кечкурун келган шўро бува.

– Ариза? – хайрон бўлди Дарвеш. – Устимдан ариза тушиб мен не, қолхознинг раиси ё ҳокимманми?

– Улардан ҳам баттарсан! – деди шўро бува. – Боланг икки йилдан бери элда йўқ. Не ерда юрибди?

– Иби, билмайсизми не ерда юрганини?

– Билмайман!

– Сиззи бола билан чет элда юрибди-ку ишлаб.

– Мен сандан болангни сўраётирман.

– Қизикмисиз шўро бува? Ахир ўзингиз келиб эланиб ўтирдингиз-ку, биззи болаларни ҳам олиб кетсин боланг деб икки йил бурун. Шундан бери келмади.

– Келди, ана юрибди қоровул бўлиб ишлаб. Боланг қимлар билан юрибди у ёқда?

– Мен қайдан биламан қимлар билан юрганини.

– Билмайсанми?

– Билмайман.

– Билмасанг, боланг у ёқда анавиларга қўшилиб кетибди!

– Ё тавба! – деди Дарвеш. – Ўзинг сакла!

– Жўгичилик этма! Ўзинг ҳам бу гаплардан хабардорга ўхшайсан.

– Қайси гаплардан?

– Анави... кадимги замонларни кайтарамиз, деган гаплардан.

Дарвеш шўро бувага хайрон бўлиб тикилиб қолди. “Бу одамни биров алмаштириб кўйганми?”

– Ана гаплай олмай ҳам қолдинг. Ҳокимиятдан келганларга ҳам эски замонларни гаплабсан...

Дарвеш қаршисидаги одамга ҳозир гап уктириб бўлмаслигини англади. “Топширик олган, шуни бажариши керак,” ўйлади Дарвеш. “Ё анави бола дим катта одаммикан?”

– У бечора сенга юрагидан чиқариб шунча гап айтган. Юракдан чиқариб айтилган гапни эса қабул қилиш керак, ундан бир хулоса чиқариш керак.

– Агар юрак пок бўлса... – деди Дарвеш. – Агар нопок бўлса ундан Худо сакласин.

– Сендан Худо сакласин, – деди шўро бува. – Болангдан Худо сакласин!

– Жонини сақлайман, деб имонини сотадиганлардан Худо сакласин!

Уч кундан кейин шўро бува яна келди. Болта бува ҳам, Яхшим ҳам, питта хулиган, питта милиса бола ҳам келди. Ҳаммаси бирга келди. Улар билан бирга баланд бўйли, полвонқелбат бир йигит ҳам бор эди. Мўйлаби ўзига ярашиб турибди.

Дарвеш узум узиб юрган эди.

– Э-ээ, келинлар! – деди Дарвеш. Ҳосилни йиғаётган, вақти хуш эди. Сўнг кўлидаги бир сўлқим узумни кўз-кўзлади. – Муни қаранг, ранги кўзинг олин дейди.

Кейин шўро бувага қараб гап бошлади:

– Мен бола билан гаплашдим. Ойдий ишлаб юрган экан. Ишонмаган эдим заводининг директори билан ҳам гаплаштирди. Раҳмат, деди у. Шундай меҳнатқаш, оккўнгил, тоза болани тарбиялаганингиз учун, деди, – Дарвеш келганларга бир-бир қараб чиқди. – Ҳеч кимга кўшилмабди болам. Қайт десангиз, қайтаман дейди.

– Энди-и, Дарвешбой, – чўзиб гап бошлади шўро бува. – Бизлар сеннан кечирим сўрамоққа келдик...

Дарвеш йиғилганларга бир-бир қараб чиқди.

– У бола бир апирис экан. Ҳокимиятданман деб бир ойдан бери кишлокма-кишлок пул йиғиб юрган экан. Бизлардай... содаларни топиб. Раҳмат сенга... пул бермаганинг учун.

Келганларнинг ҳаммаси қилган ишларига яраша кечирим сўрашди. Фақат бояги нотаниш полвон йигит ҳеч нарса демади. Улар кетгач жуда чарчаганини ҳис қилди. Сўридаги кўрпачага чўзилди. Бирдан бўшашди. Кўзларига ёш қалқди негадир. Осмонга тикилди. “Тавба-аа! Осмон нега кўм-кўк кўринар экан-а?” ўйлади у кўзларини сидириб. “Ахир ҳаво рангсиз-ку! Ҳа-ха, тўхта-аа. Ахир осмон тубсиз, зимистон. Осмон тубсиз бўлгани учун қоп-қора. Кўзимиз илғаган ердаги булуллар қават-қават, уларнинг сояси рангсизлик билан қўшилиб, кўзимиз илғаган жойларга мовий тус беради. Ҳаёт ҳам шундай-да. Оқ билан қоранинг қоришиғи. Ичига кирмай четдан қарсанг мовий, зангор, кўм-кўк кўринади. Аммо ичига қирсанг...”

Дарвеш энди мутлако гапирмасликка аҳд қилди.

## Қуёш эрур сизнинг севгингиз



Гавҳар  
ИБОДУЛЛАЕВА

\* \* \*

Сиз дунёнинг пок кўксини  
Безаб турган чечаксиз.  
Нозикниҳол вужудингиз –  
Эзгуликлар тимсоли.  
Кимларгадир армон бўлган,  
Кимларгадир шаън бўлган,  
Мен суйган ардоғимда  
Бемисилсиз, эртаксиз.

Сизни десам, менинг жисмим  
Бир оташда қоладир,  
Бўғзимни ҳам ёндиради  
Номсиз, сонсиз каломлар,  
Она... она... она...  
Такрор тизилади коғозга,  
Сўнг бир нуқта  
Нақш этолмай  
Сина бошлар каламлар...

Сиз дунёнинг пок кўксини  
Безаб турган чечаксиз.  
Кўзларимга ишонмайман –  
Чинмисиз ё эртаксиз?

*Гавҳар ИБОДУЛЛАЕВА – Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими. “Эл-юрт хурмати” ордени билан тақдирланган. 1961 йилда туғилган. Хоразм давлат педагогика институтининг филология факультетини тамомлаган. Унинг “Қутлуг сўзлар”, “Бир вужуд соғинч”, “Юрагимда яшаётган сир” номли китоблари чоп этилган.*

Уззукун бир довдир шамол эсади  
 Рухимнинг кимсасиз йўлақларида.  
 Бардошим қарийди, сабрим тўзади,  
 Тутиб эркталаб эрк эртакларидан.

Қисмат – шафқатсиз қўл, ортиқ матоҳдай  
 Илинж майсаларнинг бошини юлар.  
 Шохидан узилган сўнгги япроқдай  
 Умидлар охиста жон таслим қилар.

Хазон – қават-қават шўрдийда имкон,  
 Бағрин ерга бериб ётади бунда.  
 Армон – фалақларга етган арғувон –  
 ҲАҚдан имдод тилаб қотади бунда.

Лекин...

Бир кун кадам қўяр Алпомиш – овунач  
 Ишониб кўнгилнинг эртакларига.  
 Кўз тиккани-тиккан бир вужуд соғинч –  
 Рухимнинг кимсасиз йўлақларига.

## Хат

Хат – хисларнинг кўзгуси эмиш,  
 Туйғуларнинг жозиб ранглари.  
 Интик юрак орзуси эмиш,  
 Бахт сингиган дил оҳанглари.

Хат-ла мағлуб хижрон, изтироб,  
 Писанд эмас айрилик бетинч.  
 Хат – вафога йўғрилган баёт,  
 Қанотланган мухаббат соғинч.

Унсиз армон, садосиз ўтинч,  
 Хат – алданган умид ингроғи.  
 Пушаймонга ғарқ қалб зори у,  
 Яна дилнинг ҳеч ўчмас доғи.

Кўрармишлар унда бир-бирин,  
 Хат – севгувчи диллар дарчаси.  
 Сатрларга тўкилган ҳаёт,  
 Қанотланган юрак парчаси.

\* \* \*

Олдимда ок, ойдин қаторлар  
 Қорайиб қолади изларим.  
 Қорайган изимга қарайман,  
 Бехосдан  
 Нурланиб кетар кўзларим.

Ва сўнгсиз хаёлда жонланар  
 Уйимга элтгувчи сўкмоқ йўл.  
 Оламда ягона бир сиймо  
 Хув, бошда  
 Тўхтамай-тўхтамай силкир қўл.

Ҳаприкиб кетади юрагим,  
 Кенгликлар бағрига сиғмайди.  
 Нигоҳ бир нуктада тутилар,  
 Кўзимда  
 Ошқора зўриқиш бўзлайди.

Хаёлдан чирт юмиб кўзимни  
 Соғинчли хисларни қуваман.  
 Шуъладор қаторга шўнғир кул,  
 Шу тахлит  
 Кўнглимнинг илинжини юваман.

\* \* \*

Орамизда масофалармас –  
 Хотиранинг яйдоқ чўллари.  
 Бизни учраштирган дунёнинг  
 Суронлари, тўфонлари, селлари.

Орамизда масофалармас –  
 Мен кутиб, сиз келмаган йиллар.  
 Биз дунёдан сир тутган туйғу,  
 Дунё бизга очмаган сирлар.

Орамизда масофалармас –  
 Кўзёшларга дўнган чоғлар бор.  
 Орамизда масофалармас –  
 Гурур отлиғ юксак тоғлар бор.

Номус деган тоғлар айқирар  
 Орамизда бекўприк, беиз.  
 Кечолмаймиз дарёдан энди,  
 Ўтолмаймиз тоғдан иккимиз.

## Ёлғизликда

Оқшомлар кўксимга бошин кўяди,  
Оҳиста силайман тун сочларини.  
Оқшомлар кўксига бошим кўяман,  
Оҳиста силайди тун сочларимни.

Зорли хаёлларнинг беланчагида  
Унсиз аллалайман бедор жимликни.  
Жимжит саволларнинг ҳалинчагида  
Бедор аллалайди жимлик жимликни.

Хўрсиниб пинжимга киради нолинч,  
Эркалаб, овутиб, кучиб толаман.  
Тун менга овунчу, мен тунга овунч,  
Соғинчнинг пинжида ухлаб қоламан.

\* \* \*

Кунлардан бир куни келасиз,  
Бағримга тегади шамоллар.  
Афсуслар узлатга чекинар,  
Бош олиб кетади армонлар.

Бугун-ча вужудим кўз бўлиб,  
Йўлларга тикаман кўзимни.  
Юракка чакиллаб кўзёшим,  
Ичимга ютаман бўзимни.

Сизам-да сув бўлса симириб,  
Тош бўлса кемириб еларсиз.  
Жудолик тоғларин емириб,  
Кунлардан бир куни келарсиз.

Ўшал кун эртақлар тугайди,  
Дунёни босади ғавғолар.  
Бирдан очилар Қайс кўзлари,  
Тирилар Тохирлар, Зухролар.

Қисматнинг пойига чўқар тиз  
Устимиздан кулган ёлғонлар.  
Бир ойдin Ҳақиқат очар юз,  
Чорлагай еттинчи осмонлар.

Ва икков дунёни унутиб,  
Бир гўзал суҳбатлар кураимиз.  
Ўшал кун – таваллуд топгуси ҳаёт,  
Воқе бўлабошлар умримиз,  
Кунлардан бир куни...

\* \* \*

Оби ҳаёт – сизнинг севгингиз,  
 Рухим гулдир, яшнаб бораман.  
 Мен томонга окмай қўйсангиз,  
 Қовжирайман, қуриб қоламан.

Ҳаво янглиғ сизнинг севгингиз,  
 Жоним – қушча, юраман учиб.  
 Осмон бўлиб чорламасангиз,  
 Маҳв бўларман йўқликни қучиб.

Замин қадар сизнинг севгингиз,  
 Бу омонат умримга доя.  
 Оёғимни тираб турмасам,  
 Қулаб тушар вужудим – қоя.

Қуёш эрур сизнинг севгингиз,  
 Ғариб кулба – юрагим, илло,  
 Бир тутам нур тушиб турмаса,  
 Зимистонга дўнади дунё.

Бу синоат, бу мувозанат  
 Борлиғимни турмаса қуршаб,  
 Ўз-ўзимдан чиқиб кетаман,  
 У ёғига бўлмайди яшаб.



**Ўжод бу – севги, машаққат,  
 қувонч!**

**ШУКРУЛЛО**



Муҳаммад АЛИ

## ҲИНДИСТОН МАЛИКАСИ

*(“Рамаяна” эпоси мотивлари асосида)*

*Тўрт парда, ўн бир кўринишли (пролог ва эпилогли)  
тарихий драма*

### Иштирок этувчилар

**Дашаратха** – Ҳиндистондаги Кўшала мамлакати подшоши.

**Рама** – подшонинг тўнғич ўғли, валиаҳд шаҳзода, паҳлавон йигит.

**Сита хоним** – соҳибжамол киз, Ҳиндистон маликаси, подшо келини.

**Бхарат** – подшонинг ўртанча ўғли.

**Лакшман** – подшонинг кенжа ўғилларидан бири.

**Ковшала хоним** – улуг малика, подшо хотини, Раманинг онаси.

**Кайкейи хоним** – подшонинг ўртанча хотини, Бхаратнинг онаси.

**Сумитра хоним** – подшонинг кенжа хотини, Лакшманнинг онаси.

**Монтхра** – Кайкейи хонимнинг оксочи, букур оксоч хотин, фитначи аёл.

**Жонак** – Митхила мамлакати подшоши.

**Равана** – Ланка мамлакати подшоши. Девдай паҳлавон.

**Шурпанокха** – Равананинг синглиси, бадбашара аёл.

**Сугрива** – Кишкіндха мамлакати подшоши.

**Ханумон** – Кишкіндха мамлакатидан, тусини ўзгартира оладиган жасур ва ботир маймун (тимсоли).

**Вибхишон** – Равананинг укаси, оқил йигит, кейинчалик Раманинг дўсти.

**Гуха** – Нишодлар мамлакати подшоши.

Сарой аъёнлари, брахманлар, кшатрийлар, мулозимлар, саркардалар, худайчилар, харам маликалари, раққосалар, машшоқлар, маддохлар, жориялар, аскарлар, хизматчилар, оддий халқ вакиллари.

Воқеа милоддан олдинги IV асрда Ҳиндистонда бўлиб ўтади.

Муҳаммад АЛИ – Ўзбекистон халқ ёзувчиси, давлат мукофоти лауреати. 1942 йилда тугилган. Қирқдан ортиқ шеърӣ, насрий асарлар, эсселар, публицистик мақолалар ва таржима китоблари эълон қилинган. “Машираб”, “Гумбаздаги нур” каби достонлар, “Навоӣ ва Бойқаро” тарихий драмаси, “Боқий дунё” шеърӣ романи, “Сарбадорлар” роман-дилогияси ҳамда “Улуг салтанат” роман-тетралогияси муаллифи.

## Пролог

*(Парда олдиди)*

### 1-худайчи

*(Ўнг томондан кириб келади)*

Одамлару одамлар!  
Боғда битган бодомлар!  
Эшитмадим деманглар!  
Сира ҳам кам бўлманглар!  
Бугун Митхилада каттакон байрам!  
Митхила подшоси қудратли Жонак  
Овоза солмишдир жумла жаҳонга:  
Якка-ёлғиз кизи Сита ҳурлико  
Балоғат ёшига кадам қўйибди.  
Энди ўз тенгини тилар ул пари...  
Энди унга лозим акли расо ёр.  
Бошланар куёвлар мусобакаси,  
Келмиш Ҳиндистоннинг зўр йигитлари,  
Паҳлавонлар келмиш жумла жаҳондан...

### 2-худайчи

*(Чап томондан кириб келади)*

Одамлару одамлар!  
Боғда битган бодомлар!  
Эшитмадим деманглар!  
Сира ҳам кам бўлманглар!  
Бугун Митхилада каттакон байрам,  
Бир чертса тоғни ҳам учирмоқка шай,  
Ўзига ишонган, манаман деган  
Йигитлар жонини тикиб майдонда  
Сита кўлин сўрар, ёр бўлмоқ истар  
Тенги йўқ дилрабо сохибжамолга!  
Таърифин келтирсам малак санамни:  
Юзлари ой мисол, кўзлари гавҳар,  
Беллари чилвирда тортгандай нозик,  
Бодом қобокли-ю юпка дудокли,  
Башар боласимас, пари сиёкли,  
Кўксиди яширган қўш каптари бор,  
Каптарни тутмоқка минглар интизор...  
Интизорлар бугун бунда келибди.  
Ҳар бири ўзини лойик билибди,  
Билиб, майдон ичра мағрур юрибди.  
Келмиш Ҳиндистоннинг зўр йигитлари,  
Паҳлавонлар жамдир жумла жаҳондан...

### 1-худайчи

Кўшала тахтига валнаҳд эрур  
Рағҳу авлодидан Рама паҳлавон!

У шундай пурқудрат, кадам ташласа,  
Ерлар зириллайди, тоғлар титрайди,  
Тоғлар титрайди-ю ер зириллайди...

## 2-худайчи

Ланка салтанатин соҳибфармони  
Равана, девдир ул, душманга офат!  
Ўнта боши бордир, йигирма қўли,  
Номидан даҳшатга тушади ёвлар,  
Ёвларга сичқоннинг ини минг танга!

## 1-худайчи

Нишодлар подшоси Гуҳа шерюрак,  
Қаҳридан девлар ҳам қўрқиб туради!  
Ҳали юрак ютиб бирон бир кимса  
Ерга теккизганмас унинг курагин!

## 2-худайчи

Кишкиндха подшоси Сугрива ёвқур  
Талабгор излаган фил каби қайсар!

---

## ЛАФЗ ШАЪНИГА ҚАСИДА

*Ўзбекистон халқ ёзувчиси, давлат мукофоти лауреати Муҳаммад Алининг эътиборингизга ҳавола этилаётган янги драмаси қадимий ҳинд эпоси “Рамаёна” оҳанглиридан таъсирланиш мевасидир.*

*“Рамаёна” жаҳон адабиётида ўз мазмун ва моҳиятига кўра алоҳида ўрин тутган асар. “Рамаёна” инсонни ҳатто илоҳлар нажоткори сифатида кўради, демак, шу маънода у инсонга мадҳиядир, бурч, садоқат ва лафз шаънига айтилган қасидадир.*

*...Иблислар – раҳишлар оролининг ҳукмдори Равана бир вақтлар маъбуд Драмадан илоҳий ҳадея – ўқ ўтмаслик қобилиятини олган. Вақт ўтиб, манмансираб кетган Равана ҳатто илоҳларнинг ўзига ҳам таҳдид сола бошлайди. Раванага фақат инсонгина бас келиши мумкин эди. Бу одам Рама исмли шахзодадир. Шу боис маъбуд Вишну инсон бўлиб туғилишига аҳд қилади...*

*Муҳаммад Али ҳинд халқининг мазкур ўлмас асарини ўзбек тилига ўгириб, шу билан миллий адабиётимизни яна бир бебаҳо асар билан бойитган эди. Журнал-хонларга ҳавола этилаётган мазкур драма “Рамаёна”га шунчаки эргашши эмас. Муаллиф Турон ва Ҳинд диёрининг маънавий алоқалари, аждодларимизнинг қадим ҳинд ўлкаси билан боғлиқ тасавурлари борасидаги мушоҳадалар, шунингдек, ҳиммат, диёнат, вафо ва номус атрофидаги мунозараларни ўз ичига олган ўзгача бир талқиндаги мустақил бир асарни яратган. Драмада хоразмлик энгилмас полвонлар образи, курашга бағишланган тасвирлар борки, беихтиёр Паҳлавон Маҳмуд жасорати, ҳиммати ёдга келади...*

*Хуллас, сиз, азиз журналхонларга яна бир янги, яхши асарни мамнуният билан тўхфа этмоқдамиз.*

**ТАҲРИРИЯТ**

Агар палахмондан тош отса, тамом  
Муштаҳкам қаср ҳам бўлар чилпарчин!

### 1-ҳудайчи

Ана баҳодирлар саф тортган мағрур,  
Ганга дарёсининг нарғи ёғидан...  
Дондақ ўрмонининг берги ёғидан...

### 2-ҳудайчи

Тамоса дарёсин у тарафидан,  
Амравотий, Алок шаҳридан келган  
Шерлар қўқрак кериб юрар мардона!

### 1-ҳудайчи

Митҳила юртидан, Балх шаҳридан ҳам  
Гердайган, пурвикор паҳлавонлар жам!

### 2-ҳудайчи

Паҳлавонлар жамдир Ҳимолай тоғдан...  
Тарамастха – Термиз, Хоразм ёқдан!

### 1-ҳудайчи

Барчаси саф тортиб, шимариб билак  
Майдонга тушмоққа интиқ, жонсарак!

### 2-ҳудайчи

Бари гўзал Сита қўлин сўрайди!

### 1-ҳудайчи

Фақат гўзал Сита қўлин сўрайди!..

### Иккиси

Фақат гўзал Сита қўлин сўрайди!

*(Икки ёққа чиқиб кетадилар.)*

### Парда

## Биринчи парда

### 1-кўриниш

Митҳила подшосининг шоҳона саройи олдидаги майдон. Ўртада яздон Шиванинг хушбўй сандал иси анкиган, гулларга чулғанган баҳайбат камалак-ёйи. Ўнг томонда Митҳила маликаси Сита хоним қўлини сўраб талабгор бўлиб турли мамлакатлардан келган шахзода ва паҳлавонлар саф тортган. Чап томонда сарой аъёнлари, Брахманлар, кшатрийлар, мулозимлар, лашкарбошилар, сипоҳлар, машшоқлар. Мусика янграйди. Саройнинг иккинчи ошёниси деразаларидан бирида куёвлар беллашувини томоша қилишга чиққан соҳибжамол Сита хоним ярақлаган либосларда кўринади. Бошка деразаларни безаниб-ясанган сарой маликалари эгаллаган. Ҳамма ҳаяжонда. Одамлар у ёқдан-бу ёққа ўтиб туради. Ноғоралар садоси эшитилади.

## Мулозим

Митҳила подшоси олампадох Жонак подшо ташриф буюради-ла-а-ар!...

## Жонак

*(Саройдан мағрур чиқиб келади)*

Узоқ йиллар юртда подшоҳлик қилдим,  
Сурдим давру даврон бир подшога хос.  
Бирон нимарсадан камлик жойим йўқ,  
Дастим фалакларга ётар истасам.  
Бир замонлар Шива, каҳҳори олам  
Ўзининг илоҳий камалак-ёйин  
Еттинчи бобомга айлабди тухфа,  
Шундок ул бобомни азиз кўрибди,  
Шундан бери мана ётар майдонда...  
Каттаю кичикка, ўтган-кетганга  
Маҳодева ёйи даҳшатлар солар  
На биров кўтариб ўқ ота олар,  
На биров жойидан кўзгата олар...

Тирноқка зор ўтдим, хайҳотки, ўзим,  
Бефарзандлик мағрур қадимни букди,  
Бошимни ҳам этди подшолар ичра,  
Жаҳон айвонида изо тортдим мен.  
Бир кун бола тилаб йиғлаб-ёлбордим,  
Худоларга қилдим зори тавалло.  
Менга ҳам фарзанд бер, фарзанд ато эт,  
Ноламга кулоқ сол, ох-додимга ет!  
Хизматимни қилсин ўғилми ё қиз,  
Одамдай ортимда қолдирайин из...  
Шундай деб, дилимдан учди нолалар,  
Ва бир кун қурбонлик айладим саҳар,  
Муқаддас омоч-ла ер хайладим-да,  
Эзгу ният билан олдим эгатлар...  
Мўъжиза юз берди шунда ногаҳон:  
Эгатдан чиқди бир хурилиқо қиз!  
Ҳайратдан кўзимга ишонмай қолдим,  
Наҳотки, фарзандлик бўлдим мен, наҳот?  
Уни сўнг ўзимга қиз қилиб олдим,  
“Сита”, яъни “Эгат” дея қўйдим от...

Ўша Сита қизим етди камолга,  
Бутун Ҳиндистоннинг гул маликаси,  
Дунёга бергисиз қиз бўлди энди  
Хуснига тикилиб тўймайман сира,  
Онаси пўпалаб бўлар парвона...  
Энди тўй бошлайман, қизим тўйини,  
Дастурхон ёзаман эл-юрт олдига.  
Қадимлардан қолган урф-одатлар бор,  
Қуёв бўлайин деб талпинган мардлар

Беллашурлар ёрга етишмоқ учун,  
 Ўзим қатнашганман шундай баҳсларда,  
 Енгиб, маликалар илгин тутганман...  
 Кимки ботир бўлса, довюррак, жасур,  
 Унга насиб этган гўзал раънолар!  
 Эй мард баҳодирлар, кулоқ берингиз!  
 Кимки адо этса ушбу шартимни,  
 Қай мардки Шиванинг камалак-ёйин  
 Ўрнидан қўзғатса, тор боғлай олса,  
 Шундай жасоратни этса намоён,  
 Тан бериб эл-юртнинг кўзи олдида  
 Ўшани тақдирлаб Ситанинг ўзи  
 Зафар гултожини осар бўйнига!  
 Ўшаники бўлур Сита – гул қизим!..

### Лашкарбошилар

Шон-шараф муборак Жонак подшога!  
 Жонак подшо умри бардавом бўлсин!

Сурон кўтарилади. Атрофда “Бардавом бўлсин!”, “Бардавом бўлсин!” деган овозлар. Талабгорлар беихтиёр бир кадам олдинга чиқиб кетганларини билмай қоладилар. Уларнинг ичида Равана, Сугрива, Гуха ажралиб туришади. Рама жойидан қимирламайди.

### Равана

*(Сита хонимга мағрур боқиб)*

Гўзал хурликога биз-да, харидор,  
 Митхила малаги бизники бўлур!  
 Зафар гултожин ҳам, шубҳасиз, бизнинг  
 Қудратли бўйнимиз кутиб турибди...

*(кибру ҳаво билан атрофга кўз ташлаб)*

Ҳайронман, ўзгалар не истаюрлар,  
 Адашиб келмишлар бу ерга аён.  
 Келмишлар калтак еб, бурнин конатиб,  
 Кулгига қолишни ўйламаганлар!  
 Хо-хо-хо!.. *(Кулади.)*

### Гуҳа

*(олдинга чиқиб)*

Ҳей, сал ўзингни бос, паҳлавон йигит,  
 Бемаврид осмони фалакда учма!  
 Ҳали ким калтак ер, калтак егизар,  
 Ёлғиз тангриларга аёндир бу сир.

### Сугрива

*(хотиржам)*

Ўх-хў, зап ботирлар бунда йиғилмиш!  
 Сизларга кенгашим: курашинг икков,

Муштлашинг, талашинг, тишлашинг роса,  
Ким ғолиб чиқса, ул келсин қошимга!

### Ганга дарёсининг нариги ёгидан келган пахлавон

*(ўртага чиқиб)*

Қани кўрсатингиз менга ўшани,  
Кимнинг бурни экан, конай деб турган?

### Тамоса дарёсининг бериги ёгидан келган пахлавон

*(тахдидли)*

Жонидан тўйганлар бор бўлса, айтинг!  
Кўпдан ўзи кўлим кичиб юрибди...

### Ҳиндистоннинг жанубидан келган пахлавон

Ким бўлса ҳам чиқсин, тайёрман бунда..

### Ҳиндистоннинг шарқидан келган пахлавон

*(кўкрак кериб)*

Адашманг, сиз қутган пахлавон менман!

Бошқа талабгорлар ҳам шовкин кўтардилар. “Кўрсатиб қўяман!”, “Мени билмайдиганлар ҳам бор эканми?..”, “Кичкина деманг бизни!..”, “Ким мени сўраётган? Бу ёқдаман!”, “Бундай ўпкаларни кўп кўрдик!..” деган овозлар. Пахлавонлар кўкрак кериб у ёқдан-бу ёққа юрадилар.

### Равана

*(талабгорларга калондимоғлик билан боқиб)*

Ҳар кимнинг ишимас ёйни кўтармоқ,  
Унга тор боғламоқ – ўйин эмас бу!  
Ҳай-ҳай, Маҳодева камалаги-я!  
Зўрға кўтарарди Шива ўзи ҳам!

*(Рамани кўрсатиб)*

Бу иш мушкуллигин англади Рама,  
Жойидан қилг этмай турибди ана,  
Ўз хаддини билиб кўкрак кермайди,  
Ёйни кўтарай деб уринмайдиам,  
Беҳуда бакириб-чакирмайдиям.  
Билади-да, кучи етмайди тамом!  
Ундан ибрат олинг, чиранманг бекор!

### Рама

*(жилмайиб)*

Иш қилмай мақтанмоқ инсофдан эмас,  
Бу йўлдан юрмагай оқил донолар.  
Қатга баҳо берса кимки ўзига,  
Шаксиз нодонлигин айлагай кўз-кўз!

Аввал мард ишин қил, ўзингни кўрсат,  
Элу юрт тан берсин шижоатинга!  
Кибру ҳавога-чи берилма асло,  
Кун келиб, бошингни ерларга эгар.

### Сугрива

Ўзингни эр билсанг, ўзгани шер бил!  
Ҳа, ерга эгилиб колмасин бошинг?

### Равана

*(қаҳ-қаҳ отиб)*

Хо-хо, маслаҳатинг ўзингга сийлов,  
Олиб кўй, бир куни керак бўлади.  
Йигирма қўлим бор, ўнта бошим бор,  
Биттаси эгилса нима қилипти?..  
Э... э... сизлар билан пайчакилашиб,  
Ўлтирмакка ҳечам фурсат йўк менда!  
Кимлигимни энди кўрсатиб қўяй,  
Маҳодева ёйин борай ёнига,  
Жонимни койитмай-сойитмай сира,  
Жимжилоғим билан кўтарай осон,  
Тор боғлаб, барчани қолдирай қойил,  
Сўнг эса кўзингиз қуйдириб, бошлаб  
Зафар гултожини осай бўйнимга,  
Илгидан тутайин Сита хонимнинг!  
Бутун Ҳиндистонга доврुक солайин!

*(хоҳолайди)*

### Гуҳа

*(ёй олдига йўналиб)*

Мен боғлайман торни Шива ёйига!  
Кўрсатиб қўяман сенга кучимни!..

### Равана

*(тисандсизлик билан)*

Тўхта, ҳай болақай, шарманда бўлма,  
Қўлдан келмайдиган ишга уриниб...  
Ёлғиз боласисан отагинангни,  
Ёлғиз эркасисан онагинангинг..  
У-бу жойинг лат еб колмасин тагин?  
Ёйга тор боғламок – эркаклар иши!  
Эркаклар ишига аралашма сен!

Равана ёй томонга қараб юради. “Чаток бўлди, Сита хонимни энди у олиб кетади!”, “Оҳ, ёйни кўтара олмасайди!”, “Шарманда бўлсайди!..” деган овозлар. Ноғора садолари, одамларнинг овозлари – бари тинади. Суқунат чўқади. Равана мағрур ва бепарво камалак-ёйга яқинлашади. Камалакни кўтариб олгани қўл чўзади, аммо кучи

етмайди. Равана энди икки қўллаб камалакка ёпишади. Ҳамма ҳаяжонда. Дев чираниб қайта-қайта уринса ҳам, сеҳрли камалакни жойидан қўзгатолмайди. Одамлар ханг-манг бўлиб қоладилар. Сурон кўтарилади. “Ўл-а, ҳолинг шу экан-ку!..”, “Кўтаролмади! Кўтаролмади!”, “Шарманда бўлди! Шарманда бўлди!” деган овозлар эшитилади. Равана яна бир уриниб кўради, иш чикмагач, таажжубда ортга чекина бошлайди.

### Гуха

*(масхара қилиб)*

Бутун Ҳиндистонга доврўинг кетди!..

У-бу жойинг тагин лат емадими,

Қўлдан келмайдиган ишга уриниб?..

Отангни бирдан-бир арзандасисан,

Соғ-омон етиб ол онангникига!

Ёйга тор боғламоқ – эркаклар иши!..

Эркаклар ишига аралашма сен!

*(Қаттиқ кулги кўтарилади).*

Равана бошини эгтанча ҳеч кимга қарамай ортга тисарилади ва бир четда қолганларни кузатади. Майдонга бирма-бир куёвлар туша бошлайдилар. Ҳар бир талабгор камалак-ёйга дадил боради, аммо кўтара олмай боши эгик Равананинг ёнига қайтади. Сурон садоси. “Ана, ана, кўтарди... Кўтар! Кўтар!...”, “О, бечора!..”, “Жойидан кимирлатолмади!..” сингари овозлар эшитилади. Жонак подшо барига ачиниб қараб туради, Сита хоним “куёвлар” ҳаракатларини жим кузатади... Лашкарбошилар хоҳолаб куладилар.

### Жонак

Раҳму шафкат килинг, тангрилар, хайҳот!

Гул қизимга куёв топилмас наҳот?

Ўзим ёлғиз эдим, бефарзанд, бепушт,

Энди гул қизим ҳам ўтарми ёлғиз?

Наҳотки, қизимга бир тенг топилмас,

Юрарманми элда тагин бошим ҳам?..

*(Рамага мурожсаат қилиб)*

Ахир ярашурми бир четда турмок

Сендай Кўшаланинг шахзодасига?

Беллашувдан чўчиб ўлтирибсанму?

Манов паҳлавонлар маҳобатидан,

Ортикча лоф, сўзу сиёсатидан

Юрагингга қўрқув тушдими ёки?

Қўрқма, синаб кўргин, сен ҳам кучингни,

Жаҳд айлаб келдинг-ку, ноумид қайтма!..

### Рама

Кўрсинлар, деб имкон бердим барига,

Сабр-каноат-ла бир четда турдим.

Энди навбат менга етиб келибди.

Шива камалаги менга чўт эмас,

Кўтариб оламан ўйинчоқ мисол,

Тор боғлаб бераман икки учига!

**Равана***(мазах қилиб)*

Тор боғлаб берармиш икки учига!..  
 Қўтариб олармиш ўйинчок мисол!..  
 Қўли камалакка тегиши билан,  
 Шармандаси чиқар Раманинг шаксиз!  
 Эшаклар ханграгай, маймунлар кулгай!..

**Бошқа талабгор***(тичингли)*

Нодир камалак бу, Шиванинг ёйи,  
 Синдириб қўймагин, хай, эҳтиёт бўл!

**2-талабгор***(мазахли)*

Ерга раҳминг келсин, сал секинрок юр,  
 Ҳали ер ҳаммага керак бўлади...

*(Қулги овозлари эшитилади).*

Рама мазахли гапларга эътибор бермай, викор билан Шива камалагига яқинлашади. Камалакни даст кўтариб боши узра тутади ва сахнани айланиб чиқади! Ҳамма хайкириб юборади. Жонак подшо қувончдан ўзини қўйгани жой тополмайди. Сита хоним ўрнидан туриб кетади. Равана ва бошқа куёвлар анграийб қоладилар. Сурон тинмайди. Ниҳоят, Рама сахна ўртасида тўхтайди, камалакнинг икки учини таранг қилиб тор боғлайди. Шу палла қарсиллаган овоз эшитилади. Камалак эгилганидан Раманинг қўлида синиб кетади. Ҳамма даҳшатга тушади.

**Овозлар**

- Ана куч, ана қудрат!
- Ёй синиб кетди-я! Ёй синиб кетди!
- Ушалади Жонак подшо орзуси!
- Шу бўлади Сита хоним куёви!
- Рама бўлур Сита хонимга куёв!
- Рама! Рама!..
- Рама! Рама!..

**Равана***(четга, алам билан)*

Омад сенга қулиб боқди бу сафар,  
 Қўлимдан ҳеч нарса келмади, аттанг.  
 Ҳа, майли, дунёнинг иши чархпалак,  
 Ҳар нарса жавоби бордир дунёда...

**Жонак***(Рамага қойил қолиб)*

Тасанно, Кўшала шаҳзодасига,  
 Паҳлавон ўғлонга шарафлар бўлсин!

*(Одамларга қараб)*

Тингланг, эй халойиқ! Ўзингиз гувоҳ,  
 Барча талабгорлар ичида фақат  
 Рама адо этди қўйилган шартни,  
 Маҳодева ёйин кўтарди азод!  
 Назар-писанд қилмай кўтара олди,  
 Тор боғлай деганда сирли камалак  
 Дош бера олмасдан синди қарсиллаб,  
 Нақ фалакни тутди синган овози!  
 Бас, Рама Ситанинг қайлиғи бўлғай,  
 Якка-ю ёлғизим жуфти ҳалоли!  
 Рама – Сита учун муносиб бир ёр,  
 Сита – Рама учун суюкли дилдор!  
 Қизим гар ёр бўлса Буюк Рамага,  
 Наслим шонга буркар то охир замон!

Сита хоним қўлида гулчамбар билан саройдан чиқиб келади ва суронлар остида Раманинг бўйнига осади. Кейин таъзим қилиб ортига чекинади.

### Жонак

*(четга)*

Хайрият топилди лойиқ бир куёв,  
 Сита дилбандимга, гулдай қизимга...  
 Энди мен ҳам бошим кўтариб баланд,  
 Мағрур юражакман подшолар ичра!

*(Мулозимларга)*

Бутун мамлакатта билдиринг тамом,  
 Митҳила юртида бошлансин тўйлар!  
 Бутун Ҳиндистонга кетсин доврўғи!  
 Ўчокка осилсин катта қозонлар,  
 Машшоқлар хуррамлик куйини чалсин,  
 Уч кун хазинани очиб қўйингиз,  
 Фақир мискинлар, етим-есирлар,  
 Авом халқ, эл, мардум кирсин малолсиз,  
 Қўлга не илинса олсин барини,  
 Бари қизим учун бошдан садақа!  
 Қўшала юртига йўллангиз чопар,  
 Донгли Дашаратҳа, мустаҳик подшо,  
 Раманинг қудратли валинеъмати,  
 Оқида мўътабар Ковшала хоним,  
 Раманинг табаррук онаизори, –  
 Тўйга таклиф этинг бари, барини!  
 Айтинг, Рама ғолиб чиқди курашда,  
 Лол қолдириб барча талабгорларни,  
 Шахту шижоатин этди намоён.  
 Ҳиндистоннинг дури якто малаги  
 Зафар гултожини осди бўйнига!

Мен ўғиллик бўлдим, улар-чи – кизлик!

Шону шарафларга бўлди муносиб!..

Музыка янграйди, ўйин-кулги, ракс бошланади “Муборак бўлсин!”, “Қутлуғ бўлсин!” деган овозлар янграйди.

## Парда

### 2-кўриниш

Айўдхия шаҳри. Подшо Дашаратха саройи. Шодиёна куй янграб туради. Саҳнада ҳеч ким кўринмайди. Сарой безаб ясатилган, Митҳила юртдан қайтишаётган подшо Дашаратха, шаҳзода Рама ва Сита хонимларни кутиб олиш тантаналарига тайёргарлик катта эканлиги сезилади. Аста-секин саҳна одамларга тўла боради. Браҳманлар, кшатрийлар, мулозимлар, сарой аъёнлари, аркони давлат, лашкарбошилар тараддудда у ёқдан-бу ёққа юрадилар. Айланиб юришган ясанган маликалар Ковшала хоним, Кайкей хоним, Сумитра хоним, жориялар саҳнанинг олдироғига чикиб келдилар. Кайкейнинг оксочи Монтҳра ҳам шу ерда.

### Кайкей хоним

*(Ковшала хонимга)*

Келин қутлуғ бўлсин, улуғ эгачи!

Пойкадами қутлуғ келсин, илоҳо!

### Жориялар

Пойкадами қутлуғ келсин, илоҳо!

### Кайкей хоним

*(ўпка қилиб)*

Тўйга бормадингиз ўзингиз нечун?

Биз ҳам қолиб кетдик, сизга ишониб...

### Сумитра хоним

Гўзал келин қутлуғ бўлсин, маликам!

Пошшоликка қуту барака келсин!

### Жориялар

Пошшоликка қуту барака келсин!

### Сумитра хоним

Менда ҳам бормоққа бор эди умид,

Раксларга тушмоқни орзу қилгандим ...

*(таъзим этади)*

## Монтҳра

Сита хонадони бой, тегли-тахтли,

Шаҳсувор Рамани айласин бахтли!

Хафа бўлмангизлар, тўйсиз қолдик деб,

Энди бўлади-да, тўйнинг каттаси!

Дабдабали тўйдан ҳайрон қоласиз,

Хўп қўшиқ айтасиз, ўйнаб қуласиз...

**Ковшала хоним**

*(мамнун)*

Айтганингиз келсин! Рама ва Сита  
 Узок йиллар сурсин давру давронлар!  
 Монтхра рост айтди, бўлар катта тўй,  
 Олис-якинлардан келар меҳмонлар,  
 Бхарат, Шатругҳна, Лакшманлар ҳам  
 Хурлико кизларга уйланадурлар,  
 Ака-укаларнинг донгли тўйлари  
 Бор Ҳиндистон аҳлин қойил қилади!

**Жориялар**

Ака-укаларнинг донгли тўйлари  
 Ҳиндистон аҳлини қойил қилади!..

*Маликалар сахна айлашиб кетадилар. Шошилганча Мулозим киради.*

**Мулозим**

*(тантанали)*

Кўшала подшоси , олампаҳо зот,  
 Буюк Дашаратҳа, порлокюз рожа,  
 Шаън-шавкатли ўғлон шаҳзода Рама  
 Соҳибжамол Сита малика билан  
 Митҳила юртидан қайтаркан хушнуд,  
 Якинлашар сарой дарвозасига-а-а!..

Ҳамма ҳаяжонга тушади. Маликалар: “Вой, кутиб олайлик!”, “Йўлларига чиқайлик!”, “Тезроқ! Тезроқ!” дейишганча ташқарига йўналадилар. Мулозимлар, саркардалар ҳам дарвозага чиқадилар. Сахна бўш қолади. Ташқаридан Дашаратҳа, Рама ва Сита хонимни кутиб олаётганлари сурони эшитилиб туради. Подшо Дашаратҳа билан малика Ковшала хоним Рама ва Сита хонимларнинг икки ёнида, изма-из бошқа маликалар сахнага кириб келадилар. Сита маликаларнинг оёқларига таъзим қилиб бирма-бир кўришиб чиқади. Маликалар, мулозимлар, лашкарбошилар подшо Дашаратҳага яна таъзим бажо айлайдилар.

**Брахманлар**

Келин қутлуғ бўлсин, подшойи олам!

**Кшатрийлар**

Қутлуғ бўлсин! Қутлуғ бўлсин!

**Маликалар**

Улуғ роҷамизга тилаймиз умр!  
 Гўзал келинимиз муборак бўлсин!

**Жориялар**

Гўзал келинимиз муборак бўлсин!

## Дашаратха

*(мамнун)*

Тангрилар тилагим айлади бажо,  
 Рамадай ўғилни этди бахшида.  
 Ортидан Бхарат ўғлим туғилди,  
 Лакшман, Шатругхна – оқил фарзандлар.  
 Агар мен тан бўлсам, тўрт қўлдай улар,  
 Агар дарё бўлсам, тўрт ирмоқ улар.  
 Рама – тўнғич ўғлим суянчим менинг,  
 У ведани сувдай ичиб юборган,  
 Ҳар ишга киришар тиник идрок-ла,  
 Бадсўзликдан йирок, боодоб, ўктам,  
 Ота-онасига меҳрибон йигит,  
 Эл унинг ақлига таҳсин ўқийди.  
 Уч олам ичида маълум-машхур ул.  
 Олис Митхилада ғолиб чикди-да,  
 Ота шуҳратига қўшди шуҳратлар.  
 Не-не донғи кетган ботирлар аро,  
 Аждарҳо сингари офатлар аро  
 Уларнинг беасв чангалларидан  
 Нозик-нихол гулни тортиб ололди,  
 Шод этди падари бузрукворини!..  
 Митхила юртидан тўйнинг доврўғи  
 Учта оламга ҳам ёйилди тамом:  
 Осмонга – яздонлар оламига ҳам,  
 Заминга – инсонлар оламига ҳам,  
 Ер таги – Потала деб аталгувчи  
 Асурлар, инс-жинс, дев оламига ҳам!  
 Кўрдим Рама ўғлим жуфти ҳалолин,  
 Ардокли келиним гўзал Ситани,  
 Худди зар узукка кўз қўйган мисол  
 Рамага муносиб соҳибжамол қиз!

**Ковшала хоним***(мақтаниб)*

Ситанинг сепини кўрингиз, бай-бай,  
 Ҳали бундай сепни кўрмовдим рости,  
 Тўкиб ташлабди-е Жонак подшо ҳам,  
 Ёлғиз кизи учун аямабди ҳеч.  
 Турфа хил тилло-ю кумуш идишлар,  
 Дуру забаржадлар, олмос гавҳарлар,  
 Кумуш камарлару зар такинчоклар,  
 Бағдод сурмаси-ю Эрон атири,  
 Хўтан уфори-ю Яман ақиқи,  
 Ҳиндистон хиноти, турфа либослар...  
 Заррин ёпинчикли филларни айтинг,  
 Санаб адашиб ҳам кетдим, билсангиз,  
 Юзтача борми-ей, балки ундан кўп,

Ёнида ўйноқлаб, ер тепиб турган,  
Юзтача арабий арғумоклар денг,  
Ёпинчиғи заррин, кўрсангиз агар,  
Яраклайди олтин узангилари,  
Ҳар бирин югани тоза кумушдан,  
Зар эгар урилган ҳар биттасига!..

**Кайкейи хоним**

Жуда гўзал экан келинчагимиз,  
Ўзига яраша сепи ҳам тўкис!

**Сумитра хоним**

Чехрасига боқинг Сита хонимни,  
Ой унинг олдида бўлур хижолат!..

**Ковшала хоним**

*(Дашаратҳага)*

Нега жим турибсиз, подшойи олам,  
Худди қилар иши йўқ одам мисол?  
Ёки ўғлингизни бахти, шукуҳи  
Турфа хайратларга солмасми сизни?  
Тездан буюрингиз, тўйлар бошлансин,  
Эртагаёқ чопар минсин отига,  
Яқин-йироқларга елсин, барчани  
Тўйга айтиб келсин!

**Дашаратҳа**

Жуда соз дединг!  
Берилиб кетибман андак хаёлга...  
Узоқ йиллар юртга подшолик қилдим,  
Кўшала юртида сурдим давронлар.  
Юртни бошқаришда тўнғичим Рама  
Доим менга кўмак бериб келади.

*(ўйга чўмиб)*

Ёшим ўтган сари, шиддатим ҳам сует,  
Тобора дармондан қолиб бораман.  
Подшолар омадли юрт сўрар экан,  
Доим ўйлайдилар валнаҳдини.  
Мен ҳам тахт ворисин ўйлаётирман,  
Кўшала эртаси котирар бошим...  
Эрта кун, келажак қандай бўлади,  
Кетмагаймиз юртдан куту барака,  
Элни тарқ этмасми дориломонлик,  
Содиқ қолажакми бизларга дўстлар,  
Ёмонлар йитарми ўз оёғидан,  
Душманларга инсоф берарми тангри,  
Ғанимлар қошида тополмай чора,

Қисиниб колмасми Рағху авлоди?  
 Бу оч кўз тупроққа тўлгунича то,  
 Ҳавасни ҳеч қачон сўндириб бўлмас!  
 Аммо чин инсон ул: ҳаддингни бил, деб  
 Юзин терс ўгирган ҳой-ҳавасларга!  
 Рамага термилиб ўйлайман, ажаб,  
 Ки, шундай паҳлавон ўғлим турганда,  
 Оромим йўқотиб нечун тахтни деб,  
 Ўзни ўтга-чўкка уриб юрай мен?  
 Етук эр қилиқларин айлар экан намоён,  
 Кўпни кўрган отасин ҳайратга солар ўғлон.  
 Доим мулойим, хушнуд табассуми зиёда,  
 Дилозор дилини ҳам авайлайди шаҳзода.  
 Маҳмадона эмасу гапга чечан, сўзи шўх!  
 “Мардман!” деб керилмайди, кибру ҳаво ўзи йўқ.  
 Фукарога раҳмдил, егим-есирдан огоҳ,  
 Ҳақгўй, ҳатто яширин конуну сирдан огоҳ.  
 Тўнгмўйинлик, бадсўзлик, ҳасаддан йирик жуда,  
 Бир нарсага қилса аҳд, қайтиб юрмас беҳуда.  
 Мендан ҳаттоки хўброк биларкан ёй ҳикматин,  
 Идрок этар ведани, илму фунун фикратин.  
 Уч олам ҳам ундан мот, Раманинг бор хислати –  
 Брихаспати ақли-ю Индранинг шавқати!  
 Пошшоликда қартайдим, тоқай кўз тутай бахтга?  
 Кўзим очиклигида Рама минса-чи тахтга!  
 Ох, ўғлинг юрт сўрашин қариганда кўрмоқлик,  
 Муродга етмоқ, кўкка баайни бош урмоқлик!  
 Ана шу ўғлимга тахтни берсам-чи,  
 Давронлар сурганин мағрур кўрсам-чи,  
 Бахтли ота бўлиб мен ҳам оқибат  
 Бундок оёғимни узатиб ахир,  
 Хотиржам яшасам масъуд, бемалол,  
 Бироз ором олсам қартайганимда...  
 Сездимки, келибди энг қулай фурсат,  
 Шундай зўр фурсатни қўлдан бергим йўқ.  
 Ситага уйланди ўғлоним, мана,  
 Балоғат ёшига етди у тугал!  
 Тингланг, эй фукаро, рожангиз сўзин,  
 Тингланг, аҳли сарой, аркони давлат,  
 Подшо фармониға қулоқ солингиз:  
 Рама суюқ ўғлим, суянган тоғим,  
 Кўнглимни безаган фахр ила ғурур,  
 Довруғи оламни тутиб турибди!  
 Энди юрт бошқарсин, рожа бўлсин ул,  
 Кўзим тиригида тахтга чиксин ул,  
 Элға хизмат қилсин адолат билан.  
 Қўшала тахтини айласин обод!  
 Давру даврон сурсин элнинг рожаси!

Тегли-тахтли бўлсин юртнинг хожаси!  
Эртага Рамага кийдирилсун тож!..  
Эртага тўйларга тўйлар улансун!

Дашаратха Рамани кучоклаб, табрик этади. Ҳамма хурсанд.

*(Рамага)*

Юрт бошқаргин, ўғлим, бошингга тож кий,  
Қартайган отангни кўнглини шод эт!

### **Рама**

*(таъзим қилиб)*

Ота буюрганин айламак адо –  
Хар бир фарзанд учун ҳам қарзу ҳам фарз!

### **Брахманлар**

Эртага Рамага кийдирилсун тож!

### **Кшатрийлар**

Эртага Рамага кийдирилур тож!

### **Маликалар**

Эртага Рамага кийдирилур тож!..

### **Ҳамма**

...кийдирилур тож!!!

Мусика янграйди. Ўйин бошаниб кетади. Барча ўйинни томоша қилади.

### **Парда**

### **3-қўриниш**

Подшо Дашаратха саройи. Окшом пайти. Ташқаридан хурсандчилик, мусика овозлари эшитилиб туради. Кайкейи хоним мамнун шамлар ёруғида эртага байрамга ясангани ўзининг янги либосларини саралаб, кимматбаҳо такинчокларини такиб кўрмоқда. Ичкарироқда машшоқлар мусика чалиб туришади. Ёмон кайфиятда Монтҳра кириб келади.

### **Монтҳра**

Неча йиллар бўлди, келдим Кашмирдан,  
Кекайя авлодин палагидайман.  
Униб-ўсдим ахир ота уйингда,  
Ҳали бешикдайдинг мен оксоч бўлиб  
Холис хизматимни бошлаган чоғлар.  
Оҳ, сени қанчалар ардоқлайман-а!  
Сенга садоқатим таърифи юксак,  
Барчасин билурсан, гўзал маликам.  
Сенга совук сувни кўрмасман раво,  
Оёғингга тикан кирмасин дейман...

**Кайкейи хоним***(эркалаб)*

Сенга нима бўлди, хой букургинам,  
 Бугун чап ёнингдан турибсан чоғи,  
 Кимдир ё дилингга бердимиз озор?  
 Оксочимни хафа қилган ким экан?  
 Ким экан чўримни ранжитган ўша?..  
 Тортғизиб қўяман ўзим танобин!  
 Майли, бугунгидай шодлик айёмда,  
 Бундай хафа юрмоқ ярашмас асло!  
 Эрта Рама ўғлим тож кияр ахир!  
 Ўғлим Бхаратдай азиз у менга!  
 Боргил, кимматбаҳо либосларинг кий,  
 Унутма зар қумуш такинчокларинг!  
 Ясаниб ол, байрам, байрам-ку ахир,  
 Одамларга кулги бўлмайлик тагин!

**Монтхра**

Хурсанд эканингдан жуда ҳайронман,  
 Ҳатто мириқиб ҳам ухлаб олибсан,  
 Сенга уйку бўлса, агрофда не гап –  
 Назар ҳам қилмайсан, парвойинг фалак.  
 Дунёни сув олса – олсин, сув ҳатто  
 Тўпингга чиқмас, беғам ойимча!  
 Жоним халқумимга келиб, мен бўлсам,  
 Ўзимни қўйгани жой тополмайман...  
 Ташқарида одамлар келмоқда гуррас-гуррас,  
 Барча баданларига сандал мойин суриб маст.  
 Не-не байтулсавабдан мусика саси учар,  
 Қўчалардан беқайғу элнинг сурони кўчар.  
 Ведалар кироатин кўмиб кетмиш санолар,  
 Гоҳ эса мол маъраши, гоҳ филга хос садолар...

**Кайкейи хоним***(ҳайрон)*

Нима бўлди ўзи, нега хафасан?  
 Намунча қуясан, куйиб-ёнасан?..  
 Айтяпман-ку сенга, байрам эрта деб,  
 Байрамда одамлар юради гур-гур...

**Монтхра***(четга)*

Агар Кайкейини кўндира олсам,  
 Кўнглига сололсам шубҳа-гумонлар,  
 Норизо бўлса-ю кўтарса жанжал,  
 Омадини бериб Рама ўрнига

Бхаратнинг ўзи тож кийса, ох-ох,  
 Ортик, оксоч бўлиб юрмасдим мен ҳам,  
 Рожа онасининг чўриси эрсам,  
 Жаъми оксочларга бўлардим бекач,  
 Кўчага чиксам гар, дердилар: “Ана,  
 Келар мухтарама Монтҳра ойм!”  
 Биронтаси мени букур десами,  
 Ўша кун ўзини кўрар гулханда!..  
 Мен ҳам одамдирман, букур бўлсам-да,  
 Ҳақким бор яшашга маликалардай!

*(Кайкейи хонимга)*

Сенга юрагимни очай, маликам,  
 Ичимни кемирган дардимни айтай:  
 Тождор малика, билким, толеинг тархи синди,  
 Ковшала жиловида юрмоғинг колди энди!  
 Бхаратни бўлса-ку, тоғасига жўнатиб,  
 Рамага тахт бермоқда, юрту халкни унатиб!  
 Ҳақ каерда? Эринг ёв ишин килмоқда зоҳир,  
 Иситдинг-а бағрингда шундай илонни охир!  
 Анқовлигингга қойил, бўшанг экансан асли,  
 Айўдхияда битар энди кекайя насли!  
 Агар салтанатнинг нурафшон тожи  
 Ковшалайнинг ўғли Рамага эмас...  
 Бхаратга раво кўрилса эди,  
 Осмонларга етган бўларди бошим!  
 Энди сабабини тушунгандирсан,  
 Не учун бунчалар куйиб-ёнганим?..

**Кайкейи хоним**

*(газабда)*

Ҳай-хай, юм оғзингни! Жодугар бало!  
 Қандай тилинг борди бундай демакка?  
 Ўз ўғлимдай бўлиб қолган-ку Рама?  
 Мени онасидай яхши кўради!..  
 Рама билан Бхарат – иккиси ҳам жон кўзим,  
 Иккисин аяб-асраб гўё тукқанман ўзим!  
 Рама катта ўғил, тахт – унинг ҳаққи,  
 Тож кийсин, мардона бошқарсин юртни!  
 Бхарат-чи – ука, хизматин қилсин,  
 Акага садоқат кўргизмоғи шарт!  
 Навбат билан келар тож-тахт унга ҳам,  
 У ҳам даврон сураб бир кун албатта!  
 Кимки яна сендай сўзларни деса,  
 Тилин нак суғуриб олдираман, ха!

## Монтхра

*(ўпка қилиб)*

Мана, мени шундай қилдира қолгин!  
 Тилимни суғуриб олақол, майли!  
 Шунда ҳам, қиларкан имо-ишора,  
 Дардимни англата олардим бешак!..  
 Ҳа, бахтсиз кун қочар одамнинг акли...  
 Ҳаммани ўзингга ўхшатаверма!  
 Эринг, сени жондан суяр эринг-чи,  
 Тўшагингдан тилар жонига роҳат,  
 Хушомадлар қилар иши тушганда,  
 Аммо лақиллатиб келади фақат!  
 Подшо Дашаратҳа, шуни билиб қўй,  
 Сенинг ўғлингнимас, Рамани суяр!  
 “Рама – ўғлим!” дейсан, сен-чи содда, гўл,  
 “Ўғлим” деб оғзингни суви қочади.  
 Рама тахт олганда мағрур пурвикор,  
 Бҳарат бир четда қолиб кетади...  
 Исини чиқармай Ковшала бўлса,  
 Гўрингга ғишт қалаб ётибди, билсанг,  
 Эртага рожанинг онаси бўлсин,  
 Ўшанда кўрасан найрангларини!  
 Рожа онасининг оқсочи мисол  
 Югур-етимларда елиб-чопасан,  
 Ўзингга ҳам кун йўқ, ўғлингга ҳам йўқ,  
 Хору зор юрасан, мен сенга айтсам.  
 Сени, Бҳаратни, Ковшала бешак  
 Бир кун, қараб тургин, гумдон қилади!  
 Кейинги пушаймон – ўзингга душман,  
 “Монтхрага балли!”, дейсан ўшанда!  
 Дейсан, тўғри, дейсан... Кеч бўлар бироқ!  
 Мен-ку бир чўриман, ким бўлса бўлсин,  
 Рама ё Бҳарат – менга бари бир.  
 Чўри эканлигим эсимдан чиқиб  
 Оғзимни оғритиб юрибман бекор...  
 Зорим бор, зўрим йўқ, айтдим қўйдим-да,  
 Нима, хоним ойим бўлармидим мен,  
 Ўша-ўшаман-да, Монтхра оқсочман...  
 Аммо ўз бурчимни бажарай дедим,  
 Нон-тузим ҳалоллаб еган аёлман,  
 Пойи патак бўлдим шунча йил, энди  
 Жодугарга чиқиб ўлтирибман мен!..  
 Рост дерлар донолар, тўғрисин айтиб,  
 Ёкмайсан ҳаттоки тукқанингга ҳам...

*(ўғирилиб кетади)*

**Кайкейи хоним**

*(четга, кўнглида шубҳалар уйғониб, у ёқдан-бу ёққа юриб )*

Нималар дейди бу Монтхра жодугар?  
 Рама тахт эгаси бўлар чиндан, рост,  
 “Махарожа” деган улуг ном олар...  
 Ўшанда... ўшанда Рама ўзгариб,  
 Фурурга берилиб шону шавкатдан  
 Ким билсин, кеккайиб кетмасмикин-а?  
 Рожанинг онаси Ковшала мени  
 Кўрсатмасмикин-а оёқ учида?..  
 Ширин муомала, ёкимли сўзлар,  
 Мехрибончиликлар, хушомад гаплар,  
 Ёлғон мулозамат, сохта табассум –  
 Рост, бари, бешубҳа хийла-найрангдир,  
 Мен лакма барига ишонаман-да,  
 Бари мен соддага қўйилган тузоқ ...

*(Монтхрага)*

Тўхта, сўзларингда жон бор шекилли...  
 Нима қилишни ҳам билмайман, рости...  
 Рама юрт тахтига ўлтирган замон,  
 Бҳаратни сўзсиз айлар саргардон!  
 Бадарга этгуси мени ҳам шаксиз!  
 Ох, билмам, не қилай, узокмас, эрта  
 Шахзода Рамага тож кийдиришар,  
 Олис Кашмирдадир Бҳарат, афсус...  
 Нима ҳам қилардим, қўлларим қиска...  
 Осмон узок бўлса, ер эса қаттиқ...

**Монтхра**

Шошилма, ўзингни қўлга ол, хоним,  
 Самовий рухингни ерга туширма!  
 Энди сен ҳам жиндай хийла ишлатгин,  
 Макру фирибингни бир кўрсатиб қўй.  
 Ҳа, тағин, Рамага тож кийдиришни  
 Айни Бҳаратнинг йўқлик пайтига  
 Тўғрилашиб қўйган, бу найрангга боқ!  
 Кеч ўтса не бўлар ўн кун, ўн беш кун?  
 Ерга тушармиди осмон узилиб?  
 Бҳарат келиши лозим-ку ахир,  
 Ёки у рожага фарзанд эмасми?..  
 Ёки ҳақки йўқми унинг тож-тахтга?..  
 Йўқ, йўқ, ниятлари бўлганида пок,  
 Бунчалар шошилиб колмасдилар, ҳа!  
 Гап тагида гап бор, лакмажон, билсанг,  
 Халал беради-да, келса Бҳарат,  
 Қўшала тахтининг асл вориси!..

## Кайкейн хоним

Шуни сезибсан-а, аклингга балли!  
 Вой ўлай, шўргинам қуриб копти-ку!  
 Бошимга фалокат соя солипти!  
 Нима килишни ҳам билмайман сира...  
 Ё тавба! Айт менга, қандай йўл тутай?  
 Зигирча ҳам ақлим ишламай қолди...

## Монтҳра

Бағоят гўзалсан, хуснинг бекиёс,  
 Сендай гўзал йўқдир Айўдхияда.  
 Бир нарсани ёддан чиқарма асло:  
 Рожанинг энг суйган малагисан сен!  
 Сарвдай нозик адо қадди-коматинг  
 Ҳамиша ўйнатар рожа кўзини.  
 Бугун кўрдим қараб, Ковшала хоним  
 Юзларига қат-қат ажин тушибди.  
 Нозу назокатда кўрку хуснда  
 Сенга тенг келолмас Сумитра бўлса...  
 Кулок сол, мен ҳозир чиқиб кетаман,  
 Малика бетоб, деб таркатаман гап.  
 Сен эса кўкрагинг зах ерга бериб  
 Кўрпа-тўшак қилиб ётиб ол, тамом!  
 Эсингдами, киргин жанглар махали,  
 Дашаратҳа оғир ярадор бўлди,  
 Беҳуш ётганида, аскотиб қолдинг,  
 Соғ-омон олчиқдинг майдондан уни...  
 Шунда рожа деди: “Кўргиздинг химмат,  
 Химматингга қандай жавоб берайин?”  
 Сен дединг: “Ҳеч нарса керакмас... кейин  
 Икки тилагимни адо этсанг бас,  
 Шунга ваъда берсанг, менга кифоя!”  
 Мамнун Дашаратҳа шартингга кўнди,  
 Маликам, у хануз сендан миннатдор.  
 Подшо айтган сўзин қайтиб олурми?  
 Мана энди келди, тентагим, ўша  
 Икки тилагингни сўраш фурсати!  
 Подшо ҳузурингга кирганда шартта  
 Ўша ваъдасини солгин эсига!  
 Тилла тақинчокларинг жаҳд ила бир-бир ечгин,  
 Бўйнингдан дур шодаси узилиб хар ён учсин!  
 Ҳар томонга сочилсин гавҳари жавоҳирот,  
 Ёввойи махлуқлардай ўкириб, айла фарёд!  
 Бундай юргандан кўра яхшироқ деб ўлганим,  
 Ерларга бос яланғоч ёниб турган гул танинг!  
 Совғаларга учиб юрмагин яна,  
 Лаълу дур забаржад керак эмас, де!  
 Фақат ваъдасига айласин вафо,

Фақат истагингни этсин жо-бажо!  
Ўзингни қўлга ол, сўзинг ўтади,  
Лапашанг бўлмагин, бўш-баёв, латга...  
Тик бокиб талаб эт икки нарсани,  
Сўра: ўн тўрт йилга кувсин Рамани,  
Бхарат ўғлингга тож-тахтни берсин!..

Кайкейи хоним, тушундим, дегандай бош тебратиб туради. Монтхра маликани ўринга ётқизиб қўяди.

### Монтхра

Аммо қаттиқ тургин, бўш келма, дўндик,  
Ортик учрамагай бундай зўр имкон:  
Лалайиб бой бериб ўлтирма яна!  
Рама ўн тўрт йилга бадарға бўлсин,  
Қўшала тахтига чиқсин Бхарат!..  
Уқдингму?..

### Кайкейи хоним

Ҳа, уқдим, англадим энди,  
Чизган чизигингдан чикмайман четга.  
Оёғимни тираб туриб оламан,  
То подшо ваъдасин бажармагунча!..  
Гарчи пойтахт Раманинг қадамига нигорон,  
Ул эмас, тахтга чиқсин Бхаратим, зўр ўғлон!  
Рама эса ўн тўрт йил кийиб пўстлоқдан жанда,  
Ёмон жой кайда бўлса, кувгинди бўлсин анда!..  
Бир сўзда турмоқ ахир эркаклик шони, дейман,  
Паймониңгда тур энди, эй юрт султони, дейман!

### Монтхра

Ҳи-хи-хи.. Энди бўлар томоша!

*(ташқарига йўналаркан, ваҳима қилиб)*

Войдод, жориялар, қайдасиз, кайда,  
Вой шўрим қуриди, маликам касал...  
Бетоб ётиб қолди Кайкейи хоним!  
Ҳой, шамни ўчириңг! Соз чалманг бунда,  
Чалманг, ўзи созим чиқиб турибди!..  
Вой, қандоқ қиламан энди мен шўрлик?..

Шамлар ўчади. Фира-шира ёруғлик тушиб туради. Мусика овозлари тинади. Чиқиб кетаётганда кириб келаётган подшо Дашаратхага дуч келади.

### Дашаратха

*(Монтхрага)*

Нега бақирасан телбага ўхшаб?  
Нима учун бунда чирок йўқ, зулмат?  
Мусика саслари эшитилмайди?  
Суюкли хонимнинг тоби қочдими?

Ранжитиб қўйган ул кимдир, қай ножинс?  
Не бўлди, сўйлагил!

### Монтхра

*(ишграмсираб)*

Подшойи олам,  
Беҳуш бўлиб қолди шайтонлаб бирдан,  
Қўркитиб юборди, суюк маликам,  
Билмайман нимага.. сўровимга ҳам  
Ҳеч жавоб бермайди... Сас чиқармайди...  
Ерга ётиб олган кўкрагин бериб,  
“Ҳа-па...” дегангаям солмайди кулок...

*(четга)*

Нега бакирганим кейин биласан...

*(чиқа бошлайди).*

Дашаратҳа ҳайратда малика томон юради ва аста-аста қоронгиликка сингиб кетади...

### Парда

#### Иккинчи парда

#### 4-қўриниш

Подшо саройи. Эрталаб. Ташқарида “Рожа чикияптиларму?”, “Тож кийдириш вақти бўлди!..”, “Рама!” “Рама!”, “Рожанинг умрлари узоқ бўлсин!” деган овозлар. Олдинги кўринишдаги манзара. Саройда нохуш кайфият сезилади. Подшо Дашаратҳа ерда беҳуш бўлиб ётибди. Унинг ёнида Кайкейи хоним ўтирибди. Тож кийишга тайёрланиб заррин либос кийган Рама кириб келади.

### Рама

*(Кайкейи хонимга таъзим бажо келтириб)*

Ҳали турмабдилар отам уйқудан...  
Менга дедиларки: “Шитоб борурсан,  
Бузрукворинг сенга сўз айтмоқ истар,  
Сени интиқ бўлиб кутиб турибди...”  
Отамни кутдириб чарчатибман, эҳ!..

*(Кайкейи хонимга)*

Ох, онажон, боқсангиз, Айўдхия сарбасар,  
Шоҳона байрам кутиб безалмиш гавжум шаҳар!  
Шоҳ кўчадан келдим мен ҳаприқиб учқур отда,  
Тутатки идишларда тутайди хушбўй модда.  
Сўл-соғимда – гул чаман байроқларнинг балкиши,  
Димоғимда – сабур ҳам сандал бўйин калкиши!  
Катон қўйлақлар ажиб, ипак либослар аъло,  
Гултожу гулдасталар қўшар жилога жило!  
Мис идишлар, буюмлар чет-четда балқиб қолар,  
Бари тўла ноз-неъмат, қурбонликка ғизолар!

Гурунчли узма ошу ковурилган донларга  
 Тўлиб кетмиш йўл бўйи, кўйгандай меҳмонларга.  
 Мутафаккир донолар, веда мағзин чакканлар,  
 Брахману кшатрий – балога тик бокканлар,  
 Санолар айтишмакда бахт-саодат ҳақкига,  
 Дилларга нур индирган хайр-саховат ҳақкига!..

*(Подшога)*

Сўзингиз тинглашга келдим, отажон!  
 Подшо ўрнидан қўзғалмайди, ўзини ухлаганга солиб ётади.

*(Кайкейи хонимга)*

Уйғотиб қўймайлик майли отамни...  
 Қаттиқ хорибдилар, ором олсинлар.

*(Ўйга чўмиб)*

Ул зотда йўк эди бундайин одат,  
 Тонгсаҳардан туриб юртни кезарди,  
 Етим-есирлардан, факир-мискиндан,  
 Бева-бечорадан оларди хабар...  
 Ва ё... ёшлик қилиб, билмасдан ногоҳ,  
 Ранжитиб қўйдимми отамни дейман,  
 Нозик кўнгиллари оғриб колдими,  
 Ёки тутумимдан норизомилар?..  
 Кўргилари йўкми суёқ ўғлини?..

#### **Кайкейи хоним**

Йўк, ўғлим, ундоғмас, сендан розилар,  
 Нима, ранжийдиган иш қилармидинг...  
 Кенгашмоқчи холос сен билан бироз,  
 Фақат ўртада бор битта андиша...

#### **Рама**

Қандай андиша ул, айта берингиз!..  
 Андиша отанинг қўлин тутолмас...

#### **Кайкейи хоним**

Тожу тахт, фарзандлар, юрт ғамини еб,  
 Отанг кўп гапларни ўйлаб қўйибди,  
 Чамалаб қўйибди юрт валламатини...  
 Жудаям кўп эмас, икки оғиз гап,  
 Лекин чўчиб турар сенга айтмоққа.  
 Борди-ю гапини тушунсанг ғалат,  
 Ёки рад айласанг элнинг олдида  
 Шарманда бўлмайд деб кўркиб турибди...

#### **Рама**

*(ҳайрон)*

Бу гапни эшитмоқ мен учун гуноҳ,  
 Қани ер ёрилса, кириб кетсам мен!

Асло кўркмасунлар, мен фарзанд учун  
Отилган ўк эрур отанинг сўзи!

### Кайкейи хоним

Хўп, отанг гапини сенга етказай.  
Бир замонлар, ўғлим, порлокюз рожа  
Икки тилагингни бажараман деб,  
Сўз бериб кўйганди менга, эсимда.  
Ўша ваъдасида турмоқчи энди,  
Икки тилагимни адо этмоқчи.  
Айтай, агар сенга малол келмаса,  
Бу икки тилакни бажарай десанг.  
Истамасанг, оғиз очмайман асло,  
Сени хафа килиб кўймай, дейман-да.

### Рама

Отам буйруғини бажармоқ – бурчим,  
Билингим, ҳеч нарса йўлим тўсолмас!  
Айтингиз, онажон, не истар ул зот,  
Кўлимдан не келса, шунга тайёрман!

### Кайкейи хоним

Жуда катъий экан азму қароринг.  
Балли, содик ўғил шундай бўлади...  
Подшойим номидан сўзлайман сенга,  
Хўп энди, эшитгин: порлокюз рожа,  
Қудратли ҳукмдор, олампаҳо зот,  
Кечаги фикримни ўзгартдим, деди,  
Гуноҳкор қулоғим эшитди аниқ:  
Бҳарат ўғлимга кийдиргайман тож,  
Рама ўн тўрт йилга ўрмон қаърига  
Бадарга килинсин, деди... Бор гап шу.  
Бҳаратга чопар кетди Кашмирга...  
Шундай бўлди отанг хоҳиши, ўғлим.  
У-бу гапларга ҳам қулоқ солмади,  
Қайсар туриб олди айтган сўзида,  
Энди бажармасдан ҳеч иложинг йўқ!  
Йўкса, отанг сўзи ерда қолади,  
Маликага берган ваъдасини ҳам  
Адо этмади деб эл-халқ қулади...  
Текин томошани шунда кўрасан,  
Қандай бош кўтариб юрамиз унда?  
Бари виждонингга ҳавола, ўғлим...

### Рама

*(у ёқдан-бу ёққа юраркан, четга)*

Такдир ўйинлари шундай беқарор,  
Тўхтами йўқ шамол афзалдир ундан!

Замон ўзгарувчан, дунё бевафо,  
 Халигина эди, кўча-кўйларда  
 Эл-юрт, Айўдхия уни олқишлаб:  
 “Эртага Рамага кийдирилар тож!..  
 Рама тахтга минар! Тож кияр Рама!” –  
 Деб кўкни тўлдириб кичкирганлари!..  
 Кичиклардан тортиб катталаргача  
 Шодликдан сакрашиб югурганлари!..  
 Агарда: “Тож-тахтни бермасман асло,  
 Тож асли меники, тўнгич ўғилман,  
 Отам тожни менга берганлар!” – десам,  
 Бутун Айўдхия қўллаиди мени!..  
 Аммо... йўк... мен ундай килмасман асло!  
 Бундок ўргатмаган бизга отамиз!..  
 Ҳайратда колдим мен... Не қилай энди...  
 Йўк, тўхта! Бу нима деганинг, Рама!  
 Ота буюрдими – худо буюрди,  
 Ўйлаб ўлтиришга ҳақкинг йўқ зинҳор,  
 Адо этмоғинг шарт бешак, бегумон!

*(Кайкейи хонимга)*

Онажон, жуда ҳам ғамда қолибсиз,  
 Хотиржам бўлингиз, катъийдир аҳдим.  
 Менга отам сўзи – худо сўзидир,  
 Ҳеч қачон сўзини икки килмасман!

**Кайкейи хоним**

*(ясама)*

Аттанг, кўргилик-да кўргилик, ўғлим,  
 Бошимизга бало ёғилиб колди...

**Рама**

*(ўйланиб)*

Отам шундай қарор этган бўлсалар,  
 Ўша қарорга бош этганим бўлсин.  
 Укам Бҳаратга Кашмирга ростдан  
 Чопар юбортириб яхши қилибсиз.  
 Тожу тахт эгаси бўлсин Бҳарат,  
 Отамиз шаънини кўтарсин кўкка,  
 Рожа мақомида, юрт маснадида  
 Рағҳу авлодининг шону шавкатин  
 Дунёларга ёйсин! Факат бир шарт бор:  
 Босган ҳар қадами, эзгу амали,  
 Ҳар бир айтган сўзи бўлсин муносиб  
 Донги дoston подшо Дашаратҳага,  
 Токи унга боқиб рожа кўнглида  
 Шукроналик хисси жўш урсин тамом,

Гурур туйсин, ўзин сезсин бахтиёр!  
 Бҳаратни асло ғаш кўрмайман мен,  
 Ҳасадим ҳам йўқдир инижонимга.  
 Жонимни ҳам бергум укаларни деб,  
 Биларсиз, тахт учун елиб-чопмадим,  
 Адо этай дедим фарзандлик бурчим,  
 Отам сўзин икки қилмайин, дедим,  
 Қарзимни узайин дедим мен холос.  
 Отам хоҳишини этмагайман рад,  
 Чизган чизиғидан чиқмагайман ҳеч!  
 Кетаман, ўрмонлар қаърига танҳо,  
 Ўн тўрт йил қорамни кўрмагай биров...

### Кайкейи хоним

Ҳа, ҳа, ота ўғли шундай бўлади,  
 Барча таҳсин айтар аҳду шахтинга!

### Рама

Таҳсинлар керакмас менга, билсангиз,  
 Фақат рози қилай онажонимни,  
 Хаёлан фарзандин тахт узра кўриб,  
 Дунёга сиғмаган улуг малика –  
 Ковшала хонимни юпатай, бориб...  
 Аста тушунтирай, дунё беҳабар,  
 Ўзини малика тасаввур этган  
 Митҳила малаги, ул соҳибжамол –  
 Ситага англамай ётиги билан,  
 Йўкса, ич-этини еб кўяр шўрлик...

Дашаратҳа Раманинг сўзларини эшитиб ётади. У Рама кетмоқчи бўлганини сезади. Аммо гапиришга ҳам, туришга ҳам мажоли йўқлигидан кимирай олмайди.

### Дашаратҳа

*(четга)*

Бормикин дунёда мендай бешафқат,  
 Мендай бахти қаро, расвои жаҳон?  
 Оҳ, бадбахт Кайкейи сўзлаган замон  
 Қувватим бўлсайди, ўрнимдан туриб  
 Нақ бўғиб ташлардим! Ҳеч дармоним йўқ.  
 Ич-этим еб бўлдим кечаси билан...  
 Иложсиз сўз бердим Кайкейига мен,  
 Мутлоқ ўзгачадир қалб амри эса,  
 Мақсад олий эди, ниятим бошқа...  
 Оҳ!.. Ўғлим, суянчим, Рама, ортга қайт,  
 Қулоқ солма мендай отанг сўзига,  
 Кайкейидай душман онанг сўзига,  
 Ўрмонга кет десам, кетмагин зинҳор,  
 Қалбим пора-пора этмагин зинҳор!..

Шошилганча Ковшала хоним ва Сумитра хонимлар кириб келадилар. Рама уларга салом беради.

**Ковшала хоним**

Кайкейи хонимга не бўлди, сўйла!  
Бетоб деб ҳар кайда дув-дув гап юрар.  
Эшитдим чопдим, синглим каби у,  
Унга тикон кирса – менга киргани!  
Менга кундош эмас, сингил, дугона!

**Сумитра хоним**

Опамга не бўлди, кундошмас, опам!  
Қутлуг эгачимдай қўраман уни!

**Рама**

Онажон! Онажон!

**Ковшала хоним**

*(эътибор бермай, Кайкейи хонимга талпиниб боради)*

Сингилжон, синглим!  
Эсон-омонмисиз, кўрдим, хайрият,  
Соппа-соғ экансиз, шукр худога!

**Сумитра хоним**

Сизни бетоб дея, учди эс-хушим,  
Сихатингиз яхши, жоним опам-ей!

**Кайкейи хоним**

*(сездирмай)*

Бекорга овора бўлибсизлар-да...  
Яхши бўлиб қолдим, тузукман энди.

**Ковшала хоним**

*(Дашаратҳага кўзи тушади)*

Вой, шўрим, рожами? Тоблари йўкми?..  
Ётиб колибдилар улуг рожамиз!  
Соҳиби давлатга не бўлди, ажаб,  
Кечагина Рама тахтга чиқар деб,  
Хурсанд, шод, жар солиб олам-жаҳонга  
Чорлаб юргандилар байрамга элни!  
Ох, бугун Рама тож киядиган кун,  
Шундай кунда рожа бетоб бўлса-я!..  
Энди нима қилдик, хонимлар, энди?..

**Сумитра хоним**

Кеча туш кўргандим, подшойи жаҳон  
Жангларга отланар эди тушимда...

**Кайкейи хоним**

Йўк, йўк, соғломдурлар ҳукмдоримиз...  
Андак хорибдилар, бор гап шу, фақат...

Маликалар икки томондан Дашаратхага эгиладилар. Аммо Дашаратха ўзини ухлаганга солиб ётади, кимирламайди.

**Ковшала хоним**

Ростдан чарчабдилар... Ҳордик олсинлар,  
Рожамиз жонлари бўлсин саломат!  
Вой, Рама ўғлимга тахт бераман, деб,  
Кийдираман тож, деб, азиз бошига,  
Тиним билмадилар, елиб-чопдилар,  
Тахтга чикканида бундок бўлади,  
Тожни кийганида ундок бўлади... –  
Барини ўйлади тунлар ухламай!..  
Уриниб кетдилар роса-ям, во-ей!  
Олдинда турибди катта маърака,  
Рама шахсуворим тахтга минади...

**Сумитра хоним**

Ташкарини кўринг – улкан издахом,  
Эл-юрт окиб келди сарой олдига,  
Шавкатли Рамага кийдирилар тож...

**Кайкейи хоним**

*(четга)*

Ким тож кийишини худо билади...

*(хонимларга)*

Айтгандай... сизларга очай бир сирни...  
Фарзандлар, тожу тахт, юрт ғамини деб,  
Подшо кўп гапларни ўйлаб қўйганмиш,  
Ўйлайди-да ахир юртнинг отаси...  
Рама билан фақат кенгашмоқчилар,  
Ўртада бор эмиш битта андиша...

**Рама**

Онажон! Онажон!.. Қулок берингиз!..

**Ковшала хоним**

*(Рамага қарамай, Кайкейи хонимга ҳаяжонда)*

Андиша?.. Қанақа андиша экан?  
Рожа нималарни ўйлаб қўйибди?..  
Кенгашиб бўлди-ку Рама билан у?...  
Сизни тушунолмай турибман, синглим...  
Рожа бўлса турмас, уйку ичра ғарк...  
Етти ухлаб тушга кирмаган гаплар...

**Сумитра хоним**

Менинг ҳам хайратдан қўлим ёкамда,  
Кўриб кўзларимга ишонмайман ҳеч.

Сита хоним билан Лакшман кириб, эшик тагида тўхтаб гапга кулоқ соладилар.  
Уларни ҳеч ким сезмайди.

**Кайкейи хоним**

*(бепарво у ёқдан-бу ёққа юриб)*

Ташвиш чекадиган жойи йўқ асло,  
Бундай ўзингизни босинг, хонимлар!  
Отанинг ўглига гапи бор холос...  
Рамага етказдим подшо гапини,  
Сўйладим ипидан игнасиғача,  
Барча-барчасидан Рама хабардор...

**Ковшала хоним**

*(Рамага, безовталаниб)*

Нима сўйладилар сенга, маликам?  
Хабардор эмишсан подшо гапидан?  
Тезроқ сўйлай қолгин, сўйлай қол, ўғлим,  
Юрагим тарс этиб ёрилай, дейди,  
Подшо хўп ақлли, зукко, ҳарқалай,  
Ақлли одамдан ёмон гап чикмас...

**Рама**

Онажон.. онажон... Айтолсам, кошки...  
Кошки, айта олсам сизга барини.  
Фақат сиз... фақат сиз... оғирроқ бўлинг,  
Ўзингизни қўлга олинг, онажон!..

**Ковшала хоним**

*(қўрқиб кетади)*

Нима-нима дединг? “Айтолсам, кошки?”  
Нега энди менга айтмас экансан?  
Шунчалар даҳшатми подшонинг гапи?  
Эвоҳ, сабр бергин, тўзим бер, худо!

**Сумитра хоним**

Кўнглим ниманидир сезиб турибди,  
Айт, очиқ айтиб бер, барин бизларга!

**Рама**

*(қийналиб)*

Онажон... ўзгарди рожа қарори...  
Мен эмас... Бҳарат минади тахтга,  
Тож кияр бошига подшо мисоли.  
Мен эсам, кетаман бадарға бўлиб,  
Ўн тўрт йил ўрмонда яшарман ёлғиз!..

**Лакшман***(шиддат билан)*

Бҳарат ҳеч қачон тож киймайди, ҳа!  
Лакшман бор экан, бунга йўл қўймас!

**Кайкейи хоним***(хезланиб)*

Нимага Бҳарат тож киймас экан?  
Сенга ким қўйибди баҳо беришни!  
Бҳарат ё подшо ўғли эмасми?  
Пушти камаридан бўлмаганми ё?  
Пушти камаридан бўлмаган бўлса,  
Исботлаб берасан шундайлигини!

**Лакшман***(Рамага)*

Оға, сиз – кшатрий табақасидан!  
Соҳиби майдондир кшатрий аҳли!  
Кшатрий ҳеч қачон қараб ўлтирмас,  
Оғзидан бировга ошин олдириб!

*(Кайкейи хонимга)*

Тахтга Бҳаратнинг ҳадди йўқ, тамом!  
Тахт удум бўйича оғам ҳаққидир!  
Билсунлар, тоймасман қон тўкишдан ҳам,  
Фақат адолатни қилгум ҳимоя!

**Кайкейи хоним**

Тўхта, сен исботлаб берасан, подшо  
Пушти камаридан бўлганми ўғлим?..

**Сита хоним***(шоҳона кийимда ясанган, Рама олдига келиб)*

Билмайман... билмайман... тушунмайман ҳеч,  
Нималар бўляпти ўзи оламда?..

**Сумитра хоним***(Кайкейига)*

Уят бўлади-я , ундоғ демангиз,  
Пуштни аниқлай деб уринманг, опа!

**Лакшман***(Кайкейи хоним томон қадам ташлаб)*

Ҳа, билдим... Бу фитна сиздан чикқандир,  
Бунда отамизнинг сира айби йўқ!  
Сиз... сиз...

**Рама**

*(Лакиманга)*

Сен йигитсан, шайтонга ҳай бер!  
Онамиз бўладир Кайкейи хоним!  
Онамиз ҳақида ёмон ўйламок  
Зинҳор ярашмагай чин ўғилларга!

**Кайкейи хоним**

Балли, Рама ўғлим... ҳамма сендайми...

*(Лакиманга)*

Кўлингни шоп қилма, ҳали тап тортмай  
Урасан шекилли, уялмай-нетмай!  
Урсанг, ур! Уракол, одобсиз бола!

*(Йиғлайди)*

Бу ҳолга тушмасдим Бҳарат бўлса!..  
Қайларда юрибсан онангни ташлаб!

**Монтҳра**

*(кириб келади)*

Ҳай-хай, қўл теккизма! Бҳарат келса,  
Боплаб таъзирингни бериб қўяди!

*(маликага)*

Йиғламанг, маликам!

**Кайкейи хоним**

Қайларда колдинг,  
Ҳаммага қўйдинг-ку мени талатиб!..

**Рама**

Кайкейи хонимнинг айби йўқ асло,  
У отам бўйруғин етказди холос...

**Ковшала хоним**

*(эс-ҳуши нари-бери)*

Қандай инсофсизлик! Юзи каролик!  
Бир нима дейишга тилим лол, тилим!..

*(беҳолликдан Сумитра билан Ситаларга суяниб қолади)*

**Сита хоним**

*(Ковшала хонимга)*

Онажон, кўнглингиз чўкмасин сира!..

**Сумитра хоним**

Ноумид бўлмангиз ҳечам, маликам!

**Дашаратҳа**

*(даргазаб ўрнидан туришга уринади ва туради: ҳамма ҳайратда)*

Тўхтангиз! Ҳамма айб подшойингизда.  
Рост... мен Кайкейига ваъда бергандим...

Подшолар сўзидан қайтмайди сира!  
 Ёта бериб чидай олмадим асло...  
 Туни билан азоб чекиб чиқдим мен,  
 Бир нима дейишга ҳолим йўқ асло...  
 Нафъи давлат ўйлабон подшо иш кўрар ахир,  
 Ворисни танламоқ ҳам унга ошқору зоҳир!  
 Билмам, Кайкейига нима жин урди,  
 Юзини ёвузлик томонга бурди.  
 Нега Рама ўғлимга ёмонлик тилаб қолди,  
 Билмам, Рама бошига аламми, қайғу солди?  
 Кайкейи хоним, нечук тиларсан зиён-захмат,  
 Рамага – зилу завол, насабга – тавқи ланъат?  
 Шундай қилмоғи мумкин захри бад, беомон мор,  
 Сен подшо қизисан-ку, сен авлоди шаҳриёр?  
 Бошимга бало қилиб сени олибман, эй вой,  
 Менга-ку – бало, юртга офат солибман, эй вой!  
 Қайси бир ёзуғига Рамадан ўгирай юз?  
 Суюқ ўғлоним бағрин уватиб дей ёмон сўз?  
 Эзгу амалларини ҳар тарафда билур халқ,  
 Бундок танангга ўйла, ок-қарони қилгин фарқ!  
 Аммо яхши бил: Рама ўғлим ҳайдалган замон  
 Жисмимни ҳам тарк этар ҳориган руҳи равон!  
 Бҳаратинг икковлон юрт сўра, эй захролуд,  
 Мамлакатни поймол эт, зот-зурёдга қўйгил ўт!..  
 Эл бузай деб боғлабсан сен дилинг шум ниятга,  
 Шак йўқдир, мустаҳиксан нафрат ила ланъатга!

#### Ковшала хоним

*(нолаю фиғон билан)*

Бҳарат ўғлингиз ўйладингиз сиз,  
 Кайкейи хонимни кўрдингиз ортик.  
 Бизни заррача ҳам кўзга илмасдан  
 Фалокат солдингиз Рама бошига!  
 Қаерларда қолди адолатингиз?..  
 Подшонинг шаънига муносибми шу?..

#### Дашаратҳа

*(босиқ)*

Айтай, Рама ўғлим – борлиғим менинг,  
 Номимни дунёга ёйғувчи шулдир.  
 Туғилмишки фарзандим олижанобу олий,  
 Барча билан мулойим, қундай ёруғ жамоли.  
 Оккўнгил ҳам одобли, мурувватли, хушқалом,  
 Бад сўз демакка эса уқув йўқ унда тамом!..  
 Инъомларга сахий хўп, юмшатур кўп жазони,  
 Чапдастдир, доим ғолиб пойгага кирган они.  
 Ҳақорат сўз айтмас ҳеч, ёмон нияти бўлмас,  
 Айб иш қилса, мардона тан олар, қараб турмас.

Куч-кудратда шоҳлар ҳам ета олмас ҳеч замон,  
Отасидан – менадан ҳам ўтиб кетди мард ўғлон!

*(гандираклар кетади)*

Рама билан Лакшман отасининг қўлтиғига киридилар.

### Рама

Отажон, отажон, валинеъматим!  
Ортик ўзингизни уринтирмангиз!..  
Маҳкам қўрғонимсиз, соябонимсиз,  
Мен ерман, сиз баланд осмонимсиз!

### Дашаратҳа

*(Рамага)*

Рама ўғлим, сенга айтар сўзим бор,  
Сўз эмас, ёлвориш, балки илтижо:  
Кайкейига берган ваъдамга боқма!  
Менинг қўл-оёғим боғлагин-да сен,  
Шу заҳот ташлагин зиндон қаърига,  
Сўнг тахтга мингину бошқаргин юртни,  
Юрт сеники, тож ҳам, тахт ҳам сеники!..  
Шундагина кўнглим таскин топгуси!

### Кайкейи хоним

*(подшога)*

Бир сўзда тургай мардон, бу ҳам эркаклик шони,  
Паймонингда тур энди, Айўдҳия султони!  
Гарча ҳамма Раманинг қадамига нигорон,  
Ул эмас, тахтга чиқсин Бхаратим, зўр ўғлон!  
Рама эса ўн тўрт йил кийиб пўстлоқдан жанда,  
Ёмон жой қайда бўлса, қувғинди бўлсин анда!..

*(Монтҳрага ишора қилади, оқсоч чиқиб кетади)*

### Рама

*(қатъий)*

Отажон! Бхарат тахтга минар деб,  
Рамани ўн тўрт йил қувғин бўлар деб,  
Кайкейи хонимга бердингиз ваъда...  
Айтилган ваъдага бўлмаса вафо,  
Эр киши шаънига ярашмас асло.  
Ёғилиб турса ҳам бошимга бало,  
Азму қарорингиз бажармоқ – бурчим.  
Ҳеч ерда колмасин сизнинг сўзингиз!  
Сўзингиз мен учун – худо сўзидир,  
Уни адо этмоқ – шоним, шарафим!  
Бхарат юрт сўраб, тахтга ўлтирсин,  
Тахту тож бойликдан юз ўгириб, юз,  
Ерда колмасин деб отамнинг сўзи

Мен эсам кетарман ўрмонлар томон,  
Ўн тўрт йил қорамни кўрмагай биров...

### Дашаратҳа

*(ўйланиб)*

Хатога йўл қўйдим ёшлигимда мен,  
Ножўя бир ишга қўл урдим билмай.  
Шикорга жўнадим кунлардан бир кун,  
Ов пойлаб ётардим дарё бўйида,  
Саройю<sup>1</sup> лабида чакалакзорда...  
Бориб турган мерган эдим-да ўзим,  
Овни овозидан ура олардим.  
Чамаси, кирғоқда бир чанкаган фил,  
Хартум-ла “кул-кул” сув ича бошлади...  
Овозни нишонга олдиму шартта,  
Ўқ отдим! О... Отиб қўйибман, афсус,  
Художўй зоҳиднинг ёлғиз ўғлини!  
Не кўз билан кўрай: фил эмас, йигит,  
Кулқиллаган нарса – кўзадаги сув!  
Йигитнинг қартайган отаси шунда  
Дуоибад килди мени, қарғади:  
“Ўғлимиз доғида адо бўлдик биз,  
Сен ҳам фарзандингни доғини кўргин,  
Суюкли ўғлингдан айрилиб бир кун  
Биздек азоб тортгин қон-қора қақшаб!..”  
Ҳайхот, ўша тушди мени бошимга,  
Дуоибад бўлдим, қарғишга қолдим....  
Дашаратҳа хўнграб юборади, Ковшала хоним йиғлайди.

### Рама

*(Сита хонимга)*

Кувгинлик йилларим ўтказиб келай,  
Сен бунда онаминг ёнида бўлгил!  
Иссиқ-совуғидан хабар ол, хабар,  
Бунда қол, ўзингни қийнама асло!

### Сита хоним

*(пиқ-пиқ йиглаб)*

Йўқ, йўқ!.. Қололмайман, қололмайман ҳеч!  
Қандай юборайин ўзингиз ёлғиз?  
Бизларга сочилган гуллар, чечаклар  
Тиконга айланар кетган онингиз.  
Ташлаб кетманг мени, ёри жаҳоним,  
Сиздан айрилганим ўлганим шулдир!  
Сизсиз боғ айланар чакалакзорга.  
Сиз билан ўрмон ҳам менга боғ бўлур...  
Қолмайман!..

<sup>1</sup> Ҳиндистондаги дарё.

**Лакшман**

*(қатъий)*

Оғажон! Мен ҳам кетаман,  
Сизсиз бир лаҳза ҳам турмасман бунда!  
Сизсиз гўристондир менга Қўшала,  
Хизматингиз қилай ёнингизда мен...  
Бало-казоларда бирга бўлайин!

*(Сумитра хонимга)*

Онажон, ижозат беринг: борайин!

**Сумитра хоним**

*(йиглаб)*

Мен сендан розиман, боракол, ўғлим,  
Қора кун тушганда одам бошига,  
Қўмак беради-да ука оғага!  
Боракол! Мард ўғил насибаси бу...

Лакшман оёғига эгилиб таъзим қилади. Монтҳра иккита чўри билан қўлларида қайинпўстлоқдан қилинган жанда-кулоҳ олиб кирадилар Рама, Лакшман ва Ситалар жанда-кулоҳ кийиб оладилар.

**Рама**

*(отаси ва онасига таъзим қилиб)*

Раҳмат, отажоним! Раҳмат, онажон!  
Берган тузингизга рози бўлингиз!

**Дашаратха**

*(мунгсираб)*

Кетмагин! Тахтга мин, олтин тожни кий!..  
Ташлаб кетсанг бизни, ўлганимиз шу!

**Ковшала хоним**

*(йиглаганча)*

Ташлаб кетма бизни, ўғилгинам-ей!  
Ҳой, шартимиз кетиб, партимиз қолган...

**Рама**

Отамга тик бокмасман, йўқ, ундай ўғилмасман!  
Йўқ, онажон, отамнинг сўзин икки қилмасман.  
Отам сўзин қайтармоқ менга зилдай гуноҳдир,  
Йўқ, Рамангиз ушмундок гуноҳлардан йироқдир!  
Ўғил – отанинг сири, шу сир сирликча қолсин,  
Рама сассиз ўрмонлар қаъри ичра йўқолсин...

Рама, Сита ва Лакшман оҳиста юриб чиқиб кетадилар. Ҳамма уларнинг ортидан йиглаб қолади.

*Давоми бор*

## ОТА

Ҳикоя



Маъруф МЕНГЛИ

Онгимдаги эскириб занг босган, совуклиги танимни титратаётган, аслида унутилишга маҳкум бўлган энг жирканч ва қўрқинчли ўйларимнинг саркитларини йўқ қилишга бор кучим кетиб қоляпти. Энг тоза туйғуларимни, У ҳали ҳаёт ва умрбокий эканлигини руҳан ҳис қиламан – ўзимни ишонтириб, уйқудан бош кўтаришга интиламан. Менга қарши куч эса минглаб аркон билан танимни сиқиб боғлаб, ҳар томонга тортила бошлайди ва мен энди ожиз ва нотавон эканлигим учун ўзимни ёмон кўраман. Шунда эзилган руҳимни тош босади. Оғир куч таъсирида эгилгандан эгилиб боравераман ва қутилмаганда бошқа одамга айланиб қоламан. Оғрик зўридан ичимга ютаётган нафасимга қўшилиб ўзим ҳам ичимга кириб кетгудайман. Балки аслида ичимдадирман, қоронғиликка камалиб қуёш чикишини қутиб, мен, ҳа, айнан ўзим ёруғликка айланаётгандирман. Энди яширинишдан, қўрқишдан маъно йўқ. Шоҳсула бу – эртага мен билан отадиган тонг ва менинг руҳим зиёси. Бирдан ишончим ортади. Шу тарика ўзим намоён бўламан. Менга бағишлаб битилаётган ашъорларни маърур кузатаман. Баланд шоҳсула узра савлат тўкиб оломонга қаддимни ростлаб, ўйламаган, унутилган, айнан, унутилган ўзлимни пеш қиламан. Бошимдаги йиллар безаги ила тўлган тожнинг руҳидан руҳим ранг олиб бошимни осмонга етказди. Табассум қиламан. Мамнун ва фахр ила қўлимни мусаффо осмонда кўринаётган сиймо томон чўзиб ҳаммани отам тарафга қаратаман. Отамнинг руҳидан ёғилаётган нур оламни эгаллайди. Қўлим қўқсимда, ёруғ юз билан Отамга бош эгаман.

Ота!

Бугун мен яшайман, кечаги руҳсиз ҳаётдан суғурилиб чикдим. Унутувчи энди барча унутувчиларни билмоқ, унутмоқ, улардан буткул узок бўлмоғи даркор. Мен қатъият ила Сизга Сўз бераман: мен ўзгараман. Борлиқ фақат уйғоқ ва борлар учун. Мен кутган энг гўзал ва аъло борлиқ сизга ўхшайди. Энди чекиниб бораётган ўзлим ҳам, рўёларда адашиб қайбир манзилга боришимни билмай тентираб, энди бари тугади, деб турганимда замин чексизлигидан сизиб келаётган навода ҳам Сизнинг руҳингиз ёлқини сезилади.

*Маъруф МЕНГЛИ – 1990 йилда туғилган. Урганч Санъат коллежсининг актёрлик бўлимини тамомлаган. “Келажак овози-2011” кўрик-танловининг вилоят босқичи ғолиби. “Зериктирмас ёлғизлик” номли китоби нашр қилинган.*

Чегарасиз хаёллар чексиз, улар боғлаб, ўйлатиб қўяди. Мен кайбири рўё, кайбири ҳақиқий эканлигини англамай қоламан. Кеча тушларимга илакишган хаёт бугун менга қўланкасини ташлайди.

У қалбимга эккан тенги йўқ меҳр бугун унинг йўклигини эслатиб турибди. Ҳа, уни йўқотиб қўйдим. Балки, эртага яна бари ўзгариб дилни ўртовчи, эслаганда уялгучи қилмишларни қайтармаслик имкони бўлар... Орзуга ишониб яшайман. Ўзим эмас, ўзгачан умид қилиш қалбан ўлиш демакдир. Ҳаёт фақат тирикликнинг ўзи эмас. Яшамокликнинг бари ичкарида, узун, коронги йўл охирида, ўша ерда ҳаммасини билиб олиш мумкин.

Мен Отам каби бўлолмадим. У оғир кетмони билан қазиб чиқарган қудук сувидан ичмаганим, елкасига қуёшни ортиб олиб ёритган йўлларида юрмаганим бугун ошқор бўлди. Отамнинг юзидаги нур сўниб, боши эгилса, менинг бошим унинг бошидан ҳам қуйирокка эгилади. Мен унга, у менга индамайди, иккимиз ҳам нималарнидир ўйлаб қоламиз. Жимман, ҳатто сониянинг сасидан чўчийман. Нафас олмоқ ҳам шовкин солишга ўхшаб қолади.

Отам яхши инсон эди, ҳар қунида менга бир умр берарди. Умрим шу зайл абадийликка уланиб, чамбарчас боғланиб кетарди. У қарияпти, табассуми, руҳи, қадди эгилиб қолган. Сочига оқ оралагани ва ҳар оқ тола учун мен жавобгарлигимни билиб турибман. Отамнинг ҳаётини зулукка ўхшаб сўриб оляпман. Бор кучим билан улуг манзиллар сари еляпман. Ўйларимга эргашиб Отамни коронғиликда қолдириб кетяпман. Ҳайронман. Топганим кўпми, йўқотганим? Ўзим ҳақимдаги хаёлим отам ҳақидаги ўйларни сиқиб чиқарди. Фақат ўзимни, ўйларимни ўйлайдиган бўлиб қолдим. Ўзимни саноксиз менларга кўпайтириб ўзимга ўхшайдиганларнинг сонини оширдим. Улар билан ҳамсухбат, кадрдон, ҳамфикр бўлдим. Бугун бошли оламини яратиш қўйиб, тушларимда кезиб юрган руҳларни ва минглаб ўзлгимнинг ҳокими бўлдим. Умримга зеб бериб турган, асл борликни англашиб, хаёлдан мени суғуриб олган ва моҳиятан туғдирган моҳиятни тан олмай қўйдим. Мен кутмаганда, ўйламаганда, ва балки, истамаган бир тарзда қаттиқ феълли одам бўлдим. Тошдай, метиндай одам бўлдим. Енгилмас, забардаст одам мен эканлигимга отамнинг шубҳаси йўқ. Бу унинг қарашидан биланарди.

Отамнинг дуога очилган қўлларида титроқ, лаблари пичирлаб нималардир дейди. Ўзининг босиб ўтган йўлларига разм солиб бугун умри менга бахш этилганини, қулаган иродасида менинг аксим борлигини ва энди қайтмоқ, барига кўз юммоқ кераклигидан, энг оғири ва энг даҳшатлиси шу эканидан азоб тортади. Ҳассасига ўзи эмас, бор ҳаёти, тоат-ибодати суяниб бораётгандай қадди тобора эгилади. Танидан куч кетиб ҳорғинлаган қўйи бир тарафга кета бошлайди. У гўё хаёлларига, топилмас бўлиб кетган энг тоза хотираларига қайтади. Шаффоф олам ичра топилмас бўлиб, гўё йўқолиб қолишни ихтиёр қилади. Ўз ичида қолиб кетишни, ўзига қайтишни истамайди ва энди ором топмоқ, бугун қуёш чиқиши рўё эмаслигига ишонади. Отам дуо ўқир экан бармоқлари орасидан меҳр сизиб чиқади. Дуосини ўқиб бўлгач, юзига фотиҳа тортади. Водариғ, энди у умид қилмайди, яшамайди ва менга қарашни ҳам билмайди. Мен отамга боқмай турган бўлсам-да, буни сезиб, билиб тураман.

Мен ўзимни кучли санайман. Аммо отамчалик эмас. У бошқача одам. У – Инсон. Мен эса унинг соясиман, холос. Отамга ўхшаш, отамдай бўлиш ушалмас орзу, минг йилда ҳам унутилмас ва умрим охиригача хаёлларимни банд этиб туради. Мен ўзимга ишонмай, мавжудлигимга ва яшаётганимга амин бўлмоқ учун моҳиятга етиш истагини туйдим. Қидирдим, изладим ва бугун билдим. Биргина овоз қулоғимга кириб дилимгача етиб келди. Оҳанг сеҳридан юз йиллик уйқудан

зумда уйғондим. Ўлик танимга жон таралди. Тирилиш лаззатидан маст ҳолда оламга разм соламан. Гўзаллик ичра сузиб бориб оҳангга пешвоз чиқаман. Чопаман. У олиб кетаётган тарафга беихтиёр руҳимда кўтаринкилик ила кетардим. Чексиз замин узра ястанган оппоқ борлик аро на тирикligимни, на ўликligимни билмай хушовоз элтган, руҳимга яқин одамга кучоғимни очдим. Унинг юзини кўрмоқ истагида нигоҳларига кадалдим... Ота... У оппоқ либосларида менга караб турарди.

Бутун умр ўзим билан жанг қилдим. Туннинг зулматида узун йўлда кийфадощларим билан душман томон олға борамиз. Жангда ҳалок бўлган жасадларим ҳар ёқда сочилиб ётар, чеки кўринмас, қора рангга сингиб кетган кун энди юз кўрсатмас, энг кўрқинчлиси – бу жанг замон тугаса-да, ҳеч тугамас эди. Бу онгимда бонг урган энг кучли сас бўлиб эшитилди. Кулоқни коматга келтирган қичкириклар авж олиб борган сари тугамас уруш онгим сарҳадларидан ошиб бораверарди. Мен ўзимни йўқотиб, бир-бирининг бошини еб умрига зомин бўлаётган ҳамма ўзligимни унутиб, чин ёв, дея кўзларимни маҳкам юмиб олдинга кучлироқ интиламан. Ўша тарафга етиш керак, етгач, ҳаммаси яқун топади. Уруш ҳам, қичкириклар ҳам ва ҳатто тун ҳам тинчийди. Умр бўйи давом этган қирғинбарот жанг менинг ғалабам ва мағлубиятим билан тугайди. Шунда барини унутишга, бошқатдан яшашга куч топиш истагини туяман ва замонлар ортидан эргшиб сарсон бўлган, яшашга энди киришдим деганда мангу уйку хиссини қалбан туя бошлаган энг кўрқинчли куч таъсиридан азоб тортаман. Қаддини тик тутганча қуёш чиқар тарафга тикилган Отамга қалбан суянаман. Руҳим шаффофлашади. Қадоқ қўлларини сикаман. Отам нимтабассум қилади, ҳассасини ташлаб менга суянади. Нималардир деб шивирлайди. Сўнг қўлларини дуога очиб оят тиловат қилади. Отамга қўшилиб юзимга фотиҳа тортаман. Ичимда бўшлиқ тўлишиб, руҳим тўлади. Ярим умримни яшаб бўлиб бошқатдан туғиламан ва бошқатдан тилга кириб, бошқатдан Отамни таний бошлайман.



**Отманг хато келса кўрма хато,  
Сабоб бил, ҳаммоқу қилса хато.  
Отанинг хатосини билгил сабоб,  
Сени юз балдогун қумқарзай Хуго.**

**Аҳмад ЮГНАКИЙ**



Йўлдош ЭШМУРОДОВ

## Ташқарида қолди ёлғизлик

\* \* \*

Шамол чопкиллайди,  
Югуради нур,  
Япроқлар кенгайди,  
Улғаяди чинорлар  
Меҳр огушида  
Сехрни кучоклаб.  
Ёлғиз катталашмай туради кўёш,  
Ёлғиз бир маромда тепади юрак.

Балким, ҳеч қаёққа шошилмас шамол,  
Балким, ҳеч қаёққа ошиқмас нур ҳам,  
Балким, улар шундай яшарлар:  
Гулларни ҳовучлаб,  
Оламни опичлаб...

\* \* \*

Ўтмадим, ўтмадим, ўтмадим,  
Бир эшик олдидан асло кетмадим,  
Ох, сени бирор кун унут этмадим,  
Эшикни жилмайиб очган қиз!

Неча куз узумлар бўлдилар майиз,  
Неча бор япроқлар тўқилди маъюс,  
Мен сени унутаолмадим хануз,  
Эшикни жилмайиб очган қиз!

---

Йўлдош ЭШМУРОДОВ – 1957 йилда тугилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎЗМУ) журналистика факультетини битирган. Ижодкорнинг “Муҳаббат фасли”, “Соғинч кунлари” шеърӣй китоблари нашр этилган.

\* \* \*

Кел, энди!  
Шундоқ келакол,  
Унутмай менга келган ғашларингни,  
Менинг ёниб карашларимни.

Кел, энди!  
Шундоқ келакол,  
Керакмас на ибo,  
На ўсма кошларингга.

Кел, энди!  
Кўй кўксимга кўксингни,  
Ажабмас кўкраклар ўйилиб кетса,  
Кўшилиб кетса меҳрнинг кудратидан.

Кел, энди!  
Шундоқ келакол,  
Дўстларга ношудлик нокерак.  
Бандидан узилган япроқдек,  
Сарғаймасин сенсиз келажак.

## Манзара

Қушлар уйларига кетишади,  
Жимиб қолади шамол ҳам.  
Дарахтлар куйлай бошлайди  
Сокинлик қўшиғини.

\* \* \*

Биласизми,  
Эшитганмисиз, сиз, бу ҳақда?  
Қуёш ер билан,  
Ер эса ой билан...  
Умуман коинотдаги барча сайёралар  
Бир-бири билан  
Ўз массасига тўғри пропорционал,  
Ораларидаги масофага тескари пропорционал  
Куч билан тортишар эмиш.  
Биз нима ҳам қилаолардик,  
Тортишса тортишганлари маъкул,  
Бўлмаса тўкилиб кетмайдими  
Ҳаммаси пастга.

## Ёлғизлик

Сўридаги узумлар узилди  
Бобом ҳам беркитди боғини –  
Ўлан тўшагим деб келди сокинлик.

Ўчокларда ёнар ғўзапоялар,  
Кўк чой атрофида чоллар гурунги –  
Ташкарида қолди ёлғизлик.

## Ҳукм

Мен чарчадим,  
Кутиб чарчадим.  
Кутмок, бу – олдиндан кўрмоқдир.  
Кузатмок – кутмокка ташланган кадам.  
Кутмок – савол бўлса,  
Кузатмок – ҳукм.

Сен мени кутдингу хайрлашмадинг,  
Кутаман демадинг: такрор ва такрор,  
Афсус, ракибларим кузатар мени  
Пусиб ва паналаб парда ортидан.

Мен чарчадим,  
Кутиб чарчадим.  
Товонимни эзар  
Соғинчим зўр юк,  
Гир атроф доира  
Бу қандай кадам?  
Наҳотки, кутмоғу кузатмок бирдек?

\* \* \*

Соғинганим сезар поездлар,  
Юрагимни эзар поездлар,  
Шу излардан ўтар поездлар,  
Шаҳарларга кетар поездлар –  
Мен кетолмайман!

Гулга лойик аҳли поездлар,  
Ваъдасига аҳли поездлар,  
Меҳнатидан тахтли поездлар,  
Инсон каби бахтли поездлар,  
Шу излардан ўтар поездлар,  
Шаҳарларга кетар поездлар –  
Мен кетолмайман!

Уни қўли хинали кутар,  
Танишлардан уялиб кутар,  
Тонгдай тоза хаёли кутар,  
Ваъдасига вафоли кутар.

Шу излардан ўтар поездлар,  
Андижонга кетар поездлар,  
Айрилиқни ютар поездлар,  
Дўстларга гул тутар поездлар –  
Мен тутолмайман!

## **Кўнгилда не бўлса, кўзда топилгай**



**Болтабой БЕКМАТОВ**

### **Тўртликлар**

\* \* \*

Ўйлаган онимда пайдосан, ажаб,  
Сўйлаган онимда пайдосан, ажаб!  
Ё сен малакмисан, ё паримисан,  
Ҳар лахза ёнимда пайдосан, ажаб?!

\* \* \*

Кўнглинг тўк суянган тоғинг туфайли,  
Гуллаган бу ёшлик чоғинг туфайли.  
Гарчи ёнгинангда захкаш балчиғи,  
Булбул мехмонингдир боғинг туфайли.

\* \* \*

Дарёда сол учун тўғри йўл қайси,  
Кўкда шамол учун тўғри йўл қайси?  
Ишкни билмаганга тўрт томон қибла,  
Ишки малол учун тўғри йўл қайси?

\* \* \*

Сенинг борлигингда гўзал бу олам,  
Барҳаёт, бардавом азал бу олам.  
Сенинг борлигингдан бахтга ёр, омон,  
Лекин ишқ дардидан касал бу олам.

---

*Болтабой БЕКМАТОВ – 1958 йилда туғилган. Москвадаги Горький номи Адабиёт институтида ўқиган. Ижодкорнинг “Алвон учқунлар”, “Биллур гулдон” тўпламлари нашр этилган.*

\* \* \*

Ҳар киши сўз берса, сўзда топилгай,  
Кўнгилда не бўлса, кўзда топилгай.  
Ва лекин алдаса сўзлару кўзлар,  
Бу ёлғон ловиллаб юзда топилгай.

\* \* \*

Дилга меҳмон бўлиб ўтдинг, муҳаббат,  
Ростми, ёлғон бўлиб ўтдинг, муҳаббат.  
Озод куш мисоли парвоз этмоққа  
Чексиз осмон бўлиб ўтдинг, муҳаббат.

\* \* \*

Етти ухлаб бу туш қўрилганмиди  
Ё шундай хуш хаёл сурилганмиди?  
Қалбингга бир қаср қурмоққа келдим,  
Айт, жоним ё қаср қурилганмиди?

\* \* \*

Уруғ сепдим, униб чикди аста-аста,  
Бўй таратиб, гул бўлдилар даста-даста.  
Сўраб-сўраб опкетдилар гулларимни,  
Гулзор бўшаб дилим қолди хаста-хаста.

\* \* \*

Садокат, дўстга деб экилган гулсан,  
Садокат, ошёни энг тоза дилсан.  
Сени асрашганда тоза дил керак,  
Йўқса, сен хазонсан, хашаксан, кулсан.

\* \* \*

Тангримга салламно сени бор этган,  
Шу борлиққа мени ошиқ, зор этган.  
Қалбим салтанатин бежаб эллик йил,  
Сўнгра сени унда ҳукмдор этган.

\* \* \*

Баҳор курсин, гўзал ҳислар туғдирган,  
Ёз курсин, ақлдан, ҳушдан оғдирган.  
Кузи курсин ишқнинг, саховатга бой,  
Қиши курсин, бошга ғамлар ёғдирган.

\* \* \*

Сухбатни янада киздирди ғийбат,  
 Нозик бир риштани уздирди ғийбат.  
 Давра никобини ечди юзидан,  
 Кимнинг кимлигини сездирди ғийбат.

\* \* \*

Гулзор ичра гулдек гулгун яшайсан,  
 Бу фоний ҳаётга уйғун яшайсан.  
 Ўзингни бахтиёр кўрсатиб ёлғон,  
 Севгисизлик ичра дилхун яшайсан.

\* \* \*

Ғайратим, шахдимга ошносан, ёшлик,  
 Орзуим, аҳдимга ошносан, ёшлик.  
 Сен – қушсан, сен – дарё, сен – фавворасан,  
 Қисматим, бахтимга ошносан, ёшлик.

\* \* \*

Хуснинг кўриб, ақл-хушим хайратдадир,  
 Кўксимда сайраган қушим хайратдадир.  
 Кириб келсанг бўлмасмиди баҳоримда,  
 Қор ва музга қолган қушим хайратдадир.

\* \* \*

Йўқдан борлик учун сенга салламно,  
 Ховандорлик учун сенга салламно.  
 Бу борликда менга раво кўрганнинг,  
 Бахтга ёрлик учун сенга салламно.

\* \* \*

Қушлар ўртасига яна қуш келди,  
 Яна янги қўшиқ, орзу, туш келди.  
 Сенинг ҳаётингга яна бир баҳор,  
 Меникига эса яна қиш келди.

\* \* \*

Биров нуксонимдан фаҳм этар, не бўлар, билмам,  
 Биров ҳайбат билан ваҳм этар, не бўлар, билмам?  
 Биров адолат тарозисини қуриб шу он,  
 Мулоҳаза қилар, раҳм этар, не бўлар, билмам?

\* \* \*

Бу тақдирдан зинҳор қочиб бўлмагай,  
Бу саволни зинҳор ечиб бўлмагай.  
Сув билан ҳаводай яқинсан менга,  
Аммо, сув, ҳавони қучиб бўлмагай.

\* \* \*

Оёқлари узун, чопағон миш-миш,  
Сендан баъзан дилим хафақон, миш-миш.  
Нега ҳақиқатдан олдин юрасан,  
Зукко одам каби топағон миш-миш?

\* \* \*

Тасаннолар, тонг-ла келдинг қошимга,  
Бу ташрифдан бахтлар ёғди бошимга.  
Туйғу йўқдир ишқдан ҳам қудратлироқ,  
Санок шартмас энди менинг ёшимга.

\* \* \*

Ажабо, шодлик ва қайғу ёнма-ён,  
Ажабо, бол билан оғу ёнма-ён.  
Наҳот, шундай бўлса ҳаёт дегани,  
Ишқ ва нафрат деган туйғу ёнма-ён.

\* \* \*

Куз келиб булбул саси тинмоқда аста,  
Барг тўкилиб, новдалар синмоқда аста.  
Тўхтамай айланиб ҳаёт тегирмони,  
Гул ҳам ўз қисматиға кўнмоқда аста.

\* \* \*

Шукур, қалбим кўзин очдинг, туйдирдинг,  
Шукур, илохий ишқ билан суйдирдинг.  
Ҳаётга ва ишққа ташна бу дилни,  
Қаноат деган бахт билан тўйдирдинг.

\* \* \*

Ёнмоқ бўлган жойда сўнмоқ бор экан,  
Ишқдан ишқсизликка дўнмоқ бор экан.  
Умри хазон экан маконсиз қушнинг,  
Ҳар не жудоликка кўнмоқ бор экан.

\* \* \*

Сенга кўнгил кўйиб бўлдим гуноҳкор,  
Висолингга тўйиб бўлдим гуноҳкор.  
Гуноҳкорлар куядилар оташда,  
Мен оташда куйиб, бўлдим гуноҳкор.

\* \* \*

Йўлингда шамчирик, юлдуздир мақсад,  
Заминга сингиган илдиздир мақсад.  
Мақсадга интилсанг, чексанг риёзат,  
Ҳаётигдаги тонг, кундуздир мақсад.

\* \* \*

Аҳд этдимۇ аҳдим қор остида қолди,  
Шаҳд этмадим, шаҳдим қор остида қолди.  
Шаҳд этсам гар насиб бўлар эди бахт,  
Мана, энди бахтим қор остида қолди.

\* \* \*

Шукрки, хаёлим сен билан бирга,  
Изҳорим, саволим сен билан бирга.  
Келдим, кўрдим, севдим, розиман, илло,  
Бахтиму заволим сен билан бирга.



**Муҳаббатсиз киши одам эмасдур.  
Гар одамсен, муҳаббат ихтиёр эт.**

**НОДИРА**



Ахмаджон ЙЎЛДОШ

## Ойни кўриб юзингми дедим

\* \* \*

Мана, ўтса ҳамки неча минг замон,  
Умримиз қарвони йўлдадир ҳамон.  
Олға интилади ҳамиша сарбон,  
Ортда қолар тоғлар, дашту биёбон.

\* \* \*

Бир осмон остида яшаб туриб жам,  
Мақон талашамиз – тордай бу олам.  
Кимлардан қолмаган бу мулк, ҳовли-жой,  
Бизга ҳам буюрмас минг талашсак ҳам.

\* \* \*

Жонинг ором топган жой эрур Ватан,  
Жону жаҳонингга балки нур – Ватан.  
Ишқмас ялқовга кадри йўқ кўрган,  
Дийдори зор қилган жонга дур – Ватан.

\* \* \*

Битди қуллик, битди зулм – истибдод,  
Юртим мустақилдир, элим ҳур, озод.  
Ҳар ким ўз касбидан мамнун, бахтиёр,  
Эртақда бўлмаган бундайин ҳаёт!

\* \* \*

Чигитни кўкартиб пахта қилгунча,  
Она сути оғзига келгандир қанча.  
Олтиндан ҳайқал ҳам ўзбекка қамдир,  
Бошда тутсанг арзир дунё тургунча.

\* \* \*

Юртим, ойни кўриб юзингми дедим,  
“Хулкар” ва “Зухал”ни кўзингми дедим?  
Нафасинг оташи қуёш бўлса гар,  
Ватаним, кенг осмон ўзингми дедим?

\* \* \*

Демангиз, беҳишт хур-ғилмонлар учун,  
Замин эса фақат инсонлар учун.  
Фалак ҳам ғарибдир ер йўкса магар,  
Одамсиз жаннат, хур-ғилмонлар нечун?!

\* \* \*

Бекор келиб-кетмишдан мақсадимиз не?  
Не каромат кўрсатдик? Қимматимиз не?  
Жонсиз жисмимизга зормикан тупрок,  
Нахот, келиш-кетишдан шу бўлса маъни?

\* \* \*

Бозорга қараб бўлар савдоси,  
Тўкин бўлса арзон нарху навоси.  
Бозордир эҳтимол ҳар юртнинг юзи,  
Бозорин кўриб, бер элнинг баҳосин.



**Жаҳонда ақду игрок, зехну дониш бирла озог бўд.  
Ҳамиша халқ билан бирга шарафдан, яъни обод бўд!**

**Абдулла ҚОДИРИЙ**



Мохигул ЮЛДАШЕВА

## XX АСР ХИВА ТАЗКИРАЧИЛИГИ

Мумтоз адабиётшуносликнинг асосий жанрларидан бири бўлган тазкира туркий тилда Алишер Навоий ижодида илк бор кузатилган бўлса, Навоийдан кейинги туркий ва форсий тазкирачилик тараққиётига “Мажолис ун-нафоис” сезиларли таъсир кўрсатгани бу асарнинг форс тилига уч марта таржима этилиши,<sup>1</sup> туркий дунёда унга назира тарзида ўттиздан ортиқ тазкиралар яратилиши унинг нечоғлик аҳамиятли эканини таъкидлайди. Навоий тазкирасидан кейинги салкам беш юз йиллик танаффусдан сўнг XX аср бошларига келиб Хива ва Бухоро адабий муҳитида тазкирачилик қайта жонланди. Бухорода тазкиранинг турли шакллари: шоирлар, дабирлар, адиблар, ҳатто ахмоқлар (Садри Зиё) тазкиралари яратилган бўлса, Хивада бу ҳолат Муҳаммад Раҳимхон Соний – Феруз ғазалларига битилган назира ва тахмислар асосига қурилган тазкираларда кўринади.

Хива адабий муҳитининг фаол аъзоларидан бўлган Аҳмаджон Табибий (1868-1910) саройда ижод этган шахзода ва амалдорлар, мударрис ва мирзабошилар томонидан Феруз ғазалларига битилган ўттиз нафар шоирнинг назираларини ўзининг “Мажмуат уш-шуарои пайрави Ферузшоҳий” (1908) тазкирасига жамлаган. Асар дебоча, асосий қисм (ғазаллар) ва хотимадан иборат.<sup>2</sup> 152 байтни ташкил этган дебочада Оллоҳга ҳамд, пайғамбар ва унинг саҳобалари мадҳи ва сўз санъати хусусида фикр юритилгандан кейин Ферузнинг таъби истеъдоди ҳамда Нозир, Музниб ва Иноят сингари шоирлар номлари тилга олинади. Тазкиранинг асосий қисмида берилган ғазаллар муаллифлари орасида Султоний, Ғозий, Асад, Баёний, Оқил сингари хонзодалар; Мирзо, Шиносий, Ғуломий, Пуркомил, Камолий, Умидий сингари амалдорлар; Доий, Ожиз, Ҳақирий, Ниёзий, Ҳабибий, Хокий, Юсуф, Табибий, Нозир, Хаёлий, Роғиб сингари амалдор шоирлар; Девоний, Мутриб Хонахароб, Чоқар, Ходим, Иноят, Музниб, Надимий, Аваз сингари шоир ва хаттотларнинг ғазаллари келтирилган. Асосий қисмда Ферузнинг 31 ғазали ва унга пайрав

<sup>1</sup> Фахри Хиравий (1521-22), Муҳаммад Қазвиний (1922-23), Шоҳ Абдул Али (1598) томонидан амалга оширилган таржималар назарда тутилади.

<sup>2</sup> Табибий А. Мажмуат уш-шуарои пайрави Ферузшоҳий. Қўлёзма. ЎзРФАШИ. Сақл. №1152, 5018.

*Мохигул ЮЛДАШЕВА – филология фанлари номзоди. 1978 йилда туғилган. Урганч давлат университетининг ўзбек филологияси факультетини тамомлаган. Қирқдан ортиқ илмий мақолалар, рисоалар, илмий-амалий ва услубий қўлланмалар ҳамда монографиялар муаллифи.*

қилинган 3331 ғазал келтирилади. Ғазаллар алифбо тартибида худди девонлардаги каби жойлаштирилади. Хотимада Хива адабий муҳити ва унинг намоёндалари ижодига бағишланган 7013 байтдан иборат маълумотлар маснавий шаклида берилган.<sup>3</sup>

Шеърый йўлда тузилган бу тазкира Хива адабий муҳитини ўрганиш учун муҳим манба ҳисобланади. Тазкирадан маълум бўлишича, адабий муҳит иштирокчилари вазир ва амалдорлар, хонзода ва шоирлар, муфти ва хаттотлардан иборат. Ушбу тазкиранинг ўзига хослиги шундаки, у мажмуа ёки баёз тарзида шакллантирилган бўлиб, тазкиранинг бундай тури форс ва туркий тазкирачилик тарихида кам учрайди.<sup>4</sup>

XX аср бошларида ўзбек тилида тартиб берилган Табибийнинг “Мухаммасоти мажмуат уш-шуарои Ферузшоҳий” (1909) тазкираси, асосан, Феруз шеърларига боғланган 33 шоирнинг мухаммасларидан ташкил топган. Тазкира таркибан аввал Огаҳий ғазаллари, сўнгра Феруз шеърларига боғланган мухаммаслар ҳамда Ферузнинг “Оромижон нигорим...” деб бошланувчи ғазалига битилган тахмис ва тасдиқлардан иборат. Тазкирада 190 мухаммас, 58 мусаддас берилган. Асарнинг хотима қисмидагина адабий муҳитга доир айрим маълумотлар учрайди. Масалан, Умидий, Доий, Хаёлийнинг вафот этгани ҳақида хабар берилади, Баёнийнинг аввалги тазкира “Мажмуат уш-шуаро...”га ёзган тақризи ҳам мазкур манбага тегишли маълумот сифатида илова қилинади.<sup>5</sup>

Табибий каламига мансуб бу икки тазкира аънавий тазкиралар услубида ёзилганда эди, биз улардан янада кенгрок фойдаланиш имкониятига эга бўлардик. Шундай бўлса-да, бу асарларнинг муқаддима ва хотима қисмларидаги маълумотлар Хива адабий муҳитининг таркиби, унда иштирок этган айрим ижодкорларнинг таржимаи ҳоллари, тузилган девон, баёз ва мажмуалар ҳамда уларнинг йўналишлари ҳақида анча кизикарли маълумотлар бера олади.

Хоразм адабий муҳитида тузилган тазкиралардан яна бири 1940-йилларда Хивада ижод қилган Ҳасанмурод қори Лаффасий (1880-1949) каламига мансуб “Хива шоир ва адабиётчиларининг таржимаи ҳоллари” асари бўлиб, у “Тазкираи шуаро” номи билан чоп этилган.<sup>6</sup> Хива давлат тарих музейи илмий ходими вазифасида фаолият олиб борган А.Болтаевнинг маълумотига қараганда, Лаффасий тазкирасини ўз хотиралари, шоирлар билан шахсан таниш бўлган қарияларнинг ҳикоялари асосида таълиф этган. Асарнинг араб ёзувидаги қўлёзмаси Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институтида 9494-рақам билан сақланади. Мазкур тазкирада Мунис, Огаҳий, Хисравий, Рожий, Комил каби Хивада XX асргача яшаб ижод этган ўндан ортик шоирлар ижоди тилга олинган бўлиб, унда XX аср бошлари адабий муҳитига мансуб шоирлар – Феруздан бошлаб Лаффасийгача қирқдан ортик шоир ижоди ҳақида қисқа маълумотлар берилган. Тазкиранинг Феруз ҳақидаги моддасида Комилга фармон бериб, олти ярим Хоразм мақомларини нотага олишни буюргани қайд этилади. Шунингдек, Ферузнинг ҳузуридаги созанда ва хонандалар Мухаммад Ёқуб харрат, Ёқуб позачи, Аваз торчи, Қаландар дўнмас, Полвон уста қабиларнинг номи тилга олинган. Ҳар бир ижодкор ҳақида сўз юритишдан аввал “...ким аҳволоти” сарлавҳаси билан кичик маснавийлар орқали ушбу шоир ҳақида маълумот ҳам берилган. Сўнгра шоир ҳаётининг ўзига таниш бўлган бир парчаси баён қилиниб, унинг ижодидан ғазал ёки маснавий келтирилган. Тазкирада айрим ижодкорлар хусусида бошқа китобхонларга маълум бўлмаган хабарлар ҳам бери-

<sup>3</sup> Болтабоев Х. Тазкиралар зикри. Т.: MUMTOZ SO'Z, 2015. 215-16-б.

<sup>4</sup> Матқаримова С. Табибий – тазкиранавис. Т.: Мухаррир, 2011.

<sup>5</sup> Ғанихўжаев Ф. Табибий. Т., 1978.

<sup>6</sup> Лаффасий. Тазкираи шуаро / Нашрга тайёрловчи П.Бобожонов. Урганч, 1992.

лади. Масалан, Султоний тахаллусли шахзода Носирнинг 1920 йилда Хоразм халк шўролар жумҳурияти томонидан Москвага юборилгани баён қилинади. Ёки Ходимий тахаллусли Бобожон Таррох хусусида сўз юритилганда, унинг шўролар даврида зироат (кишлоқ хўжалиги) вазири бўлгани, кейинроқ Тўрткўлда хизмат қилгани айтилади. Демак, Лаффасий XX аср ўрталарига кадар яшаган даврида бошқа манбалардан маълумотлар олиб, ўз тазкирасини бойитган. Айни шу жиҳатдан мазкур тазкира Хива адабий муҳитида яратилган тазкиралардан фарқ қилади.

Бобожон Таррох – Ходимнинг “Хоразм шоир ва навозандалари” асарида XIX аср охири – XX аср бошларида Муҳаммад Раҳимхон II даврида ўтган 31 нафар шоир аҳволотлари ҳақида маълумот беради. Асарнинг ички таркибидан шоирнинг ва отасининг номи, шоирнинг адабий тахаллуси, туғилган жойи, унинг ижтимоий келиб чиқиши, илмий фаолияти, девон тартиб берганлиги, шоир эгаллаган вазифа ёки мансаб, ижод билан шуғулланишининг сабаби, соз илмидан хабардорлиги, неча ёшда вафот этгани, вафотидан кейин қайси кабристонга дафн этилганлиги, ва ахлоқий жиҳатлари тавсифи ўрин олган.

Муаллиф ҳар бир шоир ҳақида маълумот бераркан, унинг берган хабарлари мазкур ўн икки модда доирасида тўла кўрсатилмайди. Масалан, Феруз ҳақидаги маълумотларда айни моддаларга тўлиқ жавоб берилса-да, унга илова равишда шоир Аваз Ўтарнинг ўлими учун буйруқ бергани ва ҳаётидаги бошқа воқеалар, жумладан, тўққиз созанда ва навозандалар доимий суратда подшоҳдан хабардор бўлиб туришлари ва улар билан боғлиқ воқеалар баёни ҳам келтирилади. Шу тарика Носирхон тўра – Султоний, Раҳмонқули тўра – Содик, Саъдулла тўра – Саъдий, Саид Ғозий каби ўттиздан ортик шоирлар ҳақида нисбатан батафсил маълумотлар келтирилган. Асар сўнггида муаллиф ўзи ҳақида маълумот бериб, асл исми Бобожон Азизов бўлиб, 1878 йилда туғилгани, мадрасада хаттотлик қилгани, муаллифнинг авлодлари, хусусан, бобоси Абдулқодир девонбеги Қонёв ҳақида анча кенг маълумотлар берилган.<sup>7</sup> Асар 1965-1967 йилларда ёзилган.

Шоир Аҳмаджон Табибийнинг саройга келишига сабаб бўлган Худойберди маҳдум тавсифидан кейин уни саройга чақиртириб, ўзи кофияси танг, вазни мураккаб бўлган бир шеърни бошлаб беради ва шу мисрани давом эттириб, 9 байтли ғазал ёзишни топширади. Шеър тайёр бўлгач, “Аҳмаджонни шоирлик илмига мусаллам қилиб”, уни Худойберган Муҳркан, Муҳаммад Ёқуб харрот каби девонбеги шоирлардан кейинги ўриндан жой беради.<sup>8</sup> Маълум вақт ўтгач, Аҳмаджон Табибий улуг шоир ва тазкиранавис бўлиб етишади.

Машхур шоир ва тарихнавис Муҳаммад Юсуфбек Баёний ҳақида сўз юритиб, унинг дастлаб табиб бўлгани, шу касб туфайли саройга яқинлашиб, Муҳаммад Раҳимхон II топшириғи билан бир неча форсий китобларни таржима қилгани, ниҳоят, унга “Шажараи Хоразмшоҳий” асарини тузиш топширилгани тўғрисида маълумотлар беради. Муаллиф Баёний хусусида ёзаркан, хон уни олтин қилич билан тақдирлагани, нафақат хон, балки халқ ҳам шоир ва тарихчини дилдан ҳурмат қилишини айтиб, шундай ёзади: “Халқ Юсуфбекни кўп ҳурмат қилар эди. Халқ ичида обрўйи катта эди. Шеърлари ҳам биринчи ўринда турар эди...”<sup>9</sup>

Бобожон Таррох асари Хоразм муҳитидаги бошқа тазкиралардан фарқли равишда, асосан, Аҳмаджон Табибийнинг тазкираларида келтирилган шоирларнинг номлари ва таркибини сақлаган ҳолда шоирлар ҳақида кенг маълумотлар берилмаганини

<sup>7</sup> Бобожон Таррох – Ходим. Хоразм шоир ва навозандалари. Т.: Tafakkur qanoti, 2011.

<sup>8</sup> Бобожон Таррох – Ходим. Хоразм шоир ва навозандалари. Т.: Tafakkur qanoti, 2011. 140-147-б.

<sup>9</sup> Кўрсатилган асар. 63-б.

назарда тутиб, уларни маълумот жиҳатдан тўлдиришни, имкон доирасида кенгрок тафсилот беришни назарда тутган. Шунинг учун ҳам бу тазкирада шоирлар ижодидан келтирилган намуналар учрамайди. Асарни Табибий тазкираларини назарий ва тарихий жиҳатдан тўлдирувчи зайл-тазкира деб қараш тўғрироқ бўлар эди.

Кўринадики, Хоразм адабий муҳитида тузилган тазкиралар мазмун ва таркиб жиҳатдан анъанавий тазкирачиликдан анча фарқ қилади. Масалан, Аҳмаджон Табибий тазкираларида шеърӣ намуналарни келтириш устунлик қилса, Лаффасий тазкирасида ижодкорларнинг таржимаи ҳолларини баён қилиш устувор жиҳат ҳисобланади. Тазкиранинг иккинчи номи “Хива шоир ва адабиётчиларининг таржимаи ҳоллари” деб аталгани бежиз эмас. Бобожон Тарроҳ – Ходим эса ўз тазкирасининг мундарижасини янада кенгайтириб, ҳар бир ижодкор ҳақида ўзи лозим деб билган ўн икки модда доирасида маълумот ва баҳо бериш йўлидан борган. Яна шуни ҳам таъкидлаш керакки, Хоразм адабий муҳитида яратилган бу тўрт тазкирадан дастлабки иккитаси XX аср бошларида тузилган бўлса, қолган иккитаси 1940 ва 1967 йилда битилган. Шу боис бу тазкираларда яратилган давр мафқурасининг таъсири сезилади. Айниқса, бу ҳолат сўнгги икки – Лаффасий ва Ходим тазкираларига тааллуқлидир.

XV асрда Алишер Навоий томонидан асос солинган туркий тазкирачилик мактаби қарийб 500 йил давомида тараққиётда бўлгани, XX аср бошларига келиб айрим жанр ўзгаришлари юзага чиккан бўлса-да, то ўтган асрнинг ўрталарига қадар адабиётшуносликнинг муҳим таркибий қисми сифатида ривожланиб келганини кўрсатади.



**Донаву дур сўзини афсона бил.  
Сўзни жаҳон баҳрида дурдона бил.**

**Алишер НАВОИЙ**

## Ҳаёт дарахтини чизиб бер менга



**Муйба  
ОТАМУРОВА**

### Ватан меҳри

Сарҳадингдан ҳали ўтмаганман, йўқ,  
Олис кетмаганман сендан ҳеч қачон.  
Томирим туташган тупроқларингга,  
Сенинг фарзандингман, Ватан – онажон!

Мен меҳр бермоқни сендан ўргандим,  
Зарраман, заррангман бахтсан бепоён.  
Сендан айрилмоққа сиғмайди ҳаддим,  
Кетсам, кўнглим куйиб кетмоғи аён.

Ойни эркалаган осмонларингга,  
Қуёшни кўйнингга қадаб кўйган зот.  
Балки бахт нелигин англатмоқ учун  
Мени мафтун қилмиш сенга умрбод.

Юракдан ўтганин юрак билади,  
Ўзинг кипригимдан кўзимга яқин.  
Сени англамаслик гуноҳ бўлади,  
Номинг ўзлигимдан ўзимга яқин.

Бир боғсан, сендаги ҳар бир гиёҳнинг  
Минг йиллик чинордек салобати бор.  
Отасан, сен дуо қилган фарзанднинг  
Икки дунё ичра салобати бор.

Митти қалб ва улкан муҳаббат билан  
Сенга талпинаман ҳамиша, зотан.  
Тилагим, мен ўзим қай йўлдан юрмай,  
Тақдирим сен билан бир бўлсин, Ватан!

Сенинг шод кунингда шоддирман мен ҳам,  
Чинорсан, япроғинг бўламан, Ватан!  
Тупроқдан яралдим, тупроққа сингиб,  
Бир ҳовуч тупроғинг бўламан, Ватан!

*Муйба ОТАМУРОВА – 1995 йилда туғилган. Урганч давлат университети филология факультетининг иккинчи босқич талабаси.*

## Чорлов

О, куёш, ҳали кўп чакнамоғинг бор,  
Кўп бора нурунгни сочасан ҳали.  
Митти ниҳолларни ўстирмоқ учун  
Заминга бағрингни очасан ҳали.

О, куёш, манзилинг аёндир, лекин,  
Ҳеч ким боролмайди ёнинга учиб.  
Тафтингда куйишдан кўркади бари,  
Сен-чи, нур сочасан заминни кучиб.

О, куёш, кўрингни бағишла танга,  
Ҳарорат улашай дунёга мен ҳам.  
Хизмат қилмоқ учун она Ватанга,  
Кўрқмасдан тафтинга бергайман чидам.



\* \* \*

Ётоқхона – бамисли денгиз,  
Бунда ҳаёт мавжланар жўшиб.  
Бунда диллар айтади кўшиқ,  
Бунда яйрар битта сулув киз.  
Ётоқхона – бамисли денгиз.

Бунда ҳаёт мавжланар жўшиб,  
Офтобни ҳам яширади у.  
Тонга завқ-шавқ отади у,  
...Билимлар гоҳ кетади тошиб,  
Бунда ҳаёт мавжланар жўшиб.

Бунда диллар айтади кўшиқ,  
Ўйноқи, шўх, қув юраклар бор.  
Муҳаббат бор – сулув, бетакрор,  
Бунда қалблар – йиғлоқи ошиқ,  
Бунда диллар айтади кўшиқ.

Бунда яйрар битта сулув киз,  
Қани, кўлим сочин тараса.  
Дудоғу-чун коним яраса,  
Айтардим:

О, сиз бир ёғдусиз!  
Бунда яйрар битта сулув киз.

Ётоқхона – бамисли денгиз,  
Гоҳида шодликка чўкаман.  
Гоҳида дардларим тўкаман,  
Бунда бисёр илҳом, туйғу, хис.  
Ётоқхона – бамисли денгиз.



Отабек ОДИЛ

Яшиллик ўрмалар заминда,  
яшилдир, ох, жоним, яшилдир!  
Эртага очилар, аминман,  
гулларни бағримга яширдим.

Дарахтлар учиди ёнган у  
уйғонмоқ завкини англадим.  
Нега жим турибсан, сен хануз,  
нахотки, хисларинг занглади?

Кўксингни сапчитмас, нахотки,  
ғунчалар очилиш бонглари?  
Мудраган руҳингни уйғотгин –  
уйғониб кетолсин тонгларинг.



## КУТЛУҒ ЎЗАНЛАРДАН СУВ ИЧИБ

Хоразм азалдан маърифату маданият, адабиёту санъат маскани бўлиб келгани аёндыр. Бу муқаддас туپроқда ишио этилган “Авесто”дан тортиб, то ханузгача яратилаётган дурдона битиклар – бу замин кишиларининг жониди, қониди яшаётган, аجدодлардан авлодларга ўтаётган салоҳиятнинг рад этилмас кафолатидир.

Муҳаммад Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Замахшарий, Нажмиддин Кубро, Паҳлавон Маҳмуд илм билан баробар ҳикмат – шеърятни ҳам бирдек азиз тутган буюк хоразмий боболаримиздир.

“Муҳаббатнома”, “Қиссаси Рабғузий”, “Фирдавс – ул иқбол”, “Таъвиз-ул ошиқин” – хоразмликлар учун умрбоқий маъни ва адаб сарчаималари.

Ушал қутлуғ ўзанлардан сув ичиб, қувват ва қудрат олиб, тарих саҳни, адабиёт бўстони узра ҳар доим ўз сўзини айтиб келган, манзур ва мақбул сўзни топиб, айтаолган шеърсевар, китобсевар хоразм эли бот-бот улкан сўз салафларини дунёга тортиқ этиб келади.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими қошидаги “Ойдин орзулар” тўғарагининг деярли ҳар машғулотиди устозларнинг номлари тилга олинади. Устозлар изидан бораётган яна бир саф истеъдодлар кўзга кўриниб қолганидан қалбимиз гуруга тўлади. Гўзалой Матёқубова, Севинч Ёқубова, Акмал Жуманиёзов, Отабек Одилларнинг илк китоблари Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси қошидаги “Ижод” жамоат фонди томонидан “Биринчи китобим” лойиҳасида йиғирма минг нусхадан чоп этилиб, мамлакатдаги ўқув даргоҳларига тарқатилгани бизнинг қувончимиздир.

“Истеъдод мактаби” республика ёши ижодкорларининг Дўрмон анжуманлари иштирокчилари Маъруф Менгли, Жавлон Матназаров, Назокат Шарифбоева, Милоҳат Бахт, Нилуфар Отажоновна; Зомин анжумани қатнашчилари Зебо Нур, Маҳфуза Ибраимова, Азамат Худойбергенов каби ёшларнинг мамлакат адабиёт жамоатчилиги орасида танилиб қолгани қалбимизга таскину тасалли беради.

Бугун сиз азиз муштарийларга шеърларини инъом этаётганимиз, бир гуруҳ хоразмлик ёшлар эса умидларимиз гунчалари, қутлуғ ўзанлардан сув ичиб бораётган янги ирмоқлар. Демак, оққан дарё ҳамон жўйиш, тўлқин уриб оқаверади.

Гавҳар ИБОДУЛЛАЕВА,

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Хоразм вилоят бўлими масъул котиби,  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

## Муҳаббат

Муҳаббат юлдузга ўхшайди,  
Олисдан қисади кўзини.  
Кўрган чоғ юрагим қақшайди,  
У эса обқочар ўзини.

Муҳаббат ўхшайди бир гулга,  
Бўй чўзиб, унади суғорсанг.  
Кўйида айлансанг бир кулга,  
Лабида қайтадан туғилсанг.

Муҳаббат ўхшайди уммонга,  
Тўлкинлар тўздирар хаёлни.  
Балиқлар умидвор самодан,  
Қуёшдан кутишар висолни.

Муҳаббат жонларга ородир,  
Ташнадир ўзига ҳар нафас.  
Унингсиз дунёси қорадир,  
Унингсиз дунёси бир қафас.

Муҳаббат юлдузга ўхшайди,  
Олисдан қисади кўзини.  
Кўрмасам вужудим қақшайди,  
Қанийди, бир кўрсам ўзини.

\* \* \*

Ҳаёт дарахтини чизиб бер менга,  
Шохлари эгик ва синик бўлса ҳам.  
Майли, куртаклари етмасин мингга,  
Аммо, бўронларга беролсин чидам.

Баҳор гулларини шамоллар тақсин,  
Офтоб куймалансин барглари ичра.  
Кузак ҳосилига тақсинлар айтсин,  
Қишининг келбатида кўрқмасин сира.

Ҳаёт дарахтини чизиб бер менга,  
Дўстим, орзуларни қандоқ асрагум?  
Чизолсанг, раҳматлар ёғдириб сенга,  
Қараганим сари келсин яшагим.  
Ҳаёт дарахтини чизиб бер менга.



Зебо НУР



**Жаҳонгир  
НОРМАТОВ**

\* \* \*

Мудроқ далаларда уйғотиб ишкни,  
Сирдошга айландим она моҳ билан.  
Тушингга кирмокни истар юлдузлар,  
Сой эса куйлайди сени оҳ билан.

Тим қора денгизни тошириб яна  
Ёнимдан ўтишинг қиламан хаёл.  
Бир нозли қулгуйинг умримга фусун,  
Кўнглимнинг тўрида ухлаган аёл.

Изласам дунёнинг бор бахти сенда,  
Макон қилиб олган лабингни гул, бол.  
Шу кеча тушингга кирсам адашиб,  
Бу ишим кўнглингга олмагин малол.

\* \* \*

Бахтнинг манзилини менга кўрсатинг,  
Соғинч кўчасидан кетгим келяпти.  
Орзунинг отини эгарлаб беринг,  
Шошилинг! Дийдорга етгим келяпти.

Ёрим жамолини кўрмоқлик учун  
Хаёл водийсидан ахтармоқчиман.  
Агар изин берса бунда бедорлик,  
Бир кеча уни тарк айламоқчиман.

Илоҳим, ҳаммаси бўлсин осуда,  
Шу гал жим ўтирсин уйида шамол.  
Шундай деб, эҳ, энди юмганда кўзни,  
Тонг отди, куёшга ҳам келдим малол.



*Жаҳонгир НОРМАТОВ – 1994 йилда туғилган. Урганч давлат университети филология факультетининг иккинчи босқич талабаси.*

\* \* \*

Деразамни олдида гуллар  
 Қўйламоқда, ўйламоқдалар.  
 Шу зайл ўтаётган кунлар  
 Бир-бирини қувламоқдалар.

Куз шамоли оралаб келди,  
 Зир титратди гулим баргини.  
 Ҳеч бир илож қилаолмайди  
 Эшитяпман унинг дардини.

Авайлаб, мен кўтариб олдим,  
 Тинчгина яшасин бир нафас.  
 Ва, бағримга босиб, жим қолдим,  
 Иккимиз ҳам турардик бесас.

Куз шамоли оралаб келди,  
 Мен гулимни асрадим ундан.  
 Аммо, асраб қололмаяпман  
 Бир-бирини қувлаган кундан.

\* \* \*

Бизлар нуқул ортга қарайверамиз,  
 Олдинда неларни илғамай ўтдик.  
 Сен кетдинг, мен эса сенга вафодор,  
 Шу тахлит хижронлар захрини ютдик.

Биламан, азизим, сен ҳам соғинган,  
 Жуда кўп ўйлайсан эркатой қизни.  
 Сен ҳам кутмоқдасан худди менингдек,  
 Аммо, дақиқалар кутмайди бизни.

Сухбатлар узилган хижрон бошида,  
 Висолни ўйламоқ биз учун кийин.  
 Севасизми, йўқми, роҳатми, азоб,  
 Қисматга буларнинг бари бир тийин.

Аммо, ўчириб ҳам бўлмагай, асло,  
 Муҳаббат юракка босган ҳар изни.  
 Мен мангу кутаман, сен ҳам кут мангу,  
 Майли, дақиқалар кутмасин бизни.



**Камола  
 ЎРИНОВА**

*Камола ЎРИНОВА – 1994 йилда туғилган. Урганч давлат университети филология факультетини битирган.*



**Раҳматжон  
БОБОЖОНОВ**

\* \* \*

Юлдузларга қўйдим исмингни,  
Ойга чизиб бердим суратинг.  
Бахтга тўла сеҳрли окшом:  
“Севасизми?” дея сўрадинг.

Шитирламас барглар ийманиб,  
Суронларин бошлайди сукут.  
“Ҳа, севаман!” Мағрур юрагим,  
Ва ўзим ҳам бўлганман унут.

Дунё унут, фақат сен борсан,  
Юрагимда бордир нидолар.  
Мен бахтлиман, шу сўзлар сендан  
Бериб турса абад садолар.

\* \* \*

Сен жимгина умримни сийлаб,  
Бахт тутказдинг қўлимга тақдир.  
Ошкор бўлди юракни кийнаб,  
Кўзларимга яширинган сир.

Қара, қандай олийжанобман,  
Энди ғамнинг унутдир исми.  
Бағрим боғга айланмоқда шан,  
Баҳорларга тўлмоқда жисмим.

Хотирамда маъсум кузларим,  
Ҳорғин-ҳорғин, элас ва элас.  
Озод яшар мангу кўзларим,  
Сен келганда, кулганда, халос.

Асло, завол топмасин, дердинг,  
Умидларим қилма, зинҳор пуч.  
Тақдир, раҳмат! Олий бахт бердинг,  
Асрашимга куч бер, энди куч.

Юлдузларга бахт ҳақда сўйлаб,  
Отсин доим мунаввар тонгим.  
Бўлмас ортиқ юракни кийнаб,  
Фақат сенга, сенга ишондим.

*Раҳматжон БОБОЖОНОВ – 1998 йилда тугилган. Урганч шаҳридаги Ижтимоий-иқтисодий касб-ҳунар коллежининг иккинчи босқич ўқувчиси.*

\* \* \*

Нега бунча маънос бокаси,  
Сўзларингиз дардли, шикаста?  
Синов тўла ҳаёт йўллари  
Кўнглингизни қилганми хаста?

Ёлгонлар юракни тилган чоғ  
Силтаманг ишончинг илкени.  
Шу кудратли энг буюк туйғу  
Бойитар кўнглингиз мулкени.

Бўлди, бунча ўртанманг энди,  
Ҳасратларнинг кечинг баҳридан.  
Хаёлларни юборинг кўйиб,  
Муҳаббат, севгининг бағрига.

Қалба сира колмасин ўрин,  
Ёлгон дунё армонларига.  
Дилдан ўтли бир чорлов айтинг  
Кетган орзу қарвонларига.

\* \* \*

Шу кунлар..  
Баҳорнинг нафаси келади  
Хазонрез боғларнинг кўйнидан.  
Кўнгил яйрар кузнинг бағрида  
Атиргулнинг кучиб бўйнидан.

Оловранг япроқлар қалбимда  
Муҳаббат оловин ёндирди.  
Хаёлларнинг чексиз осмони  
Ўзимни ўзимдан тондирди.

Ёмғирлар томчилаб кўзимда  
Мавжланди муҳаббат дарёси.  
Дилимни қулдирар, қуйдирар,  
Қувонч, ғам аралаш дунёси.

Турналар йўлига боғланди  
Осмондек мусаффо, пок севгим.  
Олтин кузнинг ҳадсиз бағрига  
Сигмай кетди ўтли юрагим.

Еру само ёришди бирдан,  
Чечак бўлиб унди хазонлар.  
Дилни чайқар беланчагида  
Бахт куёши айтган азонлар.



Гуласал  
АМАТОВА



Собир ЎНАР

## «АДАБИЁТ ЖИМ ТУРГАНИ ЙЎҚ...»

Бугунги романчилик ҳақида сўз кетганда мустақилликкача бўлган талқин, ўлчам, мезонлар билан гапириб бўлмайди. Чунки социалистик реализм ўша вақтнинг ғоявий талаби бўлган, айтиш мумкин шаклий уриниш ва экспериментлар ҳақида деярли гап бўлмас эди. Биринчи ўзбек романи муаллифи Абдулла Қодирий бундан қарийб юз йил бурун ифода усули ва йўсинлари ҳақида ёзган, буни эгаллаш учун Оврупа адабиёти, хусусан, романчилигини пухта ўрганиш лозимлигини уқтирган эди.

Қодирийдан бошланган романчилик анъанаси мустақилликкача бир хил анъанада давом этган десак бўлади. Шакл изланишлари аввал кичик жанрлар ҳисобланган ҳикоячиликда, сўнгра бошқа жанрларда давом этди. Албатта, эксперимент асар, хусусан, модерн адабиёти ҳеч вақтда кучок очиб кутиб олинмаган.

2010 йилда Ёзувчилар уюшмасида бўлган йиғинда бир адабиётшунос истиклол йилларида уч юздан зиёд роман ёзилгани, бу ўтган юз йилликда яратилган романлардан уч хисса ортиқ эканини, афсуски, адабий жамоатчилик мазкур романларга ҳодиса сифатида қарамай қўйганини куйиниб таъкидлаган эди. Табиийки, шундан буён ҳам адабиёт жим тургани йўқ ва албатта қирқ-эллик ёки олтмишдан ортиқ “ҳосил” тўплаган чиқармиз. Нима бўлган тақдирда ҳам биз ўз эътирофимизни, керагида эътирозимизни ҳам билдириб турганимиз маъқул.

Ўтган йили матбуотда чоп этилган энг йирик асар таникли ёзувчи Асад Дилмуроднинг “Шарқ юлдузи” журналининг 8-10-сонларида давомли эълон қилинган “Заррадаги олам” романидир. Ёзувчимиз “Маҳмуд Торобий”, “Фано даштидаги қуш”, “Паҳлавон Муҳаммад”, “Ранг ва меҳвар” каби романлар муаллифи, мана, 70 ёш остонасида навбатдаги романга нуқта қўйибди. Бу билан, албатта, Асад акани қутлаш керак.

“Заррадаги олам” ҳам худди “Фано даштидаги қуш”, “Ранг ва меҳвар” романлари сингари ҳадеганда ўқувчини тортиб кетавермайдиган мураккаб гап қурилиши, жўн бўлмаган психологик ҳолатлар, диалог тузилишидаги ўқувчи кўнглига келган гапни эмас, бутунлай бошқа муддаодан сўзлаши, қайта-қайта назардан кечирган тақдирингда ҳам, гоҳо тасаввурингда бўй кўрсатмайдиган, баъзан очиқдан-очиқ

*Собир ЎНАР – 1964 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультетини тамомлаган. “Орзуга тўла қишлоқ”, “Овлоқ адирлар бағрида”, “Чашма” номли ҳикоялар тўпламлари нашр этилган. “Чамбилбелнинг ойдаласи” асари муаллифи. Қорақалпоқ адаби Х.Тоғжумуродовнинг “Ов ҳангомалари” ҳамда турк ёзувчиси Бақир Юлдузнинг “Қарбало фожияси” қиссасини ўзбек тилига таржима қилган.*

зериктириб юборадиган жумлалар занжири билан узлуксиз боғланиб кетадики, дабдурустдан бирор нарса деб кўйишдан чўчиб ҳам турасан.

Асар бош планига чиққан Аваз рухий, гоҳо зохирий устози Нихон кўмагида Курама чўлининг ортидами, ичидами – номаълум бир жойда бўлган Шифо дарёсига етишга интилади. Орада Зилола исмли суйган кизини соғинади, лекин ота-онаси ҳаққоний қаршилик қилиши учун асос-сабаб бор. Зилола Халил пурча дегич бир кимса билан хориж сафарига бориб келган, пурчанинг очик ўйнаши. Аммо Аваз шуни билгани холда худди Шифо дарёсига талпингани сингари Зилола дийдорини кўмсайверади. Ажабланасан одам: инсон ўз табиатига кўра, айниқса, ўзбек киши этагига ит теккан аёлни, агар у сулувларнинг сулуви бўлган тақдирда ҳам, севолмайди! Чунки Халил пурчадек жирканч шахсга ўзининг ифпатию инон-ихтиёрини топириб кўйган аёл ўзининг ҳам иззатини билмайди, ўз-ўзидан аёнки, Авазнинг мухаббат у меҳрини топтаб ўтади. Бу эса Аваздек эътиқодли, бош қахрамон даражасидаги мўмин инсоннинг нафсониятига тегиши шарт. Акс холда унинг мўмин банда эканига одам ишонмай қолади.

Асарда этаги булганган аёллардан яна бири Шафоат пари образидир. У Теша овчига номусини топириб кўйиб, сўнгра ўзини умр бўйи севиб, бўйдоқ ўтган Заранг дарозни эслаб, туғилмаган болаларига аза очиб, ўзининг тақдирини қарғаб ўтади.

Мусабек ва гўзал Лобар ҳаётларига ҳам хиёнат аралашган. Бойвачча Мусабек эшигида хизмат қилган Тоғай чиройда тенги йўк Лобарни Мусабекнинг тулпорига ўнгариб қочиб кетади. Оқибат, қарғиш тегиб Қарчиғай тулпор эгаридан Айригум жарига кулаб, на ўлиб, на тирилиб оқ чекиб ётади.

Романни ўқиш анчайин оғир. Анчайин эмас, жуда оғир. Каминага йиллик роман хисоботига тайёрланиш илтимоси бўлмаганида, эҳтимол бу ишни ууддалашим яна оғирроқ кечарди.

Таъкидлайман, аввало ўзимни оддий ўқувчи, адабиёт ихлосманди ўрнига кўйиб кўрдим. Баъзан қахрамонлар тақдирларини кидириб тополмадим, ҳеч бўлмаганда бош қахрамон Аваздан ажралмай деб кунт ила изладим, айтмоқчи, Зилола қайда қолди, ҳалиям ўша пурча билан ишратини қилиб юрибдимикан, деб кидирдим, аҳён-аҳён бўй кўрсатадию, яна йўқолади. Охирида Аваз унинг висолига етдимиз – бу ҳам номаълум. Зилола сароб каби йитиб кетади. Нихон-чи?

Хўп, у фаришта экан, хоҳ хашарот, хоҳ нур ва бошқа шаклларда намоён бўлар, Авазга устоз саналар экан, аслида бу йигитча ундан қайси ҳаёт сабоғини ўрганди: Зилолага эришдимиз, Шифо дарёсининг манзили ёхуд унга етишмоқ йўллариними?

Жумлалар, гап қурилиши ўқувчини эзиб юборади. Роман бошларидаги бир жумла мени ўйлантирди: “Фақат теганалик китобхўр чўпон – илиги суягини ёриб чиққан Авазбой Норимқул ўғли барисини эслайди ва Лутфилла домлани башоратчи зотлар сафига кўшади”. Аслида домланинг башоратчи экани ҳам мавҳум – у Курама чўлининг тарихи одамзод тарихи билан баравар деган гапни исботлашга урингану, ҳамкишлоклари масҳарасига қолган, сўнг тамомила “халоватидан айрилиб, тўй-хашамга боролмай ва кўча-кўйда юролмай қолади” (Ш.Ю. №8, 13-бет).

Кўча-кўйда эркин юролмай қолиш... эриш туюлади, ортиқча бўрттириш эмасмикан?

Илиги суягини ёриб чиқиш, бу – тамом бошқа нарса. Менимча, у халқимизнинг диний удумга айланган урф-одатлари негизда бориб тақалувчи марҳумнинг “қирки” маросими билан боғлиқ ходиса. Ўзбеклар қирк кун ичида жасад суяги ёрилиб, илиги тўкилади деган ақидага ҳамон ишонишади. “Илиги суяк ёрди”, “товони ёрилди” деган гаплар айни шу ақидани ифодалайди.

Роман 19 та сайрдан ташкил топган. Хох синчиклаб ўқинг, хох синчикламай, бу сайрлар бир-бирдан алоҳида жихат билан ажралиб турмайди. Асар динамикаси ҳам шу зайл давом этиб кетаверади.

Ўқувчи дастлабки сайрдаёқ кокина бошлайди. Буни ўқинг: “Ошик ва маъшуклар йўлдоши бўлган тун наргис мисоли сулув тонг малагини туккан ҳамоно куйига энар ва бирон дўнгликда нафас ростлар эди...” (17-бет). *Қуйи ва дўнглик* бир-бирига ёпишармикан?

“Хирмон қоровули коплон билан битим тузган чумолиллар...” (17-бет).

Йиллик романлар муҳокамасига тайёрланиш жараёнида камина даставвал ушбу “Заррадаги олам” романини меҳр билан қўлга олганимни яширмайман. Ҳануз унинг маърифий бир асар бўлганини астойдил эътироф этаман.

Адабиётда, жумладан, романда тимсол, нисбийлик, рамзлар билан кўрсатиш усуллари мавжуд. Бирок муаллифнинг кайфияти билан қоришиб кетган зерикарли, ланж, ғализ ифода усули ўқувчини обдан қийнаб юборар экан. 31-бетдаги мана бу жумлани қандай тушуниш мумкин: *“Теран сукунат қоплаган тиканзор қоқ ўртасини эгаллаган анчайин йирик қабр аёвсиз топталган ва бундан кейин қадду қоматини тиклаши амри маҳол ишонч ҳамда ихлос тимсолига ўхшарди”*. Ёки (44-бет): *“Хомушлик билан кесиб-кесиб айтилган илмоқли иборалар бот-бот Зилолани эслаётган ва ишқ баъзан ўзини ишқдан маҳрум айлаши тўғри шекли тарзида мулоҳаза юритаётган Аваз кўксини тигдай ачишиб тимдалади”*.

Мажоз деймиз, хайвонлар, нарсалар, қушлар тилидан гапириш бор, лекин уларни ўқувчи онгига етказиб берувчи ёзувчи сўзи қандай бўлиши зарур? Шундай тушунарсиз ифодалар, зўраки жумлалар, ғализ бирикмаларни шу ҳолича китобхонга хавола этсак, сўнг у тушунмаса, маъносини чақолмаяпти деб айблашимиз керакми?

Қурама чўли, Чегирма тўкайи, Айригум жари, Шифо дарёси, томирларида Мажид гушна ва у бошлиқ ўғриллар қони оқаётган етти қийғир (қирғий бўлса керак), Олача қарвони, Нихон, Мусабекнинг таркидунёчилиги, Лобар, Тоғайнинг хиёнати, Шафоат пари – буларнинг барида албатта, рамзийлик яширин. Ёзувчи уларни не ҳасратда топган, қаҳрамонларини шу маконларда жойлаштирган ва табиийки, ўз максалларини ифода этмоқчи бўлган. Илон, қуш, най, шамол каби иккинчи даражали “қаҳрамонлар” ҳам маълум бир функцияларга эга. Илон душман кўксини ёрса, най армонлар ифодачиси, шамол тезроқ хабар етказишга хизмат қилади, етти қирғий эса қароқчиларнинг ёвуз хатти-ҳаракатларига чек қўйиш учун қушга айлан-тирилган.

Халил пурчанинг бир жойда Аваз билан тўкнаш келиши, Тоғайнинг тулпор кўмагида жарга қулаши инobatта олинмаса, асарда душман душманлигича, дўст дўстлигича, яъни бирор-бир драматик ҳолатларсиз, ўз ҳолича қолади.

Ўткир нигоҳли адабиётшуносларимиз наздида, балки бу роман зўр асар деб баҳоланиши мумкиндир, аммо бугунги тезкор замонда ўқувчи бундай жумлалари мураккаб асарни қабул қилиши қийин, деб ҳисоблайман.

Машҳур арман ёзувчиси Грант Матевосяннинг “Месроп” деган хикояси бор. Мурод Муҳаммад Дўст уни ўзбек тилига “Музроб” деб ўгирган. Ҳикоя қаҳрамони Музробга дўсти ховликиб келиб:

– Биласанми, арманлар ер юзида неча йилдан бери яшайди? – деб сўрайди.

– Неча йил бўпти? – дейди Музроб.

– Тўрт минг йил!

– Тўрт минг йил-а, ўхў, арманлар шунча йиллардан бери зерикиб кетишмадимикан-а? – дея хайрон бўлади Музроб.

Ҳар бир арман тўрт минг йилдан яшаётгандай туюлади унга.

Соддалар, албатта, бир-бирларига ўхшаб кетади.

Исажон Султоннинг “Генетик” романидаги соддалар ҳам бундан кам эмас. Уларнинг ҳаётида ўзига хос интизом ва мунтазамлик мавжуд.

Умрини кишилар кўз ўнгида жоҳилона кечирган Убай ака кампири дунёдан ўтганда роман қаҳрамонига ҳасрат қилиб қолади.

– “Холис яхши хотин эди, – деди кейин, ўйланиб. – Индамайгина яшаб, индамайгина ўлди-қолди. Бошқа хотин олсаммикан?”

Кўзларига қараб бу ғалати саволни менга эмас, ўзига бераётганини сездим.

– Йўк, энди бўлмайди, – деди кейин.

– Сизга бир гап айтайми? – деди катта бошини қуйи солинтириб, пиёлада чойни айлантириб.

– Эскиларнинг бир гапи бор: хотинга зуғум ўтказсангиз, қариганингизда ўчини олади. Шунинг-чун бир каттиқ, бир ширин гапиришингиз керак. Ҳадеб яхши гапираверсангиз, ўзидан кетади, эрим нима десам қўнади деб хаволанади. Ҳадеб зуғум қилаверсангиз, тош остидаги майсадай эзилиб кетади, ҳаётдан қўнгли совийди. Мана шу иккаласининг ўртасида бўласиз.

– Укам, мен Холисга қўп зуғум қилдим. Нетайки, тушуниб етганимда у йўк. Энди яна ўйланиб, шу тутумни тутай десам, барибир Холис бўлармиди?”

– Яхшиси, мен ҳам кетаман, – деди бирдан қулимсираб. – Холис ҳозир жаннатда бўлса керак.

Жаннатдаги хотинлар қанақа яшашар экан, билмайман-у... аммо Холисим менга кўзи тўрт бўлиб ўтирганига аклим етади”.

Камина бу романни танкидий кўз билан ўқишга мажбур эдим. Шу туфайли ҳар бири мустақил ҳикоялардан иборат бўлимлар бир-бирига боғланмаётганига эътибор қаратиб, йўл-йўлакай Дашти қипчоқдан келган сепкилли киз эсланиб тургани учун бора-бора булар ўртасида севги пайдо бўлиб, хўп саргузаштларга дучор бўлсак керак, деб кутдим. Йўк, гап бошқа ёқда экан.

Аслида “Убай ака”, “София хола”, “Тешиқдошдаги бола”, “Уч чанокли муҳаббат” сингари ўзлари алоҳида, мустақил ҳикояларни ўқиб, бу ўзи роман бўлгач, ёзувчи охирида уларни улаб чиқишга қурби етмаса керак деб ҳам ўйладим. Охир оқибат роман ҳикоячиси – мен, яъни генетик олим, генетика соҳасида оламшумул кашфиёт қилаётган инсон одам генларни бошқариш механизмини ўйлаб топади ҳамда Тешиқтошда топилган саккиз ёшли боланинг суяк ва гавдаси ҳам аслида менинг укам, чунки ҳар хил киёфада яратилган менинг элим камида миллион йиллик тарихга эга, бу халқдан афзал бошқа тарих йўк, унинг куч-қудрати ҳар нарсага қодир, деган хулосага келади.

Чиндан ҳам ўзбекона одамохунлиги, бир-бирига қўл-қанот, мусибатда суянч, шодлигида шодланиб юрвучи бебаҳо миллат экани қаҳрамонни суюнтиради.

Бир ёруғ хаёллар, жўн айтганда ширин турмуш қучоғига чорлайди.

Бу романи Исажон Султоннинг навбатдаги ютуғи деб бемалол айтса бўлади. Сабаби, у мағзи тўқ романлари катори яна бир ўқишли, ўқиганда зерикмайдиган, фикрни чулғовчи, нозик тасвирларга бой, табиий, энг муҳими, нурли истиқболга қоникшиш ила етакловчи ажиб бир руҳ билан суғорилган.

Романда ўзига хос баъзи адабий усуллар қўлланилганки, буни эътироф этмаса бўлмайди. Исажоннинг ҳар бир асарида манзаралар, ҳолатлар, гап-сўзлар табиий бир йўсинда, айниқса меъёрида, қуёшқондан чиқилмай тугатилади. Чумоли, асалари, қушлар, отқулок, терак, шамолни таърифлай кетса, уларнинг икир-чикирлари

ичига кириб боради ва сизни ҳам етаклаб кетади. Ғўза, деҳқон, кундалик юмуш ҳақида ҳам эринмай, бир-бир, худди одамнинг иш куни жадвалини уқтираётгандай кетаверади ва бирдан... шўҳ болаларнинг бир-бирига кесатиши, илмок ташлаши қизиқ баён этилади. Жуда жонли, беихтиёр куласиз. Мисол учун йигитнинг ўз жўрасига киз боланинг номига мурожаати қилиб савол ташлаши, кизнинг эса йигитга аталган мурожаати киз болага зарда билан сўзлаши, жавоблар, киноялар, мот қилишлар... ёки киз бола билан дугонаси ёнидагилар тушуниб қолмаслиги учун шифрлар орқали, яъни унли харфлардан сўнг ундош харф киритиб сўзлайдики, та-мом бошқа тилга айлантиради.

Булар, албатта, болаликнинг шўхликлари. Киши улғайганда уларни батафсил эслаши қийин. Исажон эса уни нафақат эслайди, таъсирчан бир ифодага айлантирган.

“Шарқ юлдузи” журнаlining 2016 йил, 6-7-сонларида истеъдодли ёзувчи Нодир Норматовнинг “Зулайхо дарахти” романи эълон қилинган. Роман одамийлик, лафз ва севги ҳақида.

Афғон урушининг дастлабки йилларида тақдир тақозоси билан бир кишлоклик Зулфиқор ва Янгибой, гарчи йигитлик вақтлари ўтган бўлса-да, мажбуран ҳайдовчи сифатида урушга жалб этилади. Қунарнинг бирида, тоғ кишлоғи атрофида мужоҳидлар ордидан юрган бу одамлар обдан чанқаб қолиб сув қидиришади. Тўсатдан Зулфиқор олма хидини пайқаб қолади. Осмонда бир қаптар пайдо бўлиб, кўниб ерда юриб, гўё буларни ордидан эргаштиради. Шу асно яқин орада сувнинг жилдираши эшитилади. Бирок Зулфиқорга бу эмас, олманинг хиди кўпроқ сезилади. Оқибат қаптар уларни яраланиб ётган кўхлик афғон аёли томон бошлаб боради.

Икки йигитнинг ўзбек эканини билиб, аёл уларни ёнига чорлайди. Шўролар унинг ота-онаси, эри ва кизини осмондан бомбардимон қилишгани, энди дунёда яшашнинг кизиғи қолмагани, шу боис уларга васият қилмоқчи эканини айтади.

Аёлнинг исми Зулайхо. Унинг уйи портлатилганда уйи ёнидаги жоноки, тарам-тарам бўлиб пишувчи олма дарахти ҳам таг илдизи билан кўпорилиб тушади. Энди аёлнинг илинжи – ҳеч бўлмаганда бир вақтлар бобоси Самарқанддан уруғини олиб келиб эккан олма уруғини тағин ота юртига обориб экиш, кўкартириш, ҳосилга кирганда эгаси уруғ эгаларини ёд этиб, Қуръон тиловати билан уларни дуо қилиш экан. Унинг илтимосига кўра Зулфиқор беш дона олма узиб олади. Кейин аёлнинг шартига кўра нарига кетишади. Дунёда бирон илинжи қолмаган Зулайхо кўлидаги граната залпини суғуриб ўзини портлатиб тилка-пора қилади. Мана шу портлашда Зулфиқор оёғидан яраланadi. Госпиталдан уйига қайтади. Хандаққа кўмилган олма эсига тушган вақтда у тўсатдан восвос касалига чалинган эди. Ҳатто маст бўлиб, ҳовлисидаги дарахтга чилвир боғлаб ўзини осмокчи бўлганида, кимдир чилвирни кесади ёки чилвир узилиб тушади.

Лекин не тонгки, ўша олма, ўша Зулайхони эслаб олма уруғларини кўкартиришга тушганида восвос касаллигидан фориғ бўлади. Зулайхо олмалари ҳосилга қиради, ундан кўплар баҳраманд бўлади. Орада суюкли хотини Интизор дунёдан ўтади. Шундан сўнг Зулфиқор олмаларга кўпроқ боғланиб қолади. Бир гал ҳосил бермаганида ўғли Нурсоат уни санаторийга жўнатиб, қайтиб келгунича олмаларни тағтуги билан суғуриб, бизнес қилиш, яъни Россияга нос жўнатиш мақсадида ўрнига тамаки экиб юборади... Хуллас, бош қаҳрамон олма дарахтини кўкартириш билан боғлиқ талайгина мушқулликларни енгиб ўтади.

Асарда драматик ўринлар талайгина. Интизор ва Зулфиқорнинг тинч ҳаёти, Интизорнинг ўта вафодорлиги, эрининг чапани қилиқларига тишини босиб чида-

ши, барибир уни яхши кўриши, тоғда неварасига мумиё келтираман деб чўккига чикқанида эрининг йиқилиб жароҳат олиши, сўнг ўзи кишлокка келиб дўхтир олиб бориб уни кутқариши, ўзи зотилжамга чалиниши, эрини Гулқоров деган каттакон урушга жўнатиб юборгани, охири ўзи соғайдим деганда барибир ўша дарддан фориғ бўлолмай дунёдан кўз юмиши...

Асар юз йиллик ришталар, бирор жон, бирор эзгу ният, улуг лафз бу дунёда изсиз кетмаслиги хақида. Ўйлайманки, роман марок билан ўқилади.

Иқтидорли адиб Сойим Исҳоқнинг Ғафур Ғулом нашриёт-матбаа ижод уйи томонидан чоп этилган "Қиёматга қолмаган қасос" романи адабиётимизда ўзига хос воқеа бўлди деб айтиш мумкин.

Ўзининг "Кўклам адоғида куз", "Осмон устун", "Юлдузлар кўкда сўнади" каби катор йирик асарлари билан адабий жамоатчилик эътиборига тушган бу ёзувчимиз мазкур романида ҳам адабиётнинг анъанавий тамойилларига содиқ қолган. "Қиёматга қолмаган қасос" тарихий-детектив жанрда битилган. Унда XVIII асрда Бухоро амирлигида рўй берган воқеалар каламга олинади. Роман бош қаҳрамони – Шунқорбек. Камгарин, меҳнатқаш, илмга ташна йигит. У мадрасани аъло баҳолар билан битиради. Ўзидаги юксак ҳислатлар билан шахзоданинг назарига тушади. Шунқорбекнинг болаликдан бирга ўсган, мадрасада ҳамсабоқ бўлган дўсти Абдулборига унинг ютуқлари ёкмайди. Кўнглида ҳасад ўти аланга олади. Абдулбори ўз отаси билан тил бириктириб Шунқорбекни захарлайди. Сойим Исҳоқнинг "Қиёматга қолмаган қасос" романи худди шундай драматик воқеалар билан бошланади ва у асарнинг сўнгги саҳифаларигача давом этади. Роман тили ширали, тасвирлар тиник ва жонли, ҳар бир қаҳрамон, ҳар бир персонаж ўз характери, ўз хусусияти билан яққол кўринади. Мазкур роман гарчанд детектив жанрда битилган бўлса-да, Сойим Исҳоқ, биз шу тоифадаги асарларда кўриниб қолгандек, воқеалар кетидан қувмайди. Аксинча, ўша давр, ўша муҳит манзараларини кенг кўламда, таъсирчан бадиий бўёқларда кўрсатади. Шунинг баробарида, биз мутолаа жараёнида Сойим Исҳоқнинг етук тарихчи, элшунос, географ сифатида ҳам кашф этамиз. Ёзувчи ушбу асарида ўша пайтлар Бухоро амирлиги ҳудудида истиқомат қилган турли эл-элат, уруғлар ҳаёти, улар ўртасидаги низолар, келишувлар хақида ҳам марокли ҳикоя қилади. "Қиёматга қолмаган қасос"да тарихий тил, тафаккур ҳам маромида ифодаланган. Сойим Исҳоқнинг "Қиёматга қолмаган қасос" романи мухтарам китобсеварлар учун муносиб тухфа бўлганига шубҳа йўқ.

Йиллик роман муҳокамалари ҳар йили ўтказилади. Эътироф, тавсиф, талқин, мунозаралар билдирилади. Лекин йилда бир марта атиги икки-уч соатлик наср муҳокамасида тўлақонли фикрлар изҳор этилиши, муҳокама тортишувларга айланиб кетиши қийин. Агар зарурат бўлса, мисол учун оғизга тушгулик бирор асар яратилса, кечиктирмай унинг тақдироти ўтказилса, жамоатчилик назарига қаратилса, мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Ақсарият оқсоқол адибларимиз отахон журнал ҳисобланмиш "Шарқ юлдузи"да йирик эпик асарларини чоп этишни исташади. Вақти келганда ўшандай асарларни ҳам журнал таҳририяти томонидан тақдироти бўлиб турса, адабий муҳит жонлашишига хизмат қилса керак, деб ўйлайман.



**Рисолат  
ХАЙДАРОВА**

## **УМУМАДАБИЙ КАЙФИЯТНИ НИМА БЕЛГИЛАЙДИ?**

Ўтган 2016 йилда яратилган романларни услуб ва ёки мавзу бўйича турларга ажратмоқчи эмасман. Боиси, роман анъанавий реализм услубида ёзиладими ёки авангардми, у тарихий мавзуда ёзиладими ёки замонавий, бундан катъи назар, ўқувчи учун яратилади. Шунинг учун мен одатда романларни иккига ажратаман. Яъни ўқишли ва ўқимаса ҳам бўлаверадиган роман.

Ўтган йилги адабий мавсум Хуршид Дўстмуҳаммаднинг “Донишманд Сизиф” романи билан очилди. Йилнинг мана шу роман билан бошланиши умумадабий кайфиятни белгилаб берди, назаримда. Демак, йил давомида эълон қилинадиган асарларнинг даражаси, савияси шу романдан паст бўлмаслиги керак.

Сизиф афсонаси билан боғлиқ сюжетлар яшаш дунё адабиётида маълум ходиса. Бунга афсонанинг заминидagi маъно сабабчи. Маъбудларнинг иродасига қарши бориш, исёнкорлик шаккоклик билан баробар ва шунинг учун ҳам оғир жазога муносиб. Аслида антик давр афсоналарида исёнкорлик ва унинг оқибатлари ҳақида талайгина сюжетлар бор. Масалан, Икар, Прометей, ва ниҳоят, Сизиф. Бу учала қахрамон оғир жазога тортилган. Ҳаммадан ҳам Сизифга берилган жазо антика. Маъбудлар уни машаққатли ва бемаъни, бефойда, ҳеч кимга самара бермайдиган меҳнатга ҳукм қилишган.

Айнан шу ҳукм ва унинг ижроси, ҳукмнинг туб моҳияти сюжет ва мушоҳада учун манба вазифасини ўтаган. Масалан, Гомер Сизифни бадаларнинг энг эҳтиёткори ва оқили деб кўрсатади. Овидий эса уни айёр ва доғули одам қилиб тасвирлайди. Альбер Камю ўз эссесиди Сизиф афсонасининг фалсафий асосларини излаган, замонавий инсоннинг ҳаёти Сизифнинг қисматига ўхшаш, деган тўхтамга келади.

Демак, ўзбек насрида яратилган Сизиф образи Камюнинг фалсафасидан нарига етиб бориши, Гомернинг қахрамонидан ҳам ривожлантирилган бўлиши керак эди. Чунки Сизиф образининг ўзи мана шуни такозо қилади, сюжетнинг ўзи асарга мана шунақанги юқори бир “планка”ни кўяди. Асарга “Донишманд Сизиф” дея бежиз ном берилмаган. Чунки Сизиф ўзига берилган жазонинг моҳиятини, туб илдизини ва ниҳоят, интиҳосини топиши керак. Маъбудларнинг берган жазоси – оғир харсангни тоабат баланд тоғ тепасига юмалатиб чиқариш бу бир восита, холос.

*Рисолат ХАЙДАРОВА – 1966 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎЗМУ) журналистика факультетини тамомлаган. Тарихий ва замонавий мавзудаги ҳикоялари, шунингдек, Шарқий Европа адабиётидан қилган таржималари республика матбуотида эълон қилинган. “Мағрура” қиссаси ва “Жавзо” романи муаллифи.*

Асарнинг ҳар бир боби ўзи алоҳида мушоҳада, алоҳида бир фалсафа, ҳатто алоҳида бир ҳикмат. Масалан, Сизифнинг Зевс ва унинг отаси Кронос ҳақидаги фикри (“Уларнинг иккови Худосиз бўлгани учун ўлимни даҳшат деб биларди, зотан ўлим гуноҳкорлар наздидагина даҳшат ва аянч манбаидир!..”), холбуки, Сизифнинг ўзи ҳам ўлишни истамаган, ерости дунёси маъбуди Аидни алдаган, демак, Худосиз бўлгани учун жазоланган, уни жазога маҳкум қилганнинг ўзи эса ундан баттар Худосиз. Тошни тоққа қараб думалатавериш асносида у яна бир ҳикматни топади: “Қурук ироданинг ўзи эмас, ҳаракатга айланган ирода бунёдкор, яратувчидир, шундай ирода омон экан, поёнсиз маънисизликнинг адоғи – бамаънилик”. Бу энди Альбер Камюнинг эссеси билан баҳс. Чунки Камю ўз эссесига иккинчи сарлавҳа ўрнида “Абсурд ҳақида эссе” деб ёзган эди.

Романда Қуръони Карим сураларига уйғун ўринлар учрайди. Бу, менинг назаримда, дунёдаги ҳар бир ҳодисотга илоҳиятда жавоб борлиги билан изоҳланади.

Романи ўқий бошлаган пайт ўқувчи у нима билан ниҳоя топиши керак, деб ўйлай бошлайди. Чунки Сизиф тоабат тош думалатишга ҳукм этилган. Сизифнинг донишмандлиги ҳам шунда кўринади. Агар думалок тош тоғ тепасига чиқолмаса, демак, у емирилиб тугайди. Ниҳоят, оғир уринишлардан кейин тош емирилиб, бўлақларга парчаланиб кетади. Сизиф ҳар бир парчани тоғ тепасига ташиб тугатади. Маъбудларнинг жазоси ўтаб бўлинди. Энди бу ёғига нима бўлиши керак? Сизиф ўзининг ҳукми билан аллақачон бирлашиб кетган, ўзи думалатган тош билан кадрдон бўлиб кетган эди, ҳаракатларининг бутун мазмуни шу тошни думалатишдан иборат эди. Яъни тош унинг тавбаси эди. Ёзувчи асарни бош қахрамон “ҳарсангни бир ҳамлада пастга қараб думалатиб юборадиган важоҳатда тош бўлақлари уюми устига ўзини ташлади”, деб тугатади. Аслида романинг охири ёзувчининг каттақон саволи. Жавобини ўқувчининг ўзи топиши керак.

Хулоса ўрнида шуни айтишим лозимки, биз насрда дунё микёсидаги сюжетларни ҳам кўркмасдан талкин қилаверишимиз керак. Жаҳон микёсидаги ҳар қандай сюжетни ҳам миллий асарга айлантира оламиз. Ҳаммаси ўзимизнинг кўлимизда.

Ўтган йили китоб ҳолида эълон қилинган романлардан бири Эркин Самандарнинг “Қирон ғилдираги” асари бўлиб, ўзининг кўлами, ғояси ва бадиий савияси жиҳатидан эътиборга молик. Қирон араваси ва унинг ғилдираклари аслида рамз. Қирон бу – зулмнинг қуроли, халқнинг оқил ва зиёли кишиларини йўқ қиладиган ва шу билан одамларни кўрқув остида ушлаб туришга ёрдам берувчи бир восита. Ғилдирақлар эса аксиз бир нарса, ғилдиратиб юборилса бас, ўз йўлида кўрингани янчиб кетаверади. Қирон машинасининг эгалари унинг ғилдирагини учта манзилга – Қўқон, Бухоро ва Хоразмга жўнатишган. Ёзувчи қирон ғилдирагининг биргина Хоразм ва Тошкентда келтирган қирғинларинигина олиб тасвирлаган. Лекин бутун мамлакат бошига тушган кулфатни тасаввур қилиш учун шунинг ўзи етарли.

Роман қахрамонлари орасида бир қанча тарихий шахслар бор. Булар – Муҳаммад хожи, Худойберган Девонов. Романда бу икки сиймонинг образи тўлақонли яратилмаган. Боиси ёзувчи ўз олдига бундай мақсадни қўймайди. Мақсад ўша давр руҳини, муҳитни бор разолати билан кўрсатиш. Муҳаммад хожи ҳам, Худойберган Девонов ҳам ўша давр “ўпқон”ига тушган одамлар. Романда жабрдийдаларнинг оила аъзолари, яқинлари, дўстларининг изтироблари, уларнинг бошидан кечган воқеалар алоҳида бир сюжет йўли бўлиб ўтган. Ёзувчи бир маҳкумлар, бир уларнинг яқинлари, бир уларнинг жаллодлари кечмишига ўтади-да, шу билан ўша даврнинг яхлит бир манзарасини чизади. Маълум бўладики, бу муҳитда ҳар бир одамнинг, ҳатто жаллодларнинг ҳам ўз фожияси бор. Бу муҳит, ҳатто ўзига хизмат

килаётганларга ҳам шафкат қилмайди. Бунга Матниёз, Ҳанифа, Берди ва Шарофиддин қисматини мисол қилиб келтириш мумкин. Масалан, Шарофиддин ўз жонини асраш учун исмини Мэлс қилиб ўзгартиришга рози бўлиб, хуфиялик қила бошлайди. Қамокқа тушган яқинларини излаб келган одамларга ёрдам бериш баҳонасида уларни тутиб беради. Орада уларни шилишни ҳам унутмайди. Пулларнинг бир қисмини Ўқилон, бир қисмини Шақилдоқ илон олади (бу иккиси камокхонадаги номдор чекистлар). Охири ўзи ўлиб кетади. Лекин НКВД унинг оиласига шафкат қилмайди. Чунки орада Мэлс олган пуллар бор.

Асарда чиройли топилмалар бор. Масалан, Муҳаммад ҳожининг оти Саман билан боғлиқ эпизодлар жуда таъсирли чиққан. Яна бир топилма: Мэлс ўлгач, унинг хотинини қамокқа ташлашади. Аёлнинг исми Омонгул. Ёзувчи бу аёлнинг кейинги қисматини биргина жумла билан ифодалайди: “Энди унинг на омонлиги қолди, на гуллиги”.

Асар, назаримда, эллик учинчи йил воқеалари билан ўз мантикий яқунига етган. Воқеаларнинг бугунги қунгача олиб келиниши, менимча, асардаги ортикча тафсилотларни кўпайтириб юборган.

Романнинг ўзбек насри учун аҳамияти ҳақида эса шундай дейиш мумкин. Халқимизнинг яқин тарихи, хусусан, катагон даври ҳақида кўплаб асарлар яратилган. Бирок бу асарлар бундан йигирма йил кейин ҳам ўқиладими, йўқми, гап шунда. “Қирон ғилдираги” романини анча йиллардан кейин ҳам ўқишади, деб ишонаман. Бойси асар шунчаки хроника ёки компаниябозлик йўлида ёзилган эмас.

Ўтган йили эълон қилинган романлардан яна бири Алишер Мирзонинг “Мусаввир” романи бўлиб, бу китоб “Янги аср авлоди” нашриётида чоп этилди. Бу роман бундан уч йил аввал эълон қилинган “Қаллахоналик йигитча”нинг мантикий давоми. Лекин шу билан бирга мустақил бир асар. Роман ҳажман катта, бош қахрамоннинг 18-19 ёшли ўспиринлик давридан бошлаб то рассом сифатида халқ эътирофини олган пайтигача бўлган бир даврни ўз ичига олади, аммо бош кўтармай ўқилади. “Қаллахоналик йигитча” эълон қилинган йили энг яхши насрий асарлардан бири сифатида эътироф этилган эди. Демак, муаллифнинг олдида шундай бир вазифа бўлганки, “Мусаввир” романи мана шу даражадан паст бўлмаслиги керак. Аввалдан айтиш керакки, муаллиф буни удалаган ҳам.

Бош қахрамоннинг исми Бахтиёр Алимов, дўстаники – Ҳикмат. Иккови рассом бўлиш орзусида Москвага, Суриков номидаги Бадий институтга ўқишга кириш учун келишган. Энди бош қахрамон қаллахоналик оддийгина, бирозгина шум, аммо софдил ўспирин эмас, у катта мақсад йўлига чиққан йигит. Шу мақсадига етиш йўлида у турфа феълли одамларни кўради, уларга нисбатан ўз муносабатини билдиради.

Бахтиёрнинг руҳида, феъллида исёнкорлик бор. У талабалик йиллари ўқув тизимидаги мавжуд стереотипларга қарши норозилигини ўзига хос тарзда билдиради. Масалан, уларга сабоқ бераётган ўқитувчилардан бири Козел тасвирлашга топширган композицияда кул ранги кўплигидан норози бўлиб, уни рангдор қилишга киришади. Натижада ажабтовур бир композиция яралади. У эски рангли журналлардаги расмларни қирқиб олиб, бир-бирига улаб қўлбола гилам ясайди-да, натурачини шунинг олдига ўтказади. Бу унинг группалошларига маъқул тушади. Лекин деканга ёқмайди. Ҳар ҳолда Бахтиёрга ҳеч нарса қилишмайди-ю, лекин ўқитувчи Козелни ишдан кетказишади. Нусха кўчиришдан сабоқ ўтилаётганда эса вазифа сифатида ўзи учун Верешчагиннинг суратларини тнлайди. Лекин кўп ўтмай, бу рассомнинг Ўрта Осиёни забт этган чор Россияси қўшинлари сафида туриб қилган қилмишларидан хабар топгач, ундан ҳафсаласи пир бўлади.

Москва ҳаёти Бахтиёрнинг эътиқод ва эътимодларига ҳам баъзи ўзгаришларни киритади. Масалан, ўқишга кирганида онаси унга телпак оласан, деб ўттиз сўм пул беради. Онаизор бу пулни осонликча топмаган, албатта. Бахтиёр эса бу пулга китоб, бўёқ сотиб олади. Қишни амаллаб ўтказарман, деб ўйлайди. Лекин Москванинг кишини амаллаб ўтказиб бўлмайди. Кунлардан бир кун йўл устида ётган тузуккина телпакни кўриб қолади. Бир вақтлар Каллахолада ўн сўм пул топиб олганида онаси унинг қулоғидан чўзиб бориб, пулни ётган жойига қўйдириб келган. Ўша-ўша Бахтиёр бировнинг йўқотган нарсасини олмайдиган бўлган. Аммо ҳозир бошқача шароит. Бурилиб кетаверса, ўзи қийналиб қолади. Олаверса, болалигидан онгига қуйилган тарбия бор. Бахтиёр эгаси келармикин деб бироз кутади. Ҳеч ким келмайди. Демак, телпакни биронта ширакайф тушириб қўйган. Бахтиёр телпакни олиб қўлтиғига қистиради-ю, юраги қалтираб, зўрға ётоқхонага етиб келади. Шу телпак уч йилгача унга хизмат қилиб беради. Демак, телпак сотиб олиш учун уч йилгача бошқа имконият тополмаган-да.

Асарни ўзбек зиёлиларининг шаклланиш тарихидан ҳикоя деб аташ тўғрироқ бўлади. Романда Москвада таълим олаётган қатор ўзбек ёшлари образи бор. Уларнинг ҳаётидаги бир қулгили, бир таъсирли воқеаларда у ёки бу кўринишда, Бахтиёр, албатта, қатнашади. Унинг иштироки аксарият ҳолларда юмор билан тасвир этилади.

Бахтиёр улғайиш асосида онасининг ўлими, Каллахоначининг бузиб юборилиши каби оғир айриликларни бошидан кечиради. Дўстлар ортттиради, рафика топади, хуллас, ҳаёт қозонида обдан қайнайди, вақт ўтиши билан чархланиб боради. Унинг исёнкорлиги ва топқирлиги энди бошқача шаклда кўринади.

Бугун бизнинг адабиётимизда ҳақиқатан ҳам курашчан ва кучли, тўсикларни енгиб ўтадиган қаҳрамонлар образи керак, деймиз. Лекин бу курашчанлик, масалан, Жек Лондоннинг Мартин Иденидек бўлиши шарт эмас, менимча. Курашчан, интилувчан бўлса ҳам, Бахтиёр Мартин Иденга умуман ўхшамайди. Унинг болалигидан қолган сеҳрли сўзлари бор. “Шошма, ўйла, – дейди у ўзига ўзи. – Яхшилаб ўйла”. Бу бежиз эмас. Дейлик, ёпиқ эшикни очиш керак бўлсин-у, уни итариб очишнинг иложи топилмаса, бу эшикни тепиб очиш ёки бузиб очиш шарт эмас. Балки эшик у ёққамас, бу ёққа очилар? Балки эшик Бахтиёргамас, бошқа одамга очилар-у, ўша одам бахонасида Бахтиёр ҳам шу эшикка кириб олар?

Роман муаллифнинг рассом сифатида чиндан эътироф этилиши билан тугайди, дедик. Ёзувчи эса бу бобни “Каллахонача қайтиш” деб номлаган. Сабаби, Бахтиёр катта кўргазма намойиш қиляпти. Унинг олдида дўстлари, яқинлари бор, ҳатто бир вақтлар ўзини хафа қилган одамларни ҳам ёнига чорлаган. У “Ўзбекистон халқ рассоми” унвонини олди, жаҳон кезди, лекин барибир Тошкентнинг Эски шаҳар фарзанди бўлиб қолди. Чунки унинг танглайи айнан Эски шаҳарда кўтарилган, Каллахонача унинг учун Ватаннинг бошланиш нуктаси...

Ёзувчи Асқад Мухторнинг бир сўзи бор. “Одиссей арвоқларни ўзи билан суҳбатлашишга кўндириш учун уларга ўз қонида бериб тирилтиради. Ёзувчи тарихий шахслар ҳақида ёзганида шундай қилиши керак”. Мен бу сўзларни бежиз эсламадим. Ўтган йили Нурали Қобулнинг “Жаҳон мулкининг султони ёхуд фотих Темур ва Йилдирим Боязид” номи романи босмадан чиқди. Бу Амир Темур ва темурийлар даврига бағишланган эпопеянинг бешинчи китоби. Билишимча, эпопеянинг ўзи ўнга китобдан иборат бўларкан.

Соҳибқирон ва Боязид ўртасида бўлиб ўтган жанг ва унинг оқибатлари ҳақида тарихий манбаларда кўп ёзилган, лекин турлича талқин этилган. Дейлик, Ғарбда бошқача талқин бор, Шарқда бошқача. Ғарб Амир Темурнинг ғалабаси боис Ев-

ропа мўгуллар истибдодидан қутулганини эътироф этади-ю, лекин Соҳибқиронни кўпинча камситиб тилга олади. Шарқда, масалан, бизда бобомиз Европани қутқарди, деб ғурурланамиз-у, лекин бу жангнинг оқибати жаҳоннинг, қолаверса, Туроннинг кейинги тақдирига қандай таъсир кўрсатгани тўғрисида кўп ҳам бош қотирмаймиз.

Нурали Қобулнинг романи мана шу урушнинг арафаси, яъни элчилар воситасида бориб-келаётган мактуб жангидан бошланади. Ва дастлабки саҳифалариданок Йилдирим Боязиднинг хато қилаётганига урғу берилади. Бу таъкид ромanning охиригача ҳали у, ҳали бу қахрамоннинг тилидан таъкидланиб келинаверади. Хатолик ўтгани барҳақ рост. Лекин масаланинг бошқа жиҳати ҳам бор. Қарангки, Боязиднинг бутун амирлари, ўғиллари, ҳатто Темур хузурига жўнатилган элчиси бу урушнинг оқибатларини тушунапти, фақат Боязид тушунмайди. Ҳатто Боязидга раҳми келади одамнинг. Бунчаём ёлғизланиб қолган экан, деб ўйлайсиз. Атрофида биронта ҳамфикр йўлдоши йўқ. Шу ўринда муаллиф муболағага бормаганмикин?

Темур образида эса бир қадар ясамалик, плакатнамолик бор. Нима иш қилмасин, ҳаммаси ўта чиройли чиқаверади. Дарҳақиқат, Соҳибқирон улуг инсон. Бу каби сиймолар тарих саҳнасига кам чиқади. Соҳибқирон тўғрисида фахр билан қанча ёзсак, шунча кам. Лекин Амир Темурни улуглаш учун унинг рақибини бир-икки поғона пастга тушириш шартми? Йилдирим Боязид ҳам Туркия тарихида қатта ўрин тутган салоҳиятли шахс. Унинг образини бу қадар жўнлаштирмаслик керак эди. Соҳибқирон образини сунъий равишда улуглаш асарни табиийликдан маҳрум этиб қўяди. Роман айнан мана шу жиҳатдан оксаган.

Тарихий мавзуда ёзилган роман, аввало, бадиий асар бўлиши керак. Афсуски, бу романда ҳар бир воқеа-ҳодиса оддийгина қилиб чайнаб, ўқувчининг оғзига солиб қўйилган, қахрамонларнинг қилган ишлари яхши ёки ёмонлиги ҳам олдиндан маълум. Романдаги жанголди эпизодлар, ҳатто жанг манзарасининг ўзи жуда сикик, аммо жангдан кейинги энг кичик воқеаларгача бутун тафсилоти билан тасвирлаб чиқилади. Шундай таассурот қоладик, айтиладиган бошқа гап қолмади-ю, эпопеянинг тартиби бузилмаслиги учун атайлаб тафсилотлар узайтирилди.

Ромanning тили борасида ҳам таассуфли фикрлар айтиш мумкин. Мен фақат бир-иккита мисолни келтираман. Соҳибқирон Мусобекка дейди: “Ҳади қилинган отнинг тишига бокмайдилар, мухтарам авлодим Мусобек!” (111-бет); шахзода Сулаймон (у Боязиднинг ўғли) шайх Рамазон билан суҳбатлашиб ўтириб, дейди: “Рим императори Юлий Цезарь айтганидек, урушни уруш билан таъминла, деган ақидага амал қилар экан-да” (265-бет) ва ҳоказо.

Хулоса ўрнида айтмоқчи эдимки, бу романи чоп этишга шошилмай турилгани маъқул эди. Чунки материал қўламдор. Ифода ҳам шунга яраша бўлиши керак эди.

Кенгесбой Каримовнинг “Оғабий” роман-дилогияси қорақалпоқ тилида 2013 йилда босмадан чиққан, биз унинг ўзбекча таржимасини ўқидик. Роман қорақалпоқ халқи тарихи, унинг менталитети, шу орқали Ўзбекистон тарихидаги биз кўп-да билмайдиган саҳифаларни бадиий ёритгани жиҳатидан ҳам долзарб, ўйлайманки, бу асар бир неча йиллардан кейин ҳам ўқилади.

Асар воқеалари XIX асрда кечади. Бош қахрамонлардан бири – Эрежеб Оғабий тарихий шахс. Эълон қилинган биринчи китобнинг номи “Кўч”, боиси қорақалпоқларнинг Бухоро амири фармониға мувофиқ Қизилқум саҳросини кесиб ўтиб, ўзларининг ота маконларига – Чимбойға қайтиб кетишлари тасвирланяпти. Аслида улар етмиш йил бурун, Оғабий ҳали бола пайтида ота макондан жўнаб кетишган эди. Романда қорақалпоқларнинг бир нечта қатта қўчишлари ҳақида маълум-

мотлар бор. Кўч бу йўлга чикиш дегани. Қадимда одамлар кўчганда битта карвон бўлиб жўнашган. Лекин кўч карвондан кўра катта. Карвон – йўловчилар ёки савдогарларнинг бир юртдан бошқасига йўл олган, юк ортилган туялар, отлар, аравалар сафи. Кўч эса бир элнинг мол-дунёси, аҳолисидир. Воқеалар худди шу кўч кўтариш, кўчиш атрофида кечади. Романнинг биринчи китобида асосан Эрежебнинг болаликдаги ҳаёти ифодаланади. Қулчи бий ўғил кўрганида ражаб оғи эди. Шунинг учун ҳам ўғлининг исмини Эрежеб қўяди. Айни шу паллада бийнинг зотдор Тўрик бияси ҳам кулунлайди. Энди Эрежеб ва Тўриққашқанинг умри биргаликда кечади. Қарангки, Тўласин исмли бошқа бир ўғлоннинг ҳам ишқи Тўриққашқага тушади. Худди шу нуктада асарда қатор воқеалар бошланадики, қорақалпоқ ҳаёти, умуман, Шарқ менталитетини билмаган одам хайрон бўлиши турган гап. Битта отга ҳам шунчаликми? Ваҳолапки, от бу – йигитнинг ори. Ўз орини олдириб қўйган одамнинг ҳоли қандай бўлади? Кўп ўринларда от ҳатто севикли ёрдан ҳам юксакроқ даражага кўтарилади. Ўз ёрини бегонага олдирган йигитнинг ҳоли қандай бўлади?

Романнинг тили, бадиияти ҳақидаги гапларим аниқ бўлиши кийин. Сабаби, биз романнинг таржимасини ўқиб турибмиз. Қорақалпоқ тилида балки жуда чиройли бўлгандир. Менинг баъзи мулоҳазаларим кўпроқ таржимонга тегишли бўлади. Тўғри, асар яхши бўлса, таржима унинг нари борса, тилини бузади, унинг композициясини, концептини бузолмайди. Образли қилиб айтганда асални чинни идишга солсангиз ҳам, уни сопол қосага ағдарсангиз ҳам асаллигича қолаверади. Асарда жумлалар ўта мураккаб, кўп ўринларда газета тили услубида тузилган. Масалан: “Кўп ўтмай Эрали бийнинг тўйида аввал қувонган, сўнг Тўриққашқадан айрилиб кайғурган Қулчи бий ҳамюртлари билан элга қараб йўлга тушди”, “Қулчи бийга ўхшаб унинг ҳам онгу шуурида “Тўласин” деган биргина сўз айланар, Тўласиннинг телбанамо келбати кўз ўнгида пайдо бўлар, сўнг унинг ўрнини тош охурнинг олдида тўрт оёғи чўзилиб, баданлари учиб, хириллаб ётган от эгаллар, от гоҳ қалдирғоч канотидек қўш қулоғи юлдузни кўзлаб депсинар, ипакдек юмшоқ тумшуғи билан Тоғаберган сайиснинг елкасига нукиб-нукиб қўяр, гоҳ жиловидан ушлаб ёнма-ён югуриб бораётган сайисга жавдираган кўзларининг кирини ташлаб: “Мен билан баҳслашмоқчимисан” деган каби ўқрайиб қўяр, гоҳ юмшоқ бўз ернинг чангини осмонга кўтариб, узун арконнинг учидан ушлаб турган сайисни айланиб ўйноқлар, икки орқа оёғида тик туриб, каттик кишнар эди” ва ҳоказо.

Ўтган йили эълон қилинган романларни таҳлил этганда кўнглимдан биз дунёвий микёсидаги сюжетларни талкин қилишга қодирмиз, илгор жаҳоний анъаналар даражасида ҳам асар ярата оламиз, деган ўйлар ўтди. “Донишманд Сизиф” йил бошида белгилаб берган умумидабий кайфиятга кейинги романлар, масалан, “Қирон ғилдирағи”, “Заррадаги олам”, “Генетик” у ёки бу маънода уйғун келолди. Лекин, барибир, кўнгилик негадир кўп-да тўлмайди. Биз шу чокқача шунақа ёзилиши керак, деб тушунган, ўқиб-ўрганиб қолган романлар доирасидан юқорига чикиш вақти аллақачон етганини англаб турибмиз, бу даражага чика оламиз, деган ишончимиз ҳам бор, аммо маълум бир доирадан кўтарила олганлар кўп бўлмаяпти. Ҳолбуки, бизда ўқишли романлар ўқимаса ҳам бўлаверадиган романлардан кўп.



Дилмурод  
ХОЛДОРОВ

## ҚИССАЛАРДАН ҚИССАЛАР

Қисса жанри узок адабий-тарихий жараённи босиб ўтган, бадий мукамаллик касб этган жанр ҳисобланади. Қиссада айтилиши лозим бўлган фикр ҳар доим жанрнинг маълум бир “вакили” тилидан ҳикоя қилинади. Бинобарин, қисса баёнида ровий ва муаллиф нутки қоришиб кетган ўринларда ҳам мана шу тамойил ишлайверади. Яъни, бу жараён жанрнинг ички таркибини ташкил этиб, унинг шаклланиш ва такомил йўлини белгилаб берган.

2016 йилда ўзбек адиблари томонидан эълон қилинган қиссаларда тарихий-ижтимоий, рамзий-мажозий, миллий кадриятлар ва ўзбеклар менталитетига хос колоритнинг тобора ёркинроқ акс этиб бораётганлиги қувонарли ҳолдир. Биз, асосан, “Шарқ юлдузи”, “Ёшлик” журналларида чоп этилган қиссаларни кузатдик. Бу қиссалар ҳозирги ўзбек қиссалари, уларнинг мавзу қўлами, бадий савияси ҳақида умумлашма фикрлар айтишга бемалол имкон беради.

Тўлқин Ҳайитнинг “Ўғизхоннинг сўнгги қурултойи” (“Шарқ юлдузи”, 3-сон) номли қиссасида Улуғ Турк сиймоси гавдалантирилганки, у туркий халқлар руҳи сифатида барча воқеаларни, адолатни, ор-номусни посонгига солиб туради. Улуғ Турк “Сен туфайли эл-улус муштдай бир бўлиб – бирлашиб, оламга гўзаллик ҳадея этди, буюклик тожини кийиб, эл бўлди, халқ бўлди. Умринг узун бўлғай, сенга мустаҳкам ҳокимият насиб этгай! Номинг абадий ўчмагай”, – деган таърифларни айтадики, бу ҳам бутун туркий халқларнинг Ўғизхонга миннатдорлик хайкириғидай туюлади. Асарга Кўк бўри образининг киритилиши эса, туркий халқларнинг қадимги тотемлари билан боғлиқ ҳодисалардир.

Асарда юртни яхлит сақлаш, туркий халқларга хос мардлик, орият, халқ раъйига қараш, инсон шаъни барча нарсалардан устун эканлиги, мусулмон одамга хос қомиллик қисса сюжетиға синдириб юборилган.

“Ўғизхон оламини тартибга келтирди, дунё араваси тўрт томонга тортилмайди, ҳамма бирликда яшайди, Ер битта, уни асраш, унда тинч, осойишта яшаш, биргаликда кун кечириш барчанинг вазифасидир”, – деган чақириқлар замирида инсониятнинг асрий ниятлари ўз аксини топган.

Адабиётшунос Насимхон Раҳмонов “Ўғизхоннинг сўнгги қурултойи” қиссаси

---

*Дилмурод ХОЛДОРОВ – 1962 йилда туғилган. Тошкент давлат университетини (ҳозирги ЎЗМУ) тамомлаган. Адабиётшуноснинг қирққа яқин адабий-танқидий мақолалари хорижий ва республика нашрларида чоп этилган.*

хакида: “Ўғизнома” китобий эпоси ва Мирзо Улугбекнинг “Тўрт улус тарихи” асаридagi Ўғизхон шахси, унинг ҳукмронлиги давридаги маънавий ва ижтимоий-сиёсий муҳит асосига қурилган бўлиб, бу жаҳоншумул ҳукмдор ҳаётидаги битта воқеани – фарзандларига қўл остидаги юртларни бўлиб бериш воқеасини камраб олади”, – деб ёзади.

Бу фикрларга тўла қўшилган ҳолда, бир воқелик тасвирида Ўғизхоннинг ҳокимиятта келиши, халқнинг ишончини қозониши, юрт тинчлиги ва дахлсизлиги, қўшни давлатлар билан ўзаро тинч ва осуда ҳаёт кечириш, юрт фаровонлигини мустаҳкамлаш, марказлашган давлат барпо этиш борасидаги тинимсиз меҳнат, аёвсиз кураш мотивлари сезилиб туради.

Асарда қурултой сўзига қўп урғу берилдики, аجدодларимиз давлат миқёсидаги ҳар бир ишни кенгашиб, кўпчиликнинг фикрини ҳисобга олиб, сиёсат олиб борганликларидан далолат беради. Ўғизхоннинг улуг ҳукмдор, фарзандларига каттиққўл ва ғамхўр ота, фарзандларини имтиҳон қилиши, унинг сўнгги васиятлари ҳам кассани бугунги ўқувчи руҳига яқинлаштириб туради.

Жўра Фозилнинг “Бойқўнғир лолалари” (“Шарқ юлдузи”, 4-сон) кассасида “Полвон”, “Қаҳратон”, “Ложувард осмон”, “Жийда гуллаганда”, “Барханлар ичкарисиди” каби катор мустақил сарлавҳаларда кўплаб қаҳрамонлар образи, кўплаб янги воқеалар бадий талкин этилади. Уларнинг марказида бош образ Жамол тақдири билан боғлиқ кечмишлар туради. Ҳар бир қисм табиат, ҳолат, ижтимоий ҳаёт тасвири билан бошланади. Шу тарзда ёзувчи қисса қаҳрамони ва воқелик руҳиятига чуқурроқ кириб боришга эришади. Мутахассислар қисса жанрида асар воқелиги ва қаҳрамони бир жумла ёки ягона мазмун атрофида уюштирилади, деган фикрни билдирадилар. Жўра Фозилнинг ушбу кассаси марказида “Бошга тушгани кўз кўради” дейилган халқ ҳикмати туради. Жамол, Шерназар, Самад, Ҳасан, Усмон, Ризо, Миша ёш бўлишига қарамай, кўплаб саргузаштларни бошдан кечириди, турли вазиятларга тушади, аммо иродаси букилмайди, инсонийлигини, имонини, одамларга, эзгуликка ишончини йўқотмайди.

Ёш йигитлар айни кучга тўлган, муҳаббат шаробини симирадиган вақтда инсон яшаши қийин бўлган қум-барханлар ичида, ўзлари тушунмайдиган юмушлар билан банд бўлади. Ичи ифлосланган, факат нафсини ўйлайдиган разил инсонлардан азият чекади.

Бирок, “Бойқўнғир лолалари” кассасидан ҳамма вақт ҳам жўялик қисса чиқарилмайди. Айниқса, “Жийда гуллаганда” қисмидаги эски қабристон, қабрлардан келаётган сас, руҳларнинг безовта бўлиши эпизодлари ниҳоясига етмай қолган. Шунингдек, лейтенант Ежовнинг чўкиб кетиши, Миша Мижужевнинг сирли йўқолиши етарлича бадий асосланмаган.

Адабиётшунос Абдуғафур Расулов “Роман ҳикояга, қисса очеркка қариндош” деган гапни қўп гапирарди. Бу ўринда кассидаги лиризм назарда тутилган бўлса, ажаб эмас. Жўра Фозилнинг “Бойқўнғир лолалари” кассасида публицистик руҳ устунлик қилади, яъни очеркка ҳос пафос етакчилик қилади.

Сойим Исоқнинг “Вафодор” (“Шарқ юлдузи”, 5-6-сонлар) кассаси натурализм йўналишида ёзилган. Қисса қаҳрамони Ўтаган мерган характерига барча чорвадорларга ҳос чапанлик, чўртқесарлик, тантилик, соддалик, орият сингдириб юборилган.

“Вафодор” кассасида ҳайвонот, наботот, жамодотаро алоқалар ўта табиий тасвирланган. Адибнинг ўзига ҳос ифода услуби билан инсонга ҳос хислатлар – мардлик, тантилик, яшаш учун кураш, яхшиликка яхшилик, ёмонликдан нафратланиш каби туйғулар Вафодор лақабли ит воситасида тасвирланади.

Қиссадаги ровий табиат қонунларини обдан ўзлаштирган, ҳайвонот дунёси билан яқиндан танишган. Асар воқеалари худди экран тасвирларида кўринганидек, ўқувчи кўз ўнгига намоён бўлади. Китобхон ҳам Ўтаган мерган, Вафодор лакабли ит билан бирга Қорақуш, Норвонсой, Қавғоли, Қорақушсой, Шоғишмон, Осмонсой, Қайрағочли, Кўкбулоқ, Келитош, Ёзкечув, Қийқим, Қўйтош каби табиатнинг ўзи сифатини келтириб қўйган тоғ маконларида, даштларда юргандек бўлади. Ёзувчи тоғ сўқмоқларини, қоялар ва ирмоқларни эринмай тасвирлайди. Бадий асарнинг киммати ҳам, фақат ижодкорнинг тасаввури ёки фантазияси билан эмас, балки воқеликни қанчалик ўзлаштира олганлиги, шу воқеликка ўқувчини қай даражада ишонтира олиши билан ҳам белгиланади.

Бир томондан Сойим Исҳоқ қиссадаги Вафодор, бўрилар образи, уларнинг инсонга ўхшаган руҳий кечинмалари, ўзига хос “калби” билан тасвирланиши жаҳон адабиётида яратилган ҳайвонлар образини эсга солади. “Вафодор” қиссасининг табиати ва тасвир қўламининг камрови айнан табиат билан инсонлараро муносабатларнинг бадий баёни миллий удумлар, миллий колорит ва ўзбеклар табиатига, миллий менталитетига хос тасвирлар билан параллел равишда олиб борилиши билан фаркланиб туради.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳайвонлар ҳаракатлари тасвирида ровий акли билан иш кўрилмади. Агар ҳайвонлар инсонлардек тафаккур юритганларида ёки инсонларга хос ҳаракат қилганларида китобхон бу тасвирга ишонмаган, бу ҳолатга шубҳа билан қараган бўларди. Қиссада ҳам итнинг инсонга ўхшаб фикр юритиши, баъзан онгли инсон қўлидан келмайдиган ҳолатлар жониворга юклатилдики, бу ҳолни оқлаб бўлмайди. Тасвирларга эътибор қаратайлик: “Бурилиб (Вафодор ит – Д.Х.), шу ерданок таъкибни бошлагиси келди-ю, бироқ ярадор итга ёрдам бериш истаги ғолиб чиқиб, ўзини зўрага тўхтатиб қолди. Вафодор тумшуги билан авайлаб кўтариб, уни ўрнидан турғизмоқчи бўлди” (117-б.), “Бунинг ҳалокатга олиб боришини билгани ҳолда (кутурган итни тишлагандан кейин – Д.Х.) вазифасини охиригача бажарди” (123-б.), “Жуда мажбур бўлиб қолмаса, уни ўлдиришга ҳеч қачон Мерганнинг қўли бормаслигини Вафодор билади” (124-б.), “Лекин мен мардона ўляпман, ҳеч кимга зарарим тегмади, ҳеч кимни мусибатда қолдирмадим” (126-б.), ёки қудукка ўзини ташлаб ўлдириши зўрма-зўракиликдан бошқа нарса эмас.

Бадий асарда келтирилган воқеалар, жой номлари, образларнинг бадий вазифаси бўлади. “Вафодор” қиссада Ўғат руда қони, етти йиллик тўликсиз мактаб, клуб, Ўтаган мерганнинг ўғли Шуқурбек номлари келтирилади. Аммо буларнинг бирортаси бадий вазифани бажармайди. Шунингдек, Ўтаган мерганнинг тўрт қунлаб тошнинг устида ўтириши ва қашқирнинг кетмай туриши, саксондан ошган мерганнинг ёш йигитлардай итини ахтариб юриши ҳам ўқувчини унчалик ишонтирмайди.

Бахтиёр Абдуғафурнинг “Қибр минораси” (“Шарқ юлдузи”, 7-сон) номи қиссаси рамзий-мажозий мазмунга эга. Асарда Бобил цивилизацияси ва инқирози ҳақида гап кетса-да, асар тағмотида бир қанча цивилизациялар, уларнинг айнан инсонлар туфайли инқирозга юз тутганлигига ишора қилинади.

Ҳозирги замонда космосни ўзлаштириш мақсадида тўхтовсиз ракеталарнинг фазога учурилиши оқибатида азон қатлами дарз кетди, турли ядровий қуролларнинг кашф қилиниши инсониятни жар ёқасига олиб келиб қўйди, завод-фабрикалардан чиқаётган чикиндилар, табиатдан янада кўпроқ ҳосил олишга интилиш бир талай муаммолар келтириб чиқарди.

Асар қаҳрамони Ҳаммуда сингари инсонлар ҳамма замонларда бўлган ва ҳамма замонларда бир хилда қатағонга учраган. Чингиз Айтматовнинг Авдий Калистратов, Арсен Саманчук сингари қаҳрамонлари ҳам инсонларни бўлғуси ҳалокатлардан асраб қолишга, огоҳлантиришга интилган ва инсонлар томонидан қурбон қилинган.

Ҳар бир замоннинг ўз танланган одамлари бўлади. Улар инсониятни бўлғуси ҳалокатлардан хабардор қилиб туради. 124 000 пайғамбар ҳам одам болаларини тўғри йўлга солишга, инкирозлардан, ваҳшийликлардан асраб қолишга интилган.

Қиссадаги Ҳаммуданинг бобоси Эҳудр, сирли ёзувлар, сопол парчалари, ўтмиш асотир ва ривоятларларнинг ўз рамзий маънолари сезилиб туради.

Чорасиз қолган Ҳаммуда ҳайкаллар ясайди, ҳайкаллар билан гаплашади, дардлашади. Бу санъат дунёни кутқаради, деган пурмаъно фикрнинг накадар тўғрилигига ишоради.

Абдуҷалол Раҳимовнинг “Жийда гули” (“Шарк юлдузи”, 8-9-сонлар) қиссасига ёш журналист йигит Ҳасан Алиевнинг ҳаёти, ижодий фаолияти асос қилиб олинган. Асар тили жуда раво, ғализликлардан холи. Аммо ўқувчида “Ёзувчининг нияти нима?”, “Ўқувчиға нимани айтмоқчи, айтишдан мақсади нима эди?” деган саволлар пайдо бўлади.

Қисса қаҳрамони иктидорли журналист. Қисса вақт ичида туман газетасининг қишлоқ хўжалиги бўлимига раҳбарлик қила бошлади, туман катталарининг назарига тушади. Туман раҳбарининг мафкуравий ишлар бўйича ўринбосари Бегали Язидович шаҳсан келиб, уни кутлаб кетади. Бироқ исбот қилинмаган бир хатолик учун ишдан ҳайдалади. Унинг ёнида юрган, унга хайрихоҳлик қилган муҳаррир ўринбосари Абдулла ака, масъул котиб Иззатилла Иброҳимов, меҳрибон Ёдгора опалари жимжит. Улар ҳаммаси тажрибали журналистлар, жамиятнинг зиёли одамлари, оддий ҳайдовчи Зокиржончалик бўлолмайдилар. Савол туғилади: барча замонларда ҳаёт ичида қайнаган, оташқалб журналистлар қани? Ёш, иктидорли журналист Ҳасан Али нега ўз тақдири учун курашмади? Ҳеч бўлмаса, ўз номини оқлаб қўймади, нега индамай узлатга чекинди? Қиссада бу саволларга жавоб йўқ.

Қисса сюжетиға киритилган Бўзсув ҳақидаги афсона ҳеч қандай бадий концепцияни бажармайди. Ҳасан ва Зухра учрашувлари, уларнинг муҳаббатлари ҳам зўраки ва ўта сунъий тасвирлардан иборат.

Услубий жиҳатдан ўзига хослик Қулман Очилнинг “Қасд” (“Шарк юлдузи”, 10-сон) қиссасининг композицион тузилишида кўзга ташланади. Қисса уч бўлимдан таркиб топган. Лекин уларнинг қамров қўлами барабар эмас. Қиссадаги асосий воқеалар баёни иккинчи бўлимда содир бўлади. Биринчи бўлим қиссадаги асосий воқеалар баёнига кириш-муқаддима вазифасида келади. Охириги бўлимда қиссанависнинг дил дафтари ёпилади.

Қиссада инсон руҳиятида доимий макон тутган, бир-бири билан азалий ғолибмағлуб бўлиб яшовчи шайтоний ва фариштавий туйғуларнинг кураши тасвирланади. Қисса ёшлик йилларида қасд олишни юрагиға муҳрлаган ва унга эришган, ҳаёт поёнида қилган ишдан пушаймон еб, тавба-тазарруға юзланган ровий тилидан хикоя қилинади. “Мен тўрт одамни асфалософилинга жўнатган жиноятчиман”, – дея иқроп бўлади ровий.

Қиссадаги ровийға исм қўйилмаган. Бу ҳозирги кўп қиссаларға хос хусусият. У бир вақтлар педагогика олий ўқув юртини битирган, зиёли одам. Бироқ, ҳаётнинг азалий қонуни, яъни қазойи муаллақ – ажал қачон, қаердан, қандай қелишини бандаси билмаслигини тушуниб етмаган. Уқасини машинада уриб ўлдирган одамдан,

униги оиласидан касд олишни кўнглига тугади ва унга эришади. Бу катта гуноҳ эканлигини англаб етганида эса ҳамма нарса бой берилган эди.

Ровийнинг онда-сонда профессор Панжи Намозов билан мулоқотга киришиши, дилидаги фикрларини ўртоқлашиши асарнинг жонли чиқишига сабаб бўлган. Ровий: “Энди-энди икром бўлмоқдаманки, ёлгон ва фитнанинг ҳадди-худуди йўқ, кўлами бора-бора ортса ортар эканки, камаймайди”, “Инсоннинг фожиаси шундаки, у амал қилишдан кўра, талаб қилишга кўпроқ мойил бўлади”, “Одамзодни гийбат, ерни шўр бузади”, “Соч толасининг ҳам сояси бўлади”, “Бу дунёдаги жамики мусибатларнинг илдизи таъмагирикка бориб такалади” каби мантикли, жўяли гапларни айтиб турадики, ёмонлик факат оми одамлардагина эмас, балки ҳаётий тажрибага, мантикий тушунчага эга бўлган одамлар кўнглида ҳам зухур бўлиши мумкинлигига ишоради.

Қисса якунида ровийнинг муаллиф сифатида намоён (яъни – “Маҳмадона”) бўлиши маъқул усул эмас. Қиссада авария бўлган мотоцикл ва машина двигателларининг ўчмасдан туриши, Жонгулнинг гап-сўзлари ўқувчини ишонтирмайди.

Анвар Обиджоннинг “Мўтгивоймисан, Митгивоймисан?” қиссаси “Ёшлик” журналининг 2016 йил 1-2-сонларида чоп этилган. Қисса: “Э, ошнажонлар-а, жа ғалати иш бўлди-да. Икки оёқда унчалик лапангламасдан юра олишимга қаралса, ҳарқалай, одам деса дегулик бўз бола эдим, кўзни бир очиб юмгунча тўрт оёқли кучукчага айланиб ўтирибман-ку”, – деган сўзлар билан бошланади. Сюжетнинг бу тартибда берилиши адабиётшуносликда ретроспектив сюжет дейилади. Яъни воқеалар кульминациядан бошланиб кетади.

Қисса тағматнида ҳалоллик, тўғрисўзлик, меҳнатсеварлик, бошқаларнинг ташвишини ўзиникидай ҳис қилиш, одамларга қор келиш, атроф-муҳит, жонзотларга меҳр кўрсатиш инсонийликнинг энг улуғ сифати эканлигини кўрсатиш, бу сифатларга амал қилмаган инсоннинг ҳоли вой бўлиши муқаррарлиги тасвирланади.

Асар болаларбоп тилда ёзилган бўлиб, сўз ўйинлари, аския усулидан ҳам маҳорат билан фойдаланилган.

Бола тарбиясида катталар орасида бўлиш, уларнинг тирикчилик тарзи билан яқиндан танишиш яхшилик ва ёмонликнинг фаркига боришда катта аҳамият касб этиши Мўтгивой мисолида тасвирланади. Қуш уясида кўрганини қилади. Бола шўх, ўйинқароқ бўлса-да, унинг лексиконида бувисининг, умуман, катталарнинг тарбиявий таъсири сезилиб туради.

Ўзгаларнинг дилини оғритиш, қарғиш олиш, жониворларни, умуман, табиатга озор бериш нималарга олиб келиши ёш Мўтгивой мисолида очила боради.

Анвар Обиджоннинг “Мўтгивоймисан, Митгивоймисан?” қиссаси қахрамони Мўтгивой “Шум бола” қиссасидаги Қоровой, “Сарик девни миниб” асаридаги Ҳошимжон, “Мешполвон” асаридаги Мешполвон образлари каби болаларнинг севимли қахрамонига айланиб қолиши аниқ.

Абдужалол Раҳимовнинг “Тоғ гўзали” (“Ёшлик”, 12-сон) қиссаси мавзуси ҳам “Бойкўнғир лолалари” қиссасидаги эпизодларга ўхшаб кетади. “Тоғ гўзали” қиссасидаги қаҳрамон бошидан ўтган воқеалар Муस्ताқиллик даврида хизмат қилган Бердиёр, унинг Ойдин қишлоғилик покиза қалб эгаси Санамой билан кечган пок муҳаббат кечинмалари, дўсти Ғайратнинг ғаразли мақсадлари таъсирида пайдо бўлган тугёнларини жиловлай олмай, бир умрлик афсус-надоматда қолишдан хикоя қилинади.

Қиссадаги воқеалар ҳаётда жуда кам учрайди, яъни, типиклик касб этмайди. Бирок ҳозирги адабиётда биргина инсон кечмиши билан боғлиқ воқеаларнинг тас-

вирланиши кўплаб учрамоқда. Бу ҳол адабиётнинг эскича қолиплардан воз кечиби, янгича тамойиллар сари интилаётганлигидан дарак беради.

“Тоғ гўзали” киссаси қаҳрамони Бердиёрнинг кўнглидан кечаётган туйғулар, ёш йигитнинг беғубор илк муҳаббати ва бир оғиз сўз билан завол топишини ўқиган ҳар қандай китобхон қалби ларзага тушади.

Қисса тилининг раволиги, сўзларнинг қаҳрамон руҳиятига мос тушиши киссадаги лиризмни янада оширади. Асар қаҳрамонларидан бири Ғайрат характеридаги худбинлик, ўзганинг бахтини кўролмаслик иллоти ҳам ўз ажрини кўрсатди. Ёшлигининг айна ўйнаб куладиган даври ота-она, қариндош-уруғ, ошна-оғайнисидан йироқда, бир тирноққа зор бўлиб ўтди. Ўз яқинларидан ажралиб, ёлғизликка маҳкум бўлди.

Қиссадан чиқариладиган ҳисса шуки, вақт олий ҳакам, у одамларга бўйсунмайди, ўтган йиллар, бой берилган умидлар, ўйланмай қилинган ёки ташланган қадам кўнглимизда армон бўлиб қолаверади. Эҳтирослар орқасидан қувиб, юрак амрига, ақлга суянмаган ёшларга – ўйламай босилган ҳар қадамнинг саслари, умр поёнига-ча инсонни таъкиб этиши ҳақида огоҳлантириб туради.

2016 йилда “Шарқ юлдузи”, “Ёшлик” журналларида чоп этилган қиссаларни ўқиб, хулоса қилиш мумкинки, ҳозирги қиссаларда қаҳрамон ҳамда воқелик, сюжет ва композиция структур-семантик жиҳатдан ўзгаришларга учрамади, ўзбек насрида тарихий, натурализм, рамзий-мажозий ва реалистик мавзуларда қиссалар яратилаётир, айрим қиссаларда публицистик руҳ, баёнчилик етакчилик қилади, яъни қисса жанри билан очерк унсурлари қоришиб кетган. Бу йилда болаларбоп асар сифатида Анвар Обиджоннинг “Мўттивоймисан, Миттивоймисан?” киссасини кўрсатиш мумкин, Бахтиёр Абдуғафурнинг “Кибр минораси” киссасини эса рамзий-мажозий маънодаги мукамал қисса дея эътироф этиш лозим.



**Ўзувчилик санъатининг ярми-дан кўпи нимани ёзиш кераклигини билишдан эмас, нимани ёзиш керак эмаслигини билишдан иборат.**

**Озод ШАРАФИДДИНОВ**



Гулноз  
САТТОРОВА

## ҲИКОЯЧИЛИГИМИЗНИНГ БУГУНГИ ҚИЁФАСИ

XXI аср боши адабиётини кузатар эканмиз, уларда акс этган муаммолар, поэтик ўзгаришлар, қаҳрамон руҳиятидаги янгиланишлар, ифода ва тасвир йўсинининг ўзига хослиги билан аввалги йиллардаги адабиётдан фарқ қилади. Бугун адабиётимизга тажрибали ижодкорлар билан бирга чет тилларни биладиган, ахборот технологияларини пухта ўзлаштирган ёшларнинг кириб келиши қувонарли ҳолдир. Бугунги ҳикояларда ўзбек дарди, унинг дунёқарashi, жаҳон адабиётида бадий жихатдан рўй бераётган янгилликларга ҳамоҳанглиги, инсониятни безовта қилаётган муаммоларни акс эттираётганлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

Ҳикояларни таҳлил қилишда биз асосан уларда кўтарилган муаммо ва масалаларнинг қай тарзда ёритилиши, ифода усулларига кўра: анъанавий, ижтимоий, маънавий, тарихий, ҳажвий ҳикоялар деб тасниф қилдик. Ва бу ҳикоялардаги анъана ва янгилликлар, тамойиллар, бадий жихатдан уларда рўй бераётган янги эврилишларни кузатдик.

Ҳикоячилигимиздаги анъанавийлик хақида гапирганда Нурали Қобул, Эркин Аъзам, Нормурод Норқобилов, Собир Ўнар, Абдуқаюм Йўлдош, Ражаббой Раупов, Қўчқор Норқобил асарларини таъкидлаб ўтиш лозим.

Бугун адабиётимизда аёл ижодкорларнинг иштироки анча ўсди. Зулфия Куролбой кизи, Маъсума Ахмедова, Муяссар Тиловова, Лола Ўроқова, Жамила Эргашева, Санъат Махмудовалар ижодидан намуналар матбуотимиз саҳифаларида тез-тез кўриниб қолди. Улар ижодининг етакчи хусусиятларидан бири – аёл психологик дунёсини, унинг жамиятдаги ўрни, маънавий ахлоқий хусусиятларини очиб беришга қаратилган. Зулфия Куролбой кизи каламига мансуб “Аёл” (“Китоб дунёси”) ҳамда “Етим уй” (“Ёшлик”) ҳикоялари юқоридаги фикрларимизнинг далилидир. Ҳар икки ҳикоянинг ҳам асосий марказида аёл образи туради. “Аёл”да муаллиф аёл руҳиятидаги бир-бирига қарши, бир-бирини такрорламайдиган нозик кечинмалар, айни пайтда унинг ҳеч бир куч енга олмайдиган қудрати аёллик ғурури хақида ҳикоя қилади. Муаллифнинг иккинчи ҳикояси “Етим уй”да ҳам аёл шаъни хақида сўз боради. Биринчи ҳикоядаги Назокат оиласи томонидан ардоқланган, эрининг муҳаббатига сазовор бўлган аёл сифатида тасвирланса, иккинчи ҳикоядаги Раъно

*Гулноз САТТОРОВА – филология фанлари номзоди. 1969 йилда тугилган. Бухоро давлат педагогика институтини тамомлаган. Муаллифнинг “Миллий характер ва бадий талқин” илмий монографияси, шунингдек, республика ва хорижий журналларда элликка яқин илмий ва публицистик мақолалари чоп этилган.*

гўзаллик ва латофатда Назокатдан қолишмаса-да, аммо муносабатларда бунинг акси кўринади. Раъно аёллик бахти борасида омадсиз. Ўгай она кўлида тарбияланиб, унинг ситамларидан безиб шаҳарга келиб қолган. Аммо шаҳарда ҳам омади келмаган. Ижарама-ижара юриб, оилали одам билан яшайди. Кўни-кўшнилари унга нисбатан муносабатлари ҳам дуруст эмас, кўшнилари уни ахлоқсиз деб билишади. Бу эса Раънода инсонларга бўлган ишонччи сўндиради. Ҳатто уни чин дилдан севиб турмуш қуришга аҳд қилган Кўчқор акага ҳам ишонмайди. Адиба икки аёл тимсолида икки тақдирни тасвирласа-да, асосий ургуни битта нарса – аёллик шаъни ва ғурурига қаратади. Бахтдан масрур аёл учун ҳам, шаъни топталган аёл учун ҳам кадр муҳим, деган хулоса беради. Ёзувчи бирор ўринда бу ҳақда очик гапирмайди, лекин бу нарса қахрамонлар руҳий олами тахлилидан аён кўринади. Назокатда ғоя унинг эрига, ҳамширага, даволовчи врачга бўлган муносабатлари орқали очилади, Раъно образида бу ҳолат шу даражада маҳорат билан очиладики, унинг руҳияти нигоҳлари, ҳаракатлари, ҳатто сукунатида кўринади. Ҳар икки ҳикоянинг ютуғи ўқувчига тайёр ечимнинг берилмаганлиги, ечим ўқувчининг ўзига ҳавола қилинганидир.

Шундай ҳикоялардан яна бири Лукмон Бўрихоннинг “Кўнгили сезиб турибди” ҳикоясидир. Бу ҳикоя қахрамонлари ҳам аёллар. Лукмон Бўрихон қахрамонлари бугунги замон билан ҳамқадам “тадбиркор” аёллар. Бу асарда ҳам аёлларга ҳос психологик ҳолатлар тасвирланган, аммо улар Зулфия Қуролбой кизи яратган аёллар характеридан тубдан фарқ қилади. Энди улар заифа, ожиза деб эмас, кўлидан ҳамма иш келадиган, эркакка ҳам, унинг муҳаббатига ҳам муҳтож бўлмаган, бутун рўзғор юқини елкасига олган аёллардир. Ёзувчи бу образлар орқали икки мақсадни кўзлайди. Биринчиси, бугун жамиятда иллат даражасига келган, бутун рўзғор юқини аёлларнинг елкасига ортган эркакларни танқид қилса, иккинчиси, бу юқини ўз ихтиёри билан орқалаб кетаётган пул ва мол-дунё орттириш йўлида ўзлигини йўқотаётган аёлларнинг умумлашма образини яратади. Танланган йўлнинг тўғри ёки нотўғри эканлиги ҳақидаги хулосага келиш қахрамоннинг ўзига ҳавола қилинади. Ҳикоя ўқувчини мушоҳада юритишга ундайди.

Маъсума Аҳмедованин “Ҳамдардик” ҳикоясида ҳам икки ҳамдард аёл руҳияти манзаралари очиб беришга ҳаракат қилинган. Бунда ҳам аёлнинг туйғулари, пой-мол этилган кадр учун қураш манзаралари тасвирланади. Афсуски, ҳикояда анъанавий баён устуворлик қилади. “Яшил пальто”да (“Шарк юлдузи”, 2016 й. №4) ҳам шу манзара такрорланади.

Асарларида она, аёл тимсолига тез-тез мурожаат қилган адибларимиздан бири Исакон Султондир. “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида босилган “Мен, онам ва Ўрта Ер денгизи” ҳикоясида унинг она образини алоҳида меҳр билан тасвирлаганини қузатамиз. Ҳикоя чуқур психологизм ва драматизмга бой.

“Онам... ўзгариб қолибди-ку?” деб ўйлайман билдирмасдан разм солиб.

Қадини тик тутиб, мағрур юришлари ўша-ўша, бироқ аввалги шиддати сезилмайди. Секинроқ, авайлаброк қадам босади. Мен олдин кўрмаган, пайқаммаган кўп хавотирлар бор бу киёфада”. Асарда муаллиф ўзбек онаси киёфасини, фазилатларини, ҳеч кимга ўхшамайдиган қирралари, дунёдаги воқеа-ҳодисаларга, оилага, элулуга, зурёдига, ота-онага муносабатини бадиий ифода этади. Аммо бирор ўринда унинг миллатига очик ишора қилинмайди. Бу ишораларнинг ҳаммаси матн ости маъноларига юклатилади. “Одамлар сувни тўғридан-тўғри идиш оғзидан ичишаверади. Онам эса ўйланиб туриб “Пиёласи йўқмикин” деб атрофига аланглайди.

– Шундоқ ичаверинг, қаранг, ҳамма шунақа қилипти.

– Э йўқ, кўйсанг-чи, уят бўлади”.

Мана шу биргина “уят бўлади” жумласининг ўзиёқ ўзбек онаси тимсолини кўз олдимизда гавдалантиради. Ҳикоя давомини ўқир экансиз, Онанинг “еганим ичимга тушмади”, “иймандим” каби сўзлар унинг характеридаги бағрикенглик, меҳр-муҳаббатни ифодалайди. Асардаги кучли лиризм унинг энгил ўкилишига кўмак беради.

Абдуқаюм Йўлдошнинг “Қотил” ҳикояси ижтимоий муаммолар, кишлоқ ҳаёти масолида каламга олинади. Ҳикояга тухмат сабаб қотилга “айланган” шахс ҳаёти асос қилиб олинган. Ушбу қаҳрамон халқ тили билан айтганда “емаган сомсага пул тўлаган” одам образидир. Қаҳрамоннинг аслида ким эканлиги асар сўнгигача сир тутилади. Ҳикояда дунё аҳамиятига молик кашфиётлар яратган зиёли қисмати тасвирланади. Қаҳрамондаги иродасизлик, қатъиятсизлик уни ўз қадрини йўқотишга, қилмаган иши учун айбдор бўлишга олиб келиш баробарида, ўз мақсад ва умидлари, келажакнинг қотилига айланган. Ёзувчининг “Даҳшат”, “Йўл қўймайман” ҳикояларида ҳам шу каби нутилиётган инсоний муносабатлар, кадр-қиммат ҳақида сўз боради.

Шойим Бўтаевнинг “Кўчада қолган овоз” ҳикояси мавзу муштараклиги билан юкоридаги асарларга яқин туради. Бутун умр жамият учун хизмат қилган, аммо ундан кутганидек эътибор кўрмаган зиёли қисмати Шукур образи орқали ёритилади. Шукурга доимо унинг номини айтиб қакирилгандек овознинг эшитилиб туриши умидворликка ишора бўлса, иккинчидан ёзувчи ҳар бир киши қилган ишларининг муқофотини олиши керак дейди.

Бу йил яратилган ҳикоялар орасида Улуғбек Ҳамдамнинг “Яхшиям сен борсан” ҳикоясини фалсафий-рамзий ҳикоянинг энг яхши намуналаридан бири сифатида эътироф этиш мумкин. Ҳикояга Қуръони Каримнинг “Ҳаж” сурасидаги “...ва албатта, Оллоҳ қабрлардаги кимсаларни тириштирур...” ояти эпиграф қилиб олинishi ҳам чуқур мушоҳадага ундайди.

Асар сюжети бошдан охиригача рамзлар асосига қурилган. Юсуф, Зулайхо, мўйсафид, бозор, бошқарма, қабристон каби рамзлар инсонни фалсафий мушоҳадакорликка чорлайди.

“Бозор эмасми, одам гуж-гуж, биров у томонга, биров бу томонга ошиқади, дам елкалар туртишиб кетар, дам юзлар денг, дам оёқлар чалишар, дам эса фикрлар... Устига-устак, турфа хил дўкон, уларнинг минглаб сотувчилари, сотувчиларнинг оғзидан чиқаётган миллионлаб таклифларни айтмайсизми. Юсуф Зулайхонинг қўлидан маҳкам тутиб олганча, ҳеч нимага қарамай, “Чиқиш”нинг ҳаёли билан йўл босар, бас, қиз ҳам шуни истарди”. Ёки: “Қаҳвахонадан чиқиб ўнгга, кунчиқишга қараб юринглар, чалғиманглар. Узоқдан дарвоза кўринади. У на “Кириш”нинг ва на “Чиқиш”нинг дарвозаси. У кўҳна қабристон дарвозаси” каби жумлаларни ўқиган ўқувчи ўзини асар қаҳрамони деб тасаввур қилади. Беихтиёр бозордаги Чиқиш эшиги ҳақида ўйлай бошлайди. Ҳикояда нафси жиловлаш, ўзликни англаш фалсафаси етакчилик қилади.

Нормурод Норқобилов ўзбек адабиётида миллий қадриятлар масаласини акс эттирувчи асарлари билан ўзига хос ўрин эгаллаган ёзувчилардан саналади. Адиб “Янги эртак” ҳикоясини ўзбек халқ эртакларининг энг яхши намунаси “Зумрад ва Қиммат” эртаги стилизацияси асосига қурган. “Бир бор экан, бир йўқ экан” деб бошланади ҳикоя. Ҳикоя давомида воқеалар эртак воқеалари билан мувофиқликда бериб борилади. “Қизча ушбу эртак туфайли чеккан руҳий изтироблари – Зумрадининг тақдири энди ўз бошига тушишини ўйларди”.

Ўғай она ҳақидаги тасаввурлари, изтироблари халқ эртагидаги Зумрад билан тақдирдош қизчага тинчлик бермайди. Муаллиф унинг руҳиятидаги эврилишларни Ўғай она қиёфасини фариштасифат аёл қиёфаси билан алмаштирилишига қадар чизиб боради. Асарда муаллиф мурғак қалбларга қандай туйғуларни сингдирсак, умр бўйи шу туйғулар асири бўлиб қолишини таъкидлайди. Қизчанинг тасвир ва таассуротлари натижаси шуки, она сўзига ҳеч қандай салбий иборани қўшиб бўлмайди.

Собир Ўнар асарларидаги ўзига хослик характер хусусиятларини очишда қаҳрамон нутқининг жозибadorлиги эътиборлидир. “Чўл ўртасидаги шийпон” ҳикояси қаҳрамонларидан бирининг тили билан айтганда “тил-забон битиб, чунон иборалар қўллайдики, ўқувчи бу чечанлик қайдан экан, деб қолади”. Адибнинг бу ҳикоясида содда қишлоқ одамларининг ҳаёти қаламга олинади. “Вақт эса улуғ китобда таъкидланганидек, шамширнинг дамидан ҳам ўткирди. Зотан, одамнинг гурурланиб, кибрланиб юришига ҳеч бир асос йўқ. Шабада ҳам, гарчи инсонни эркалаган каби бўлса-да, вақтни эслатгани учун тиг кабидир. Тоға буни билиб, хис қилиб яшайди”, деб ёзади муаллиф асарда. Қаҳрамонлар исмига қўшиб айтилидиган ажабтовур лақаблар улар тилининг халқоналигини янада оширади. Жамиятдаги маиший муаммоларга ўралашиб қолган, ҳаётнинг мазмуни пул ва мол-дунёдан иборат деб биладиган, бировга қилган яхшилигию, савобини мисқоллаб ҳисоблаб юрадиган кимсалар билан бирга атрофимиздаги на инсонийлик, на ахлоқ нормаларига тўғри келадиган иллатлар тасвирланган “Сариштали одамлар” ҳикоясида ҳам Муртоз “честний” образи орқали шундай ҳолатларни кузатиш мумкин.

Кўчкор Норқобилнинг “Қорбобо”, Жўра Фозилнинг “Совға”, Ғози Раҳмоннинг “Қорхат” ҳикоялари мавзу жиҳатдан янги йил ҳангомаларига ўхшайди. Бироқ, Кўчкор Норқобилнинг бу ҳикояси шунчаки янги йил совғаси ёки Қорқобонинг оддий ташрифи ҳақида эмас, балки номсиз урушнинг асоратлари, оғриқлари ҳақидаги ҳикоядир. “Тош йиғлади, юзининг иссиғи ерни куйдираётган ошнам Азизнинг қуюшқони қирмоч ковураётган қилиғидан ўзимни қўярга жой тополмадим”, деб бошланади ҳикоя. Асарнинг номи ва унинг бошланмасидаги номуаносиблик ўқувчи диққатини тортади. Ҳикоя қаҳрамони Қорқобобо – афғон уруши иштирокчиси. Уруш тугаганига анча йиллар ўтса ҳам ундан қолган асоратлар дунёнинг ҳар бурчида бор ва улар инсониятга ҳар қадамда ўзини билдириб келяпти. Қорқобонинг кўнглида ҳам бу асорат тинчлик бермай яшайди.

Ёшлар ижоди ҳақида гапирганда мактабнинг гапиришга арзигулик асарларнинг камлиги бизни ўйлантиради. Улар ижодига баҳо беришда ҳушёрроқ бўлиш керак, деб ўйлайман. Мен бу борада “Ёшлик” журналы тажрибасини таъкидлаб ўтиш жоиз деб ўйлайман. Журнал саҳифаларида ёшлар ижодидан берилган намуналар тақризлар билан берилаяпти. Тақризлар тажрибали ижодкор, адабиётшунос ва тенгқур ижодкор томонидан берилади. Улар ижодига холис баҳо бериш жуда масъулиятли масаладир. Чунки биринчи асаридан мактов эшитиш ижодкорга қанот бағишлаши ёки аксинча бўлиши мумкин.

Ўтган йили бу журналда ана шундай ёшларимиздан Санжар Турсуновнинг “Қулай” ҳикояси берилди. Ҳикоя ҳақида Абдулла Улуғов, Исажон Султон ҳамда ёш ёзувчи Абдулла Чимирзаевларнинг мулоҳазалари билдирилган.

Ҳикоя қаҳрамони Қулай биз билан бир муҳитда яшаётган ўсмирлар образининг умумлашмаси. Ҳикоя Абдулла Улуғов таъкидлаганидек, “Жўшқин эҳтирослар” билан ёзилган. Шу эҳтирослар билан давом этади. Ижодкор қаламга олган мавзу ҳам долзарб. Аммо воқеалар тафсилоти, хулосаларда биров тажрибасизлик кўринади. Бу айниқса, онанинг вафоти олдидан ўғли билан қилган суҳбатларида кўринади.

Ҳикоя жуда узун жумлалар асосига қурилган, бу эса баъзи ўринларда тил меъёрларининг бузилишига олиб келган.

Ёш ижодкорлардан Асрор Аллаёровнинг “Қарор” ҳикояси ҳажман кичик, реал воқеа ва руҳий тасаввур асосига қурилган. Ҳикоя қаҳрамонининг ўз ҳайкалини ҳаётлигидаёқ ўзига ҳайкал ясатишга уриниши инсоннинг мангуликка интилишини таъкидласа, эллик йилдан буён турган ҳайкални беҳосдан фаррош хотин синдириб қўйилиши ва бу кимники эканлигини ҳеч ким билмаслиги қаҳрамонни ўзига ҳайкал ясаттириш қароридан қайтаради. Инсон номининг мангуга қолиши учун ҳайкал эмас, қилган ишлари муҳим, деган хулосага олиб келади. Рамзлар асосига қурилган бу ҳикояда мафқуралар қурбонига айланган доҳийларнинг фожиасига киновий ишора бор.

Ёшларимиз ҳикояларида кўнгилни тўлдирмайдиган умумий жиҳатлардан бири улар психологизм ва драматизмнинг етарли эмаслигидир. Кўнгилга яқин образлар, бадий конфликт кам. Ёшларимиз асарларидаги макон ва замон мавзуси алоҳида диққатга лойиқ. Негадир ёш ижодкорларимиз ўз ҳикояларида шаҳарни соғиниш мумкин эмасдек, меҳр-окибат, қадриятларни қадрлаш фақатгина кишлоқда қолгандек тасвирлашади. “Зарчопон”, “Уччанок”, “Ёнғоқ излаб” каби қўплаб ҳикояларда шундай ёндашувларни кузатиш мумкинки, гўё шаҳар меҳрсизлик, қадрсизлик макони. Баъзиларида ёзувчининг бадий нияти очилмай қолади. Сарвар Тўраевнинг “Зарчопон”, “Кеч бўлганда”, Жасур Кенгбоевнинг “Мунг”, “Нотаниш аёл”, Бахтиёр Нуриддиннинг “Эски удум”, “Онаизор”, Акмал Муроднинг “Уччанок” ҳикояларида қаламга олинган мавзулар ҳам маиший мавзулар бўлиб, муаллифлар уларни тасвирлашда оддий баёнчилик йўлидан борадилар.

Хулоса қилиб айтганда, 2016 йил ҳикоячиликмиизда қаҳрамонларнинг фикр тарзи, фалсафий мушоҳадакорлик, психологик дунёси эстетик таҳлил қилингани, ижтимоий-фалсафий, эстетик, маънавий-ахлоқий муаммолар тасвири етакчилик қилгани, имон-этикод бутунлиги масаласига умуминсоний қадриятлар нуқтаи назаридан ёндашилгани, айрим ёзувчилар ижодида анъанавийлик қолипларидан холи, замон ва макондаги қаҳрамонлар ва муаммоларга эркин ёндашув пайдо бўлгани, жаҳон адабиётида рўй бераётган ўзгаришларга ҳамоҳанг, инсониятни ўйлантираётган долзарб муаммолар қаламга олинган асарлар яратила бошлангани қувонарлидир.



## Фироқинг зарраси қалбим



Шоира ҚАЛАНДАРОВА

\* \* \*

Дилингда телбаликдур фан гахи дилдўз, гахи дилбар,  
Тилинг турфа никоб хар дам гахи нозиш, гахи наштар.

Учирса то насими шўх шабах парданг юзунгданким,  
Бу гулшанда кўзинг наргис гахи навха, гахи анбар.

Жамолинг рашк этиб мандин ёниб кўксини чок айлар,  
Вале, келсанг қочар бир-бир гахи моху, гахи ахтар.

Фироқинг зарраси қалбим этиб сахро қабартиргай,  
Висолинг чашми ҳам, афсус, гахи оғу, гахи кавсар.

Дегай Шоира назмида сенинг отингни ўлгунча,  
Анинг ишки қалам узра гахи мубхам, гахи манзар.

\* \* \*

Жамолинг олдида бу кун кўзда ёшим бесабабдур,  
Ишк булоғи очса гар кўз, тош ёрилса, не ажабдур.

Жон талош хаёлларим-ла баҳорий феълда бу кўнглим,  
Гоҳ қуёш бўлмиш чароғон, гоҳ эса ёмғир талабдур.

Келмаса соғинч ёмондир, келса бу титрок ёмон,  
Лолазор айлар ёноғим, билмадим, бу не адабдур?

Неча ойким бемадордур бу тану бу устухон,  
Кел, висолинг чора қилки, бу захм ўтгуси шабдур.

Шоира, ишк имтиҳони олдида толиб дилинг,  
Истасанг олий мақомлиғ, сабр комида тарабдур.

*Шоира ҚАЛАНДАРОВА – 1978 йилда туғилган. Урганч давлат университетининг ўзбек филологияси факультетини битирган. Унинг “Орзулар қояси” номли шеъррий тўплами нашр этилган.*

\* \* \*

Иккимиз кўйсак кадам, сахро уза гулзор бўлар,  
Ҳам бу гулзор толеида тоабад баҳор бўлар.

Ул баҳор бағрида гуллар қалбимизда ишк ҳам,  
Ишкимиз анфосига гул-лолалар хуммор бўлар.

Ул гули лола юзини ҳар наҳор шабнам ювар,  
Шабнами озода бирла шуълаи анвор бўлар.

Шуълалар кўйнида булбул, тўтилар ҳар ён учиб,  
Дилрабо, хуш нағмаларин авжи устувор бўлар.

Нағмалар етти фалак токини тутса, не ажаб,  
Ҳар фалак устунида севги сабоғи бор бўлар.

Кел, саодат устунин бунёдини мен бирла қур,  
Мен билан неки яратсанг, анда файзосор бўлар.

Шоира қуллуқ этар не бор яратик олдида,  
Иккимиз бор – ишк бор, оламки барқарор бўлар.

\* \* \*

Не мушкул бор ҳаётимда, умид қилган нажотим – сен,  
Мурод дарёсида оққан, ки, бори ул ҳаётим – сен.

Неча йил ўтди гафлатда каломинг тилга олмасдан,  
Вале, энди бутун умрим сано сенга, баётим – сен.

Жамолинг васфида гарчи забоним кўп равон эрмас,  
Яна меҳнатга урдим ўзники, топган саботим – сен.

Таниб ишқингни бу руҳим асл озодлигин топди,  
Этай парвоз ҳузур маъвосида, токи, қанотим – сен.

Қачон олдинга борсам бу олиб номаи аъмолим,  
Билиб-билмай на бор қилмишга тортар чин уётим – сен.

Агар менга раво кўрсанг, не ғурбат бор ризодурман,  
Паноҳинг элга бўлсин, анда боғим бор, бисотим – сен.

Фано ичра тавалло айлағай Шоира то охир,  
Висолинга абад етмоққа ёлғиз илтифотим – сен.

\* \* \*

Гулойим, севганинг бегона бўлди,  
Хаёли бирла дил ғамхона бўлди.

Кўзинг дарёמידир, ашқинг узилмас,  
Селобидин жаҳон вайрона бўлди.

Фирок ўтинг етар бошимга бир кун,  
Кўнгил оташ уза парвона бўлди.

Таассуф, беададдир ҳажр йўли,  
Ғарибинг мажнуни девона бўлди.

Ситамлар кўп чекиб эрдим фанодан,  
Бари бир ён, бу ғам бир ёна бўлди.

Сабоқ бўлди хатоим халқ ичида,  
Олиб ибрат улус фарзона бўлди.

Демаки, Шоира ишқи ниҳондур,  
Қаламдан тушдию афсона бўлди.

\* \* \*

Сарвқад гулсан, сумансан, мен хазона ҳажрдин,  
Моҳсан, шамси зиёсан, мен шабона ҳажрдин.

Қоя бошида гиёҳдурсан, шифолиғ истадим,  
Ажздур пойим етолмас ул макона ҳажрдин.

Ишқ ханжарми, ҳазор айлар дилим ҳар нимтасин,  
Қисматимда йўқмикан дорул амона ҳажрдин.

Бўлмадим эл бирла сирдош, ёлғизи гумроҳмен,  
Чун ситам солмиш бошима бул замона ҳажрдин.

Ҳасратимдин куйди, найлай, байти вайронам бу кун,  
Қолмади оламда ўзга ошёна ҳажрдин.

Қай сари йўл солмайин анда манингдек зор кўп,  
Остонанг узра бари зоҳидона ҳажрдин.

Шоира, гар зуҳд аро топсанг жамолин ёрни,  
Айт сано, даҳр аро бўл сўфиёна ҳажрдин.

\* \* \*

Ғапирсанг, ман эшитсам, то тонг отгунча,  
Ҳилол кўксинда Зухросин уйғотгунча.

Ғариб жонимни савдосинда куйдирган,  
Қаро холинг нигоҳим узра ботгунча.

Қадам кўйсак, баҳорий боғ уза ёлғиз,  
Насим шўхдирки, сирни элга сотгунча.

Қабарган ташна сахро бўлди бу қалбим,  
Висолинг чашмасидин қатра тотгунча.

Айиргай кимки, севган гулни булбулдан,  
Уволи тутгай, Оллох бир сўротгунча.

Келар билгим, ҳаётинг лаҳзасин тўксанг,  
На дардинг бор, чекай жонимки торгунча.

Севар деб, Шоиранг йиллаб умид этган,  
Ки, бармоғи узукдан зебни топгунча.

\* \* \*

Келки, жонимдин ҳалоку нотавоним йўқ манинг,  
Кўрки, кўнглимдин ғарибу безабоним йўқ манинг.

Манда роҳатдин нишон йўқ, санда шафқатдин нишон,  
Шу сабабдин кўзима нурлиг жаҳоним йўқ манинг.

Хаста жисмимнинг ҳаётда иштиёқин топмадим,  
Ломакон остинда руҳим, жовидоним йўқ манинг.

Бир хазон урган чаманман, не баҳор, не ёзи бор,  
Муттасил – қор, абри наҳор, ҳеч замоним йўқ манинг.

Одаму Ҳаввода қисмат эрди бу оламда ишқ,  
Ман-да севдим бир қараб, токай, ниҳоним йўқ манинг.

Фурқатинг озори тинмай тирнаюр бир қуш каби,  
Нимта қалбим қон, ҳамон дориломоним йўқ манинг.

Билмадим, севгинг ила токай паришон Шоира,  
Ҳиссиёт мавжида байтманким, маконим йўқ манинг.

# ИЧОН ҚАЎДАГИ ОЙДИН КЕЧА

Эссе



Комил АВАЗ

Хива манзараси, Ичон ёки Дишон қалъа хаёлий оламинда бўй тортар экан, инсон қувваи ҳофизасини англотивчи ботин ва зоҳир ила бўйлашгандек бўламан. Қадимий, аммо ҳамиша навқирон бу икки алп келбат қалъа бир-бири билан узвий боғлиқдек тасаввур уйғотса-да, уларнинг ҳар бири ўзгача бир тилсимий маъводек менинг назаримда...

Яна бир қиёсий манзара ёдга келаверади. Ҳинднинг улкан ёзувчиси Рабиндранат Тагор шундай деган экан: “Европа кундузга менгзайди – шовқинли, Осиё эса оромбахш, сокин окшомга ўхшайди”.

Худди шу манзарани Хива мисолига кўчирсак, умргузаронлик ташвишидаги одамларнинг ғала-ғовури, серкатнов кўчалардаги турфа хил машиналар шовқини билан – Дишон қалъа кундузга менгзаса, Ичон қалъадаги сокинликка ҳатто чигирт-каларнинг чириллаши ҳам дахл қила олмайди. Айниқса, ойдин окшомларда, Ичон қалъанинг сокин салобати кишини сирли олам каби ўзига чорлайди. Бу пурвикор қалъа билан қалбан мулоқотга киришмоқ ҳаммагаям насиб этавермайдиган илоҳий неъмат десам, муболага бўлмас!

Алҳола, сўзлашиш мароми, суҳбат сийловиди ҳам ҳикмат кўп. Гоҳ-гоҳ, киши баъзи бировларнинг бир оғиз калимасидан бош олиб қочмокка имкон кидирса, баъзи суҳбатдошларнинг дилкаш лутфидан, ботинида қанийди суҳбатимиз тугамаса деб ўтиради.

Мен ана шундай суҳбатижон фазилатли инсон билан олтмишинчи йилларнинг бошида, талабалик давримда танишганман. Бу забардаст рус адиби Владимир Солоухин эди. Россиянинг Ўзбекистонда бўлаётган адабиёт кунлари декадаси (ўн кунлиги) якуни Тошкентда, Алишер Навоий номидаги опера ва балет театрида ўтказилаётганди. Ўшанда саҳнага чиқиб келган шоир ўзининг “Колодец” (“Кудук”) деб номланган шеърини шундай кўтаринки руҳда ўқидики, худдики, менинг бутун вужудимда чумолилар галаси ўрмалаётгандек туюлди, ҳаяжонга тушдим. Сўзнинг қудрати, унинг маъно-мазмуни, залвори нафакат инсон қалбини, балки тили, дини ўзга мамлакатларни ҳам бир сонияда ўзига дўсту кадрон эта олишига ўшанда яна

*Комил АВАЗ – Осаҳий номидаги мукофот соҳиби. 1942 йилда тугилган. Тошкент тўқимачилик (ҳозирги тўқимачилик ва энгил саноат) институтини тамомлаган. “Ўтаётган вақт”, “Тонг экинги”, “Ибрат манзили”, “Қировли тонгдаги зурунглар”, “Ўзликни англаш хиёбони”, “Муқошифот” ва бошқа насрий ва назмий китоблари нашр қилинган. Гётенинг “Ғарбу Шарқ девони”нинг катта қисмини немис тилидан таржима қилган.*

бир карра амин бўлганман. Шеърнинг охирги бандлари хали ҳамон кулоқларим остида жаранглайверади: “Душевной влаги не таи, Но глубже черпай и пои!”

Орадан йиллар ўтиб, оғам Эркин Самандар билан Владимир Солоухиннинг дўстлигини эшитиб, кўнглимда бу адиб билан яқиндан суҳбатлашиб, ўртоклашиш нияти туғилди ва буни оғамга айтдим. Шу тахлит бизнинг учрашувимиз, суҳбатларимиз кадронлик, дўстлик сари эшик очди.

Сўнги учрашувимиз 1984 йил охирларида, Хоразмда, Янгибозор туманидаги Оёқдўрмон кишлоғида кечган эди...

Мен у пайтлар Янгибозор пахта тозалаш заводида ишлайман.

Уфқка бош қўяётган қуёш меҳмонхона боғининг қибла жавонибидаги ток ишкоми ортидан кизариб кўринади, бу гўзал манзарадан киши азбаройи хайратланиб, “валлоху аълам” деб юборади. Қорамтир-кизгиш “хирмони” узумининг бўлдомли сўлқимлари кечки қуёшнинг кизгиш нурларидан ял-ял ёнади. Бирортасини узиб олишга қўлинг бормаиди.

Владимир Алексеевич менинг ҳаяжонимни кўриб, ўзига хос Волгабўйи талаффузида жуда оддий, бироқ худди ишқом юкидай салобатли сўз айтди:

– Комилжон, сизлар бу ерда яшайсиз, бундай гўзалликни ҳар куни кўрасиз. Аслида менинг ҳаяжонланишим табиий. Чунки дунёнинг кўп жойларида бўлганман, бундай узумларнинг хилма-хили, турфа турларидан тотинганман. Аммо, бундай нафис ва лўппи бармоқларини кўз-кўз қилиб турган кизга ўхшаш узумларни илк бор кўриб туришим. Бу рост!

Албатта, Владимир Алексеевич сўзларини ўзбекча таржимада баён қиляпман. Унинг сўзлари ўзига хос талаффузда жуда бошқача оҳангда янтраган эди. Кишлоқ раҳбари, меҳмондўст, истараси иссиқ Мадрахим Рўзматов мийиғида қулимсираганча, атоқли ёзувчининг сўзларини жонқулоғи билан эшитиб, менга юзланди:

– Комилжон, меҳмонингиз жуда зукко, маданиятли киши экан, унга тушунтиринг, бундай узумларнинг “тоифи”, “шивирғони”, “маска”, “хусайни”, “хирмони” ва бошқа турли хиллари бизнинг юртимизда ҳамма хонадонларда етиштирилади.

Дарҳақиқат, Владимир Алексеевич кўпни кўрган, киришимли, маданиятли инсон. Ёши мендан анча катта, қолаверса, русларда аксарият сен деб мурожаат қилиш расм бўлишига қарамай мен билан сизлаб гапиришяпти. Мен Мадрахим аканинг ёқимли дил сўзларига тағин жиндак “асал” кўшиб таржима қилиб, меҳмонимизни янада қувонтиргандек бўлдим. Ўз навбатида Владимир Солоухин ижоди тўғрисида гапириб, кишлоқ раҳбарларига таништирдим. Менга ўзининг тўрт жилдлик “Сайланма асарлари”ни дастхати билан тўхфа қилган дея пича мақтандим.

Сўлим боғ саҳнида, дастурхон теграсидаги суҳбатимиз бир маромда кишлоқ ҳаёти, дехқончилик файзи, адабиёт, шеърят, санъат, маданият, маънавият ва маърифат хусусида борар экан, Владимир Алексеевич кизикарли, ҳаётий воқеалар ҳақида гапирди, шеърлар ўқиди. Мен ҳам бир-икки шеър ўқидим. Гурунгимизни тугатишга шошилмас, балки тонггача бўлсам адо бўлмаса эди дея ўйлардик.

Адиб билан икки-уч кундан бери ижодий учрашувларга боряпмиз-у, ўзимни кўпдан кизиктириб юрган, Владимир Алексеевич ҳаёти билан бевосита боғлиқ “Хукм” киссаси тўғрисида сўз очишга ҳеч имкон бўлмаётганди. Назаримда шу оқшом мавриди келди чоғи, сўрашга жазм этдим. Қисса бежиз “Хукм” деб аталмаган, деб ўйлардим. Бу инсонни ҳаётни бор муаммолари, ташвиш ва ғамлари билан севишга чақирувчи бир асар эди. Қисса қаҳрамони онкологик хасталикка учраган, яшаб қоладими, йўқми, бу катта бир савол. У ўзи каби дард чекаётганлар билан, шифокорлар билан мулоқоти давомида инсон умри ва унинг мазмуни борасида

талай кашфлар килади. Қиссада мана шундай бир эпизод бор (Қисса қахрамони муаллиф).

Бош қахрамон бир куни ўзига шундай савол беради.

– Қани, Володя, айт-чи, неча йил яшадинг?

– Қирк тўккиз.

– Бунга қанча вақт бўлди?

– Худди кечагидек, бир кун.

– Худо сенга яна қирк тўккиз йил умр берса, қанча бўлади?

– Саксон саккиз, лекин худди эртадек – бир кун...

– Шу бир кун учун шунча азоб чекиб ўтиришинг керакми?

У саволига жавоб кутмай, режалаган ишларини бажариш учун ўрнидан даст туриб кетади ва Петербург сафаридан машинада қайтишида, рухиятидаги ҳорғинликка ўхшаш ҳолат юрагини эза бошлайди. Шу мискин ўйлар билан Москвага яқинлашганда машина рулидан қўлларини олиб, ўзига ўзи шундай дейди: “Агар машина Кунцево томонга бурилса, демак жаррохликдан қочиб бўлмайди. Агар бурилмай, тўғри Москвага йўналса, операция килдирмайман”. Тақдирни қарангки, машина аста Кунцево томонга бурилади ва у операция столига ётқизилади. Қувончли томони шундаки, ундаги саратон касаллиги аломатлари ёмон сифатли эмас экан, мана бугун бир даврада, гурунглашиб ўтирибмиз...

Ўлтиришимиз якунига етай деб қолганда, ўша асар воқеаларини бир чимдим эслаганимни айтиб, сал тин олгач, сўрадим:

– Владимир Алексеевич, сизнинг ўша киссангизда “Қора денгиз” соҳилидаги санаторийга йўлланма ҳада килганингиз киз, ҳаётда борми?

У пиёладаги шарбатни хўплаётган жойида тўхтаб, бир нафас ўйлаб қолди:

– Ёзувчимисан? – деб, биринчи марта мени ўзига яқин олиб, сенсираб сўради ва жавобимни кутмай давом қилди. – Ўзинг ўйлаб кўр-чи, Анна Каренина аслида бўлганми?

Мен индамадим. У яна аста тамадди қилишда давом қилаверди. На у, на мен бу борада бошқа гап-сўз қилмадик. Хижолат бўлганим қолди ҳолос, лекин қўнглим жойига тушди. Кейин суҳбатимиз мавзуини ўзгарттирдим:

– Владимир Алексеевич, ҳаво ниҳоятда сайрбоб, тўлин ой мана шундай балкиб турганда Хивага борсанг... – ўзимга-ўзим гапираётгандек давом қилдим. – Ичон қалъада жимгина одимласанг, одимлайверсанг...

– Унга нима тўскинлик килади? – дея сўради қўлларини сочикка арта туриб Солоухин.

– Сизни шаҳардаги меҳмонхонага ташлаб кетишга қўзим қиймаяпти.

– Ундай бўлса, мени ҳам ола кетинг, – деди у яна сизсираб.

– Борсангиз ниҳоятда яхши, эсингизда бир умр қоларли иш бўлар эди-да.

– Кетдик. – деди.

Биз мезбонларга қуюқ ташаккур айтиб, шу ернинг ўзидан Хивага жўнадик.

\* \* \*

Владимир Солоухин билан кеч соат ўнлардан ошганда Ичон қалъа олдида келдик. Осмон тиник, ойдин. Отадарвоза берк экан, қиялаб очдим. Ой нури тушмаётганидан кираверишдаги икки томони дарвозали қатта даҳлиз қоронғида андак ваҳимали кўринади. Ичкаридаги дарвозани ҳам одам сиғадиганча очиб, ичкариладик. Тўлин ой бир жойда тўхтаб, ҳаёл огушида бу қўхна заминга боқаётгандек таассурот қолдиради. Ҳаммаёқ нурафшон. Жимжитлик. Бирон одам қораси кўринмайди. Ваҳоланки, Ичон

кальғада одамлар истикомат қилади, тўй-хашамлар бўлади. Лекин бугун “жинг” этган сас йўк. Бирор оғиз гап ортикча. Владимир Алексеевич жаҳонгашта одам бўлганидан факат “да-а” дея Кўк калта минорга хайратланиб боқди. Миноранинг нақшлари ой нурида янада кўкишроқ тусланиб, тарих ичкарисига торткилайди.

Юриб бораёпмиз, қадамларимиз “тўккилди” сиям қандайдир сирли эшитилади. Мадаминхон мадрасаси, Кўк калта минор ёнидан ўтаётди, Мадаминхоннинг фожиали ўлими билан боғлиқ тарихни батафсил гапириб бердим. Ва сўзимнинг охирида:

– 1855 йили Сарахс деган жойдаги савашда Хива хони Муҳаммад Аминхоннинг катл этилиши боисдан битмай, қурилиши чала қолган минора бу. “Кўк калта минор” номи билан тарихга кирган, – дедим.

– Икки оғиз билан тушуниладиган эмас бу тарих. Чамамда уни яхши ўрганиб, коғозга тушириш керак. Бу жуда катта иш бўлади, – деди Солоухин.

– Тўғри айтдингиз, Пятигорскдан Кисловодскка боришда, каттиқ ёғаётган ёмғирдан сакланиш учун Лермонтов йўл бўйидаги бир чайлада икки соатлар чамаси тўхтаб ўтган экан. Кавказ санаторийларида, дам олиш масканларида даволанаётган, ҳордик чиқараётган одамларни ана шу чайлага олиб келишади. Мен ҳам бир сафар ана шундай сайёҳлар орасида бўлганим учун гапиряпман. Ўша уй ва улуг шоир ижоди ва ҳаёти тўғрисида тушунтирувчилар мароқ билан шундай чиройли гапиришадики, уй ёдинда мўъжизавий маскан бўлиб муҳрланиб қолади.

– Сиз ҳам менга гапириб бераётганингиздек, ёзувчининг, шоирнинг тўхтаб ўтган эмас, истикомат қилган уйи ҳақида ёзинг. Назаримда, шундай қилинса, ҳам тарих, ҳам ижодкорнинг руҳи шод бўлади.

Солоухиннинг ундови кўп йиллардан буён кўнглимга тугиб кўйган ижодий истакни уйғотиб юборди. Зиёратга келган ҳар бир зиёратчига манзират кўрсатиб, ўтмишдан хотира бўлмиш тарихий саҳифаларини очаяётган ва беназир маънавий бойлигидан баҳраманд этаётган тилсимий қалъа ва унда яшаб ўтган машхур сиймолар борасида, алохида-алохида рисоалар рақам этилиши нечоғлиқ шарафли иш эканини айни шу дамда янада теранроқ хис этдим.

Чап томонимизда Кўхна Арк. Окшом чоғидаги унинг ҳайбати, шукуҳи бошқача таассурот қолдиради. Кўхна Арк майдонида қайтишимизда кирармиз деган фикр билан ўн-ўн беш қадамча ўтиб, ўнг томонимиздаги уй олдида тўхтадик.

– Мана шу уйда улуг шоир, Ўрта Осиёда биринчи нотани кашф қилган олим, давлат арбоби Комил Хоразмий яшаган.

Владимир Алексеевич уйнинг томигача меҳр билан назар солди.

– Ноталари сакланганми? – деб сўради.

– Ҳа, Хоразм олти ярым макomini, “Хоразм танбур чизиги” деб номланган китобни бошлаб берган, кейин ўгли Расул мирзо ва шогирдлари давом эттиришган. Хатотлар томонидан бир неча нусхада кўчирилган...

Шунинг билан то Жума масжидигача жим кетдик. Солоухин ҳам ўз ҳаёллари билан банд бўлди чоғи, бирор савол бермади. Мен “Танбур чизиги” кашфиёти билан андармон бўлганча, “Хива хонишлари” шеъримни ўйимдан ўтқардим.

*Ойдин оқшом...*

*Ҳорғин ҳаёлларга чўмганча мудрар,*

*Ичон қалъадаги гумбазлар қатор.*

*Бу кўхна тарихнинг қаърига судрар,*

*Мовий Калта минор, ҳув, Хўжа минор.*

*“Чапандоз” авжланиб тун багрин тилар,  
 Хаёлларим тўзгитиб дер: “оҳ” ингдурман”.  
 Хофизнинг дард тўдуг ноласи келар:  
 “Пажмурда бўлгон Огаҳийдурман!”*

*Куй тинглаб қарайман миноралару  
 Паҳлавон Маҳмуднинг мақбарасига.  
 Куйлар етаклайди авжланган сари,  
 Тарихнинг ичкари ичкарисига...*

Х асрда қурилган Жума масжиди ёнидан ўтиб, Карвонсарой олди билан Ислом Хўжа минораси олдига келдик. Минора пойида туриб, рўпарадаги Ислом Хўжа қурдирган рус-тузем мактаби хакида гапиришиб турганимизда, Миноранинг кун ботиш тарафидан ёқимли кироат саси эшитила бошлади. Биз дарҳол овоз чиккан тарафга қараб юрдик. Паҳлавон Маҳмуд мақбараси томон бурилишдаги уйда кимдир баланд овозда тиловат қиляпти. Ўша давр дин-у диндорларга нисбатан ўтказилаётган тазйикқа кўра, бу мутлако тўғри келмайдиган воқеа эди. Кабристонларга бориш, жаноза ўқитишлар маън қилинган бир вақтда баланд овоз билан Қуръон тиловат қилиш жасорат эди. Лекин сокин, ойдин оқшомда чиройли кироат билан ўқилаётган оятлар шу қадар сеҳрли эдики, беихтиёр кироат эгасини кўргимиз келди. Эшик қия очик, қирик нурлари қиялаб кўчага мўралар эди.

Владимир Алексеевич, хаяжонини босолмай, уйга ишора қилиб:

– Кирсак бўлармикан? – дея аста сўради.

Мен эшикни сал қаттарок очиб, ичкарига разм солдим. Пастак айвончада, бежирим оқ соколи ўзига ярашган кекса одам бу дунё ғалла-ғашликларига бепарво, илохий бир жазба билан тиловат қиляпти. Тасаввуф тарихидан маълумки, жазба – бу инсондаги алоҳида илохийсеварлик майлидир. Яна ҳам чуқурроқ ичкариласак, жазба – бандаларнинг Ҳаққа интилиши, иродани илоҳга боғлайдиган дард.

Нима бўлгандаям эшик очилди. Узун-қиска бўлиб ичкарига кирдик ва супа четига ўтирдик. Қария бизни ё илғамади, ё хайикмади, овозини бир чимдим ҳам пасайтмай, қайтанга овозини сал баландлатди. Ва ниҳоят тиловати сўнггидаги фотиҳага мен ҳам қўшилдим. Қария хушламайгина бошини биз томон бурди. Билдикки, кирганимиз ёқмади. Эртагаёқ биз уни каматадигандек таассурот билан қаҳрли назар ташлади. Ўрнимдан туриб, салом бердим. Астагина “Ваалайкум” деди.

– Кечирасиз, Москвадан келган меҳмон билан Ичон қалъани айланиб юрган эдик, чиройли тиловатингизни эшитиб, киришга журъат эдик. Яна бир бор узр.

– Ҳа, ҳозир Москвадан келган терговчилар кўп одамларни қамаётган экан...

Таним “дирр” этди. Шу кунларда Москвадан келган Гдлян ва Ивановлар бошлик терговчилар гуруҳи юртга қатта ваҳима солишаётган, менинг устимда ҳам қора булутлар қуюклашиб қолган эди. Бирок, таним қалтираганини сездирмай, мулоийм оҳанг билан қариянинг сўзини бўлдим.

– Йўк, ота, бу киши терговчи эмас, қатта шоир... Владимир Солоухин.

– ҲМ-м...

– Бу киши дунёнинг кўпгина мамлакатларида бўлган, бошқа динлар тарихини ҳам яхши билади... Мен шогирд шоирман. Исми Комил, Комил Аваз... Сизнинг исмингиз нима?

У анча жим ўтириб, кейин бошини сал юқори баландлади.

– Сўвир...

– Исмлари Совур, Собир ота, – дея тушунтирдим Солоухинга.

– Хорошо, – деди, лекин ўнғайсизлигини яширолмади.

Собир ота ўрнидан турмоқчидек қўзғалиб, уй ичкарасига олиб кирувчи ён томондаги эшикка нигоҳ ташлади. Бирок ўзининг бу харакатини адабсизликка йўйди шекилли, ўрнашиброқ ўтирди, лекин совуқроқ оҳангда сўради:

– Унга нима керак экан?

– Ҳеч нима. Фақат хайратини яширолмапти.

– Ҳеч нимадан қайпинмай<sup>1</sup>, баланд овоз билан ўқиётганимданми?

Солоухин худди бизнинг суҳбатимизни тушунаётгандек, ичкин бир меҳр билан мендан сўради:

– Қария сўфийми?

Шоирнинг саволини таржима қилишимга чидами етмай, ота ўзига-ўзи гапиргандай, менга қаради.

– Бу кишим сўфий дедими? Нима, у сўфийлар ҳақида билармикан?

Мен отанинг юз-қўзларидаги равшанликдан вақтим хуш бўлиб, ўзгача меҳр билан таржима қилдим. Солоухин энди ислом ва сўфийлар ҳақида икки оғиз фикр ташлади. Унинг таржимаси шундай: “Бир қатор олимлар сўфийликни ислом билан боғлайдилар, лекин бошқа бир олимлар Одам Атонинг фарзанди, Шисни илк сўфий деб аташади”.

Шис пайғамбарнинг номини ўрис кишидан эшитган одамнинг ҳолатини шу суҳбатда қатнашмаганга бир сўз билан тушунтириб бўлмайди. Отанинг бу ботиний жазбаси Солоухинга ҳам ўтди чоғи, энди у тўғридан-тўғри отага (худди у рус тилини яхши биладигандек) қараб сўзлай бошлади.

– Сўфизмда турли йўналишлар – оқилона, орифона, ошиқона оқимлар бўлганидек, сўфийлар ҳам турли қарашлардаги ҳар хил табиатли инсонлар бўлишган, яъни зоҳидлар, орифлар, ошиқлар, девоналар, қаландарлар, донишманд файласуфлар.

Бу гада кўп сўзлар мутлақо тушуниксиз бўлгани учун ота менга хайрихоҳона тарзда юзланди. Мен шоирнинг сўзларини борлиғича таржима қилдим. Отанинг аҳволи энди анча равонлашди ва ичкарига овоз берди. Неварасими, ўғлими нон, чой кўтариб чиқди. Ота калбадаги хазинани кимга очишини билмай ўтирган саховатли бойдек, хушҳоллик ила тилга кирди:

– Ташаккур, Комилжон, яхши инсонни хонадонимизга олиб кириб, мени бағоят севинтирдингиз, бошим осмонга етди. Биров билан суҳбатлашмагунча, унинг кимлигини билиш кийин, Оллоҳнинг ўзи кечирсин, – ўртага хушмавзун жимлик чўқди. Ота энди дил жавҳарларини бир-бир тўка бошлади. – Худога минг катла шукр, имоним бут, эътиқодимга мустаҳкам яшадим. Бу ёғида Оллоҳим адаштирамагай. Бир бошга бир ўлим барҳак, лекин ҳозирги тутимда бежаноза кетишимдан кўркаман... Мен бу киши айтганларидек сўфий эмасман. Сўфийлик тариқати оғир. Ундан оғишмай яшаш учун пири комил муршидлар барҳаёт бўлмоқликлари керак. Лекин уларни бошавойлар йўқ қилиб юбордилар. Улар кўтарган катағон қиличи бугунги кунгача устимизда ярқираб турибди. Мен аллақачон ўлган одамман. Хув ўттиз еттинчи йилнинг катағонида, нуфузли эшонлар авлоди – падари бузрукворимдан ҳамда билимлар қони устозимдан айрилган қунимдан бери уларнинг руҳи билан яшайман... – сал тин олиб, Паҳлавон Маҳмуднинг бир тўртлигини ўқиди:

*Бешму амал равзаи ризвон бўлмас,  
Рўза, намоз бўлмаса, имон бўлмас.  
Ўтмакка илож топса-да қил кўприқдан,  
Кимки дилозор, мусулмон бўлмас.*

<sup>1</sup> Қайпинмай – (шева) хайқмай.

У ёнидаги оқ кийикка намланган кўзларини артди. Солоухин кўпни кўрган донишманд одам-да, индамай отага ҳамдардлик билдирганча бошини қуйи эгиб ўтирибди. Назаримда ўрнимиздан кўзғалишимиз керакдек туюлди. Хоразмча та-лаффузда отага мурожаат этдим:

– Сўвир ота, бир потия<sup>2</sup> қилинг...

Ота илк кадам қўйиб кирганимиздагидай ложарам ахволда эмас, балки хорғинликларидан фориғ бўлган, умрининг охиригача бирор кимсадан дакки эшит-майдиған, озод руҳи билан бошини баянд кўтариб яшашга иштиёқли алфозда:

– Ўтирибсизлар-да, Комилжон. Мехмонингиз биргина Шис алайхиссаломни ти-лига олдики, кўп ўкимишли, адабли, маданиятли одам экан, баракат топсин.

Шу пайт ичкаридан чой-нон олиб чиққан йигит патнисда уч коса мастава кўтариб чиқди. Ота янада очилишиб:

– Баракалло, ўғлим, кам бўлманг, – деди.

Хуллас, маставани ичиш давомида суҳбати жононни давом килдириб, отани-кидан чиққанимизда соат тунги ўн иккиларга яқинлашиб колган эди. Шерғозихон мадрасаси хақида билганларимни сўзлаб, ўнг томонимиздаги бир умр елкаси ерга тегмаган машхур пахлавон, фалсафий шеърлар яратиб, ўзбек адабиётига бебаҳо мулк колдирган Пахлавон Махмуд мақбараси олдида бир лахза сукут саклаб, ушбу тўртлигини ўқидим-да, таржимасини русчалаб айтиб бердим.

*Умрнинг маъниси не, менга де, – дедим,*

*Ё шаъм, ё чақмоқ, ёки парвона, – деди.*

*Дунёга умид боғласа кимки не, – дедим,*

*Ё маст, ё аҳмоқ, ёки девона, – деди.*

Шунинг билан кадимий тош йўлак бўйлаб тепага, Расул Мирзонинг уйи олдиға келдик.

– Мана бу уй Комил Хоразмийнинг ўғли Расул Мирзо яшаган хонадон. Расул Мирзо ҳам кагта шоир, мохир созанда. Ичон қалъага илк кадам қўйиб, Кўк Калта минор ёнидан ўтгач, Комил Хоразмий хонадонни олдида айтганимдек, дадаси бош-лаган “Танбур чизиги” асосида Хоразм олти ярим мақомларини ноталаштирган зукко мусикий олим.

Сўнг шу ердан ўнға бурилиб, Комил Хоразмийнинг уй-музейи олдида оёқ илдик.

– Владимир Алексеевич, мана бу хонакоҳ, Комил Хоразмийнинг уй-музейи. Бу алломаи замон шоирнинг давлат арбоблиги хақида икки оғиз гапирмасам бўлмайди. Сиз яхши биласиз, 1873 йилнинг 12 августида Россия давлати билан Хива музофоти ўртасида кириш сўзи билан 18 бобдан иборат Гандимён сулх шартномаси им-золанади. Шартнома подшо ҳукумати номидан фон Кауфман ва Хива хони Саййид Мухаммад Раҳимхон имзоси билан тасдиқланди. Шартномани оққа кўчирган ин-сон Комил Хоразмийдир.

Кауфман уни хон Ферузга мақтаган ва вазирлик вазифасига тавсия қилиб, жум-ладан шундай деган: “Мирзабоши русчаға ҳам ихлосли эканки, тили анчагина ке-лишиб колди. Ҳозирда уни тилмочсиз тушунса бўлади. Бу жудаям яхши. Шу боис-дан у киши бизға маъқул бўлди. Қолаверса, қайинотангиз экан. Ўйлайманки, сизға ҳам вазирлик вазифасида содиқлик билан хизмат қилади. Бизнинг у киши тўғрисида тўхталишимиз бежиз эмас. Аркони давлатда шундай садокатли, ишбилармон киши-лар бор экан, бундан бу ёниға Хива билан Россия ўртасида сиёсий келишмовчилик

<sup>2</sup> Потия – (шева) фотиҳа.

чикмайди деб ўйлайман. Қолаверса, хон жаноблари, Россия давлатининг, айниқса император жаноби олийлари Александр II нинг ҳали сўзимда айтганимдек, сиздан умиди катта. Бу ерларни обод этишда, савдо-сотик ишларини юқори дўстона даражада амалга оширишда, маданият ва маориф соҳасида, рус тилига мослашган мактаблар очишга, малакали муаллимлар билан таъминлашга саъй қилурмиз. Истардикки, кўп ҳам пайсалга солмай, биз раҳбарият билан қисман келишиб олдик, янги вазирингиз Пахлавонниёз Комил раҳбарлигида бир гуруҳ ходимларингизни делегация қилиб Санкт-Петербургга жўнатсангиз, ишларингиз тез ривожланиб кетади”.

Хон Феруз ўз навбатида генералга шундай деган: “Янги девонбегини дилалғиёсга бош қилиб оёклантиргаймиз”.

Фон Кауфман хоннинг делегация сўзини тушунмай бузиб айтса-да, янгиликка, қолаверса, рус тилини ўрганишга раббат қилди, деб ўйлабми, мийиғида қулимсирайди. Хон унинг кинояомуз қулимсираганини безътибор қолдиради. Чунки, хон делегация сўзини атай бузиб, форсийдаги дилалғиёсга (дил додига) менгзаган эди. Ахир, давлатлар аро элчилар тайин этмок, арқони давлат аъзоларини ўзга мамлакатларга жўнатиб, бошқа давлатларнинг расмий меҳмонларини кутиб олмок ишларини атои-бобои аждод ҳукмдорлар ҳам не-не асрлардан бери юқори даражада адо этганлар, бу борада Хива хонига кўрсатманинг кераги йўқ, аммо бу маҳмадона генерал Хоразм тарихидаги қадим анъаналарни ё билмаган, ё атай менсимаган эди.

Пахлавонниёз Комил делегацияга раҳбар бўлиб, 1874 йил Санкт-Петербургга гаширф буюрган. Император Александр II ҳузуридаги қабулдан кейин уларнинг шарафига уюштирилган зиёфат вақтида Пахлавонниёз Комил ҳам танбур, ҳам ғижжақда Хоразм макомларидан бир-икки куйин бадастур ижро этган. Император бошлиқ мезбонлар унинг ижросидан ниҳоятда хайратланишган. Император Пахлавонниёз Комилдан Ферузнинг забардаст шоирлигини, мусикага хавасмандлигини, мусика асбобларида яхшигина куйлар ижро қилишини эшитиб, хонга ўзгача меҳр билан муносабат билдиради ва шу базм чоғи созу нота тарихи боис гап-сўз бўлаётганидан ўтирганларни хайратга солиш учунми, ё бирдан саховатпешалиги тутибми, унга эман дарахтидан ишланган пианинони ҳадя қилади. Комил Хоразмий император совғаси – пианинони Петербургдан олиб келган. Ҳозирда у шу ерда, шоирнинг уй-музейида сакланмоқда”.

Шундан кейин хон Феруз мадрасаси, Кўхна Арк майдони саҳни билан аста одимлаб кетдик. Шу жимлик асносида Хивада 47 йилдан зиёд хонлик тахтида ўтирган улкан давлат арбоби, Хоразм адабий муҳити ривожига бекиёс катта ҳисса қўшган, айниқса ҳазрат Навоий ижодини катта тарғиботчиси (1876 йилда Хивада барпо қилинган тошбосмада Алишер Навоийнинг “Хамса”си ва “Чор девони”ни босмадан чиқишига раҳнамолик қилган) забардаст шоир, моҳир созанда Муҳаммад Раҳимхон соний – Феруз сиймоси олдида бош эгдик.

Кечаси соат ўн иккилардан ўтганда Ичон қалъадан чиқиб, Отадарвоза олдида бир фурсат тўхтадик. Владимир Алексеевич қалъа томонга ўгирилиб, аста дарвоза юқорилаб бошини кўтарди ва яқингинадаги катта-катта юлдузларга қараб турди-да, мен томонга киё боқиб:

– Шунча тарихий воқеалар, тарихий шахсларни куйинчаклик, юқиниш меҳри билан гапириб бердингиз... Нима қиласиз пахта заводида ишлаб, ташласангиз-да, тарихий асарлар ёзиш билан шуғуллансангиз бўлмайдими? – деди ва менинг жавобимни ҳам кутмай сўзида давом қилди. – Рус тилида чиққан китобингизни (“Хивинские напевы”) ўқидим, яхшигина қаламингиз бор экан. Сизнинг ўрнингизда бўлганимда ва сизчалик тарихий материаллар билан ишлаш, ёзиш имкониятим

бўлганида, ўзингизни фидо қилаётган заводда бир дақиқа ҳам ишламасдим. Яна ўзингиз биласиз...

– Владимир Алексеевич, мен сизга қандай қилиб айтишни билмай юрган эдим. Мени шундайликча завод директорлигидан бўшатиб юбормайдилар. Вилюятда иккита заводда қарийб ўн беш йилдан зиёдрок давр директорлик қиляпман, тўрт йилча вилюят хлоптрестида бош муҳандис бўлиб ишладим. Ҳозир бизнинг республикамизда “Пахта иши” деб номланган қатагон бошланди. Яхши раҳбарлар сафида мени ё камашади, ё баландроқ вазифага ўтказишади. Лекин мен иложи бўлса, бу ишлардан воз кечиб, Москвада Олий адабиёт курсида ўқигим бор. Бу орзуим неча йилдан бери армон бўлиб келяпти. Вилюятимизнинг бош раҳбарига айтсам, завод, ишчилар ҳаётидан китоб ёзиб юраверинг, нафақага чикканингизда, вақт ҳам, мавзу ҳам кўп бўлади дея, юмшоққина қилиб, рад жавобини берди. Агар сиз, Владимир Алексеевич, мени Москвага Олий адабиёт курсига киришимга ёрдам берсангиз, бир умр сиздан шод бўлар эдим.

– И-е, унга қандай ёрдам керак?

– Аввало, курсга қабул қилиш ёши чегараланган экан, яъни қирк ёшгача олишаркан. Менинг ёшим ҳозир қирк иккида. Иккинчидан, тавсиянома керак. Ёзувчилар уюшмаси аралашуви керак бўлар деб ўйлайман.

– Майли, агар шундай орзуингиз, ўқиш ҳавасингиз бўлса, мен Москвага боргач, шугулланиб кўрай-чи. Сизни қабул қилишлари лозим ва зарур деб ўйлайман.

– Раҳмат, ташаккур, Владимир Алесеевич.

Шу гапдан кейин машинага ўтириб, Урганчга йўл олдик. Лахзаларда ўтиб кетган шу икки соатдан ортиқ вақт, Ичон қалъадаги сайру суҳбатимиз бир умрга татиғулик тарих бўлиб қолди, чамамада.

Владимир Солоухин кўп кутдирмай жавоб хати йўллади.

“Комил Авазга! (хат рус тилида ёзилган)

Қадрли Комил!

Биз яхши учиб келдик. Москвага қайтиб келишим биланоқ, бизга кўрсатилган хуш илтифотлар ва меҳмондорчиликлар учун Сизга яна бир қарра дил изхоримни йўлламан.

ВЛК (Олий адабиёт курси) бўйича, мен обдан суриштирдим. Шу йилнинг апрель ойидан қабул эълон қилинар экан. Ҳақиқатан ёш чегараланган – қирк экан. Лекин Сиз бемалол ҳужжатларингизни тўғрилайверишингиз мумкин, кейинчалик, зарур вақтда ректор олдига ўтаман. Масала ҳал бўлади деб ўйлайман.

Эркинга (Эркин Самандар) чин юракдан ташаккурим ва улкан салом.

Салом билан В.Солоухин  
Москва, 5 январь, 1985 йил”.

Владимир Солоухиннинг ушбу хатидан бошим осмонга етди. Лекин бир ойдан кейин, аниқроғи, 1985 йилнинг 12 февралда мени Москвага чақиришди, СССР прокуратурасининг махсус ишлар бўйича катта терговчиси Майданюк мени хибсга олди ва Бутирка турмасига жўнатди. Москвада хатто Владимир Солоухин билан кўнғироклашишга ҳам фурсат бўлмади. Ана шундай ваҳимали, алғов-далғовли давр боис, Олий адабиёт курсида таҳсил олиш қалбимда армон бўлиб қолди...

Хибсдан уч йил ўтгачгина озод этилганимдан кейин Владимир Солоухин билан кўнғироклашганимизда, у менинг Олий адабиёт курсига келмаганимга хайрон бўлганини, асл сабабини эса, оғам Эркин Самандардан эшитганини айтди. “Пахта

иши” деб номлашган бу кампаниялари бутун бир миллатга отилган тошдан бошқа нарса эмас, Комил. Бу кулфат сизни ҳам четлаб ўтмабди. Ҳамдардлигимни қабул қилинг, дўстим, – деди у. – Қирқ беш ёш Олий адабиёт курси учун катталик қилар, лекин ижод учун айни авж палла. Ёзинг, дўстим, вақтни бой берманг!”

Минг афсуским, Владимир Алексеевич билан бошқа учрашолмадик, мен Москвага борганларимда у чет эл сафарларида бўларди. Кейин вафот этганини эшитиб, энг яқин одамимдан айрилгандек, каттик эзилдим. Яхшиямки, менга тухфа қилган китоблари бор.

...“Қудук” шеърини илк бор эшитган пайтимдан бери эллик йилдан зиёдрок вақт ўтибди. Ниҳоят, шоирнинг шу шеърини таржима қилдим. Худо умр берса, “Хукм” кассасини ҳам ўзбекчага ўгираман. Илоҳо, шоирнинг руҳи биздан шод бўлғай.


## ҚУДУҚ

*Туб-тубига тош ётқизилган.  
Бу қудуқ кўп қадим қазилган.  
Кесик ёғоч гўлалар билан  
Тенг ёнлари маҳкамланилган.  
Етти кўчат чуқурлигида,  
Кўринади тошлар тубида  
Саёз лекин, қоп-қора уюқ,  
Гўёки, сув елимдек қуюқ.  
Пақир ташлаб, энтиқдим бирпас...  
Сув шовури, ҳув, элас-элас.  
Жимирлайди пақирдан оша,  
Билгур шиша каби топ-тоза.  
Зилол сувдан қонди чанқоғим,  
Равшанланди кўзим-қароғим.  
Атроф жониб, қуёш, гиёҳлар,  
Чашма обин бирга ичарлар.  
Ўйлаб қолдим, бу ҳақир кўнглим  
Кенг эмасдир унчалик, балким.  
Ҳиммат отин минсаммикан ё,  
Торга тордир, кенга кенг дунё!  
Сув улашиб, топсамми шараф,  
Ё кулф уриб, қилмасам-чи, сарф.  
У қоронғи тубдан шабнамни,  
Олсаммикан томчи-томчилаб.  
Сўнг берайми хасислик ила,  
Озроқ шеърга, озроқ севгига.  
Бу машғум сир мени кўп замон  
Хавф-хатардан асрагай омон.  
Туб-тубига тош ётқизилган.  
Бу қудуқ кўп қадим қазилган.  
Ён гўлалар тўқилган чириб,  
Ёпишқоқ лой бўйлатган ириб.  
Қичитқи ўт босган атрофин,  
Ўргимчак ҳам тўрлаган оғзин.*

Ўргимчакнинг бузиб ошёнин,  
 Офиятин қўзгаб ҳар ёнин.  
 Сассиқ ўтлар устидан пақир,  
 Ташладим-у, сўнг тортдим, огир...  
 Э, воҳ, анқиб, аччиқ бадбўй ис.  
 Ўртади юрагим, ажсиб, гамли ҳис.  
 Мен билганмас, бу сув нотаниш...  
 Ўтди шу пайт кекса бир дониш.  
 – Нега қудуқ тўзган, чириган?  
 – Туриб қолган, шундан айниган,  
 Нега чиримасин, ўйлаб кўр,  
 Шаффоф эди, туби кўп чуқур,  
 Не бўлди-ю, мана неча йил,  
 Халқда йўқдир бу сувга майл.  
 Меҳр сувин улашиб халққа,  
 Эзгуликдан тизганди ҳалқа.  
 Гўё унутдимми одамлар  
 Қудуқ томон етмас қадамлар.  
 Шундан суви салқиган унинг,  
 Аросатдир кун қудуқнинг...  
 – Мен тушундим, мангу ҳақдир бу,  
 Буюк ҳаёт қонуни ҳам шу:  
 Эзгуликни улашсанг элга,  
 Абад тирик, азизсан элда.  
 Кенг ҳам нурли бўлса кучоғинг,  
 Майли, катта эмас, булогинг –  
 Бошидасан, панд сенга минг бор,  
 Халқ олдига қулф урма зинҳор.  
 Меҳр сувин кўрмагин малол,  
 Кўп чуқурроқ ботириб, сув ол.  
 Узайсин хўп умринг кўп, илло,  
 Лек, қилма ўзингдан мосуво –  
 Илҳом, севгинг топмасин завол.  
 Лек чуқурроқ ботириб сув ол.



Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси йўлланмаси билан



**Баҳром  
РЎЗИМУҲАММАД**

## ЙИЛЛАРГА ТАТИГУЛИК КУН

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси йўлланмасига биноан Хоразмга сафар қилганимда бир кунимни ўз кишлоғим Ижтимоият томошасига бағишладим. Тўртинчи май...

Уйимдан чикиб, сал юриб темир йўлни кесиб ўтдим. Миям дам олмоқда – бу ерда Тошкентдагидай шовқин йўк, Тошкентдагидай шошқалоклик йўк. Мошинларнинг ва одамларнинг шовқинлари мени чарчатган. Мана, икки ёқда улкан яшил чўмирмадек товланаётган гужумлар орасида маза қилиб нафас олмоқдан. Ох, кишлоғимнинг шамоллари-ей!..

Бозорга йўл олдим. Бугун пайшанба. Шукр бозор кизийдиган кун. Гўшт рас-таси; мева-чева; полиз маҳсулотлари; темир-терсак; кийим-кечак; дон-дун... Хул-лас, одамзод эҳтиёжи учун лозим нарсаларнинг баридан бор. Айланиб-айланиб йўлнинг нариги ёғига ўтишни мўлжаллаб турсам, гужум панасидагилардан бири кўзгалди: “Ҳов, Боҳрамисан? Совмисан?..”.

Бозорқўм Сапарбой оға экан. Бултур кузакда иш юритишларини кўриб кетган эдим. Бозор тўғрисида гурунглашиб ўтирдик.

– Тушуниб бўлмайди. Бир ривожланади; бир мундой...

– Барибир, ўз бозоринг бўлгани яхши. Бола вақтларимизда Тошовузга борар эдик.

– Ҳовва. Нишатсанг ҳам бозоримиз бор. Бир кунмас бир кун ривожланар охир?!

– Сапарбой оға! Шиша заводи ишга тушармиш деб эшитдим. Заводда одам кўринармикан?

Бозорқўм қўлини соябон қилди:

– Бир ерни казиб ётибдилар. Мошинлар турибди. Тошкентликлар ишга туши-рармиш. Эшитдингма?

Мошинларни қора тортиб кетавердим. Ўрта яшар, бугдойранг бир одам казувчиларга иш буюриб турган экан. Салом-алиқдан сўнг, тошкентликмисиз, де-дим. “Асли андижонликман”, – деди у. “Раҳбармисиз”, десам, “директор ичкарида, кабинетида”, деб жавоб қилди. Ўзимни таништирдим ва қоровул ҳамроҳлигида за-вод ичкарисига қадам ташладим.

Бошлиқ каминани хушқайфитда қабул қилди, шошилмасдан сафар йўлланмасига кўз ташлади; каттакон дафтарига исм-насабимни ёзди-да, расмий қоғозга муҳр босиб:

*Баҳром РЎЗИМУҲАММАД – 1961 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎЗМУ) журналистика факультетини тамомлаган. “Товуцисиз қадам”, “Те-ракка яқин юлдуз”, “Икки нур”, “Давсаман”, “Кундуз сарҳадлари” каби кўплаб шеърӣ тўпламлари нашр этилган.*

– Ҳали заводимиз ишга тушмади – бу ёғи қандок бўларкан, – деб қўйди.

– Завод қачон ишга тушади?

– Шу ой охирларида, кечиксак, июннинг бошларида. Россиядан мутахассислар келишади. Кейин эса Италиядан келиб, печкаларни ёкиб берадилар.

Ўх-хў, дедим ичимда. Бизнинг кичиккина қишлоққа Пушкин ва Дантенинг миллатдошлари ташриф буюришсалар-а? Поездда қўшқўпирлик совуттич тузатувчи Жуманазар билан суҳбатлашиб, вақт ўтганини билмай қолувдим. Техникага, адабиёт ва санъатга бирдек қизиқувчи Жуманазарнинг айтишича, Хоразмга италийнлар серкатнов бўп қолган эмишлар. Айниқса, Хоразмнинг узумларини ҳаяжонлана-ҳаяжонлана тановул қилибдилар. “Бир италийн билан тилмоч кўмагида гаплашдим”, дейди Жуманазар. “Ўша италийн Хоразм узумидай узум жаҳонда йўқ, деб айтди”.

Суҳбатдошим – “Хоразм шиша идишлари” МЧЖ қўшма корхонаси директори Ҳикматулло Қодиров Шахрисабзда туғилган. Тошкент Политехника институтини битказган, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги академия қошидаги Олий бизнес мактабида ўқиган. Бир нечта саноат корхоналарида раҳбарлик лавозимларида ишлаган. Жумладан, Шахрисабз пиллакашлик фабрикасида директор ўринбосари, Пилла холдинг компанияси раисининг биринчи ўринбосари...

Савол бердимки, Ҳикматулло ака, одатда қишлоқдан шаҳарга интиладилар. Сиз эса бунинг аксини қилибсиз. Тошкентдай шаҳри азимдан Туркменистон чегарасидаги овлоқ, қуш кам кўнадиган қишлоққа келибсиз. Қишлоғимиз об-ҳавоси оғир, шамолли!.. Ҳатто менгаям таъсир ўтказмоқда. Қийналаётганингиз йўқми?

Ҳикматулло ака шундай деди:

– Биз банкротга учраган, ёпилган корхоналарни қайта тиклашга, ривожлантиришга, қисқача айтганда, халқда умид уйғотишга иштиёқмандмиз. Бинобарин, мухитнинг, об-ҳавонинг ўзгачалиги иккинчи даражали масала. Қишлоқнинг Туркменистон чегарасида жойлашганлигини биламан. Бундай айтганда, мамлакатимизнинг энг чеккаси! Чиндан ҳам ғаройиб. Биз илгари кўрмаган дов-дарахтлар, ўт-ўланлар... Қадимий тамаддунга тақалган, ажойиб халқ... Қашқадарёликларга таққослаганда, шеваси ажабтовур. Шиша заводи масаласида келиб, бу ерда қизиқарли оламини кашф этганимизни айтиб ўтмоқчиман. Албатта, янги дўстлар орттирдик. Шу баробарида шовотликларда ёқимли таассуротлар қолдиришни истаймиз.

– Шовотликлар ҳақида фикрингиз қандай?

– Ўтган йил сентябрдан ҳисобласак, саккиз ойдан бери шу ердамиз. То шу кунга қадар бирор ходимнинг бизга эътироз билдирганини эслай олмайман. Кўнгиллари жуда тоза. Мехнатсевар халқ. Ҳар бир ишчи ва хизматчи заводнинг чинакамига жонкуярига айланганини таъкидламоқчиман. Бир нақл эшитганман. Донишманддан: “Энг яхши дори нима”, – деб сўрабдилар. “Мехр ва муҳаббат”, – дебди донишманд. “Таъсир қилмаса-чи?”. “Кўпроқ мехр, кўпроқ муҳаббат”. Ўша нақлга қиёсан айтганда, ҳар бир ишчи, хизматчи корхонага мехру муҳаббат туйғулари билан ёндашса, албатта, тараққиётга эришамиз. Яқин кунларда 180-200 нафар ёш йигит-қизлар ишга банд бўладилар. Келажакда эса иш ўрни 500 тага етади!..

Ҳамқишлоқларим бу хабардан қанчалар ҳушвақт бўлишларини тасаввур қиларканман, бениҳоя дил-дилимдан шодландим. Чунки ишсизлик касофатидан кўп ёшларимиз Россияга, Қозоғистонга кетишарди; қайтишга пул тополмаганлари қанча, жисми ё дили мажруҳ бўлганлари қанча... Бу ёқда эса ота-онаю, рафика, бола-чақа кўзлари йўлда. Шуларни хаёлдан кечириб, Ҳикматулло ака ва унинг сафдошларини замонамиз қаҳрамонлари, дегим келди. Албатта-да, улар қишлоқда саноат корхоналарини барпо этиш, равақ топтириш ва шу аснода аҳоли бандлигини таъминлаш масалаларига нафакат бош қўшишмоқда, ҳатто жон куйдирмоқдалар.

– Мулк шакли канака бўлишидан қатъи назар, шиша заводи шовотликларники, – деди корхона раҳбари.

Айтишига караганда, кунига 100 минг – 120 минг дона шиша идишлар ишлаб чиқариш режалаштирилган. Мен бу жараёни тасаввур қила олмадим. Аммо, шундай қудрат олдиди хайратларга ғарқ бўлдим.

Кейин, суҳбатни адабиёт ва тарихга бурдим. Буюк устоз Абдулла Орипов ижоди хусусида гаплашдик. Мен эса Шаҳрисабзга саёҳатим, асрий тутларни кўрганим, қадимги қудуклардан сув ичганим хусусида хикоя қилдим. Хуллас, завод баҳонаю боис бўлиб, инсонларнинг тақдири бобида фикрлашдик. Шиша заводини биринчи бор раис бувамиз Кўчқор Қуронбоев барпо этганини айтганимда, суҳбатдошим хайрон бўлди, бу тўғрида хали эшитмаган экан.

Истиклол мевалари таъмини энди-энди сезмоқдамиз. Тўғри, тузум ўзгаргандан сўнг аввалига мослашиш кийин кечди. Кўпчилик шаҳарга интила бошлади; газ босими пастлиги боис киш қаҳратонида дов-дарахтларни болталаб, ўтин қила бошладилар... Қишлоқ қарийб шип-шийдам бўлди. Лекин бугунги кунда аҳвол ўзгараётир. Шиша заводи ишга тушса, халқ саноат корхоналари моҳиятини тасаввур қила олади. Минг эшитгандан кўра бир кўрган афзал, деганларидай. Бошлик билан хайрлашар эканман, кўнглимда хуш туйғулар пайдо бўлди. Ота уйим сари юраётиб, яқин ўтмишдаги воқеаларни эсладим.

## РАИС НЕГА ЙИҒЛАГАН?

Раҳим Тохиров каламига мансуб “Дўст хақида сўз” номли китобнинг бир бўлими шиша заводига бағишланган. Бўлим сарлавҳаси: “Шиша заводи”. Оддийгина. Бирок шу оддийлик остида келажак учун керакли тарих мужассам. Тасаввур қилинг: республиканинг энг чекка жамоа хўжалиги раиси қишлоқда саноат корхоналари мажмуасини барпо этишга киришса-я?! Қаҳрамонлик эмасми бу? Аммо “Савит” тузумининг бунақа қаҳрамонликдан “тиши қамашган”. Муаллиф ёзади: “...1985 йилнинг охири, ноябрь ойида мен Кўшкўпир туманига райкомнинг биринчи котиби бўлиб, Шовотда 12 йил ишлагандан кейин кетдим. Бир куни Шовотдаги уйимизга болаларни кўргани келганимда, дўстим билан учрашиб қолдик. У ёқ-бу ёқдан суҳбатлашиб ўтириб, у бехосдан: “Раҳимберган Тохирович, сизга бир янгилик тўғрисида гапирмоқчиман. Қишлоқда, биласиз, консерва заводини шиша ва бошқа идишлар билан таъминлашда қийинчиликлар келиб чиқмоқда. Шунинг учун қишлоқда шиша заводи қурилиши ишларини бошлашга киришдим”, – деб қолди.

Мен эса: “Кўчқор Қуронбоевич, э-хе, сиз жуда катта ва оғир ишга қўл урмоқдасиз. Эҳтиёт бўлинг, ўйлаб кўринг, биласиз республикада бир жойда – Қувасой шаҳрида бундай завод бор. У заводни республика микёсида тўла қувват билан ишлатишда ҳам айрим қийинчиликлар бўлиб турганидан хабарим бор, сизга бу иш оғирлик қилмасмикан?” – дедим. У эса қулимсираб: “Раҳимберган Тохирович, мени бундан хабарим бўлса-да, бизлар бу ишни бошлашга қарор қилдик. Мени биласиз-ку!” – дедилар”.

Бу иш ғояси 1985 йилдан эътиборан қуртақ ёза бошлаган. Орадан сал вақт ўтмасдан жамият ҳаёти бошқача тус олади. Бир тарафда ошкоралик сиёсати, бир тарафда гдлянчилар тажовузи... Бу алғов-далғовларни писанд қилмаган раис бобо 1987-1990 йилларда Тошкентга кўп бора қатнайди. Министрлар Кенгашидаги раҳбарлар билан учрашиб, таклифларини айтади. Бу тўғрида китобда шундай ёзилган: “...Охир-оқибат Республика Марказий банки раиси Файзулла Муллажонов номига хат тайёрлаб, унинг ёнига киришга қарор қилади.

Файзулла Муллажонов билан узоқ давом килган суҳбатида тортишувлар бўлиб ўтади. Раис завод курилишига кредит берган тақдирда, кредитни кайтариш учун кафолат йўқлигини важ килиб кўрсатади. Қ. Куронбоев эса: “Консерва заводи, гишт заводлари ишлаётгани ҳамда пахта ва бошқа кишлоқ хўжалиги экинларидан 35 фоиз рентабелликка эришилаётгани кредитнинг кафолати эмасми?”, деб ўз фикрини химоя қилади. Бу суҳбатда унинг терга ботиб, жон-жаҳди билан ўз фикрини химоя этгани таъсир қиладими ё бошқа сабабми, Ф. Муллажонов: “Яхши, кўрамиз, эртага кечкурун олдимга келинг, шунгача тегишли ходимларга топширик бераман”, деб суҳбатни тўхтагани.

Кўп ўтмай, Маркс Жуманиёзов Хоразм вилояти ҳокими лавозимига тайинланади. Ҳоким шиша заводи курилишини кўздан кечиради. Кўнгли тўлмайдди. Р.Тоҳиров ёзадики: “...Раис курилиш ишларининг юришмаётганига маблағ етишмаслиги сабаб эканини айтади. Шунда М.Жуманиёзов: “Кўчкор, айт-чи, сенга пулни каердан олиб берай?” – деганида ҳокимнинг қўли чўнтагида эди. Қ.Куронбоев ҳам топкирлик билан хамишагидек ҳазиллашиб, ҳокимнинг чўнтагидаги қўлига караб: “Ёшулли, ана менга бир нарса бермокчисиз-ку”, – деб кулган бўлади. Аммо, ҳоким жиддий эди: “Кўчкор, сен бугун эски ҳазилларингни қўй, заводнинг ишини тугат”, дейди.

Хуллас, шиша заводи курилиши чўзилаверади. Кўчкор раис нафақага чиқади. Унинг ишини тўнгич ўғли Ўқтамбой, кейинчалик Муҳиддин ўғли давом эттиради. Шу зайдда ният туғилганидан ўн олти йил ўтиб, 2001 йилнинг апрелида завод ишга туширилиш санаси белгиланади. Раҳим Тоҳиров ёзади: “Эрталабдан завод олдидаги майдонга меҳмонлар, кишлоқ аҳли йиғилган бўлиб, барчамиз ўн йиллардан бери орзикиб кутган, ҳеч кимнинг ўйи ва хаёлида йўқ шишани кумдан яшадек ўта қийин ва мураккаб технологик жараёни кўздан кечиришга ошиқардик. Қ.Куронбоев эса бундай вазиятда катта ҳаяжонда, ўзида йўқ шод эди ва баъзан чўнтагидан рўмолчасини олиб қувонч ёшларини артарди. Мен дўстимнинг саодатли онларида унга шерик эдим”.

Ҳақиқатан ҳам Ижтимоият кишлоғида – мамлакатимизнинг овлоқ бир чеккасида катта воқеа рўй берган – консерва заводи билан шиша заводи уйғунлашиб, саноат корхоналари мажмуаси яралиши режалаштирилган эди. Аммо, шиша заводи курилиши анча кечикди. Кўчкор раиснинг орзуси армонга эврилаётганида... мўъжиза воқеликка кўчган. Ана ўша сабаб раис йиғлаган...

Кўчкор Куронбоевдан аввал ҳам, кейин ҳам колхоз раиси лавозимини кўп кишилар эгаллади. Бироқ, “Раис” исми фақат Кўчкор акага насиб этганини биламиз. “Эшитдингми, Тоҳиров раис ҳақида китоб ёзибди”, – деган эди опам. Ўша китобни кўз қорачиғидай асраяман. Чунки кишлоғимиз тарихи бор унда!

Жамиятдаги ўзгаришларда раҳбарларнинг ўрни бекиёс, деб биламан. Шахсан мен ўзим Ҳазорасп тумани ҳокимидан кўп нарса кутмоқдаман. Чунки Ўқтамбой – раисимизнинг тўнгич ўғли. Раис амалга ошира олмаган ишлар фарзанд тимсолида воқеликка кўчса керак, деб ўйлайман.

Афсуски, Кўчкор акага шиша заводининг иккинчи умрини кўриш насиб этгани йўқ. Ҳаётлигида ўзи курдирган консерва заводи ҳам тўхтади, шиша заводи ҳам. Чунки, тузум ўзгараётган пайтлар эди; колхоз таркаган эди. Агар раисимиз бу кунларни кўрганида шахрисабзлик мутахассис Ҳикматулло Қодировни самимий йўсинда табриклаган, ишларига ривож тилаган бўлур эди. Ҳаёт эса давом этаётди. Умид ила ўтказилган ниҳоллар кўкка бўй чўзмоқда. Бизнинг овлоқ кишлоқ – Ижтимоиятни бугунги кунда кўпчилик билади – сабаби, кишлоқда саноат гуллаб-яшнамоқда.

## БАРАКАТ ТОПФАЙСИЗ, ҲИКМАТУЛЛО АКА!

Макола тайёр бўлганидан сўнг анча вақт “тинитиб қўйдим”. Негаки, шиша заводи хали ишга тушмаган эди-да... Май ойининг охирида ёки июннинг бошларига расман иш бошлаймиз, деганди Ҳикматулло ака. Кун-кеча ҳамқишлоғим, фахрий муаллима Гавҳар Мағқурбоновага сим қоқдим. Илтимосимга биноан опа шиша заводини бориб кўрди. “Иш авжида! Ишчиларга халал беришга кўзинг қиймас экан!”, деди Гавҳар опа ҳаяжонланиб.

У яна бир янгилик айтди. Чойхона очибди! Бу гап анчадан бери сўрок остида эди. Гап шундаки, опанинг падари бузруквори Ражаббой Шерматов кўп йиллар мобайнида колхозимизда бош муҳандислик қилган. Лақаби – “Инженер”. Инженер десангиз бас, ҳамқишлоқларимизнинг барчаси танирди. Қоп-қора тусли ГАЗ-24 машинасини ғириллатиб юрарди. Муқофотга беришган. Ана ўша инженер темир йўлдан сал пастроқда техника устахонасини қурдирган. Анча йиллар устахона ҳам қаровсиз ётди. Гавҳар опа умр йўлдоши Эгамберган ака (Инженернинг жияни) билан маслаҳатлашиб, ўша устахонани сотиб олишибди. Бултур кузақда бориб кўрдим: гужумлари гуркираб турибди: ўн иккими-ўн учми хонаси таъмирталаб; гужумлар орасида тип-тиник ховуз... Болалар боқчаси ташкил қилсақмикан, деганди опа. Чойхона очибдилар. Қишлоқ тарихида чойхона бўлган эмас. Ёдимда, 1976 йилнинг февралда машҳур шоир Ҳусниддин Шарипов колхозимиз клубида шеър ўқиган эди. Икки сатри идрокимга муҳрланган:

*Чойхонаси бўлмаса ҳам,  
Хоразмга боргим келар.*

Телефонда кун-кеча гаплашганимизда, чойхонамизга шиша заводи раҳбари ёрдамчилари билан келди. Узоқдан кўрдим. Аммо, ёнларига бориб, суҳбатлашишга истихола қилдим, деди Гавҳар опа.

Барчаси занжир каби бир-бирига такалади: йўл бўйидаги ҳашаматли санъат саройи (Буням раис бува қурдирган), “Дўстлик” бозори, ундан нарёғида шиша заводи... Сарой ва бозор оралиғида дўконлар... Бекат ночор аллозда эди. Соябонли қилиб, яшил тусли ўтирғичларни ўрнатишибди. “Намунали маҳалла қилмоқчилар”, – деди Ҳавожон синглим фахрланиб. “Ай, энди қишлоқ дим ривожланади. Шиша заводида тошкентликлар иш бошлабди. Қўни-қўшниларнинг болалари шу ерга ишга кирганлар. Ҳамма хурсанд”, – дейди опам. Камина эса заводга илк қадам босган журналист эканлигимдан ғурурланаман. Яна денг, пойтахтдан бориб!

“Шовотлик ёшларнинг зехни ниҳоятда ўткир экан. Бир ўргатсангиз – идрокка синдиришди. Аммо Европа дастгоҳлари билан тиллашиш осонмас. Шогирдларимни Тошкентга юбориб, малака ошириш қурсларида ўқитмоқчиман. Уларга астойдил ишонаман”, – деган эди директор суҳбатимиз чоғида жиддий оҳангда. Ўша завод лойиҳаси раис буваимизнинг миёсида пайдо бўлганида ёшларнинг аксарияти хали бу ёруғ оламга келмаган эдилар. Табиийки, мустабид тузум укубатлари улар учун, буюк адибимиз Абдулла Қаҳҳор таъбири ила айтганда, ўтмишдан эртақлар янглиғ. Истиклолдан сўнгги йилларда, айниқса, кейинги ўн йилликда Ижтимоият қишлоғи қиёфаси кескин ўзгарди. Европача русумда қурилган уйлар, ҳар уй олдиди машина, баъзиларида иккитадан...

Юксалишларда шахрисабзлик мутахассис Ҳикматулло Қодировнинг хиссаси кўп бўлишига камина чин дилдан ишонаман. Келажақдаги билимдон тadbиркорлар албатта ундан намуна оладилар. Шовотликлар ғайрат-шижоат соҳиби ҳимматли инсонни кўришса, “Баракат топғайсиз!” дейдилар. Ҳамқишлоқларимга тақлидан сўйлайманки, дим яхши иш қилибсиз, баракат топғайсиз, Ҳикматулло ака! Энг аввало, раис буваимизнинг руҳини шод айладингиз. Яна қишлоғимизнинг пок ниятли, чакноқ кўзли ёш йигит-қизларига дарғалик қилаётирсиз. Корхона махсулотлари шаффофлигига ҳеч қачон кўз тегмасин!

## ИККИ ДОСТОН ҲАҚИДА



Эгамберди  
МУСТАФОЕВ

Ўзбекистон халқ шоири Омон Матжоннинг “Очик деразалар”идан тортиб, “Қуш йўли”сини ҳам ўз ичига олган йигирма уч йиллик (1970-1993 йиллар) кизғин ижоди маҳсуллари билан танишган йилларим шоир ижодига тааллуқли бирор-бир нарса ёзаман, деб ўйламаган эканман. Замона зайлиданми ёхуд шоир асарларини мутолаа қилишдан олган таассуротларим тафти ханузгача сўнмаганиданми, ёшим ўтган сари шоир шеърятини ўрганишга қандай ёндашганимни зукко ўқувчи билан ўртоқлашиш чоғи келмадимикан, деган ўйдаман.

Ўшал гаштли мутолаа йилларим, Омон Матжон ўз асарларида парча воқеликни ҳар томонлама бадий акс эттириш санъатини кўз-кўз қилиши-ю, жамиятда юз бераётган ўзгаришларга қуёвчан ёндашишларини таҳлил қилишга бағишланган бўлса-да, шоир ижоди билан бу қабилда танишиш, уни синчиклаб ўрганиш қадар кўтарилмаган десам, ҳақиқатни айтган бўламан.

Ҳа, ўшандан бери қанча-қанча сувлар оқиб кетмади, дейсиз?!

Мустақиллик қанот ёя бошлаган йиллари Омон Матжон билан бир неча бор суҳбатлашиш бахтига муяссар бўлдим. Менга ўнлаб бадий тўпламлар муаллифи, эл суйган шоир Омон Матжондан кўра, жозибадор мулоқотчи, серкирра дунёқараш эгаси, фикрини моҳирона тавсифлай биладиган сўз устаси, баҳсада ўлгудай қайсар Омон одамохун ва яқинроқдай туюлди. Бора-бора орамизда шаклланган яқинлик мени шоир ижодига мукамалроқ ёндашиш, қолаверса, Омон қалбининг хайратомуз тебранишидан, унинг асарларини мутолаа қилиш орқали, унга ўхшаб завқланиш ва бундай элсевар ижодни чуқурроқ ўрганиш муддаосига чорладиким, энди бу йўлдан чекинмасман, дегим келади.

Зукко ўқувчи зехнига ҳавола қилинаётган ушбу мулоҳазалар адабий танқидчи ёхуд адабиётшуносни эмас, бор-йўғи китобхонниқни. Фарқ шундаки, адабий танқидчи ёки адабиётшунос бирор бир бадий асар таҳлиliga “соха тили ва таҳлил услуги”ни қурол қилган ҳолда ёндашади. Китобхон эса турли касб эгаларининг вакили сифатида бадий асар таҳлиliga қундалиқ ҳаётда қўллаётган “одми” тили ва ўзининг асар ўқиш тажрибасига таяниш орқали қўл уради, холос. Унинг мақсади оддий. Асардан

*Эгамберди МУСТАФОЕВ – иқтисод фанлари доктори, профессор. 1938 йилда тугилган. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтини (ҳозирги ТДПУ) тамомлаган. “Мен шеърят шайдосиман” шеърый ва қўлаб илмий китоблар муаллифи.*

олган таассуротлари, яъни тахлили хулосасини, имкон даражасида ҳаётида қўллаш.

Чуқуррок фикрласак, асар тахлилига иккала ёндашувни ҳам бекаму кўст деб бўлмайди. Яъни, иккаласи ҳам ижодкор асари орқали ўқувчига етказмоқчи фикрини тўла-тўқис очиб бера олмайди. Бу – исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат. Сабаби, тахлил қанча теран ва унда қўлланилган барча усуллару услублар қанча серкирра бўлмасин, улар орқали матн маънисини қай даражада мукамал инъикос этилганига баҳо берувчи ҳакам бадий матннинг ўзи бўлиб қолаверади. Ушбу даъвони аниқ тасаввур этиш учун бадий матнни ҳар гал диққат билан ўқишнинг ўзи кифоя. Зукко ўқувчи асарни қайта ўқиганида, аввалгисида ўзи илғамаган қўлаб янгиликларни оқадиким, у, бу жараён чексизлигидан мутлақ ҳайратга тушиши турган гап.

Шундай экан, Омон Матжон ижодига назар ташлашни нимадан бошласам экан? Ё шоирдан толстойчасига: “Қани, сен қандай одамсан? Мен билган одамлардан ниманг билан фарқ қиласан ва бизнинг ҳаётга қай қўз билан қараш ҳақида қандай янгилик айтишинг мумкин?...”<sup>1</sup> (русчадан муаллиф таржимаси – Э.М.), деб сўрасаммикан? Ёки шоир китобхон ҳукмига ҳавола қилган ўнлаб тўшамларда аксини топган воқеликни кузатсамми?

Шоирнинг китобхон ҳукмига ҳавола этган асарлари ижодкор шахс ички дунёсининг, у яшаб турган муҳит кўзгусида акланган қисми, холос. Адиб ижодига назар солмоқчи бўлган китобхон нафақат ўзи, балки атрофидагилар ҳам бадий баҳра олмағига замин яратиши керак, деган фикрдаман...

Омон Матжон – йигирманчи асрнинг иккинчи ярмидан ўзбек шеърятини осмонидан порлай бошлаган юлдузлардан бири. Шоир ижод гулшанига қадам қўйганидан буён қарийб ярим аср ўтганига қарамай, у ҳамон назм шайдолари хонадонига гўзаллигу латофат олиб қираётгандек тасаввур уйғотади. Унинг асарлари қўлаб қардош ва чет тилларга таржима қилинмоқдаки, бу ҳолат адибимизнинг ижод маҳсули дунё шеърятини хазинасига мулк бўлиб қўшилаётганидан далолатдир.

Ҳа, шоир асарларини ўқиганингда, улардаги бадий нафосат дилингни гўзал хис-туйғуларга ошно қилганидан ҳаприқади юрак. Бундай санъатга тасанно айтгинг келади. Бу ҳол унинг ҳазрат Навоий ва мавлоно Огаҳий ғазалларига битган муҳаммас ва тахмислари-ю, қатор ғазалларида яққол жилоланган дегим келади.

Омон Матжон шеърятининг қудрати халқчилигида, дейишимизнинг асоси – китоблари дўкон пештахталарида узок ётмаслигида, ажабланарли даражада тез тарқалишидадир. Қора қошга ўсма ортиқчалик қилмаганидай, шоир шеърларини элимизда донг таратган хушовоз ҳофизларимиз куйга солиб, куйлашларини ҳам таъкидламоқ зарур. Менимча, бундай машҳурликнинг сири шоир ҳар бир асар қолипни ўзи яшаб турган ижтимоий-иқтисодий муҳит жумбоқларини тушунишга интилишидан, десак тўғри бўлади.

Шоир “Нега мен?!” достони дебочасида бир куни тонг отмай ногоҳ уйғонганида Шарқ уфқидан бир шуъла чиқиб, ерга тўшалганини ва у таратган нурнинг бир тутами юрагига тушганини ёзади. Бу ҳолат туннинг тонгдан енгилгани ёки улар уфқда ўзаро талашганларидан сўнг заминга нур ёғиб, кундуз оқлигига қоришиб кетгани, олам эса шу тонгда ўзгача бир тиниқ ёришгани, нурлар фаришталарга айланиб, кўкдан замонга, элга ўзгаришлар олиб тушишини бекиёс нафосат билан тавсифлаган:

*Дерларки, гоҳи пайт ҳар бир юртга ҳам  
Муборак тонг чоғи йўл солиб ерга.  
Фаришталар тушар эмишлар кўкдан,  
Ўзгаришлар олиб замонга, элга.*

<sup>1</sup> Толстой Л. Н. Полн. собр. соч. (юбилейное), т. XXX. М., 1951, с. 19.

Ижодкор тафаккур кенгликлариди сайр этиб, энди малакларни ерга келтирмай, аксинча ўша йўлдан ер вакили – инсонни кўкка чиқишини ва у жойдан туриб жаҳонни аниқроқ кўришини орзу қилади. Қолаверса, кўкка етишган инсон: ердаги ҳаёт, миллатлару элатлар, улар ўрнатган тузумларнинг баридан хабардор бўлиши, ҳеч бўлмаганда, осмонларга ўзини кўрсатади-ку, дея борликнинг буюк ихтироси бўлган инсонлигидан фахрланади.

*Демак, ҳар шаҳарда, ҳар кентда, сўзсиз,  
Кўк тубига кетган сирли йўллар бор.  
Шундан балки кўкка интиқ боқамиз,  
Сўнги илинж билан зору умидвор?!*

Омон Матжон шундай ижодкорлар тоифасига мансубки, у билан тинмасдан баҳслашгинг келади. Ўзи яшаб турган муҳитда рўй бераётган ҳодисалар ҳақида катъий хулосаларга келиши ва уларни китобхонларга етказиши барчага ҳам бирдай мақбул бўлмагани табиий ҳол. Шоирнинг ўзига ҳослиги ҳам шунда-да, ахир!

Серкирра ижодкорнинг бадий жихатдан етук асарларидан бири “Қуш йўли” дostonидир.

Омон Матжон ўзбек шеърятининг султони ҳазрат Алишер Навоий руҳидан мадад олмок ва Устоз солган йўлга тушиш истагида бўлса керак, дostonини “Лисон ут-тайр”дан парча келтириш билан бошлаган. Балки муаллиф дostonига эскидан тан олинган шакл-шамойил кидиргандир?

Дoston китобхондан кўп мажозли бадий асарни тушунишдек тажрибага эга бўлишини талаб қилади. Асар Алишер Навоий таърифига кўра майдони кенг, “услуби ҳўб” маснавий йўлида ёзилган бўлиб, сатрлар булок кўзидан отилиб чиққан сувнинг тошларга урилгандаги жилдирашига ҳамоҳангдай. Шоир шундай ҳамоҳангликка не бир кечаларни уйқусиз ўтказиш оркали эришган десак, унинг меҳнатига одилона баҳо берган бўлаамиз.

Дoston ноодатий композицион қурилишга эга.

Шунақа бадий қурилишга эга асарлар ҳар замон-бир замонда кўзга ташланиб туради. Бунга жаҳон ва миллий адабиётимиздан кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Омон Матжон “Қуш йўли”ни яратишда кўш натижага интилган. Улардан бири – ўз “кўнгил қушини ихтиёр этиш”, уни парвозга шайлаш бўлса, иккинчиси, дoston дебчасида баён этилган муддао – “ақл” билан “юрак” – икки инини ўзаро яқин ва эл этишга рафтори адад бўлишни “кўнгил қуши”дан илтижо қилиб сўраш:

*Кел, эй кўнгил қуши, ҳаво эт бу дам,  
Нечун безовтасан, садо эт бу дам?!  
Тафаккурнинг уйин, қани тафтиш эт,  
Уйғот, юракка ҳам муносиб иш эт.  
Ақл – ойдин кечада ярқираган қўл,  
Шул нурга элтади бунда барча йўл.  
Юрак – ногоҳ, кузги момақалди роқ,  
Олма шохидоги энг сўнги япроқ.  
Бул икки инини, эй кўнгил қуши,  
Яқин эт ва эл эт, ўнг бўлсин иши...*

Шоир ўзи меҳр кўйган “кўнгил қуши” – руҳини мудом парвозга ундовчи кўринмас “Тақдир қуши”ни тополмай ҳуноб. Балки инсон жони иккидир: бири кўкда юлдуз бўлса; иккинчиси ердаги қушлар, деган ўй шоирга тинчлик бермайди.

Ўйи барор топмаганидан бўлса керак, “икковининг ҳам яшаш жойи юрак эмасми-кан”, кабилида ўзини ўзи саволга тутди:

*Балки, икковин ҳам шахри юракдир?  
Балки... Ким билади, буткул бўлакдир?!*

Шоир “Қуш йўли”да бобдан бобга кўчаркан, эпик дostonлар даҳоси Ҳомердан ўрнак олгандай, асосий воқеликка ёндашишдан олдин унга сабабчи ҳодисаларга (масалан, асарнинг асосий қахрамонлари кушлар ҳаракатини таърифлашдан олдин, инсонлар етишган Наврўз ҳақида баён ва хоказо) эътиборни тортиш оркали ўқувчининг келгуси баёнга бўлган кизиқишини тарбиялайди.

Омон Магжоннинг “Қуш йўли” дostonи Алишер Навоийнинг “Лисон ут-тайр”и, Гулханийнинг “Зарбулмасал”и каби кинояга асосланган асарлар сирасига киради. Шу вaждан, ушбу чоғлиқкина баёнда дoston камраб олган воқелигу хотимани тўлалигича таҳлил қилиш имкони йўқ.

Хулоса қилиб айтганда, мен ўрганишга ҳаракат қилган икки дoston мунозарага бой, жамиятда рўй бераётган ижтимоий ўзгаришларга танкидий кўз билан қараш, ҳалоллигу руҳий покликни мадҳ этиш каби хусусиятларни ўзида жам этганлиги билан кадрлидир.



**Тақаллум била қимса инсон эрур.  
Сўзи ўўқ баҳойимга не сон эрур.**

**Алишер НАВОИЙ**

# ТАРИХГА ЯНГИЧА ЁНДАШУВ



Раҳмон  
ФАРМОНОВ

Ёзувчи, драматург ва тарихчи олим Абдуқаҳҳор Иброҳимов ўзининг навбатдаги кенг қамровли асари – “Илдизим ва ўзим”ни беҳудага “тарихий ҳужжатли роман” деб атамаган. Бу тарихий ҳужжатли романда мемуаристика, эссе, рисола, публицистика, тарихшунослик, элшунослик, анъанашунослик жанрлари унсурлари ажиб тарзда уйғунлаштирилган. *Ўз вақтида асарнинг бир неча боблари “Шарқ юлдузи” (2014 й., № 6) журналида босилган эди.* Кейинроқ у алоҳида китоб ҳолида босмадан чиқди.

Китоб бошидан то охиригача кизикиш билан ўкилади. Сарлавҳаларнинг ихчамлиги, ифода йўсинининг раволиги, воқеаларнинг мантикий изчиллиги китобнинг жонли ва ўкишли бўлишини таъминлаган.

Бу ўз-ўзидан бўлган эмас. Муаллифнинг эътироф этишича, “ўнлаб комусларни, юзлаб китобларни қайта кўздан кечиришимга тўғри келди. Тарих ҳақида ёзиш бадий асар ёзишдан оғирроқ экан. Бадий асар яратишда каламнинг эрки муаллифнинг измида бўлади, керакли гап топилмай қолганда, илҳомнинг етовида “олиб қочаверасиз”. Тарихни ёзишда эса “олиб қочишлар” бўлмайди, гар шунга йўл берсангиз, энди тарих тарих эмас, ёлғон бўлиб қолади. Тарихни ёзишда муаллиф тарихнинг измида бўлар экан”.<sup>1</sup>

Абдуқаҳҳор Иброҳимов ўз китобида воқеа-ходисаларни оддий тарихчи каби шунчаки баён қилмай, уларни мустақил Ўзбекистон, қолаверса, ХХI аср юксаклигидан туриб баҳолайди, шарҳлайди. Ҳар бир тарихий, ижтимоий-сиёсий воқеаларни ўзи кўрган, билган, эшитган, ўқиганларига таяниб, фаол фуқаролик позициясидан туриб баҳолайди, уларга нисбатан шарқона, ўзбекона бағрикенглик нуқтаи назаридан ёндашади. “Мени ўзимдан бошқа ҳеч ким ўзимчалик тўлик ва теран билмайди, – дейди муаллиф. – Нафакат ўзим, айниқса, илдизим – ажлодларим ҳақида билганларим, эшитганларим ва идрок этганларим ҳақида, атрофимни қуршаган мухит ва одамлар ҳақида ёзиб қолдиришман”.<sup>2</sup>

<sup>1</sup> Иброҳимов А. Илдизим ва ўзим. “Adabiyot uchqunlari”, Тошкент – 2015. 364-бет.

<sup>2</sup> Шу асар, 31-бет.

*Раҳмон ФАРМОНОВ – тарих фанлари доктори, профессор. 1945 йилда туғилган. Тожикистон давлат университетининг тарих факультетини тамомлаган. “Халқаро муносабатлар тарихи”, “Замонавий сиёсатшунослик” номли ўқув қўлланмалари, “Франция иккинчи республикаси даврида (1848-1851) ижтимоий-сиёсий ғоялар ривожини”, “Амир Темур Қўрагон ва император Наполеон” номли монографиялари ва юздан ортиқ илмий мақолалари чоп этилган.*

Муаллиф яна таъкидлайдики, “Асарларимда ўз киёфам кўринсин ва сакланиб қолсин”<sup>3</sup>. Дарҳақиқат, Абдуқаҳҳор Иброҳимов ўз калами ва услубига эга ижодкор. Муаллиф асар номини беҳуда “Илдизим ва ўзим” деб номламаган. Китобда шажаралар тарихи ишонарли тарзда баён этилган. Асарни маълум маънода муаллифнинг “Бизким, ўзбеклар” китобининг давоми, аниқроғи, “Тошкентнома” деб атаса ҳам бўлади, чунки у Тошкентнинг, Тошкент ахлининг таржимаи холидир. Муаллиф бир неча ўнлаб эмас, юзлаб тарихий шахсларнинг портретларини жонли тарзда чиғиб беришга муваффақ бўлган.

Муаллиф ўз амакилари – Аҳмаджон ва Абдулмажид Иброҳимхожи ўғиллари мисолида жадидларнинг ҳаёти, фаолияти, қисматлари тўғрисида кизикарли маълумотлар келтирган. Ўзбекистон мустақиллиги туфайли муаллиф илк бора 1991 йилнинг декабрь ойида Туркияда сафарда бўлган, амакилари ва ватандошларининг қабрларини зиёрат қилган. Муаллифнинг Туркияга қилган сафари унинг дунёқарашини янада бойитди.

Абдуқаҳҳор аканинг бу асарида Наршахий, Мирхонд, Хондамир, Бобур, Огахий, Баёний ва бошқа машҳур тарихчи бобокалонларимизнинг ижобий таъсири ҳамда анъаналарини кўриш мумкин.

Китобдан хоразмшохлар, салжукийлар, ғазнавийлар, темурийлар, шайбонийлар, аштархонийлар, манғитлар, минглар ва бошқа сулолаларнинг вакиллари тўғрисида қимматли маълумотлар топасиз. Муаллиф ҳақли равишда Абдуллахон II, Пётр I эмас, балки Иккинчи Абдуллахон, Биринчи Пётр деб ёзишни маслаҳат беради. Бу фикрга қўшиламыз.

Муаллифнинг мазкур асарида рухониятимиз пешволари Аҳмад Яссавий, Қафқол Шоший, Баҳоуддин Нақшбанд, Имом Бухорий, Имом Термизий ва бошқалар тўғрисида янги маълумотлар учрайди. Китобда аруз вазни соҳасида “Фунун ул-балоға” деган асари билан илмий жасорат кўрсатган Шайх Аҳмад Тарозий тўғрисида кизикарли маълумотлар бор. “Фунун ул-балоға” Алишер Навоийнинг “Мезон ул-авзон” асаридан 60 йилча олдин юзага келган.

Нега биз бу китобни “Тарихга бўлган янгича ёндашув” деб атадик? Шўролар даври адабиётида, кўпчилик мутафаккирларимизнинг фаолиятига албатта, конфликт ёки синфий кураш ғояси остида баҳо берилган: Алишер Навоий ва Камолиддин Биноий, Хўжа Аҳрор ва Мирзо Улуғбек, Бобур Мирзо ва Шайбонийхон. Муаллиф ўзининг Шайбонийхон ва шайбонийлар тўғрисидаги фикрларини баён этиш асносида шўролар давридан қолган ушбу конфликт нуқтаи назарининг қанчалик хато эканлигини исботлаб беради.

Чор Россияси ва шўролар даврида тарихимиз сохталаштирилди. Чунки тарихимизни деярли ўзгалар ёзган, ўзбеклар ёзган китоблар ё тақиқланган, ёки реакцияон деб эълон қилинган, Октябрь тўнтаришига қадар ўзбеклар ичида саводли аҳоли икки-уч фоиз деб кўрсатилган. Муаллифнинг маълумотларига кўра, 1875 йилда Фарғона водийси аҳолисининг 53 фоизи саводли бўлган. Бу Европадаги энг саводли халқ ҳисобланган французлар билан тенг деганидир. Кўп сонли мадрасалару, мактаблар тўғрисида гапирмаса ҳам бўлади.

Муаллиф ўртага ташлаган яна бир муҳим масала – ўзбек тилининг нуфузидир. Ўзбек тили дунёдаги бой тиллардан бири ҳисобланади. У туркий сўзлардан ташқари сўғдий, хоразмий, форс, араб тилларидаги сўзлар ҳисобига ҳам бойиб борган. Қозок, қирғиз тилларига нисбатан, ўзбек тили луғат таркиби юқорида номла-

<sup>3</sup> Шу асар, 49-бет

ри қайд этилган тиллар ҳисобига кенгайиб борган. Форс ёки араб тилларида ижод қилган шоир, ёзувчи, мутафаккирларнинг ҳаммаси ҳам эрон ёки арабларга тегишли эмас. Масалан, Ҳиндистонда 330 йилдан ошиқроқ вақт давомида мутафаккирлар ўз асарларини форс тилида ёзганлар. Улар форс шоирлари эмас, балки ҳиндларга ва туркистонликларга хизмат қилганлар. Демак, бу масалага ҳам тўғри ёндашиш керак, дея уқтиради муаллиф.

Яхши ёзилган китобга талаб ҳам катта бўлади. Асарда Қафқол Шошийнинг Қуръон мусхафини Туркистонга олиб келинганлиги Хўжа Аҳрор валийнинг шоғирди Шайх Абу Аҳмад Муҳаммад Қози Шоший каламига мансуб “Силсилат ул-орифин” китобига асосланиб баён қилинган. Баъзи манбаларда ёзилишича, уни юртимизга Амир Темур олиб келган. Айрим манбаларга кўра, Қафқол Шоший “Таврот” китобини ажам тилига ўтргани таъкидланса, айрим ўринларда уни араб тилига таржима қилди дейилади. Ажам тили дейилганда форс ёки турк тили назарда тутилади. Фикримча, муаллиф академик Ахмадали Аскаронинг ўзбек халқининг этногенезига оид асарига ҳам ўз муносабатини билдирса нур устига нур бўлар эди.

Абдуқаҳор Иброҳимовнинг “Илдизим ва ўзим” ҳужжатли тарихий романи тарихчилардан ҳам ташқари, ижтимоий-гуманитар соҳа вакиллари учун ҳам муҳим аҳамият касб этувчи асар бўлди десак, менимча, муболага бўлмайди.



**Одам икки нарса тусрайди  
қаримайди: бири – яхши феъди,  
иккинчиси эса эзгу сўзи.**

**Юсуф ХОС ҲОЖИБ**



Оллоберган ПЎЛАТ

## Сув қуяман гулимга

### Китоб – ақл чироғи

– Китоб – ақл чироғи –  
Деган эдилар дадам.  
Бу ҳикматнинг маъноси  
Теран экан чинданам.

Бўлиб колган эдим мен,  
Бу сўзга аввал хайрон.  
Ўйлаб кўрсам, уларнинг  
Гапида бор экан жон.

Эрта туриб китобим  
Ўқиганимда ҳар дам,  
Синфимда энг аълочи  
Ўқувчи бўлдим мен ҳам.

Бу одатимни канда  
Қилмадим ҳеч бирор кун:  
Хурсанд бўлди устозлар,  
Дадам, онам ҳам мамнун.

Айни чоғ, синфим илғор  
Ўқувчисиман ўзим.  
Доим “беш”га ўқигач,  
Хамиша ёруғ юзим.

*Оллоберган ПЎЛАТ – 1935 йилда туғилган. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтини (ҳозирги ТДПУ) тамомлаган. “Кўнгиروقча”, “Ғунчалар кўшиғи”, “Ажабтовур болалар”, “Жалолиддиннинг шамшири”, “Қушлар хониши”, “Қулоллар кўшиғи”, “Она қишлоқ соғинчи”, “Ғунчалар”, “Турналар учганда”, “Аму тўлгонади” каби китоблари чоп этилган.*

## Мусичанинг уяси

Баланд бўйли гужумга  
Қайта-қайта боқиб чин,  
Қурмок бўлди мусича  
Унга хавфдан холи ин.

Эгри шох айри банди  
Хуш кўринди кўзига,  
Чўп ташиб уя қурди  
Ихчамгина ўзига.

## Ойижоним

Ўзимнинг ойижоним  
Ҳаммадан ҳам меҳрибон.  
Ойижоним ишонмас  
Еру кўкка бирон он.

Чиндан ҳам кулиб турган,  
Ширин сўз ойижон бор.  
Шунинг учун хушчакчак  
Боламан энг бахтиёр.

## Синиқ ой

Кўкка боккан Ферузжон  
Ҳайрон бўлиб деди: – Вой!  
Тунов кун кўрганамда  
Бутунгина эди ой.

Кимдир уни атайин  
Синдирган деб койинди.  
Сарак қилиб бошини  
Ферузжон титраб, ёнди.

## Жажжи ток

Ўтган йили токимни  
Ўтказиб сув қуйган чок,  
Энди ўсгин, мева қил,  
Деган эдим мен тезрок.

Чиқармабди эсидан  
Ўшандаги сўзимни.  
Бу баҳор у гўлдираб,  
Кувонтирди кўзимни.

### Қопқон ва тулки

Шум тулки товукларни  
Яшатмай кўпдан буён,  
Ўғирлаб, еб кетарди  
Ҳар оқшом келиб пинҳон.

Чўп солиб кўзимизга,  
Зиён берди кундуз ҳам.  
Қандай чора кўрсакда,  
Бизга нафи бўлган кам.

Ниҳоят, қуриб қопқон,  
Тулки ўрганган йўлга,  
Терисин шилиб олдик,  
Тушган захоти қўлга.

### Сув қуяман гулимга

Эрта тонг билан туриб,  
Сув қуяман гулимга.  
Хушбўй тараб ҳар ёнга,  
Завқ бахш этар дилимга.

Юваман баргларини,  
Юқтирмам сира ғубор.  
Тупроғин юмшатаман,  
Сира бермайман озор.

Гулларим ўстиряпти  
Эпкин шамоллар тараб,  
Мисли чаман очилган,  
Ҳеч тўйиб бўлмас қараб.



**Дунёдаги инсонлар меҳр ва  
муҳаббат соясинда яшарлар.**

**Абдулла АВЛОНИЙ**

## ТАРИХНИНГ ШАФҚАТСИЗ САБОҚЛАРИ



Аҳмадҷон  
МЕЛИБОЕВ

Истеъодли ёзувчи Алишер Ибодиновнинг “Худоёрхоннинг сўнги кунлари” асарини қизиқиш билан ўқиб чиқдим. Муаллиф тинимсиз изланаётгани, эътиборга молик тарихий манбаларни синчиклаб ўргангани яққол кўриниб турибди. Қўкон хонлиги тарихига доир илмий тадқиқотлар, хотиралар, Аҳмад Заки Валидий, В.Наливкин, Н.Остроумов, Ибрат домла, тошкентлик кози Сатторхон Абдулғаффоров, Мулла Олим Махдум, Мирзоалим Мушриф ва бошқаларнинг китобларидан келтирилган муҳим иқтибослар ўқувчида жиддий қизиқиш уйғотади. Бу манбаларда Худоёрхоннинг отаси Шералихон 1842 йили мен туғилиб ўсган Сафед Булон қишлоғидаги йиғинда оқ кигизга ўтказилиб, Қўконнинг хони деб эълон қилингани, шу табаррук жойдан Косонсой, Тўрақўрғон ва Чуст орқали Қўконга юриш бошлангани айтилади. Мен учун янгилик бўлгани – рус олими В.Наливкиннинг XIX аср охирида рафикаси билан икки йил Сафед Булоннинг шундоққина ёнгинасида жойлашган сўлим Нанай қишлоғида яшагани, маҳаллий аҳолининг турмуши, урф-одатларини ўргангани бўлди. Иккинчи янги далил шуки, Шералихон Қўкон тахтига ўтиргач, унинг саводи чиқмаган, демакки, ёзув-чизувдан беҳабар ўғиллари Худоёр ва Сўфибекка нанайлик машхур мактабдор домла мулла Тошбой сабоқ берган экан. Абдулла Қодирий ўтган асрнинг 20-йилларида Қўконга келиб, Худоёрхоннинг ўша пайтда ҳаёт бўлган хотинларидан бири Розия-бегим билан учрашгани илмда бор гап. Ҳабибулла Қодирийнинг отаси ҳақидаги хотираларида хонлар давридаги Қўконнинг йирик уламоларидан бири, мўътабар диний арбоб Миён Фазл Ваҳхобнинг фожиали севгиси тилга олинади. Бу табаррук зот Худоёрхонга пир мақомида бўлган экан. Аммо...

Хонлиқлар тарихига кўз ташласангиз, турли офатлар, эл-улус бошига тушган мислсиз қуфатлар, аёвсиз қатлларнинг сабаблари маълум бўлади. Имон-этикоди суст, сотқин, хиёнаткор кишилар ҳукмдорларга яхши кўринмок, бирор мансабга илинмок, бирор ёгли лукмани оғизларига солмок илинжида ҳарамни ёш соҳибжамоллар билан тўлдиришга ҳаракат қилганлар. Бундай кишилар Худоёрхон ўрдасида ҳам бўлгани бағоят таъсирчан қилиб кўрсатилибди. Улар хонни Миён Фазл Ваҳхобнинг ҳуснда тенгиз хотини борлигидан хабардор қиладилар. Ҳирс-

*Аҳмадҷон МЕЛИБОЕВ – 1946 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультетини битирган. “Бир заминда яшаймиз”, “Умидли дунё”, “Елғиз яшаб бўлмайди”, “Умр – учар юлдуз”, “Торнинг чўмичдан фарқи”, “Сувора соғинчи”, “Қирқ беинчи бекат” каби китоблар муаллифи.*

ҳавас жазавасига тушган хоннинг буйруғига биноан, кўшмачи даллоллар эшон хонадонига бориб, сулув аёлини кўриб, оғзилари сув очиб қайтади. Бу аёл ўша – Абдулла Қодирий билан суҳбатлашган Розиябегим эди. Худоёрхон Розиябегимни ўрдага зиёфатга таклиф эттиради ва уни шу ерда тунаб қолишга мажбур қилади. Тунда меҳмон аёл ётган хонага... хон кириб келади. Ҳарамда икки-уч кун қолиб кетган Розиябегимдан нима воқеа содир бўлганини эшитган орийтли эшон хотинини уч талок қўяди ва уни ўн тўрт арава сеп билан хон ўрдасига қайтариб юборади. Ҳажр азобида куйиб-ёнган эшон шаҳарда таркаган гап-сўзларга чидамай, Қўқондан бош олиб чиқиб кетади ва Ўш шаҳрига туташ тоғдаги ғорда садокатли шогирдларидан бири билан дарвешона ҳаёт кечира бошлайди. Аммо, орадан қирқ кун ўтар-ўтмас шамдай куйиб адо бўлади. Ўлими олдидан шогирдига: “Мулла Абдулбоқи, менга яқинроқ келиб, оғзимни хидланг-чи, ниманинг хиди келяпти?” дейди. “Қабоб хиди келяпти, устоз, қабоб” дея жавоб беради шогирди. Миён Фазл Ваххобнинг жигари ҳажр оловида коврилиб кетган экан... Такдир бундай номусли зотни хўрлаган Худоёрга умри сўнггида бундан-да оғир жазо – ватангадоликни ҳозирлаб қўйганини кўринг...

Бугун ижодкорлар орасида тарихий мавзуда қалам тебратиш урф бўлиб бормоқда. Билган ҳам, билмаган ҳам тарихнавислик қилмоқда. Бир асардаги тўқима образ бошқа бир асарга тарихий шахс бўлиб кираётир, таникли шахслар тўғрисидаги “қўлбола” талкинларнинг чеки-чегараси йўқ. “Қиз Жибек” бадиий фильми билан боғлиқ “асрга татигулик” янгилишув бошқа соҳаларда ҳам такрорланмоқда. Ён-атрофларимизда чоп этилаётган мактаб дарсликларидан у ёки бу миллатнинг алоҳидалиги, улуғлиги ва беҳад қадимийлиги даъвоси кучайиб бораётгани ҳам ажабланирлидир.

Аслида, ўтмиш ҳақида қоғоз коралашнинг ёмон жойи йўқ, бироқ, яқин ва олис тарих воқелигини, аввало тўғри идрок этиш, мохиятини бугунги ўқувчига бузмай, камитмай, бошқа либосга ўрамай, ортиқча оширмай-тоширмай етказиш ўта масъулиятли, ҳам илмий, ҳам ижодий ҳалолликни талаб этадиган иш. Чунки, Биринчи Президентимиз Ислоом Қаримов сўзлари билан айтганда, “Кечаги тарих – биз учун ҳаёт мактаби, бамисоли тиник бир кўзгу, унга қараб сабоқ оламиз, ҳулоса чиқарамиз, келажак йўлини белгилаймиз”. Тарих фанлари доктори, профессор Мирсодик Исҳоқов бу вазифани қуйидагича ифодалайди: “Тарих ўтмиш экан, унга нисбатан тарихчи ўз мақсадлари, қарашлари орқали кириб боради. Яъни, тарихни ўзидан холи тадқиқ қила олмайди... Тарихни билишда тарихий маълумотларнинг аслияти қанчалик ҳаққонийлиги ёки сохталлиги масаласи (тарихнависнинг) диққат марказида турмоғи лозим. Кўп ҳолларда муайян вазият тақозоси билан воқеанинг тафсилотлари атайлаб сохталаштирилган бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда манбалар, агар уларнинг вариантлари бўлса, қиёсий ўрганилиши зарур бўлади”.

Шу қисқа иқтибоснинг ўзида жуда кўп масалалар қундек равшан бўлиб турибди: тарихшунос бу ишга қандай мақсадда ёндашаётгани ва унинг шахсий қарашлари қандайлиги, билими, имон-эътиқоди, қаламдан тўкиладиган сўзга масъулияти жуда муҳим. Воқеа-ҳодисалар тафсилотининг сохталаштирилишига эса Парижнинг Версал саройи залларидан бирини безаб турган “Наполеоннинг тож кийиши” сурати мисол бўла олади. Рассом бу асарни реал воқеа асосида яратган, аммо буюқ фотиҳнинг эътирози туфайли, муаллиф унга тузатиш киритиб, сохталikka йўл қўйган.

Қўқон хони Худоёрнинг шахсиятига турли манбаларда турлича ёндашилади. Л.Троицкаянинг “Қўқон хонлиги тарихи” китобида қизиқ бир далилга дуч келдим: Тошкентдан хон ҳазратларининг оналари ҳузурига меҳмон аёллар келишгани му-

носабати билан хазинадан бир кулча совун, бир думалок кўк чой, бир думалок қора чой ажратиш тўғрисида... расмий фатво имзоланган, хазинабон “бердим” деб, олувчи “олдим” деб имзо чекишган экан. Иккинчи далил: Фон Кауфманнинг “тузук” маслаҳатига кўра, Петербургга меҳмонга отланган Худоёрхон сафар олдидан яқин таниши бўлмиш мулла Маъруф деган кишига ўзига тегишли Алишер Навоий, Мирзо Бедил ва бошқа улугларимиз каламига мансуб нодир китобларни омонат сақлаш учун қолдиради. Бундай китоблар хонлик кутубхонасида кўп бўлган экан. Худоёрхон Шарафиддин Али Яздий “Зафарнома”сининг жаҳонда ягона тўлиқ нусхасини себзорлик таникли маърифатпарвар Муҳиддинхўжа қозига совға қилади, вақти келиб, бу китобдан элимиз баҳраманд бўлишидан умидворман, дейди. Хонликда солиқ тизими анча адолатли бўлгани тўғрисида ҳам фатво-ҳужжатлар мавжуд. Бу маълумотларни ўқиганимда пайдо бўлган тасаввурни ўз пирининг шаръий аёлига зўрлик билан ўйланиб олиш воқеаси чилпарчин қилиб юборади.

“Худоёрхоннинг сўнгги кунлари”ни ўқир эканман, устоз Шариф Юсуповнинг Қўқон хонлиги тарихига оид туркум мақолалари ёдимга тушди. Уларда яқин ўтмишимизнинг аччиқ ҳақиқатлари, Амир Насруллонинг Қўқондаги хунрезликлари, Туронзаминнинг чор Россияси томонидан босиб олиниши сабаблари, Худоёрхоннинг сўнгги кунлари, унинг аянчли тақдирининг талқинингиздан бироз фарқ қилса-да, моҳиятан бир-бирини тўлдиради. Домла Юсупов ўқувчи эътиборини Бухоро, Қўқон ва Хива хонлиқларининг ҳукмфармолари ўзаро аҳл бўлмагани, узокни ўйламай қалтабин сиёсат юритганлари, буниги оқибатида ҳалқ бошига мислсиз қулфатлар келганига қаратади. “Чор Россияси ҳукмрон доиралари, – деб ёзади устоз, – бу хонлиқларга савдогар, сайёҳ никобида кетма-кет жосуслар йўллаб, хонлиқлардаги ҳақиқий аҳволдан пухта хабардор бўлгач, уларнинг босқинчилик режаларида алдам-қалдам дипломатияси тобора кўпроқ ўрин эгаллай бошлайди. Бунда улар, бир томондан, Қўқон, Бухоро ва Хивадан Россияга юборилган элчилардан ўз ёвуз мақсадларини яшириб, хонлиқларга яқин ҳудудларда харбий истехкомлар қуриш, дарё портларини келажакдаги ҳужумлари учун мувофиқлаштириш каби номатлуб ишларини гўё хонлиқлар манфаати йўлида қилинаётган ишлар сифатида кўрсатмоқчи бўладилар. Иккинчи томондан, Туронзаминга босқин онлари яқинлашгани сари бу ердаги хонлар орасидаги низони атайлаб қучайтиришга қаратилган манфур дипломатияни император ва унинг энг яқин аъёнлари иштирокида амалга оширишга эришадилар”.

“Худоёрхоннинг сўнгги кунлари” асарининг муаллифи, устоз Шариф Юсупов, Хива хонлари тарихини ўрганган Эркин Самандаров, Комил Аваз, Оллоқулихон даврини ўрганиб, илм қилган Омонулла Муталов, бошқа кўплаб тадқиқотчилар ҳам шу фикрда. Яқин ўтмишнинг адолатсиз, ақл-идрок билан англаб бўлмайдиган хунрезликлари тўғрисидаги қуюнчак мулоҳазалар ўқувчини ўйлантириб қўяди. Сабоқларимда талабаларга Шарқни неча асрлар давомида қонга ботириб келган, юртни вайрон, халқни бенаво қилган уч мудҳиш қусур: кўпхотинлик, бойликка, айш-ишратга берилиш хусусида сўзлаб бераман. Шу уч қусур эмасми, не-не салтанатларни инкироз қўчасига бурган, тағига сув қуйган, шулар эмасми отани болага, болани отага қарши қўйиб, мамлакатни, саройларни қонга ботириган?! Ҳали Соҳибқирон Амир Темурнинг муборак жасади тупроққа қўйилмай туриб, тахт атрофида қонли жоғролар бoшланиб кетгани ҳақида ёзар экан, Алишер Ибодитов “Агар Темурнинг ворислари, саркардалари унинг васиятига сўзсиз амал қилиб, жон диллари билан Пирмуҳаммадга бўйсунганида, уни батамом қўллаб-қувватлаб, чин садоқат билан хизмат қилишганида қандай тарихий вазият вужудга келарди?”

деган фикрни ўртага ташлайди. Шу жойда ич-ичимдан ўкинчли бир изтироб келади: омонат, қон хиди анқиб турган тахт учун курашларда миллатнинг қанчадан-қанча бўлғуси сардорлари, донишманд даҳолари, фахр-ғурурларининг ҳам бошлари кесилиб кетган бўлиши мумкин-ку? Бу хунрезлик илм-маърифат бобида олис юлдузлар қадар баландликка кўтарилган бобомиз Мирзо Улуғбек пайтида ҳам давом этганини қандай изоҳлаш мумкин? Асар муаллифининг Амир Темур ва темурий шахзодалар, Бобур ва бобурийзодалар саройларида, кейинчалик хонликларда юз берган мудҳиш жиноятлардан чиқарган хулосаси ғоят ўринли: “Ҳақиқий тахт эгасини хиёнат йўли билан ўлдириб, унинг мамлакатини қонунсиз эгаллаб олиш қонуний ҳол, нақ бўлмаса миллий анъанага айлангани, аслида, давлатчилигимиз асосларини емиргани, буюк бир миллатни мустамлака занжиридаги ғариб ва ҳокисор халққа айлантириб, дунё сиёсати тўридан остонага улоқтиргани ҳақиқат”. Бу хусусда китобда келтирилган факт ва рақамларнинг ўзи ўқувчини ларзага солади. Биргина Кўқон хонлигини олайлик: милодий 1740 йилдан то 1875 йилгача, яъни 135 йил ичида тахтга қонуний тарзда ўтирган хонлардан ўн беш нафардан ортиги ёлланган қотиллар, фитначи унсурлар, қиличи қонсираган жаллодлар қўлида жон беради. Абдураимбий, Сулаймонбий, Олимхон, Муҳаммадалихон, Султон Маҳмудхон, Шералихон, Султон Муродхон, Маллахон, Султон Саидхон, Шохмуродбек ва бошқалар тахтга ўтирганларидан кейин ўлдирилган, сўйилган хонлардир. Ҳатто амир Умархондай маърифатли подшоҳ ҳам ўз акаси Олимхоннинг жасади устидан юриб ҳукмронликка эришган эди. “Худоёрхоннинг сўнгги қуллари”дан аввал хивалик оксоқол ёзувчи Кўзи Давлатнинг Хива хонлари тарихига оид учта романини ўқиган эдим, бу ерда ҳам шу ҳолат, шу фитна, шу манфур фожиалар.

Атокли ёзувчи Чингиз Айтматов инсоният тарихидаги қонли одамқушлиқлар ҳақида ёзар экан, “Урушнинг даҳшати шуки, бу қирғинбаротларни бошлаган фотиҳлар, саркардаларнинг номи тарихда қолади, аммо бегуноҳ қурбон бўлган миллион-миллион кишилардан ном-нишон ҳам қолмайди”, дейди. Мана шуниси алам қилади.

Асарда француз адиби Монтеннинг “Францияда ўлимга ҳукм қилинган киши, ўз хос ҳарамиди ўнлаб соқчилар муҳофазасида айш қилаётган Эрон шоҳидан ҳам эркинроқдир. Зеро, ўлимга маҳкум французнинг бир жихатдан кўнгли тўқ – қонун уни сўнгги дамгача муҳофаза этади. У афв этилиш эҳтимолига умид боғлайди. Бироқ соқин ҳарамда ишрат билан машғул Эрон шоҳи эса қутилмаганда шу ҳарамнинг ўзида қотил ханжари зарбидан жон таслим қилиши мумкин”, деган фикри келтирилган. Муаллиф “Ўлдириш мисоли миллий анъанага айланиб кетгандай эди”, деган хулосага келади. Шундаймикин? Тахт учун кураш, бу йўлдаги тирик “ғов”ларни пичоқ, ойболта тиги билан даф қилиш бугун дунёга маърифатдан, инсоф-диёнатдан сабоқ бермоқчи бўлаётган Ғарбда бундан икки ярим аср аввал, чиндан ҳам, анъанага айланиб кетган эди. Чунончи, ўлим жазосига ҳукм қилинган Шотландия қироличаси Мария Стюарт, Англия қироли Карл I, Франция қироли Людовик XVI ва унинг беваси қиролича Мария Антуанетта бошларини жаллод қунадасига қўйишдан олдин мириқиб ухлаганлар, ювиниб, энг яхши кийимларини кийишган, сочларини силлиқ қилиб тарашган, қонли қатл содир бўлганида майдонга йиғилган оломон: “Яшасин республика!” дея қичқирган. Тасаввур қилишнинг ўзи мушкул: жаллод ҳукмдорнинг бошини узган пайти, оломон шундай деб турса-я. Улар ҳар қандай гуноҳқор, у қиролми, қаззоб ўғрими, давлат сирини душманга сотган хоними, шундай жазоланиши керак, деб ўйлашган, қатл майдонига ўзларининг фуқаролик бурчларини адо этгани келишган. Камдан-кам киши бу қон тўкиш, аслида, саройдаги фитна-фасод натижаси, тож-тахт,

бойлик учун кураш эканини билган, ammo овоз чиқармаган. Қатлининг миллий анъанага айланиши шу эмасми?! Шарқда эса ҳар гал саройда фитна уюштирилиб, кимнингдир боши кесилганида, яна бир мутғаҳамдан, фирибгардан, сотқиндан, бўшанг ландовурдан кутулдик, энди бу ёғига хотиржам яшаймиз, деб ўйлашган. Тожу тахт бор экан, бу биродаркушлик ҳеч қачон барҳам топмаслиги тўғрисида ўйлашган ҳам эмас. Ухлаб ётган Мўмин Мирзони ширакайф бобосининг фатвосига биноан қатл этиш учун қўлига кишан солиб олиб кетишаётганида, у мулозимларга “Мени қаёққа олиб кетаяписизлар, нима қилмоқчисизлар ўзи?” деб эмас, “Мен шаҳзодаман, бобомнинг суюкли набирасиман, шунга яраша ҳурмат қилишингизни талаб қиламан”, дейди. Жаллодлар унга: “Шаҳзодам, хотиржам бўлинг, қўлингизга авомнинг қўлига солинадиган темир эмас, тоза кумушдан ясалган кишан солдик, бу ҳурмат эмасми?” деб жавоб беришади.

Бу келтирилганлар узоқ давом этган, йиллар, асрларни ортда қолдирган адолатсизлик, қонхўрлик, биродаркушлик, инсоннинг қон-қонига сингиб кетиши мумкинлигидан далолат беради. Тахт бор экан, адолатсизлик ҳам бўлади, деган гап рост. Иброҳим Адҳамга нисбат берилган ривоятдаги туякашни эслайлик. У подшонинг томига чиқиб, кеча чўлда йўқотган туяларини излаб юрган бўлади. Подшонинг: “Чўлда йўқотган туяларингни менинг томимдан ахтаришингизда не маъно бор?” деган саволига бамайлихотир: “Сизнинг тахтда ўтириб, Оллоҳни излашингизда не маъно бор?” деб жавоб қайтаради.

Яқинда Алоуддин Атомалик Жувайнийнинг “Жаҳон фотиҳи тарихи” асарини Назарбек Раҳим таржимасида ўқиб чиқдим. Бу асар Марказий Осиё ва Эрон, Мўғулистон ва Хитойнинг XIII асрдаги ижтимоий-сиёсий тарихини ақс эттирган эътиборга молик манбалардан бири ҳисобланар экан. Муаллиф бу даврни “хур кишилар озиксиз, йиғитлар сургунда, ҳисоблилар ҳисобидан адашган, ақллилар фалокат ҳудудига тушиб қолган, тадқиқотчилар ўз мавзуларининг асири бўлиб қолган, билимдонлар жохилнинг хизматиға кирган, етук баркамол кишилар разиллик касалига дучор бўлган, мақом соҳиблари гафлатда қолиб, залолат йўлиға кирган, яхшини ёмондан фарқлай оладиган кишилар виждонсиз, разиллар қўлиға асир бўлиб тушган давр эди”, дея таърифлайди. Китобда ҳикоя қилинган баъзи воқеаларни ўз кўзи билан кўрган, баъзиларини гап-сўзлари ишончли бўлган кишилардан эшитганини, яна бир қисмини эса эътиборга молик манбалардан олганини айтади. Мирзо Муҳаммад ибн Абдулваҳҳоб Қазвиний 1916 йили ўзи нашр эттирган “Тарихи Жаҳонгушо” асарининг иккинчи жилдига ёзган махсус муқаддимасида Алоуддин Атомалик Жувайнийнинг боболари, отаси Баҳоуддин ва акаси вазир Шамсиддин обрўли, илмли давлат кишилари бўлганини, Алоуддин ўн беш йил муддат мўғуллар томонидан Эрон волийлигига тайинланган амир Аргун ёнида бўлиб, қотиблик, дафтардорлик ва элчилик вазифаларида ишлаганини уқдиради, Қазвиний яна “Ҳеч бир тарих китобида “Жаҳонгушо” қадар воқеа-ҳодисаларнинг ичига кириб борилган ва гўзал натижага эришилганини учратмаймиз”, дейди. Жувайнийнинг ўзи бу китоб мўғул ҳукмдорларининг талаби (буйруғи) билан уларнинг ишларини тарих саҳифалариға муҳрлаш учун ёзилганини ўқувчиға аста шипшитиб қўядики, бу эслатма муаллифнинг имон-эътиқодли, инсоф-диёнатли кишилигидан далолат беради. Ҳукмдор буюртма бердими, уни бажариш керак, воқеа-ҳодисалар тафсилотини буюртмачиға маъқул келадиган қилиб ёзмақ зарур. Бошқа йўл йўқ. Жувайний асосан шу йўлдан боради. Буни китобда келтирилган, тўғрилиги, аниқлиги ҳусусида бир тўхтама келиш анча мушқул бўлган кўплаб ривоятлар, ҳамду саноларда кўриш мумкин. Мана, улардан бири: “Чингизхоннинг халққа ер

бўлиб бериб, дехкончиликни тарғиб қилиши туфайли озик-овқат маҳсулотлари кўпайди, ичимликлари Жайхун ирмоғи мисоли оқа бошлади... Бозорлари ва савдо расталарида жавоҳир ва газламалар шу даражада арзонлашдики... Мўғуллар торлик ва кашшокликдан мўл-кўлчилик ва роҳат-фароғатга эришдилар”, яна бири: “Ўқтой хокон даврида унинг даргоҳи олимлар учун бошпана ва хузур-халоватли жойга айланди, тўғрилиқ тонгининг нури окшом қоронғилигини тарқатиб юборди, мамлакат худудлари Чин ва Мочиндан Сурияга қадар узайиб, неъматлар одамларнинг устига ёғди. Улуғ хоконнинг саҳийлиги боис, машҳур Ҳотами Тойнинг номи унутилди, Ўқтойнинг бошқаруви пайтида дунё хузур-халоватга тўлди, ҳатто фалак яратган машаққатлар (азоб-уқубатлар) ҳам йўқ бўлиб кетди” (215-бет).

Жувайний шундай йўл тутишга мажбур бўлгандир, аммо у бошқа кўплаб тарих ёзарларга ўхшаб, ўзи эътироф этганидай, “буюртма асирига айланмай”, бу давр ҳукмдорлари томонидан амалга оширилган мислсиз қатлиомлар, кўз кўриб, кулоқ эшитмаган қирғинбарот жанглари, талончилик, вайронкорлик ва бошқа адолатсизликларни четлаб ўтмайди, уларга рамзий, шеърӣй ва нақлий ишоралар орқали муносабат билдирадигани, бу ҳол асарнинг тарихий манба сифатидаги қимматини оширади. Қуйидаги икки иқтибосга эътибор беринг: “Чингизхон аскарлари Самарқандда қалъа атрофини халқа тарзида ўраб, тош ва ўқлар ёрдамида ички қалъанинг девор ва минораларидан тешиқлар очдилар, икки намоз орасида дарвозаларни синдириб, ичкарига қирадилар. Жасур йигитлардан ташкил топган минг кишилик гуруҳ (махаллий халқ) қатта масжид ичига кириб, ташқарига ўтли шишалар отиб, ўзларини химоя қиладилар. Босқинчилар масжидни ёқиб юборишади. Масжид ва масжид ичидаги одамлар дунё оловида ёниб, охират сувида ювинадилар... 1221 йилнинг апрель ойида юз берган тўқнашулар пайтида Самарқанд шаҳри бағамом йўқ бўлиш нуктасига қелади (162-163-бетлар). Бу икки баҳо орасида ер ва осмон оралиғича фарқ бор.

Фитрат “Шарқ сиёсати” асарида шундай ёзади: “Маданият тарихининг энг буюк ва энг тугал қоидаларидан бири шудир: бир улус тирикчилигининг ҳар тўғрисида юксалиб, тараққий қилиб тинчланса, бирор ёқда қучлироқ бирон бири кўринмаса, ўлкаси кенгайиб, оқчаси кўпайса, ул улуснинг бора-бора ахлоқи бузулар, тотлиғи йўлдан чиқа бошлар. Биз, шарқликлар, даҳи тинчлик ва роҳат сўнгинда бузулиб қолдиқ, йўлдан оздиқ, эзгу тилақларимизни унута бошладик. Билим ва ҳунардан юз қайтардик, бирлик ва ахлоқдан айрилдук, оқчага берилдук, оқчага сотилдук... Шарқнинг бутун ишлари онгсиз беклар, тушунчасиз хонлар, миясиз муллалар, билимсиз эшонларнинг қўлига ўтди. Бунлар Шарқнинг бутун тузук ва интизомини бузуб юбордилар. Хонлар ўз қоринларини тўйдирмақ учун халқни бир-бири билан уруштирдилар, мамлакатнинг жонли ва муҳим ўрунларини сотдилар... Шарқнинг тараққий йўли кўмулди. Саодат ва тинчлик эшиқлари боғланди, саодатнинг энг юксак тепасига чиққан Шарқ йўқсулликнинг энг теран чуқурига тушди”.

Тарихий далил ва исботларга қатъий асосланган бундай фикрни Алихонтўра Соғунӣй асарларида ҳам кўриш мумкин: “Нима учун кейинги асрларда Туркистон халқи жоҳилият ботқоғига ботди? Бунинг бош сабаби – динни асоси билан тушунмаган илм-маданият душманлари ҳокимият тепасида бўлдилар. Ўзларини дин ҳомийлари деб эълон қилиб, халқни маърифат нуридан маҳрум, замонавий фанний илмлардан бутунлай йироқ тутдилар... Шунинг учун Туркистон халқининг ичида уйғониш, фикр очилиши бўлмади. Давлатнинг инкирози, миллатнинг онгсизлигига шу жоҳиллар сабабчидур”.

Рад этиб бўлмайдиган бу муҳим ҳулосани маърифатпарвар олим Исмоилбек Ғаспирали қаламига мансуб “Дорур-роҳат мусулмонлари” асари мисолида янада

кучайтириш мумкин. Унда Ислоннинг Ғарб маданияти ва, умуман, дунёвий илм-фан таракқиётига қўшган бемисл хиссаси кўрсатиб берилди. Муаллифнинг ёзишича, Андалузияда мусулмонлар томонидан олиб борилган оқилона ва одилона сиёсат натижасида ушбу ўлка Оврупо ва Осиё давлатларига анча йиллар намуна бўлиб турган, илм-фан, қурилиш бекиёс таракқий топган, саккиз юздан ортик мадрасаларда олим ва донишмандларнинг анжуманлари муттасил ўтказиб турилган. Биргина шаҳар хокимининг шахсий кутубхонасида олти юз мингдан ортик китоблар бўлган. Мамлакатдаги етмишдан ортик кутубхоналарда сакланаётган китоблардан аҳоли, талабалар абонемент оркали фойдаланишган. “Оврупо мамлакатларидан фаранглар Андалузга келиб, мусулмон мадрасаларида илм ва хунар ўрганганлар, – деб ёзади Исмоилбек. – Шу сабабли, Андалуз мусулмонлари Оврупонинг маданияти ва жадиаси (янги маданияти) юксалишига асосий сабабчи бўлганлар. Улар Оврупонинг муаллим ва устозлари хисоб этилсалар жоиз”.

Америкалик олим Драбер ўзининг “Европада ақлий таракқиёт тарихи” китобида: “Европанинг бугунги улуг зиёси мусулмонлар ёккан шам ва чирокларнинг ёгдусидан майдонга келгандир”, деб ёзган экан. Ғаспирали бу фикрни давом эттириб, “Юнон маданияти Овруподан аввал Ислон дунёсига ёйилди, мусулмонлар уни таракқий эттириб, нуқсонларини камайтириб, Оврупога топширдилар”, дейди. Жуда адолатли гап.

“Дорур-роҳат мусулмонлари”дан баъзи маълумотлар: Абу Жаъфар Юнон ҳукмдори билан инок бўлиб, Афинадан беадоқ китоблар олдиради. Маъмун даврида Яхё ибн Халид Бармакий Птоломейнинг “Мажистий” асарини таржима қилади. Санад бин Али ва Халид бин Абдумалик Марварудий астрономия бўйича янги маълумотларни қўлга киритадилар. Ер қуррасининг узунлик ва кенглик даражалари ўлчаб чиқилади. Аббос бин Саййид Жўшарий каби машҳур олимлар юнонларнинг астрономияга оид асарларидаги қўплаб хатоликларни аниқлайдилар, куёш доғлари, ой-кун тутилиши, думли юлдузлар борасида бир қанча кашфиётлар қиладилар. Европа ҳандаса (геометрия) илмини хуросонлик Абулвафонинг хижрий бешинчи аср бошида тузган “Аз-зижи Шомил” ва “Мажистий”сидан ўрганди... Афсуски, XI асрдан бошлаб замон нотинчликлари кучайиб борди. Бир томондан газнавий, салжукийларнинг мулк дағдағаси, иккинчи томондан Чингизхон истилоси, учинчи томондан Қуддуси шариф учун бошланиб кетган “салб юришлари” ислом оламини ларзага солиб, илму хунар йўлларини бузди. Лекин илм-маориф нури сўнмади, аксинча, душманларга ҳам зиё бериб, мунаввар қилди. Мўғулларнинг катта қисми ислом маданиятини қабул этдилар, овруполдилар эса юз йиллик салб юришлари давомида канчадан-канча санъат ва хунарларни ўрганиб қайтдилар. Ислон маданияти ўчоқлари Бағдод, Шероз, Нишопур, Самарқанддан ташқари, Африка ва Испанияда, яъни ислом оламининг деярли барча нуқталарида мавжуд бўлиб, бу ерларда илм-фан бениҳоя ривож топди. Муаллиф ушбу маълумотларни келтирар экан, ҳар бир миллат, халқнинг буюклиги ва қувватлилиги унинг илм ва хунарни нечоғлик эгаллагани билан ўлчанишини таъкидлайди, “илм ва хунарга эга миллат ва халқ энг улуг, энг буюк халқдир” дейди.

Мулоҳаза қиламиз: миллат ва халқ илмли, хунарли бўлиши учун нима зарур? Тинчлик, осойишталик, раиятнинг адолатли бошқарилиши, ёшлар тарбияси, таълим-тарбиянинг тўғри йўлга қўйилиши, изланиш ва яна изланиш, бир жойда тўхтаб қолмаслик, қибрга берилмаслик, бало-қазолардан огохлик, ҳамжиҳатлик зарур. Борди-ю бу “занжир”нинг битта халқаси узилса, муаммо келиб чиқади.

Тарих саҳифаларида гўзал хотира бўлиб қолиб кетган Андалузияга қайтамиз.

Бу ерда юз берган таназулнинг сабаби нимада эди? Исмоилбек бу саволга ғоят аниқ жавоб беради: “Инсон иши, инсон тартиби ҳеч қачон боқий бўлмайди. Чунки борлик ва йўқлик, тараккиёт ва таназул сабаблари ўз ичимизда. Талофатимизга сабаб бўлган оғу ва захар ҳам, жони саодатимизга сабаб бўладиган қувваи маънавия ҳам вужудимиздадир. Тўғрилиқ ва нафсоният, ҳаққоният ва зулм, марҳамат ва ғаддорлик, танбаллик ва ғайрат, илмга муҳаббат ва жаҳолатга майл, мардлик ва олчоклик, баҳодирлик ва кўроклик – барчаси инсонга хос. Шундайки, ушбу ҳолларнинг қайбири ғолиб келса, жамияти башария ана шунга мувофиқ тартиби маншат қилади... Инсонлар ҳусн ахлокли, хуш қиликли бўлсалар, жамият ва ҳаётлари давомли бўлиб, тараккий этар, саломат ва саодатҳол бўлурлар. Акс ҳолда, ичидан чириган олмадек, бир-бир тўкилиб, инқирозга юз тутади... Уч юз йил камоли шуҳрат ва ном ила салтанат қилиб, Андалуз давлати охир оқибат бошқа йўлга юз тутди. Афкорлар, одатлар ва ҳиссиётлар ўзгара бошлади. Тугён, танбаллик, қайғусизлик, кибр, тафрика (бўлиниш, парчаланиш) илон оғуси каби, вужуди давлат ва миллатни чирита бошлади. “Ҳолсизланмиш дарахтда соғ мева бўлмас” деганларидай, адолатсиз қозилар, порахўр волийлар, акли нокис ва ғайратсиз ҳукмдорлар келиб, фитнабозлар – уламога, ширин ёлғон сўйловчилар – содик бандаларга, нафсоният ва манфаати шахсия – фавоиди умидияга, риёбозлик ва намоёйиш учун ўқилган намозлар амали хайрияга ва миллатпарварликка ғолиб келди. Бу захар икки юз йил Андалузнинг вужудини кемириб хароб қилди. Бир давлат уч-тўрт қисмга бўлиниб, бир-бирларига иддао билан уруш йўлига ўтдилар... Мусулмонлар орасида пайдо бўлган иттифоқсизлик ва фасоддан фойдаланиб, ўша пайтга қадар мағлуб ва ночор бўлиб келган Кастилия насронийларининг ҳукмдори Фердинанд Андалузиянинг ички ишларига аралашиб, ўлка инқирозини тезлаштириб юборди”.

Бу ва бошқа кўплаб тарихий воқеалар замирида аччиқ бир ҳақиқат бор: илм-сизлик, тарқоқлик, ички низо, фитна, огоҳлик кўзларининг юмилиши барча офатларнинг доясидир. Хонликларнинг осонгина босиб олинишида ҳам, Чингизхон қўшинларнинг маҳаллий химоячилар устидан ғолиб келишида ва ҳатто олис Андалузия фожиасида ҳам озодликнинг қўлдан кетишига сотқинлик, хоинлик, мунофиқлик сабаб бўлган. Бу иллат тарихда қолиб кетган эмас, АҚШ аскарлари Ироққа бостириб кирганларида юз берган сотқинлик мамлакатни улкан вайронага айлантди. Ислоҳ Каримов “Ичимиздан хоин, сотқин чикмаса бўлди, муаммоларни ўзимиз ҳал қиламиз”, деган сўзлари бежиз айтилмаган.

Алишер Ибодиновнинг янги асарини мутолаа қилар эканман, ижодкор зиёли сифатида тарихнинг мана шу аччиқ ҳақиқати хусусида жиддий ўйлашимиз зарурлигини ҳис этаман. Фарғоналик дўстимиз бугун, мен ва кўпчилик мухлисларининг фикрича, ижод умрининг баланд чўққисида турибди. Ўтмиш тарихимизнинг чигал, рост-ёлғон, ҳақиқат ва уйдирма аралашиб кетган мураккаб саҳифаларини варақлаб, унинг шафқатсиз тоғларидан ошиб ўтиб, ҳаёт адолатининг ўзи кун тартибига қўяётган бош МАВЗУга етиб келди. Бошқа фаол ёзувчиларимиз ҳам шу нуқтада турибдилар. Орқага қайтишнинг, шу маррада тўхташнинг, майда сўқмоқларга, чалғитувчи латофат дўконларига бурилишнинг иложи йўқ энди. Вақт шиддат билан ўтиб бормоқда. Истеъдод имкониятларини Қаҳҳор домла айтганларидек, ўтин ёришга сарфламайлик. Биз Алишер Ибодиновдан ушбу асарнинг давомини интизорлик билан кутиб қоламиз.

## Илиқ табассум-ла бойчечак кулар



Уллибиби  
ОТАЕВА

### Сахро гули

Сахро гули! Сен ўсмадан боғлар кўйида  
Ё кўкси булоқларга лим тоғлар бўйида.  
Заминнинг коқ яйдоқ бағри сенгадир тақдир,  
Тупроғи ҳам қисматингдай бўлади кодир...  
Сен ҳамма жой, ҳар одимда учрай бермадан,  
Ҳар оч нигоҳни тўйдирмоққа шай турмадан.  
Хуснинг кўплар хаёлида чизилган билан  
Ҳамманинг ҳам кўлларида ўйнай бермадан.  
Сенга етмоқ осон эмас, сенга кўл бермоқ,  
Долғали кунларингни бирга баҳам кўрмоқ.  
Майсазорда ағнаб, беғам хузур қилганлар,  
Саҳронинг завқ – суруридан бебаҳрадилар.  
Сахро гули! Орзумни банд этмас қисматинг,  
Ҳавасимни тортар лекин ажиб хислатинг.  
Боғ гуллари шамолларда кетса тўкилиб,  
Бўронлардан омон ўтгунг сен кучга тўлиб.

\*\*\*

Бир мужда кўнглимга нурлар сепади,  
Ундан униб чиқар қувонч гуллари.  
Бу гуллари бир-бир тарқатаман, мен,  
Қаранг шодлик босиб кетар дунёни.  
Сенинг ташрифингдан кўзларимда нам,  
Илтифотларингдан шошиб қоламан.  
Хушхабар кушлари қўнган елкамни  
Кўрқаман силкитиб йиғламоқликдан.

*Уллибиби ОТАЕВА – 1948 йилда туғилган. Самарқанд давлат университетининг филология факультетини битирган. Шоиранинг “Нашида”, “Бармоқлар сеҳри”, “Замин дарғаси” номли тўпламлари нашр этилган. Уллибиби Отаева 1996 йилда вафот этган.*

## Табиат ва она

Табиатнинг оддий тупрок – тўшида  
 Яралар турфаранг, хайратвор гуллар.  
 Ҳали баҳор келмай туриб, кишида  
 Илик табассум-ла бойчечак кулар.  
 Қора булутларнинг бағрин этиб чок,  
 Кўзин олар чакин дунёга келар  
 Ва шу тунд булутлар кўксида ногоҳ  
 Туғилар биллурий тиник томчилар.  
 Нигоҳлар зўрба-зўр илғайдиган хув  
 Чўккилар узра жим қотган музликлар  
 Бағрида етилиб, баридан тутиб  
 Чулдирок кўшикли ирмоқлар келар.  
 Кузатар эканман, мен табиатнинг  
 Бу сахий, бу доно фазилатини.  
 Табиий биламан, оддий бир аёл  
 Дунёга келтирса буюк бир зотни.  
 Ирмоқнинг тириклик, тўкинлик ҳақда  
 Кўшиғига ҳали жўр бўлмай туриб,  
 Олис чўккиларга боккандай тўлиб,  
 Ёмғир шиддатидан дилда завк туйиб,  
 Унга қўл тутмасдан хаяжон ила  
 Кўкка термилгандай омонлик тилаб,  
 Кўнгилу кўзларга бирдайин манзур  
 Гулларга меҳримиз сочишдан аввал,  
 Тупроқка айтгандай таъзим, ташаккур,  
 Мен сизга хайратим ва хурматимни  
 Изҳор этмай туриб, закий инсонлар,  
 Аввал тавоф қилгум сизни шу қадар  
 Улуғвор, донишманд ярага олган  
 Кўримсизгина шу содда аёлни!

## Жимлик

Сен жимгина яшасанг  
 Кимга нима?  
 Лекин, мен бу холингга  
 Жим қараб турай, нега?  
 Жимлик ярашмас сенинг  
 Оташ нигоҳларингга.  
 Сурон бўлиб қирайин  
 Ўйчан қарокларингга.  
 Сен ишк созин сайратда,  
 Англат ҳаёт нелигин.  
 Жимлик қолсин бир четда  
 Ўзи билан ўзи жим.

\* \* \*

Ҳамма фикр айтар, ўз гапин айтар,  
 Гўё ҳамма сўзлар бараварига.  
 Ҳамманинг энг сўнги бекати шу ер,  
 Гўё ўтиб бўлмас ундан нарига.  
 Кимдир тавба қилар, кимдир фахр этар,  
 Ўтмишидан, ўз қилмишидан.  
 Лекин буни қаранг, ҳеч ким сўз очмас  
 Бугун, эрта қилар ишидан.

## Шукрона

Шукур, сени кўрдим гарчи узокдан,  
 Узокдан бўлса-да, кўрдим-ку, шукур.

Узоклик – тош бағир, йўқ ўнгда эмас,  
 Тушимда кўрибман, барибир, шукур.

Туш ҳам эмас экан, шунчаки ўйда –  
 Хаёлда кўрибман, шунгаям шукур.

\* \* \*

Қалби гўзал бўлса кимнингки агар,  
 Гўзал бўлар унинг фарзандлари ҳам.  
 Авлодларга руҳнинг нуқси кўп урар,  
 Нечоғлик ҳақ гап бу ё чўпчак, билмам.  
 Лекин хушрўй, адл қизлар қаддида  
 Пок бир қалб хотири борлиги аниқ.  
 Ҳикматли сўзлардай кўзлар қаърида  
 Аждодлар қалбининг чиройи ёниқ.  
 Ёинки, кўримсиз тупрок бағрида  
 Олтин ранг бошоқлар товланар экан,  
 Қуёшдай чарақлар экан чаноклар,  
 Қулф уриб ётаркан майсалар кўркам.  
 Тан олгум ер қалбин гўзаллигини.  
 Тоғларнинг бадбуруш кўксида  
 Бир нафис лолазор ўсаркан,  
 Ҳайбатли бағрида бир майин  
 Саболар эсаркан,  
 Ишонгум тоғ қалбин гўзаллигига.

\* \* \*

Кўзларингдир – сеҳрли кўзгу,  
 Унда аён ҳақиқат, ёлғон.  
 Ёлғон десам хира тортгай у,  
 Ростни айтсам, қундай чароғон.  
 У кўзларда бир сирли савол,  
 Ростни десам фош бўламан, фош.  
 Ишқдан тонсам, ёлгонни айтсам,  
 Сеҳри ила тош бўламан, тош.



**Муҳаббат  
САФОЕВА**

## **БИР ЖУФТ БЕҲИ**

Эссе

Қачонлардан бери бўғзимга бир нарса тикилган... У худди томоғимда қотиб қолган тошга ўхшайди. Назаримда, ўша машъум кунда туш кўраётган эдимми ёки бир лаҳзага уйғоклигимни унутиб қўйдимми? Теграмда гир айланаётган ҳаёт бир лаҳзага тўхтаб қолгандай. Томоғимни йиртгудай қичкирик, бори унимни бир баҳайбат ғов тўсиб тургандай. Ичимдан ёпирилиб бир йиғи келаяптию, бир қатра ёш бермайди кўзларим. Кўзларим ичимга ботирди оғриқни. Ёмон ботди ичимга оғриқ.

Охири марта устозни йўқлаб борганимизда майнингина сўзлар билан бизни хивичлаб қўйгандилар: “Вилоятда адабий муҳитни жонлантиринглар, бу биргина Ёзувчилар уюшмасининг иши эмас, бу ҳар биримизнинг ишимиз”.

Устоз, адабиёт, шеърят тақдири Сиз учун шу лаҳзаларда муборак жонингизга зуғм ўтказаетган дарддан ҳам азоблироқ эканлигини ҳис қилгандик ўшанда.

Сизни “авлиёимиз”, дея атади шогирдларингиз. Сизнинг қутлуг дийдорингизга тўймаганлар устозни мен учун зиёрат қилинг, армонимни у кишига етказинг, деб ёлворадилар. Қаерлардадир, кимларнингдир қалбадаги армони, энди сокин табас-сумингизни қаердан топсак экан?

Сизни ўйласам, чор-атрофда нигоҳларингизни кўра бошлайман. Сизнинг овозингиз сингган деворлар мен билан жимгина суҳбатга киришади. Қулоқларимга сасларингиз келаверади...

*Бир жуфт беҳи келтириб эдинг,  
Бир-бирдан хушбўй, муаттар.  
Мен уларни қаттиқ соғиндим,  
Ва саргайдим беҳидан баттар...*

*Айланди ул бири қуёшим,  
Айланди ул бири ойимга.  
Армон билан бошқа беҳилар,  
Тўкилади бир-бир пойимга...*

Муҳаббат САФОЕВА – 1969 йилда туғилган. Урганч давлат университетида ўқиган. Унинг “Сирли нигоҳлар”, “Исмсиз ришталар”, “Муҳаббат” номли шеърый ҳамда “Ҳаёт гули” номли публицистик мақолалар тўпламлари нашр этилган.

Столим устидаги беҳилар бир киш қолиб кетдилар жойида. Ҳар сафар шу шеърни ўқиганингизда беҳиларнинг ҳали узоқ туришини ўйлардим.

“Шоирлар, бир-бирингизга мактуб ёзиб турингиз”, деб кўп таъкидлардингиз. “Муҳаббат, сен менга мактуб ёз”, – дедингиз бир куни. Сизга ҳеч қачон мактуб битмадим. Ёзишга журъатим етмади. Сизнинг теран нигоҳларингиздан ҳайикардим. Мактублар ожизлигимни билдириб кўйишидан жуда-жуда кўрқардим. Энди ҳар кун минглаб хатлар ёзаман сизга! Мактубларимни қабул қилинг, устоз!

\* \* \*

Ҳар сафар ёзганларимни бағримга босиб, ўпкамини ҳовучлаганча устознинг ҳузурига ошиқардим. Шаҳарнинг қок ўртасида жойлашган муюлишдаги уй Ёзувчилар уюшмасининг биноси эди. Устоз кираверишдаги хонада ўтирардилар. Ёз пайтлари сочларимни икки ўриб, ироқи дўппимни кийиб олардим. Устоз дўппимга ҳавас билан қараб: “Дўппи киз болага жуда ярашади”, – деб кўярдилар. Бир куни устознинг ёнида шогирдлари кўп экан. Уларнинг айримларини танисам, айримларини биринчи кўришим эди. Машқларимиз устида роса мунозара бўлди. Устоз: “Муҳаббат яхши шоира бўлади”, – дедилар, шоир ва журналист Ғафур Отажонов: “Йўқ, Муҳаббат яхши ҳикоянавис бўлади”, – деди. Тортишиб қолдилар. Ўша пайтлар илк ҳикояларим туман газетасида чоп этила бошлаган, Ғафур ака газетанда адабиёт бўлимини бошқарар, менинг ижодимдан бирмунча хабардор эдилар. Ҳар ким ўз фикрида қолган эди.

Ҳар сафар ўша муюлишдаги уйдан бир дунё хазина олиб қайтардим. Уларнинг сабоқлари, эринмасдан ўтириб, ҳар бир шеърни тинглашининг таъсирида юрар эдим неча кун. У ердан чиққанимда дунё кўзимга жудаям бошқача, қандайдир улканлашиб кетгандай бўларди. Мен фақат шеър, фақат шеър дардида қолардим. Дафтаримни пальтомнинг ичидан бағримга босганимча йўл бўйи хаёлга ғарқ бўлиб келаверибман. Бир вақт кўлтигимдаги дафтарнинг йўқлигини сезиб қолдим. Жоним чиқиб кетди. Орқага қайтдим. Ярим кун юрган йўлларимда тентирадим. Ҳамма нарса кўзимга мовий рангга дўниб кўринар, аммо дафтарим ҳеч қаерда йўқ эди. Биринчи марта шеърларимни йўқотиб қўйдим ва бу кейинчалик одатга айланди. Анча пайтгача устознинг олдиларига боролмадим. Турмушга чиққанимдан кейин ҳаёт ташвишлари мени ўз исқанжасига олди. Уч-тўрт йил ҳеч нарса ёзолмадим. Бир куни бориб, бошимни ердан кўтармай устознинг қаршисида ўтиравердим. Улар ҳам бир оғиз сўз демасдилар. Мункиллаб, қариб қолган катта қоп-қора диван ўтиришимиздан норозидай ғижир-ғижир товуш чиқариб кўярди ҳар замонда. Охири устоз: “Муҳаббат, сен яхши онасан, бошқаси унчалик муҳиммас!” – дедилар. Шу сўзини айтишлари билан ҳиқиллаб йиғлаб юбордим. Устознинг бу сўзларидан: “Энди сен ҳеч ким бўлолмайсан!” – деган маънони уққан эдим.

Ичимда бир исён кўтарилиб, шартга ўрнимдан туриб кетишга ундарди. Хона ўртасида қаққайиб туриб қолдим. “Сен яхши фарзандлар тарбияла!” – дедилар секингина.

Уйимгача йиғлаб кетдим. Отамнинг уйида битта хона меники эди. Қоғозларим уй ўртасида сочилиб ётар, ҳеч ким қўл теккизмас эди. Онам доим уларни йиғиштириб қўйишимни талаб қилсалар-да, бир кун ё икки кунгина йиғиштирилиб яна ўша ҳолига келиб қоларди. Негадир бу ҳол менга ёқарди. Ўша қоғозлар ёйилиб ётган хона энди менда йўқ эди... Лекин ўша, энди қоғозлари ёйилиб ётмайдиган хонага беҳи иси ўрнашиб қолган эди...



Сотим АВАЗ

## “ШАЖАРАИ ТҮРК” ҲАЙРАТЛАРИ ВА САБОҚЛАРИ

### Улуғ муаррихлар

Улуғ муаррихларнинг ҳокисору ҳақирликлари хайратланарлидир. Улар тарих илмлари китоботидан олдин Оллоҳга ҳамду саноларини ҳеч вақт қанда қилишмаган. Инсонларни гумроҳликдан халос этиб, хидоят йўлига бошлаган Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо саллалоҳу алайҳи вассалам шарафига дуои фотиҳада бўлишган. Ул жанобни ва чориёри босафоларни, уларнинг садокатли саҳобаларини, зулмат ичра порлаган нур, деб билишган. Агар шундай улуғ эътиқоду ихлос бўлмаганида улар боқий умрга эга бўлган тарихий асарларни ҳам бита олмаган бўлар эдилар. Зеро, ҳокисорлик ва ҳақирлик ҳам асли улуғворликка дахлдордир. “Факрум-фахрум”, яъни фақирлигим фахримдир, дейишган донишманд бобокалонларимиз.

“...Мен шикаста қалбим котиблик ишида орттирган ноқис илмим билан ўзим учун белгиланмаган ишга киришмаган бўлур эдим” деб ёзади “Сийрат ас-султон Жалол ад-дин Мангубурни” (Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаётининг тафсилоти) асарининг муаллифи Шаҳобиддин Муҳаммад ан-Насавий.

Бу иш аслида айнан Насавий учун белгиланганлигини неча-неча замонлар, асрлар кўрсатиб турибди. Ақс холда асар шунча вақтдан буён ноёбу танқис ҳисобланиб, охори тўқилмаган ёдгорлик сифатида сақланиб қолмаган бўлар эди. Айнан ҳокисорлик ва шу асосда туғилган журъат ва қатъият муаррихни қутлуғ ишга бошлаган.

Улуғ бобокалонларимиздан яна бири Бурхониддин Рабғузий эса “Қиссаси Рабғузий”нинг аввалида шундай таъкид этади:

“Қисасул-анбиё” бўлса, ўқумокга кераклик, ўрганмоққа ярағлиғ бўлғай эрди, теб илтимос янглиғ ишорат бўлди эрса нечама ўзумни оғирлаб нафас сақламиш бўлиб ўғур бўлсун теб бу оғир ишга ўградимиз”.

Рабғузий ҳам Насавий сингари неча фурсат ўзини шу асарни яратишга чоғлаб, тарих битишга истиҳолалар қилган.

Абулғозий Баҳодирхоннинг “Шажараи турк” асари ҳам улуғ тарихий ёдгорликдир.

---

*Сотим АВАЗ – “Дўстлик” ордени соҳиби. 1952 йилда туғилган. Хоразм давлат педагогика институтини тугатган. Унинг “Кечиккан баҳор”, “Тонги ҳислар”, “Ҳуқуқ”, “Нозбўйларим”, “Ифтихор гуллари”, “Дил ва манзил”, “Ҳикматистон” каби шеърлий тўпламлари, “Муруват чоғи”, “Темурғозии тўра”, “Мадраҳим Шерозий”, “Йиллар ва йўллар” каби насрий асарлари чоп этилган.*

Муаррих ҳам аввалламбор шундай катта ишга қўл уришдан олдин ўзидан билимдонрок ва маҳоратлироқ тарихнависни излайди. “Бу тарихни бир кишига таклиф қилали деб фикр килдук, ҳеч муносиб киши топмадук, зарур бўлди (ва) ул сабабдин ўзимиз айтдук”.

Абулғозий шу асарни битганлиги мутлако бежиз эмас. Ахир шу даврда юрт тарихини, авлодлар шажарасини узвий бир тадрижий тараққиётда яна ким ҳам шу қадар мукамал тасаввур қилган бўлур эди. “...Сипохийгарликнинг қонуни ва йўсини нечук отланмок ва ёрмак ва ёвға ясоқ ясамак, кўп билан юрганда нечук килмок, дўстга, душманга нечук сўзлашмак”, “Маснавиёт ва қасойид ва ғазалиёт ва мулакатоттот ва рубоёт ва барча ашъорни фаҳхламаклик”, “Одам аҳлидан то бу дамгача Арабистонда, Эрон, Туронда ва Мўғилистонда ўтган подшоҳларнинг отлари ва умрларининг ва салтанатларининг кам ва зиёдин бўлмаклик” илмларини унинг каби яна ким ҳам эгаллаган?

Юқорида санаб ўтилган ва муаррихнинг ўзи “уч хунар” – “кўп нимарса” дея билган билимлар аслида маънавий-маърифий баркамолликнинг, бекиёс салоҳиятнинг тажассуми эди.

Илм-фан, маънавият ва маърифат, арбий салоҳият бобида бекиёс юксакликларга эришган бобокалонларимиз жуда кўп. Лекин уларнинг ҳаммаси ҳам алломалик мақомига эришган дейиш мушкул. Биз деярли ҳар кун тилга оладиган улуғ Ал Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Навоий, Бобур, Нажмиддин Кубро, Баҳовиддин Нақшбанд, Оғахий ва бошқалар ана шундай сарбаландлик маснадидан жой эгаллаган дейиш мумкин, агар таъбир жонз бўлса, Абулғозий ҳам ана шундай алломалардандир.

*Барча тоғдин оғир юкки тарихнинг,  
Тарихнинг бўй-басти қўёшга менгзар.  
Тарих ерда эмас, у муаррихнинг,  
Кифтида ҳар замон чайқалиб яшар.*

Бепарволик – кони иллат:

*Агар огоҳ сен, шоҳ сен, сен,  
Агар шоҳ сен, огоҳ сен, сен.*

Ҳазрат Навоийнинг бу сўзлари кўпчиликка таниш. У огоҳликни шоҳлик даражасида улуғлар экан, авлодларга бу фазилат соҳиби бўлишни васият ҳам қилади.

Улуғ бобокалонларимиздан яна бири ўз таҳаллус нисбасини Оғахий деб қўйганлиги, бу пурмаъно сўзни ҳаётнинг мазмун-моҳияти қадар юксалтирганлиги учун ҳам огоҳлик ҳақида такрор ўйлашимиз керак.

*Талаб йўлида кимнинг ихлоси комилдир,  
Ҳамиша шоҳиди матдубининг васлига восилдир.*

Агар ким астойдил ихлос қўйса, у мақсадига етади демокда шоир. Агар огоҳлик нуктаи назаридан қараганда ҳам шундай. Астойдил ихлос манбаи эса ишқ, Ватан, тарих ва илму ижод эканлигини англаш мураккаб эмас.

“Шажараи турк”да ҳам асар муқаддимасидаёқ огоҳлик ва вокифлик зарурияти, бепарволик, лоқайдлик, кони иллат эканлиги ҳақидаги ҳикматга билвосита ҳам бевосита дуч келамиз.

“...Бизнинг ота ва акаларимизнинг бепарволиги ва Хоразм халқининг бевуқфлиги, бу икки сабабдин, бизнинг жамоатимизни Абдуллоҳоннинг оталари бирлан бизнинг оталаримизнинг айрилган еридан то бизга келгунча тарихларини битмай эдилар”.

Муаррих аждодларимизнинг, оға-иниларимизнинг авлодлар тарихини битиш сингари мисли йўқ ишга бепарволиги ва кўп нарсадан огоҳ эмаслигидан изтироб чекади.

Яқин йилларгача юртимиз тарихининг қанчадан-қанча саҳифалари битилмаган ёки титилган, ўчган эди. Унда неча-неча улуғларимиз, қаҳрамонларимиз ўрин топмай келарди. Ўтмишни бузиб кўрсатиш, сохталаштириш қанча давом этди. Фақат мустақиллик эпкинни бу фожиавий ҳолатга барҳам берди. Абулғозий армонлари ҳам энди ушалапти.

Вилоятимизга бундан 15 йил олдин ташриф буюрган қадимшунос Зиё Бунёдов шундай хитоб этганди.

Ҳар бир инсон камида ўзининг ўнга авлоди шажарасини билмоғи керак. Мен ўзимнинг ўн олти авлодимни номма-ном биламан. Бобокалонимиз Бунёд бобо бундан 5-6 аср бурун яшаган.

Яна “Шажараи турк”ка қайтайлик. Абулғозийнинг бепарволик, бевокифлик ҳақида сўз юритиши бежиз эмас. Чунки бу иллатлар элу юрт тараққиётига, ўзликни англашга акс таъсир этиши билан бирга яна бошқа иллатларни ҳам туғдиради. Яъни кибру ҳаво ҳамда такаббуриликни пайдо қилади. “Шажараи турк”да бу ҳақда кўп таъкидлар бор. Хусусан, Муҳаммад Хоразмшоҳнинг инқироzi ва ҳалокати айнан шу иллатлар билан бевосита боғлиқ ҳолда акс этган. “Бизнинг юртимизнинг ҳавосидан ва аҳли Хоразмнинг бебизноатлигидан ҳеч замонда бўлмаган иш бўлди” дейилган таъкид ҳам охир-оқибатда бепарволикдан туғилган иллатларга ишоради.

Хулоса қилиб айтганда, Ватан, халқ келажаги, ўзликни англаш йўлида огоҳ, фидокор бўлмаслик мумкин эмас, бу шиор Абулғозий умрининг асосий мазмун ва моҳиятини ташкил қилади. Бу даъваткор сўзлар ҳеч вақт ўз аҳамиятини йўқотмайди. Ҳамма вақт замонавий бўлиб яшайверади. Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш борасида ҳали кўп ишлар олдинда турган ҳозирги вақтда бу шиорга қайта-қайта мурожаат қилиш мақсадга мувофиқдир.

Президент стипендиати, Урганч давлат университети талабаси Насиба Собированинг Абулғозий Баҳодирхон ҳаёти ва асарларини ўрганиш юзасидан илмий ишлари унинг ўзига ҳам, бошқа талабаларга ҳам илҳом ва рағбат бағишлаши турган гап.

*Огоҳлик юракда уйғонган гурур,  
Ватанни, тарихни севмоқ – огоҳлик.  
Элга бепарволик кўргулик эрур,  
Элдин беҳабарлик эса – гумроҳлик!*

## Ҳар лафзида эл зикри

“Шажараи турк” яратилганига қадар Шарку Фарба маълум ва машҳур бўлган бир қатор мумтоз тарихий китобот намуналари мавжуд эди. Шулардан энг нодирлари қаторида Бобурнинг “Бобурнома”, Ҳофиз Таниш Бухорийнинг “Абдуллонома” Гулбаданбегимнинг “Ҳумоюннома” асарларини тилга олиш мумкин.

“Бобурнома”да, 1505-1506 йил воқеалари ҳақида тўхталганда, Шайбонийхоннинг Хоразмга юриши алоҳида таърифланган. “Хоразм йигитлари бисёр мардоналиклар қилдилар, ҳеч тақсир қилмадилар, андоқ тийрандозлик қилдиларким, борлар қалқондин, жибади, баъзи маҳалда икки жибадин ўтқара-ўтқара отиб дурдилар. Ўн ой қабалдорлик тортдилар, ҳеч ердин умидворлик бўлмади”, деб ёзади муаллиф.

Бобур жангу жадалда мардоналик кўрсатган хоразмлик йигитларга тан берар

экан, келгусида улардан бири ўзи сингари олий мартабали ҳукмдор бўла туриб, ўлмас тарихий асарлар битишини орзу қилган бўлса не ажаб. Ҳар ҳолда у ўз асарларида чуқур ҳурмат ва эҳтиром билан ўн икки марта тилга олган Хоразмда унинг жаҳоншумул мардлиги жасорати ва беназир ақлу идрок ҳамда тафаккури идофасини мутлақо ўзига хос тарзда, шаклу шамойилда қайтадан дунёга келиши учун атиги бир ярим асрча вақт кифоя қилди.

“Бобурнома” ва бошқа дурдоналарни Абулғозий чуқур ўрганганлиги ва яхши ўзлаштирганлиги табиий. “Шажараи турк”да, умуман олганда унинг мутлақо ўзига хослиги ва беназирлигидан қатъи назар, қайсидир жиҳатлари билан, энг муҳими, журъат ва шижоати, матонати, тилининг пухталиги билан Абулғозий улуғ бобокалон донишмандларнинг қутлуғ ишлари ва анъаналарини давом эттирган.

Таниқли олим Герман Вамбери “Абулғозий Баҳодирхоннинг кўпгина ишлари Бобурни хотирга туширади. Жаҳон унинг “Шажараи турк” номли тарихий асари учун миннатдордир”, деб ёзганда ўзининг “Бухоро ёхуд Моварауннаҳр тарихи” асарида. Бунда олим Бобур билан Абулғозийни эл-юртни обод ва озод кўриш иштиёкида астойдил ҳаракат қилган икки давлат арбоби сифатидаги ўхшаш жиҳатларини, айни пайтда, уларнинг тенги йўқ ижод намуналарини назарда тутган, десак мақсадга мувофиқ бўлади.

“Шажараи турк”да Абулғозий халқнинг шажарасини, тарихини тадрижий тараккиётда кўрсатишга интилган. Баёни ихчам, изчил, воқеаларни латифа, ривоят услубида содда ва жозибали қилиб ақс эттирган. Туркий халқларнинг 40 га яқин элу элатларини зикр этаркан, уларнинг тарихи, йигитларнинг мардлиги, жангу жадаллардаги жасоратини улуғлайди. “Найман элининг зикри”да у “Бу қадим эл турур, бошлари ва моллари кўп бўлур”, дейди. Бошлари ва моллари, яъни аҳолиси ҳамда чорваси кўп эл, шу давр нуктаи назаридан, қолаверса, бугунги давр нуктаи назаридан ҳам, кучли ва қудратли эл демокчи.

“Кўнқират элининг зикри”да муаррих ажойиб бир тасвир воситаси билан бу элининг буюк фарзандини шундай ақс эттиради. “Чўрлик инисини аяди. Тақи кўнглиндин айтди: Муни андағ отайин кўрксун, аммо зарар топмасун”. Қулокинда улуғ халқаси бор эди. Ани касд қилиб отди. Ўқ халқанинг ичидин ўтиб кетди”. Қулоқдаги халқадан ўқини ўтказа оладиган даражадаги мерганлик, авваламбор эл қадимийлигидан, жасоратидан дарак беради.

Бу воқеа қадимги юнон афсоналарини ҳам эслатади. Абулғозий Баҳодирхон бир неча минг йиллик тарих битикларидан ўтмишдаги улуғ халқларнинг қисматидан яхши боҳабар бўлган. У ўзи тасвир этган баҳодирликларни тарих сабоқлари сифатида ҳам ақс эттиришга интилган.

*Ақлингни чархлайди оталар фикри,  
У бир кун эътиқод, номусга дўнар.  
Боболар битишган эл-улус зикри,  
Қалбма-қалб ўтгувчи қомусга дўнар.*

## Она Ер илтижоси

Тарихий воқеликлар занжири бўйлаб қадим ўтмишга сафар қилиш охири-оқибатида тафсилотлар дostonу афсоналарга, инсон тафаккурининг беҳудуд доираларига ҳам сиғмайдиган кечинма ва ҳолатларга бориб тақалади. Бунинг боиси жуда қадим воқеа ва ҳодисалар ҳақидаги маълумотлар, ёзма манбалар деярли сақланиб

қолмаганлигида, мавжудлари эса асосан инсон рухияти, ақлу идроки илоҳиёт билан уйғунлашиб, унга бир ирмоқ сингари кўшилиб кетишидадир. Энг муҳими, бу афсоналарни ким қандай тушунишида эмас, балки улар илм кони, ҳикмат хазинаси эканлигидадир. Шу жиҳатдан “Шажараи турк”даги халқона тилда, оддий услубда баён қилинган афсоналар ҳам беҳад мазмун ва бетакрорлик касб этади.

“Шажараи турк”нинг биринчи бобида шундай афсона келтирилади. Худойи таоло Одам алайҳиссаломни яратиш учун аввал Жаброил алайҳиссаломни, кейин Мекойил ва Исрофил алайҳиссаломларни Ердан тупроқ олиб келиш учун юборади. Улар бекиёс кудрат эгалари бўлишларига қарамасдан, Ердан тупроқ келтира олишмайди. Бунинг боиси эса Ернинг илтижоларидир.

Ер фаришталарга шундай нидо қилади: “...Мендин олмагил. Анинг учун тонгла одам фарзандлари кўп бўлгандин сўнг бири кофир, бири осий, бири золим ва бири гуноҳкор бўлурлар. Онларни Худои таоло азоб қилур. Мен Тангри таолонинг ғазаби ва азобига тобим йўқдир...”

Бир қарашда “Шажараи турк”да Ер тилидан қилинган бу нидо жуда ғайритабiiй ва оддий туюлиши мумкин. Лекин унинг замирида нақадар катта моҳият ва мазмун, муаррихнинг эътиқод ва ихлоси, авлодларга аждодларнинг, илоҳий руҳиятнинг нидолари, огоҳлантиришлари ҳам ётибди, десак муболаға бўлмайди. Зеро, Абулғозий олий ҳукмдор ва истеъдодли ижодкор сифатида, авваламбор, дину диёнатни, эътиқодни ҳамма нарсадан ҳам устувор билади. Шу сабабли ҳам бутун умрини бағишлаган асар мукаддимасида инсониятни яратган Худои таолога ҳамду сано айтган ҳолда, Ердан, она заминдан ҳикоят бошлайди.

Она замин илтижолари ҳақдаги боб бугунги кун учун ҳам замонавий туюлади. Зеро, бугун ҳам Ер қуррасининг нотинч оловли нуқталари талайгина. Қаердадир инсоннинг худбинларча, ёвузларча ҳаракатлари боис уруш таҳдидлари орта бормоқда, террорчилик деган офат-бало қўланкадек ҳар ер, ҳар ерда изғиб юрибди. Ундан Ерни, ўз юртингни омон сақлаш бугун чинакам ватанпарварлик намунаси деб баҳоланади, инсоният фарзанди, қолаверса, бир улуг юрт фарзанди сифатидаги инсоннинг бурч ва мажбуриятларини эслатиб туради. Бу ҳам “Шажараи турк” сабоқларидир.

*Гарчи ер пойингда ҳозир, бедор,  
Билгилким, бўлолмас лоқайд, бепарво.  
Ахир оёқлар бор, теккан жой гулзор,  
Ахир қадамлар бор, тиг каби гўё.*

## Азаддан мўътабар

Тарихий асарларда аёллар сиймоси кўп ҳам акс этмагандай туюлади. Аммо бир қарашдагина шундай. Аслини олганда барча воқеа-ҳодисалар, эврилишлар, хонлару бекларнинг, саркардаларнинг ҳаётлари замирида мўътабар аёллар қиёфалари ҳам бевосита, ҳам билвосита акс этиб туради. “Шажараи турк”да ҳам бунга мисоллар оз эмас.

“Ўғузхоннинг дунёга келганлигининг зикри”да муаллиф бағоят меҳру ихлос билан таъриф этган, туркий кўплаб элу элатларнинг бобокалони дея эътироф этилган миллий қаҳрамоннинг келгусидаги бутун шон-шавкати, юксак мартабаларга эришувчи Ўзхоннинг қизи билан боғлиқдир. Бу бокира киз ўз умрини мусулмончиликка, эрига меҳру садоқатга бағишлайди. Ўғузхонга қарата “Сен не йўлда бўлсанг, мен шу йўлда бўлайин” дейди. “Ўғузхон ани кўп севар эрди” дея таъкидланади асарда.

Ҳатто ўз отаси, мусулмончиликни тан олмаган Қорохон Ўғузхонни овда юрганида тутиб ўлдиришга қарор қилганида Ўзхоннинг кизи унинг жонини сақлаб қолади. Яъни, душманлар фитнасида уни хабардор қилади.

Қиссадан хисса шуки, агар оқила ва тадбиркор рафикаси ғанимлар туғдирган кулфатларга калкон бўлмаганида Ўғузхон ҳалок бўлиши мумкин эди. Яъни улкан тарих узилиб қолиши хавфи туғиларди. Ўзхоннинг кизи мардлик ва жасорат, садокат кўрсатиб, бунга йўл қўймади.

“Шажараи турк”да сўз юритилган тарихий шахслар ҳақида маълумотларда уларнинг хотинлари зикри алоҳида ўрин эгаллайди. Масалан, “Ўгадой Қооннинг тўрт мўътабар хотуни... бор эрди. Улуғ хотунининг оти Бурақчин, иккинчи хотуни Туракина Маркит халкидин эрди”. Бу таъкидларга аёлларга нисбатан қўлланилган “мўътабар”, “улуғ” сўзларининг ўзида уларнинг нуфузи ва эътибори мужассамлашган.

Абулғозий Баҳодирхон ўз онаси ҳақида алоҳида тўхталган. “Эмди онамиз тарафин айтилиг. Онамизнинг оти Меҳрибону хоним...”

“Ёдгорхонда отамиз билан онамизнинг отаси кўшулдур. Олти ёшқа етканда онамиз ҳақ раҳматига кетди”.

Қўплаб тарихий ёзма манбалар сингари “Шажарайи турк” ҳам аёлларимизнинг азал-азалдан улуғу мўътабарлигидан такрор далолат беради.

*Кимки шиқ йўлинда бир бор бўзлаган,  
У ушбу дунёни, ҳаётни кўзлаган.  
Сўнгга бутун умр ифтихор билан,  
Онадан гап бошлаб, аёлдан сўзлаган.*



**Қайси миллат равнақу тараққиётни  
истаса, тарихини билиши лозим бўлади,  
зеро, тарих бир кўзгуға ўхшади, ҳар бир  
қавм ўзининг аҳволи ва ижтимоий ҳаёт  
қоғдаларини унда кўриб, яхшини ёмондан  
фарқ қиладиган бўлади.**

**ФИТРАТ**



**Барди ЖУМАНИЁЗОВ**

## ҚЎШИҚЧИ ТАНЛАШ

Жўрабойнинг тўйи бошланиши арафасида муаммо пайдо бўлди. Тўйга қайси хонандани таклиф қилиш масаласи. Буни ҳал қилиш учун тоғаю, аммалари, оғанилари куёвнинг уйига кенгашга йиғилишди.

– Қани менга айтинглар-чи, тўйга қайси артистни чақирмоқчисанлар, – дея гап бошлади катта тоға Жумрат ака.

– Куёв тўрага Тошкентдан Гулёра хонишни келтириб бериш керак эмиш, – деди куёвнинг отаси Жамшид ака.

– Гулёра хониш ким? – яна сўради Жумрат ака чой ҳўплаётиб.

– Анаву бор-у “Бай-бай” деб қўшиқ айтадиган...

– Тошкентдан ўзи келарканми? Ким билади “ставка”си қанча? Машинангни сот-сак ҳам етмас. Нима, ўзимизда камми? Дарахтни силкитсанг қўшиқчи ёғилади. Телевизорга қара оламни қўшиқчи босгандай. Буларни ҳеч бири айвонингга қош бўлолмайди. Ота-онанинг гапига ҳам қулоқ солиш керак, бўтам.

– Гулёра бўлмаса, Қуйчи ошиқни келтириб берасанлар, деб оёқ тираб олган, – деди онаси Фотима хола.

– Қуйчи ошиғинг қанчага келишини биласизми ўзи? – деди чўрт кесиб Жумрат ака. – Қалин пули унинг олдиди писта пўчок. Кўрпангга қараб оёқ узат! – Кейин Жамшид акага қараб қўшиб қўйди. – Ўғлингнинг оғзига қараб ўтирма! Бундайроқ, ставкаси пастрок қўшиқчидан топ. Қиз танлашдаги азоби ҳам етади.

– Майнахонни олиб келсак қандай бўларкан? – бу гал аммаси Сурмахон бахсга қўшилди.

– Гармончи халфани айтаяпсанми? Бўлмайди.

– Ҳозир у гармонини отиб юбориб, эстрадний бўлиб кетган. Эшитганмисиз “Қизаравераман-қизаравераман”ни.

– Қизариб юраверсин. Бўлмайди дедимми, бўлмайди!

– Унда Булбулбоевга айтсак, – деди куёвни укаси Сухроб.

– Эй қўйсанг-чи, – Жамшид ака кошини чимирди. – Осмон бўйи сакраб ўйнаб, хит қилиб юборади.

– Хониш хиргойи-чи? – гапга қўшилди акаси Тўлқинбой.

*Барди ЖУМАНИЁЗОВ – 1954 йилда туғилган. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтини (ҳозирги ТДПУ) тамомлаган. Асарлари вақтли матбуотда эълон қилинган.*

– Йўқ! – деди Жумрат ака. – Тўйдан кейин яна пул сўрайди. Ана Карим аканинг тўйида кистир-кистир бўлмади деб, яна пул сўраган. Махаллақўм раиси лицензиянгни кўрсат, деган экан, жуфтакни ростлаб кочди.

– Бўлмаса кизик-кизик кўшиқларни айтади-ку... Хаҳ тилимни учида турувди-я, нимайди...

– Қўшиғини айтинг, кимлигини айтаман, – деди куёв.

– “Денгизга кара, осмона кара, юлдузга кара...”

– Сайроқбоев. Шуни келтирсак ҳам бўлади.

– Унга пулинг етмайди, – деди Жумрат ака. – Ставкаси “Куйчи ошиқ”никидан ҳам баланд.

– “Бир ёмон бўлиб кетаман”ни айтган ким эди?

– Шамшир Куйларов! Ҳозир у Америкада. – Гапга қўшилди укаси Сухроб.

– Таннозхон-чи? Халфанинг кизи.

– Бўлмайди тўйни эркак ашулачи ўтказгани маъкул. Гулзод Шариповга айтамыз.

– Асло! – ўрнидан туриб кетди куёв. – Насихат кўшиқларини айтавериб хит килиб юборади. Насихат кўшиқка ўйингга тушиб бўладими ахир?

– Эй, менга кара, – муҳим гапни айтмоқчидай ховлиқди Жумрат ака. – Ахир бошлиғимни ўғли кўшиқчи-ку. Айтмасак бошлиғининг тўйга келмай қолиши мумкин.

– Рост! – деди Жамшид ака бошлиғи эсидан чиққанидан афсусланиб. – Бу ёғини ўйламабмиз.

– Менга Дўрилдибой Бўкирдиевнинг кераги йўқ, – деди куёв астойдил. – Агар тўйга айтсанглр мен уйланмайман!

Хуллас, тўйга ҳамма нарса тайёр бўлса-да, кўшиқчининг номи маълум бўлмади. Ахир тўй кунини хонандалар белгилайди-да. Якин кунларда Жўрабойнинг тўйи бўлиши аниқ. Бироқ, қайси кўшиқчи келиши ҳамон номаълум...



**Кудзи билан қувноқлик инсон  
ҳаётини безамаганда. билмадим,  
одам боласи қанча умр кўрарғи.**

**Саид АХМАД**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 3 август кунини мамлакатимиз ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашув ўтказди. Учрашувда миллий маданиятимиз, адабиёт ва санъатимизни ривожлантириш билан боғлиқ долзарб масалалар, уларни ҳал этиш йўллари, бу борада ижодий уюшмалар ва давлат ташкилотлари олдида турган муҳим вазифалар ҳақида атрофлича фикр алмашилди.

Самимий ва очик мулоқот руҳида ўтган йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари раҳбарлари, Бош вазир, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, Вазирлар Маҳкамаси комплекслари, вазирлик ва идоралар, йирик компания ва хўжалик бирлашмалари, маданият муассасалари, театр ва музейлар раҳбарлари, адабиёт ва санъат, маданият соҳаларининг атоқли намоёндалари ҳамда журналистлар иштирок этишди. Видеоконференция шаклида ўтган учрашувда Қорақалпоғистон Республикаси Жўкорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, Маданият вазирлиги, ижодий уюшмаларнинг ҳудудий бўлимлари, жойлардаги теле-радиоканаллар, газеталар муҳаррирлари, ижодкор зиёлилар катнашди.

Видеоконференцияда маъруза қилган Президентимиз Шавкат Мирзиёев маданиятимиз ва санъатимизни ривожлантириш жараёнлари, бу борадаги ижобий тенденциялар билан бир қаторда кўзга ташланаётган айрим салбий ҳолатлар, счмини кутаётган долзарб муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари ҳақида ҳам алоҳида тўхталиб ўтди. Ижодий уюшмалар, Маданият вазирлиги ҳамда унинг таркибидаги бирлашма ва ташкилотлар фаолияти чуқур таҳлил этилган маърузасида Президентимиз “Ўзбекистонда адабиёт ва санъат, маданият, оммавий ахборот воситалари, маънавият ва маърифат бизнесга айланмаслиги шарт ва бунга ҳеч қачон йўл қўймаймиз” дея алоҳида таъкидлади.

Президентимиз бўлиб ўтган очик ва самимий мулоқотнинг аҳамияти, мантикий натижаси ҳақида сўз юритиб, **“Бизнинг ҳавас қилса арзийдиган буюк тарихимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган улғ аждодларимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган бекиёс бойликларимиз бор. Ва мен ишонаман, насиб этса, ҳавас қилса арзийдиган буюк келажатимиз, буюк адабиётимиз ва санъатимиз ҳам албатта бўлади”**, деган фикрни катъият билан таъкидлади.

Учрашувда сўзга чиққан адабиёт ва санъат, маданият соҳаларининг атоқли намоёндалари, таникли ижодкорлар кўрсатилётган юксак эътибор ва ғамхўрликлар учун Президентимизга ташаккур билдиришар экан, янгидан-янги ижодий ғоя ва ташаббуслар билан яшашга, кўрсатилётган эътиборларга яраша албатта ижобий натижалар билан жавоб қайтаришга ваъда беришди.

Шу йилнинг 5-7 июль кунлари Республика ёш ижодкорларининг Зомин семинари Она Ваганимиз ўз истиқлолининг 26 йиллигига тараддуд кўраётганлиги боис, “Фидойинг бўлғаймиз сени, Ўзбекистон” шиори остида бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизнинг турли вилоятларидан келган 70 га яқин ёш қаламкаш ўз ижодий ишлари билан катнашди.

Семинар ишини кузатиб бориш мақсадида таникли ёзувчилар, шоирлар, давлат ва жамоат арбоблари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

Анжумани Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али ва Жиззах вилояти ҳокими, Республика Олий Мажлиси Сенати аъзоси Улуғбек Узоқов табрик нутқи билан очдилар.

Жиззах вилояти ҳокими ўз нутқида Жиззах шаҳрида давлат арбоби ва улуғ адиб Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллигига бағишлаб ёзувчига қўйилаётган ёдгорлик монументи ҳамда бу меъморий обидага ҳамоҳанг тарзда муҳаббат куйчилари Ҳамид Олимжон ва Зулфия сиймолари акс этган ҳайкаллар ҳамда маданият ва адабиёт хиёбони барпо этилаётганини маълум қилди.

Сўзга чиққан Ўзбекистон халқ шоирлари, Олий Мажлис Сенати аъзолари Икбол Мирзо, Энаҳон Сиддиқова, адабиётшунос олим, академик Бахтиёр Назаров, Қорақалпоғистон халқ шоири, Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Кенгесбой Каримовлар мамлакатимизда маънавият, адабиёт соҳасида олиб борилаётган туб ислохотлар, ёш ижодкорларни қўллаб-қувватлашга қаратилаётган юксак эътибор, уларнинг ёруғ келажагига билдирилаётган ишонч, китоб мутолааси, китобхонликни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳақида алоҳида тўхталиб, ёш ижодкорларга омад тиладилар.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси “Ижод” жамоат фонди томонидан биринчи китоблари нашр этилган жаззахлик ёш ижодкор Чарос Ёқубова, наманганлик Нилуфар Абдурахимова, сурхондарёлик Малоҳат Нуриддиновалар сўзга чиқиб, кўрсатилаётган ғамхўрликлар учун Президентимизга миннатдорлик изҳор этишди. Айни шуқуҳли лаҳзаларда Зоминга бағишлаб ёзган шеърларини ўқиб бердилар.

Семинарнинг иккинчи куни адабий жанрлар бўйича ташкил этилган шўъбаларда семинарнинг асосий ижодий машғулотлари бўлиб ўтди. Таниқли шоир ва ёзувчилар, адабиётшунос олимлар тегишли жанрлар бўйича семинар иштирокчилари билан ижодий машғулотлар олиб боришди. Машғулотларда ёшларнинг ижод намуналари, қўлёзмалари батафсил таҳлил этилди, уларга бадий маҳорат ва ижод сирларига оид керакли маслаҳатлар берилди. Адабиётнинг долзарб масалалари бўйича устозлар ва шогирдлар ўртасида савол-жавоблар, қизиқарли баҳс-мунозаралар бўлиб ўтди.

Кечки пайт “Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга кураимиз” мавзусида Ватанимиз мустақиллигининг 26 йиллигига бағишланган катта мушоира бўлиб ўтди. Унда адабиётимизнинг турли авлод вакиллари – устоз адиблар, шоирлар, ёш ижодкорлар навбатма-навбат минбарга чиқиб шеър ўқидилар.

Семинар иштирокчиларига Президент совғалари, Ёзувчилар уюшмаси сертификатлари, “Ижод” жамоат фонди китоблари ва Жиззах вилояти ҳокимлигининг мукофотлари топширилди.

\* \* \*

Тошкент шаҳридаги “Kitob olami” савдо мажмуасида ёзувчилар Муҳаммад Али ва Тўлқин Ҳайит қаламига мансуб Соҳибкирон Амир Темурнинг шарафли ҳаёт йўли акс эттирилган “Амир Темур қалбида чақнаган нур”, таниқли олим Жумабой Раҳимовнинг “Адолат ва қудрат тимсоли” китоб-альбоми ҳамда Тўлқин Ҳайит муаллифлигидаги “Буюк салоҳият соҳиби” китобларининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

МУНДАРИЖА

ДУРДОНА

Муҳаммад Раҳимхон ФЕРУЗ. Мунаввар оразинг чун моҳи анвар.....4

ПУБЛИЦИСТИКА

Пўлат БОБОЖОНОВ. Сўз кадрини баланд тутган эл.....8  
Баҳром РЎЗИМУҲАММАД. Йилларга татигулик кун.....138

НАЗМ

Эркин САМАНДАР. Менинг юрагимда бордир сувратлар.....13  
Гавҳар ИБОДУЛЛАЕВА. Қуёш эрур сизнинг севингиз.....33  
Йўлдон ЭШМУРОДОВ. Ташқарида қолди ёлғизлик.....78  
Болтабой БЕКМАТОВ. Қўнғилда не бўлса, кўзда тошилгай.....81  
Аҳмаджон ЙЎЛДОШ. Ойни кўриб юзингми дедим.....86

ДРАМАТУРГИЯ

Муҳаммад А.ИИ. Ҳиндистон маликаси.....38

НАСР

Комил АВАЗ. Ичон қалъадаги ойдин кеча. Эссе.....127  
Шухрат МАТКАРИМ. Икки ҳикоя.....19  
Маъруф МЕНГЛИ. Ота. Ҳикоя.....75

ЁШЛАР ДАФТАРИДАН

Ҳаёт дарахтини чизиб бер менга.....92

БУ БЎСТОН САҲНИДА

Шоира ҚАЛАНДАРОВА. Фироқинг зарраси қалбим.....123

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Моҳигул ЮЛДАШЕВА. XX аср Хива тазкирачилиги.....88

МУТОЛАА

Эгамберди МУСТАФОЕВ. Икки дoston ҳақида.....143  
Раҳмон ФАРМОҶОВ. Тарихга янгича ёндашув.....147

ТАЛҚИН

Сотим АВАЗ. “Шажараи турк” хайратлари ва сабоқлари.....166

МУНОСАБАТ

Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ. Тарихнинг шафқатсиз сабоқлари.....153

ИЖОДИЙ КЕНГАШЛАР

Собир ЎНАР. “Адабиёт жим тургани йўқ...”.....100  
Рисолат ҲАЙДАРОВА. Умумадабий кайфиятни нима белгилайди?.....106  
Дилмурод ХОЛДОРОВ. Қиссалардан хиссалар.....115  
Гулноза САТТОРОВА. Ҳикоячилигимизнинг бугунги киефаси.....118

УНУТМАС МЕНИ БОҒИМ

Улдибиби ОТАЕВА. Илик табассум-ла бойчечак қулар.....161  
Муҳаббат САФОЕВА. Бир жуфт беҳи. Эссе.....164

БОЛАЛАР ДУНЁСИ

Оллоберган ПЎЛАТ. Сув қуяман гулимга.....150

ГУЛҚАЙЧИ

Барди ЖУМАНИЁЗОВ. Қўшиқчи танлаш.....172  
Адабий ҳаёт.....174

# Шарқ юлдузи

2017

7-сон

Муассис:

**ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР  
ЮШМАСИ**

\* Муаллифлар фикри таҳририят ижодий жамоаси нуқтан назаридан фарқланиши мумкин. Таҳририятта юборилган материаллар муаллифларга қайтарилмайди.

Журнал ОАК эътироф этган нашрларнинг 10.00.02 “Ўзбек адабиёти” ихтисослиги бўйича рўйхатига киритилган.

\* Журналга обуна даврий нашрларни етказиб бериш билан шугулланувчи барча ташкилотлар орқали амалга оширилади.

Обуна индекси – 911

**Манзилимиз:**

100127, Тошкент шаҳри,  
Ислом Каримов кўчаси, 16-а уй.  
Телефонлар:  
227-00-81, 245-22-99, 245-27-87  
www.sharqyulduzi.uz  
e-mail: sharqyulduzi1931@mail.ru

Босишга рухсат этилди  
14.08.2017 йил.

Когоз бичими 70x108 1/16.  
Офсет босма усулида офсет  
когозида босилди.  
Босма табоғи 11,0.  
Шартли босма табоғи 15,4.  
Нашриёт ҳисоб табоғи 17,2.  
Адади 2430 нусха.  
Буюртма № 353

Журнал Ўзбекистон Маtbуот ва ахборот агентлигида 05.02.2016 й.  
0562-рақам  
билан рўйхатга олинган.  
Ғафур Гулом номидagi НМИУ  
босмаҳонасида чоп этилди.

**Корхона манзили:**

Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани,  
Лабзак кўчаси, 86-уй.  
Журнал ойда бир марта  
чоп этилади.

**Мусахҳих:**

*Дилфуза Маҳмудова*

Саҳифаловчи-дизайнер:

*Мадина Абдуллаева*

# Унутилмас лаҳзалар



*Шоир дўстлари ва мухлислари билан*

Хр. 108000



*Нафиса Гилманова. Анорли натюрморт.*

*Хурматли журналхонлар!*

*2018 йил учун “Шарқ юлдузи” ва “Звезда Востока”  
журналларига обуна бошланди.*

*Журналларимизга барча обуна ташкилотлари ёки  
тахририятимиз орқали обуна бўлишингиз мумкин.*

*Обуна индекслари: “Шарқ юлдузи” – 911*

*“Звезда Востока” – 831*